

Рўзимбой Жуманазаров
Абдулла Собиров

ТУЯМЎЙИН
ВА
ТУЯМЎЙИНЛИКЛАР




УРҒАНЧ - 2003 ЙИЛ

31.277

Питнак шаҳри ва Амударё Туямўйин гидроузели қурилганлигининг 30 йиллигига бағишланади.

Ушбу қисса Ҳазорасп тумани, Питнак шаҳар ҳокимликлари, “Туямўйинсувқурилиш” Очиқ Акциядорлик Жамияти, 20-сон Қурилаётган Корхоналар Бирлашган Дирекцияси ҳомийлигида тайёрланди.

Муаллифлар китобни тайёрлашга яқиндан кўмаклашган мазкур идоралар раҳбарлари, мутахассислари, шунингдек, қимматли маслаҳат ҳамда таклифларини баён этган фахрийларга ўзларининг самимий миннатдорчилигини изҳор этадилар.



W 30445
29,

© Хоразм нашриёти — 2003 йил,
© А.Собиров, Р.Жуманазаров.

МУҚАДДИМА

Дунё аҳамиятига молик улуғ ва ўлмас ишлар, воқеалар, боринги тасодифан зоҳир бўлгучи ҳодисалар ҳам бирданига ёки ҳечам қутилмаганда рўй бермас экан. Танг қоларли жойи эса шуки, баъзи оламшумул воқеа ва ҳодисалар кишилар кўз ўнгида ўнларча, юзларча йиллар олдин зоҳир булар ва башорат қилинаркан.

Тарихий манбаларда битилишича, Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Ҳазрат Али /Али Ибн Абу Толиб/, Соҳибқирон Амир Темур сингари ўлмас сиймоларнинг бир кунмас - бир кун дунёга келиши, юрт сўраб, жаҳонгашталиқ қилишини одамлар олдиндан билишган.

Ўрта Осиёда энг йирик сунъий денгиз - Туямўйин сув омбори қурилишига илк ишорани эса кимсан, минг йилча муқаддам Марв таҳтини сўраган Султон Санжар Мозий қилган. Ана шу ярим ҳақиқат - афсона билан боғлиқ воқеа одамлар хотирида ҳамон яшаб келади.

Буюк ишларнинг бошида шубҳасиз буюк кишилар туришади. Тажовузкор шоҳ Султон Санжар жўшқин Жайхунни бир ҳамла билан тўса олган экан, демак унинг қудрати ва улуғлигига ҳам тан бермоқ зарур. Ҳозирги замондошларимизнинг буюклиги эса шундаки, улар асов дарёни мўмин дарёга дўндиришди, Жайхунни эл ризқи - насибаси ҳаққи - ҳурмати тўсишди. Амунни жиловлабгина қолишмади. Уни дўстлик, биродарлик, қон-қардошлиқ тимсоли, камарига ҳам айлантиришди.

Туямўйиндаги дунё аҳамиятига молик яратиш - бунёд этиш ишларига Шароф ота Рашидовдек аллома инсонлар бош бўлишган. Исмоил Жўрабеков, Малиёр Худойберганов, Солижон Мамарасулов, Малиёр Қиличев, Александр Корниенко, Юсуф Шержонов, Виктор Духанин, Искандар Юсупов, Иван Курцев, Василий Андрюшенко, Рустам Абдуллаев, Рўзим Ҳусайнов, Полиёз Ризаев, Жумабой Бобоев, Қозоқ Холимбетов, Қаландар Сафоев, Раҳим Эшчонов, Отахон Матёкубов, Қадам Ражабов, Виктор Цой, Рўзим Тоҳиров, Вазген Насибян, Василий Великанов, Сафарбой Бобожонов, ака- ука Маткаримовлар, Геннадий Бодигин, Амирбой Юсупов, Нурмат Йўлдошев, Султон Ражабов сингари қалбидан

ўт чакнаган, билагидан куч, юрагидан меҳр, Ватан туйғуси оққан ажойиб авлод вакиллари эса Аму хуружидан азоб чеккан халқ орзу - умидларини рўёбга чиқариш ва то мурод ҳосил бўлиб, асов дарё нур ва ҳаёт дарёсига дўнмагунча тиниб - тинчишмаган. Керак бўлса жон олиб, жон ҳам беришган. (Улуғ ишлар бошида турган куйи бандаликни бажо келтирганларга Яратганнинг марҳамати ёғилгай).

Тошсоқадан Дарғон-Отагача бўлган қарийиб 150 километр масофа бўйлаб барпо этилган саҳни 65 минг гектар, сизими 7,8 кубокилометрлик улкан сунъий денгиз, дунё микроблигининг энг ноёб ва мураккаб иншоотларидан саналган салобатли сув ўтказиш туғони, сув билан ҳаракатланувчи гидроэлектростанция, 10 га яқин мураккаб сув тақсимлаш иншоотлари, 9 ўринда барпо этилган жами узунлиги 45 километрлик мустаҳкам ва салобатли ҳимоя дамбалари, бутун бошли “Питнак” шаҳри, “Хоразм автомобилсозлик” заводи, Ўзбекистон қанд-шакар саноатининг энг йирик ва тўнғич корхонаси - “Хоразм-шакар” заводи, қолаверса Туямўйин - Урганч - Манғит, Туямўйин - Нукус - Тахтақўпир магистрал сув қувурлари, суткасига 600 минг кубометр ҳажмдаги сувни тозаловчи улкан қўш иншоот Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошхўвуз вилоятларида ўзлаштирилган ўн мингларча гектар экинзорлар, улар ва улар сингари юзларча, мингларча кишилар меҳнати қаҳрамонона жасорати ва мардлигининг меваси бўлди. Бу янглиғ кўламдор ишлар атиги чорак аср мобайнида рўёбга чиққанига бир қарашда ақлинг бовар қилмайди. Фидойилиқ, ватанпарварлик, жасорату, матонат бўлса - шунча бўлар.

Орзу ва интилишдан ҳам кўра қудратлироқ куч йўқ бу дунёда. Туямўйиндаги бунёдкорликлар маҳсули оддий меҳнат эмас, балки мардлигу қаҳрамонликлар, кураш ва жонбозликлар баробаринда яралган асрий обидалар. Бу улуғ жасоратни авлодлар тоабал унутишмайди.

Кимсасиз дашту - биёбонда барпо этилган сон-саноқсиз бино ва иншоотлар ажодлар жасоратининг ёрқин намунаси, ёдгорлиги тимсолида асрлар бўйи қад ростлаб, эндиги авлодларни ҳам доимо жўшқин меҳнат ва курашга ундаб турса ажабмас.

І. ТИЗГИНЛАШ

1. Тўрабекхоним

Тарихий ривоятларда қайд этилишича, ушбу минг йиллик бошларида Марв (ҳозир Туркменистон жанубидаги вилоят) подшоҳлиги тахтини идора қилган Султон- Санжар Мозий мамлакат сарҳадларини кенгайтириб, ягона қудратли давлат барпо этиш, шу минтақа халқларини бирлаштириш сиёсатини юргизган. Бу ниятнинг рўёби йўлида кўпинча зўравонлик сиёсатига суянган. Унинг яхши қуролланган ва таълим кўрган кўшини ҳатто ўзидан анча кучли ва қудратли лашкарлардан ҳам ҳайиқмаган, бу йўлда ҳийла - найранг ишлатилган ҳоллар ҳам бўлган.

Кўпдан - кўп халқлар ва юртларни ўзига тобе этиб, ягона, қудратли мамлакатни юзага келтирган Султон пировардида кўшниси Хоразм билан ҳам бирлашиш ниятини дилига жо этади.

Ўша кезлар куч ва қудратда танҳо ҳисобланган Хоразмга кўшин тортишнинг эса ўзи бўлмасди, албатта.

Марв Султони ҳужумга узоқ фурсат ҳозирлик кўради. Куч етарли тупланганлигига ишонч ҳосил қилгач эса юришга амр этади.

Кўшниси сарҳадларига ҳад - ҳудудсиз лашкар билан етиб келган Султон Хоразмшоҳ ҳузурига чопар йўллаб, шоҳнинг гўзаллик ва ақлу-фаросатда ягона қизи — Тўрабекхонимнинг кўлини сўраттиради. Башарти хон ва унинг қизи таклифга рози бўлишса қон тўкишга ҳожат қолмайди, акси бўлса... Афсуски, Тўрабекхоним Султон - Санжарга ҳам, отасига ҳам рад жавобини беради. Бундан воқиф бўлган Султон эса жангга ҳозирликни бошлаб юборади. Хоразмшоҳнинг ҳар жой, ҳар жойдаги тарқоқ кўшини бу жангга Марв Султонининг бирлашган кучларига дадил пешвоз чиқолмасди. Ўз кучига батамом инонмаган Султон ҳам очикчасига жанг қилишдан ўзини олиб қочади. Ниятига осонликча етолмаган Марв Султони юртни қамалга солади. Аммо Хоразм сингари бой мамлакат

халқи қамалга мардонавор дош беради. Бу ҳол узоққа чўзилади. Ҳар икки томоннинг ҳам тинкаси қуриydi. Хоразмда очарчилик, Султон қўшини орасида эса парокандалик бошланади. Марв Султони шунда ҳам ниятидан қайтмайди. Пировардида Султон охири чорани ишга солади. Ўзи макон тутган Туямўйин адирликларини емириб, Жайхун тор ўзан бўйлаб бурилиб оқётган жойда дарёни тўсишга амр этади. Оқибатда азим дарё йўналишини ўзгартириб, ҳозирги Копараз, Султон-Санжар, Кўшбулоқ (Туямўйиндаги жой номлари) орқали Қорақум саҳроси томон оқа бошлайди. Дарё тўсилиши оқибатида воҳанинг гуллаган шаҳру - қишлоқлари вайронага айланади. Боғлар қуриydi, экинлар нобуд бўлади. Очликдан азоб чеккан юрт энди сувсизлик дардига ҳам гирифтор бўлади. Хоразмшоҳ бари бир ниятидан қайтмайди, юрти дарвозасини ғанимга очмайди. Мамлакатни ҳалокатга етақлаётган маъшум қаҳатчиликни кўрмай ҳам, куймай ҳам дея қоронғу хонага қамалиб, бағрини захга берганча ётиб олади. Тўрабекхоним эса оғир виждон азобида. Аркони давлат ҳам лолу-ҳайрон. Азобу - уқубатлардан халос бўлиш йўллари шоҳга баён этишдан эса ҳамма ожиз. Дунёга доврўғ солган мамлакатнинг ўз худбинлиги боис ҳалокатга юз тутаётгани Тўрабекхонимга туну - кун тинчлик бермай қўяди. Мамлакат тақдири қил устига чиққанини аниқ - равшан билгач эса охири, аммо, яккаю - ягона қарорга келади:

- Султон ҳузурига боришдан ўзга чора йўқ, - маслаҳат солади у отасига.

Ота розилик бермайди.

- Отажон, мени овми қизлардан санаманг, ўйлаганларимни амалга оширишга изн беринг, - бари - бир бўш келмай дейди шоҳ қизи. Пировардида Тўрабекхоним ниятини отасига ётиғи билан тушунтиради. Чорасиз қолган шоҳ охири қизининг пешонасидан ўпиб, ризолик беради. Шундан сўнг подшоҳнинг амрига биноан мамлакатнинг турли тарафидан қирқта тойчоғи бўлган қирқта эмизикли бия топиб келинади. Гурганчдан Питнаккача бўлган масофа бўйлаб, 40 жойда отлар вақтинчалик боқиб, совутиб турилгучи хуфя бекатлар тайин этилади. Шундан сўнг малика йўлга отланади. Тўрабекхоним бекатларнинг биринчисида тойчоғини, иккинчисида эса она бияни қолдирганча 40 бекат йўл босиб, Султон ҳузурига етиб боради.

Маликани катта тантаналар билан кутиб олишади. Султон эса нияти амалга ошаётганидан ўзида йўқ хурсанд.

- Тўй кунини тайин этсанг, - талаб қилади қиз отдан тушмай.

- Намунча, олдин меҳмоним бўлгин, ташрифинг шарафига базм амр этай, - жилмайиб дейди Султон.

- Мен-ку асирангман, ҳузурингда турибман, ўз оёғим билан келдимми, демак сеникиман, юртга қайтиш ниятим йўқ. Биз бу ерда тўй базмини бошласаку - нарёқда ота-онам, халқим азоб чекиб ётса.

- У ҳолда хўш хизмат? - сўрайди Султон.

- Яғона шартим бор: дарёдаги тўғонни буткул олиб ташлайсан.. Ана шундан кейингина чодирингга бемалол кираман. Ҳозир эса ўзинг билан бирга тўғоннинг бузилишини кузатамиз.

Султон рози бўлибди. Омон қолган лашкар охириг кучини тўплаб дарёни тўсиқдан холи этибди. Сувнинг боши бир икки жойдан эски ўзанга бурилгани ҳамано тўғон ўз - ўзидан ювилиб кетибди.

- Энди, ўзингга ҳам хуш ёқадиган охириг таклифимни эшит, - дебди қиз Султонга маънили тикилиб, - Мен билан пойгага чиқасан. Ютиб чиқсанг сенинг юртингга бориб яшаймиз, ютолмасанг пойтахтни Хоразмга кўчирасан.

Фикри - хаёли бутунлай Тўрабекхонимда бўлган Султон, бунга ҳам ризолик билдирибди. Бедов отлар сахро томон ўқдай учибди. Тўрабекхонимнинг остидаги бия тойчоғини хўпам согинганмасми, охириг бекат сари елиб кетибди. Султон билан оралик масофа тобора узоқлашибди. Отлар бири - биридан одам овози элас - элас эшитилгучи масофагача узоқлашганда Султон овозини тўплаб қичқарибди.

-Майли қайтгин, мен енгилдим, инон - ихтиёрим сенда.

Тўрабекхоним бунга жавобан отини хиёл секинлатиб дебди.

-Мени асирангга айлантириш нияти дилингда пайдо бўлгандаёқ ютқазгандинг.

Тўрабекхоним шу сўзларни айтиб, отига тағин қамчи босибди. Ўлжа қўлдан чиқаётганини кўрган Султон ҳам отини беаёв қистабди. Орадаги масофа анча қисқариб, Султон - Санжар Тўрабекхонимга этай - этай, деб қолибди. Шу орада Тўрабекхоним, ўзи жўнаб кетган охириг бекатга яқинлашиб қолибди. Тойчоғининг безовта кишнашини узоқдан эшитган бия бор кучини тўплаб олга ингилибди. Бекатга омон - эсон етиб олган малика ўша заҳотиёқ отини тойчоғи ёнига қолдириб, иккинчи бияга ирғиб минибди. У ҳам тойчоғи сари кушдай учибди. Султон ва навкарларининг ҳолдан тойган отлари эса қочқинларнинг чангига ҳам етолмай қолибди. Аламзада Султон эса “Жувон, дур” (“дур” сўзи хоразм ва туркман лаҳжасида “тўхта” маъносини англатади) дея ҳайқарибди. Қувишдан фойда чиқмаслигини англаган хон шу ердан орти-

га қайтибди. Одамлар бу жойни кейинчалик “Жувондур” деб атай бошлашибди. Тўрабекхоним бўлса она шаҳри - Гурганчга қайта мавжланган Жайхун билан бир вақтда етиб олибди. Боғ ва далаларга қайта жон кирибди, одамлар яна экин - тикин ишларини бошлашибди. Мамлакат ҳаёти ўз измига қайтибди.

2. Ҳақиқатми ёки афсона? (изох)

Султон Санжар Мозийни мағлуб этган шоҳ қизи — Тўрабекхоним ҳақида ҳозир эл оғзида турли ривоят ва ҳикоялар юради. Замондош ёзувчилардан Фозил Зоҳид, Саъдулла Сиёев, Эркин Мадраҳимовлар эса бу номни бадиий адабиётга ҳам олиб киришган.

Хуш, Тўрабекхоним аслида ким?

У ҳақиқатдан ҳам тарихий шахсми?

Бу саволларга тарихий ҳужжатлар, ашёвий далиллар, топилмаларгина жавоб бериши мумкин. Афсуски, биз истаган ва излаган ана шундай ишончли ҳужжатлар то ҳануз топилганича йўқ. Аммо, Аму узоқ ўтмишда тўсилган беш бармоқдай аён. Дарёга Султон Санжар томонидан тўсик солингани бор гап.

Тўрабекхоним сингари мард ва жасур аёллар - шубҳасиз халқимиз фаҳри-ифтихори. Бироқ, бизни масаланинг иккинчи жиҳати қизиқтиради. Ният юқоридаги афсона мазмунидан келиб чиққан ҳолда Амунинг мозийда тўсилган ёки тўсилмаганлигини китобхонга баҳоли - қудрат баён этиб беришдан иборат.

... 1965-1971 йиллар оралиғида чап қирғоқдаги Туямўйин каналининг бошланиш қисми ўзани ва Амударёдаги тўғон котлованини қазиш чоғида қутилмаган ҳолат рўй берди.

Қазув ишлари чуқурлиги маълум нуқтага етганда қурувчилар қачонлардир пиширилган ва тартиб билан тахлаб қўйилган хумларнинг катта-катта уюмларига дуч келишди. Идишлар шу қадар катта эдики, баъзилари ичига 250-300 литр сувни бемалол сиғдирад, катта ёшли одам ичига тушса бўйи зўрга кўринарди. Фалатилиги эса шундаки, барча хумларнинг ичи кум билан зичлаб тўлатилганди.

- Биз келишимиздан илгари бу ерда қозоқлар оҳак пиширишган. Балки бу ўшаларнинг ишидир, хулоса қилиб, - деди кимдир. Ўшанда қазувчилар бу хумларни оддий бир топилмага қийслаб қўя қолишган, унинг замирида не сир яширинганини эса деярли ҳеч ким фаҳмламаганди.

- Дўстларим, агар билсангиз нари - бери воқеанинг эмас,

жуда катта тарихий аҳамиятта эга бўлган ҳақиқатнинг гувоҳи бўлиб турибмиз, - деди хитоб билан қурилишнинг ўша кезлардаги раҳбари, марҳум Юсуф ота Шержонов, - Шунақада, улуғ ишларга қўл урганлар, буюк воқеаларга ҳам дуч келиб туришади, - деди у пировардида жудаям теран маъно англаувчи иборани ҳайломуз оҳангда баён этаркан.

- Мозийда ҳукмронлик қилган Султон Санжар қўшини Жайхунга тўсиқ солганидан ҳабардор эдик. Аммо, дарё айнан қайси нуқтада ва қай йўсинда тўсилганини ҳеч биримиз билмасдик.

Юсуф ота топилманинг аҳамиятини изоҳларкан, дарё айнан Туямўйинда ушбу воситалар ёрдамида тўсилганини ётиги билан тушунтириб берди.

Ҳа, аждодларимизнинг улуғ ишларидан далолат берувчи ашёвий далиллар, қолаверса халқ афсонаси замиридаги тарихий ҳақиқат қурувчилар кўз ўнгида мана - ман, деб турарди.

Кўзаларни кейинчалик Ленинграддаги археология институтига жўнатишди. Бир неча асрлар муқаддам ясалиб, дарёга тўғон солиш мақсадида ишлатилганлигини мазкур институт ходимлари тасдиқлаб беришди.

“Туямўйинсувқурилиш”га қарашли 1-кўчма механизациялашган колоннанинг собиқ бошлиғи, меҳнат фахрийси Ёқуб Отахонов шундай ҳикоя қилади..

- 1970-80 йиллар оралиғида Туркменистоннинг Копараз, Султон Санжар, Шайхариқ мавзеларидаги ўнларча катта - кичик, аммо ташландиқ қабристонларни бошқа жойларга кўчирдик. Аждодларимиз ҳоки бўлгуси сув омборлари тубида қолиб кетмаслиги учун ҳам шундай қилинди. Оддий қабр ва қабристон эмасди улар. Ҳар бир қабр ва қабристондан аскар кийимлари ва қурол - аслаҳаларнинг қолдиклари, ҳатто эгар - жабдуқлар, кулоллик буюмлари ҳам топилди. Уларни кўриб бу жойларда бир вақтлари катта тарихий аҳамиятга молик воқеалар рўй берганига иймон келтирдик.

“Жувондур” атамасининг Султон - Санжар воқеасига алоқадорлиги ҳам маълум кечмишимизга бўлган шубҳа - гумонларни бартараф этишга хизмаг қилади. Зеро мазкур номдаги қишлоқ кечмиши билан боғлиқ оддий афсона - чўпчак замирида чинакам ҳақиқат, тарихий факт ётганига энди шубҳа йўқ. “Жувондур” сўзи қувилиш факти, қувишнинг ўзи эса Хоразмга қилинган юриш ва дарёга солинган тўғон воқеалари билан чамбарчас боғланиб кетган. Султоннинг бир оғиз “Жувондур” деган хитоби, қишлоққа шу номни бериш учун мантиқий асос бўлганлигини англаб олиш мушкул эмас. Ўйлаб қаранг, шоҳ ва унинг бир дурас навқарлари қий - чувла-

шиб, қизни қувлашгани овми (оддий) қишлоқ аҳли учун сираям эслан чиқмайдиган воқеа. Шоҳнинг “Жувондур” деган хитобини эса одамлар ҳар кун эшитишмайди. Демак, бу - қишлоқ ҳаёти учун ғайри табиий ва мисли кўрилмаган ҳайратомуз воқеа. Воқеага мантиқий нуқтаи назардан ёндошилса қизни таъқиб қилаётган Султон ва навкарларининг ҳайқкириғи эшитилган жой кейинчалик шу ном билан атала бошлагани ғоят табиий ҳол саналиб, ҳеч кимни ажаблантирмайди. Тўрабекхонимни қувиш билан боғлиқ воқеаларни мазкур қишлоқ аҳли ҳозир ҳам тез - тез эслаб туради. Шундай қилиб, “Жувондур” қишлоғининг маъносидан кўра бу номнинг пайдо бўлишига олиб келган сабаблар қизиқарлироқдир. Шуларга асосланиб, қуйидаги хулосани чиқарамиз. Ҳақиқат билан афсона ораллиғида турган мазкур қишлоқнинг номи чиндан ҳам Султон - Санжарнинг кучли руҳий ҳолатдаги қичқирғи натижасида ҳосил бўлган. Бундан чиқди, Тўрабекхонимни Султон ҳузурига унинг халқи ва ватанига бўлган ёрқин меҳри - муҳаббати етаклаган. Малика шоҳга ўз халқининг хоҳиш - иродасини етказган. Талабини ғоят ишонарли тарзда тушунтира олган ва шоҳ бу шартни қабул қилишдан ўзга илож тополмаган. Пировардида неча ойлар мобайнида охириги кучлар эвазига тўсилган дарё яна очиб юборилган. Тамомила ҳолдан тойган Султон қўшини ҳарчанд уринса ҳам дарёни қайта тўсолмаслиги аниқ бўлиб қолган. Ана шуларни хаёдан ўтказган Султон жон - жаҳди билан қизни таъқиб этган. Аммо на маликага ета олган, на Хоразмни маҳв этолган.

3. Қирларга муҳрланган излар

... 1878 йилнинг киши ниҳоятда қаттиқ келди. Ҳатто кечалари дарахтларда тунаб қолгучи чумчуқ, қарғалар ҳам совуқ забтидан заранг қотиб, қорли замин бағрига тап - тап қулай бошлади. Одамлар уй-уйига қамалиб олишди. “Қиш қаттиқ келса, баҳор бахайр бўлади”, дейишди ўшанда совуқ забтини яхшилиққа йўйган қариялар. Руслар босқинидан то ҳануз ўзига келолмаган маҳаллий аҳоли ўша кезлар она табиат эҳсонига интиқ бўлиб яшарди. Йўқ. Қиши қилич қайраган элга баҳор ҳам мурувват кўрсатмади. У юртга талай кулфату, ғам - андуҳларни бошлаб келди. Воҳа худудида кўлбола усулда омонатгина қурилган дамбалар Жайхуннинг катта тошқинига дош беролмади. Ихота воситаларини бир нечта жойдан ўпириб кетган кучли оқим шиддат билан ўзини Кўҳнадарё (Амударё бир неча асрлар муқаддам Орол денгизи томон эмас балки, ҳозирги Сарикамиш чўкмаси томон мазкур ўзан орқали оққан.

Маҳаллий аҳоли уни Кўхна дарё, деб атайди)га уради. Воҳанинг кўп қишлоқлари, экин ва боғлари тошқин домига тушади. Аҳоли кўп жабр кўради. Тошқин оқибатида Сарикамиш кўли сатҳи яна 8 метрга кўтарилади.

Табиатнинг бу янглиғ кўпол ҳазили замирида не сир ётганини албатта билмоқ, ўрганмоқ, имкон топилса келгуси фалокатларнинг олдини олмоқ ниятида чора кўрмоқ талаб этиларди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхон Соний (Феруз)нинг шахсан розилигини олган Русия императори Александр II Хоразмга инженер А.И.Глуховский раҳбарлигида махсус тадқиқот гуруҳини жўнатади. Айни пайтда Россия жуғрофия жамияти ҳам рўй берган фалокатни ўрганмоқ ниятида алоҳида комиссия тузади.

Амуни жиловлаш, турли фалокатларнинг олдини олиш, қолаверса Хоразмдаги кўламдор мироблик тадбирлари, шу санадан бошланган экан-да, дерсиэ.

Йўқ. Амунинг ёввойи феълени ўрганиш, воҳада мироблик иншоотларини барпо этиш билан боғлиқ тадқиқотларнинг учи ўтган асрга эмас, балки, ундан ҳам неча - неча йироқ манзиллар: асрлар, борингки минг йилликларга бориб тақалади. Юқорида келтирилган тарихий факт эса Жайхуннинг бебошлиғи ва унга қарши кўрилган тадбирлардан бир лавҳа холос.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, хоразмликлар воҳани сув билан таъминлаш, ариқ - каналлар қазииш, ер ўзлаштириш, деҳқончилик қилиш ишлари билан ҳатто Султон-Санжар босқинидан ҳам неча асрлар муқаддам: кўхна Шарқ цивилизацияси оврўполиклар учун ҳам бир орзуга айланган даврлардаёк шуғуллана бошлашган.

“Ўзбекистон ирригацияси” китобида таъқидланишича, Амударёнинг қуйи қисмида каналлар қазииш ва суғорма деҳқончиликни қарор топдириш соҳасидаги дастлабки амалий ишларга эрамиздан аввалги II-минг йиллик ўрталарида киришилган. Дастлаб табиий равишда ҳосил бўлган пайкалларда, кейинчалик эса сув йўллари яқинида экин ундиришга мослаштирилган далаларда деҳқончилик қилинган. Қулдорлик тузуми амал қилган эрамиздан олдинги IV-V асрларда эса анча йирик мироблик тармоқлари вужудга келтирилган.

Хоразм қишлоқ хўжалигининг ҳақиқий юксалиши Ўрта Осиёнинг кўпгина воҳалари Кушон империяси таркибига кирган ҳозирги эранинг дастлабки асрларига тўғри келади. Бу ерда аллома миробларнинг ҳақиқий мактаби юзага келган, математика, гидротехника, хариташунослик, фалакиёт соҳасида дастлабки қадамлар ташланган, сув сатҳини кузатиш ва вақ-

ти - вақти билан ўлчаб туриш ишлари йўлга қўйилган. Йирик мироблик иншоотларини қуриш ва мавжудларидан фойдаланиш иши буларсиз амалга ошмасди албатта.

XIII асрга келиб, Туямўйин текислигидан Сарикамиш чўкмаси ва Орол денгизигача бўлган ҳудуддаги суғорма деҳқончилик далалари ниҳоятда катта майдон - 2 миллион гектарни ташкил этган.

Воҳадаги энг йирик сув йўли - Урганч магистрал канали XVII асрда қазилиб, унинг соҳилида Хоразм вилоятининг ҳозирги маркази - Урганч шаҳри, шунингдек Вазир мустаҳкамланган қалъаси барпо этилган. Қадимги (Мадра) кейинги номи Газиоб (Гозовот) канали қайта тикланган. Шу асрнинг 80 - йилларида эса жанубий Хоразмнинг энг йирик сув иншоотларидан ҳисобланган Ёрмиш ва Шоҳобод (Шовот) каналлари қазилган. Ёрмишнинг узунлиги 96 чақирим, ўртача кенлиги 17,5, чуқурлиги 2 метрни ташкил этган бўлса, Шоҳобод каналининг узунлиги 113 чақирим, кенлиги 30, чуқурлиги 3,5 метрга етказилган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида эса ўрта асрларда барпо этилган баъзи суғориш иншоотлари; чунончи Жанубий Хоразмда Қиличчиёзбой, Қоракўз, Полвонёп-Тошсоқа каналларини қайта тиклаш ишларига киришилган.

Воҳа тақдири ҳамisha Амударёнинг ҳолатига боғлиқ бўлганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Асов Жайхун воҳа ва унинг аҳлига ҳамisha таҳдид солиб турган. Аҳоли муттасил қўрқув ва таҳлика остида яшаган. Жайхуннинг бебошлиғи ва инжиқликларига қарши кўп асрлар мобайнида сабот - матонат билан кураш олиб борилгани айни ҳақиқат. Бу жараёнда асов дарёнинг табиати, тошқин ва “дагиш” (дарё қирғоқларининг кучли сув оқими таъсирида емирилиб, ўзани муттасил ўзгариб туриши)га қарши кураш усуллари ҳам ўрганилган. Бу борадаги қўламдор ишлар ўз - ўзидан рўёбга чиқмаган. Сув йўллари муттасил тозалаб, ҳар йили миллион - миллион кубометр ҳажмдаги қазийш юмушларини уддалаш, соҳил бўйлаб кўпдан - кўп сувдан ҳимоя воситаларини бунёд этиш учун ниҳоятда кўп маблағ ва ишчи кучлари зарур бўлган.

Каналларнинг бошланиш қисмларида ҳар баҳор фасли 12 кунлик “Бегор” ва “Қазув” тadbирлари ўтқазилганлигини қариялар то ҳануз айтиб ва эслаб юришади.

Қўрилган тadbирлар қанчалик кўп ва кенг қамровли бўлмасин, бари - бир асосий муаммо - турли фалокатларга сабаб бўлаётган асов дарёни жиловлаш ва уни белгиланган ўзандан оқишга мажбур этиш борасидаги орзу - ниятлар ечим топмай қолаверди. Одамлар дарёни айнан Туямўйин ёки Тахиятош-

дагина жиловлаш ва улкан сув омборини қуриш билан муаммо ечим топишини узоқ асрлар мобайнида идрок этолмай келишди, идрок этиш палласи келганда эса куч ва маблағдан қийналишди. Бунинг устига ғоят қудратли техника воситаларисиз бу ишга жаҳд қилиб бўлармиди. Хулласи, ҳар неки юмуш, воқеа вақти - соати етиб, мавриди келгандагина рўёбга чиқаркан. Ҳатто тасодифий воқеа ва ҳодисалар ҳам пишиб этилгачгина содир бўлади.

Амударёнинг қуйи қисмини илмий асосда ўрганиш томон дастлабки йирик қадамлар Русияга Пётр-1 императорлик қилган йилларда ташланди. Капитан А.Бекович -Черкасский бошлиқ махсус экспедиция Волга дарёсидан Каспий денгизи орқали Амударёгача бўлган сув йўлини аниқлаш, пировардида эса афсонавий Ҳиндистонга қатнов очиш топшириги билан йўлга чиқади. Бироқ, бу уринишларнинг бари муваффақиятсиз тугайди.

1718 йили қуйи Амударё томон князь Урусов раҳбарлигида яна бир экспедиция жўнатилади. Бу экспедиция ҳам худди биринчиси сингари фалокатга учраб, орқага қайтади.

Шундан сўнгги тадқиқот ишлари орадан бир ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, яъни - юқорида эслатилган 1878 йил тошқини воқеаларидан сўнггина давом эттирилади.

Бевосита Туямўйин билан боғлиқ тадқиқот ишлари эса 1924 йили бошланади. Хоразмдаги магистрал каналларининг сув ўтказиш қувватини аниқлаш мақсадида ташкил этилган излаш партияси ўша йили ишга киришади. Шундан кўп ўтмаёк эса Амударё дельта мажмуи бошқармаси /УПРАДИС/ тuzилади, 1941 йили у Амударё мироблик каналлари бошқармаси /УПРАДИК/ га айлантирилади. Қайта тuzилган бошқарма зиммасига лойиҳа-излаш, тадқиқот ишлари билан бирга қурилиш, фойдаланиш борасидаги юмушлар ҳам юклатилади. Ўрта Осиё Республикаларида сув иншоотлари қурилишлари юзасидан, лойиҳа-тадқиқот ишларига ихтисослашган энг йирик ташкилот «Средазпроиз» грести (кейинчалик эса «Сазгипровод» институти) эса ундан ҳам илгари 1929 йилдаёк вужудга келтирилганди. Воҳада суғориш ишларини яхшилашга қарата Амударёнинг қуйи қисмида иккита йирик сув таъминоти иншооти - Туямўйин ва Тахиатош гидроузелларини қуриш масаласини дастлаб ана шу институт олимлари ўртага ташлайдилар ва у собиқ СССР Госпланининг техник-эксперт кенгаши томонидан ҳам маъқулланади. Таклиф этилган лойиҳада чап қирғоқдаги мавжуд магистрал каналларнинг бошланиш тармоғидаги барча сув ўтказиш иншоотларини бир нуқтага жамлаш зарурлиги қайд этилган эди. Туямўйиндаги

бош иншоотдан бошланувчи мазкур магистрал каналлар жами 315 минг гектар ерни оби - ҳаёт билан таъминлаши, дарёга қуриладиган гидроэлектростанция эса соатига 2000 киловатт ампер нур энергияси ишлаб чиқариши кўзда тутилганди. Бевосита Туямўйин гидроузелини бунёд этиш соҳасидаги дастлабки лойиҳалаш ишлари эса 1932 – 1934 йилларда ўтказилди. Дастлаб сув иншоотининг схематик лойиҳаси тахт этилди. Унда катта сув омбори ва ГЭС биносини бунёд этиш ҳам кўзда тутилди. Таассуфки, тадқиқотлар амалий ишлар учун асос қилиб олинмади: Русиялик тадқиқотчи В.М.Георгиевскийнинг монографияси саҳифаларинигина беади холос. 30 - йилларнинг бошида Султон - Санжар туз кони ва қўли тадқиқотчи А.И.Дзэнс - Литовский томонидан ўрганиб чиқилди. Жами 37 жойда бурғулаш ишлари ўтказилгач, қўл тубининг 0,75 дан 3,5 метргача бўлган қисми туз билан копланган, деган хулосага келинди. Тадқиқот ишлари 1937 - 1938 йилларда ҳам давом этди. Урганчдан Даргон-Ота (Туркменистондаги туман) гача бўлган 200 километрлик масофа тадқиқотчилар томонидан қадамба - қадам ўлчаб ва кузатиб чиқилди.

30-40 йиллар оралиғида воҳада жами 10 га яқин турли экспедициялар иш олиб борди. Кўламдор тадқиқотлар урушдан кейин яна давом эттирилди. Урушгача ўтказилган кўпдан - кўп тадқиқотлар Амударёнинг Туямўйин қисмида Ўрта Осиёда энг катта сунъий оби-ҳаёт ҳавзаси ва йирик гидроэлектростанция иншоотини бунёд этиш бўйича яхлит ва аниқ-равшан лойиҳаларнинг вужудга келиши заминига айланди. Лойиҳа - тадқиқот ишлари йил сайин кенгая ва кўпая борди.

60 - йиллар бошида бу йўналишдаги лойиҳа – тадқиқот ишларини уюштириш, йўналтириш ва мувофиқлаштириб бориш соҳасидаги вазифалар “Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши лойиҳаси” (“Ўзгипроводхоз”) институти зиммасига юклатилди. 1965 - 1970 йилларда Амударёдаги асосий сув иншоотларининг узил - кесил лойиҳаси ишлаб чиқилди. Туямўйин гидроузели – “Ўзан”, “Копараз”, Султон – Санжар, “Кўшбулок” сув омборларининг лойиҳа топширигини Бутуниттифоқ “Гидропроект” (собик) институтининг Куйбишев (ҳозир Самара) бўлими, техник - ишчи лойиҳа хужжатларини эса мазкур институтнинг Ўрта Осиё бўлими тадқиқотчилари тайёрлаб беришди. Мисли қўрилмаган миқёсдаги катта ҳажмли қурилиш монтаж ишлари эса дастлаб “Ўзглаводстрой” (“Ўзбекистон сув хўжаликлари қурилиши” бош бошқармаси), кейинчалик Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилди.

4. Омадини берса шофёрдан ҳам тилмоч чиқаркан.

- Ҳа, шундай. Гарчи шофёр эсамда тилмочлик қилишимга ҳам туғри келган, - ўша йилларни кула - кула хотирларкан дейди Отахон ака.

Қизиқ. Умри дашту - биебонда ўтаётган шофёрга қайси хорижлик мадад истаб мурожат қилибди экан?

Хулласи калом, Отахон Маматурдиевнинг тилмочлик фаолияти тарихнинг ғаройиб саҳифалари, воқеалари билан боғланиб кетган. У кишининг атиги 2-3 йиллик таржимаи холига разм солган киши Туямўйиндаги катта жасоратнинг ёрқин саҳифаларини ўқиб олади.

- Ҳамон кечагидай ёдимда, - ҳикоя қилади Отахон ака, - 45 йилча муқалдам ғайри-табиий равишда ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни эсларкан, - Шорловуқдаги давлат пароходчилиги идорасида шофёр бўлиб ишлаётгандим. Кунларнинг бирида кимлардир дарё бўйига чодир тикиб, ён - атрофдаги ерларни ўлчаб юришганини, "Судобеккер" машинаси ҳам борлигини, аммо уни ҳайдаш учун шофёр излашаётганини эшитиб қолдим. Гапнинг рости, шофёрликка талабгорлар кўп эди. Бироқ, умри қишлоқда, дала - даштда ўтган киши узоқ Руссиядан келган "Анжарол" (инженер - муҳандис демоқчи) лар билан тиллаша олармиди? Хулласи калом, ғалва ишга ҳеч ким унамади. Ўшанда тавакқал қилдим. Шофёр қилиб олишлари сўраб ариза бердим. "Судобеккер"да ишлашга ҳавасим зур эди-да.

Отахон аканинг саргузаштлар билан йўғрилган романтик ҳаёти шундан сўнг бошланади.

Чапани одамга иш топилса бас, оғир ёки енгилининг эса аҳамияти йўқ. Буюрилган иш учун ҳатто ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр.

Дастлабки кезлари Отахон ака ҳатто кимга хизмат қилаётгани ва не юмушга дахлдорлиги билан ҳам қизиқмайди. Унга "Судобеккер"и бўлса бас. Буюрилган ишга эса йўқ демайди.

- Ўрис акалар Туямўйин гидроузелининг расмини чизиш билан шуғулланишаётганини бир неча ой хизмат қилгачгина англаб етибман. Тўғриси айтсам, мени "Судобеккер"римдан бўлак ҳеч нарса қизиқтирмаган. Машина гижинглаб турса бас, тоққами, боққами, чўлгами фарқи йўқ, ҳайдайвераман. Ўша кезлар бутун дунёга арзирли катта ишларнинг жиловида бўлганимизни орадан шунча вақт ўтгачгина фаҳмлаб турибман.

Хўш, Отахон ака ўша йиллари кимларга хизмат қилган ва не ишларнинг жиловида турган?

... Иш столимизда калинлиги нақд ёстиқча келадиган каттагина китоб - альбомни бир - бир варақлаб ўтирибмиз. Вақт ўз ишини қилибди: саҳифалар сарғая бошлаган. Муқовага битилган номнинг ўзиёқ китобдаги ёзувларнинг анча жиддийлигидан далолат беради.

Туямўйин гидроузелининг яхлит лойиҳа топшириги шу китобга жойланган. Қалинлиги юзларча саҳифадан иборат ушбу тарихий асарни С.Я.Жук номли Бутуниттифоқ (собик) "Гидропроект" лойиҳа - ахтариш ва илмий тадқиқот институтининг Куйбишев (Самара) шоҳобчаси олимлари ва муҳандис - тадқиқотчилари битишган. Унда қайд этилишича излаш, ўлчаш ва лойиҳа чизиш ишлари нақ 2,5 йил - 1962 йил баҳоридан 1964 йил кузигача давом этган. Юзларча киши оламшумул хайру - савоб ишларга бош қўшган. Китобда Ўрта Осиёда энг йирик сунъий денгиз тарhini атрофлича акс этгиришдек бағоят жиддий ва маъсулиятли вазифани сидқидилдан ўтаганларнинг исми - шарифлари бир - бир келтирилади. Келаси авлодлар шу янглиғ улуғвор ишларнинг йўл кўрсатувчилари кимлар бўлишганини албатта билиб қўймоқлари, билибгина қолмай хотирда сақламоқликлари, ўз навбатида келгуси авлодларга етказмоқлари ниҳоятда муҳимдир. Илмий тадқиқот институти филиалининг бошлиғи ва бош муҳандиси А.Ф. - Варпатовичнинг номи рўйхатга биринчи бўлиб ёзилган. Шунингдек, лойиҳа бош муҳандиси Е.Н.Маркевич, бўлим бошлиғи Б.А.Бушуев, муҳандислардан И.Ф.Продвенков, А.И.Сергеев, катта техник Б.С.Балдов, кичик техник Ю.А.Маркинов, далани ўлчаш ва ҳисоблаш муҳандиси Э.М.Роцина ва бошқа ўнларча кишиларнинг номи ҳам рўйхатдан жой олган. Тадқиқот ишларини асосан мазкур шоҳобчанинг 25, қисман эса 13 - экспедицияси амалга оширган. 25 - экспедициянинг Туямўйинга юборилган партиясига В.П.Страдубцов, катта муҳандис Ф.И.Ульрих, 13 - экспедиция партиясига эса В.П.Кельцовлар раҳбарлик қилишган. П.Ф.Жугина лойиҳанинг бош геологи вазифасини бажарган.


Куйбишевлик лойиҳачилар 2,5 йил мобайнида жуда кенг ва чуқур миқёсли излаш, ўрганиш, ўлчаш, ҳисоблаш, чизиш, қазиш, намуна олиш, хариталаш, суратга тушириш каби ишларни амалга оширганлар. Тошҳовуздан Дарғон - Отагача бўлган катта масофанинг табиий, геологик ва гидрологик шароити қадамба - қадам ўлчаб чиқилган, кўздан кечирилган. Лойиҳачилар шунингдек Туямўйинда иш олиб борган турли экспедицияларнинг фаолиятини ҳам бирма - бир таҳлил этиб, эътиборга лойиқ жойларини ўз тадқиқотларига асос қилиб олишган. Чунончи, Урганчдан - Дарғон - Отагача бўлган участкани

1937 - 1938 йилларда ўрганиб чиққан москвалик, Питнак - Даргон - Ота участкасида 1941 - 1942 йиллари нефть излаш юмушлари билан шуғулланган туркменистонлик, Қорақалпоғистон - Тошхөвүз участкасини 1934 йилда текшириб чиққан тошкентлик тадқиқотчилар, шунингдек бевосита Туямўйиннинг ўзида 1932 йили Ўрта Осиё Давлат гидротехника иншоотларини лойиҳалаш институти томонидан ўтқазилган текширишлар, 1947 йили Даргон - Ота районини ўрганган Ўрта Осиё мироблик системалари идорасининг хулосалари ушбу кенг кўламли изланишлар учун гоят қимматли манбага айланган. Куйбишевлик тадқиқотчиларнинг ўзи эса 1962 йили 78, 1963 йили 35, 1964 йили 64 километр масофани 100дан 600 метргача кенгликда комплекс тарзда ва батафсил ўрганиб чиқилган.

Ўлкан гидроузелни барпо этиш биргина қурилиш жабҳаси билангина боғлиқ эмаслигини китоб матнидан яққол илғаб оласиз. Бу янглиғ ноёб, катта ва мураккаб муҳандислик иншоотини қурмоқ учун биргина шу минтақанинг эмас, балки Ўрта Осиёдаги уч Республика - Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистоннинг табиий жуғрофик, иқлим, геологик, гидрологик ва экологик шароитлари, деҳқончилик ва мироблик тарихи, ҳатто аҳолининг этник гуруҳланиши, турмуш тарзи, машғулоти, урф - одатлари, табиийки Амударё ва бошқа катта - кичик сув манбалари, гидротехника иншоотлари ҳақидаги ва шу сингари қатор маълумотлар ҳам зарурлигини балким кўпчилик билмас.

Китобга жамланган факт ва рақамлар қурувчи ёки миробнинггина эмас, балки ҳар биримизнинг эътиборимизни ўзига жалб этади. Уларнинг айримларини қизиқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз:

Жами узунлиги 1460 километрга чўзилган Амударё бир неча миллион йил олдин Вахш ва Панж дарёларининг ўзаро бирлашуви натижасида ҳосил бўлган. У иккита участкадан иборат. Дарёнинг шарқий участкаси тоғли минтақалар бўйлаб оқиб ўтса, ғарбий участкаси Сурхондарёдан Орол денгизигача бўлган текислик масофани ўз ичига олади. Оқим тезлиги секундига ўртача 1-2 метрни ташкил этса, тошқин пайтларида 6-8, "Дагиш" палласида эса ҳатто 10-15 метргача етади. Дарёнинг ўртача эни 500-1200 метр, ороллар мавжуд участкаларда эса 3-4 километрдан иборат. Ўртача чуқурлиги 4-5 метр. Дарёнинг Тошсоқа участкасидан қуйи қисмида соҳил тупроғининг зичлиги катта эмас. Дарё ўз қиргоқларини шиддат билан емириб, ўзанини гоҳ ўнг, гоҳ чап соҳил томон тез-тез ўзгартириб туриши боиси ҳам ана шу.



1963 йил маълумотларига қараганда, дарё сувининг ҳар бир литрида 0,5-0,6 грамм маъданли тузлар мавжуд бўлган. И.А.Дзенс - Литовскийнинг таъқидлашича, биргина Султон Санжар кулида 140 миллион, унинг соҳилларида эса 10,6 миллион кубометр туз, 5 миллион кубометр шифобахш балчиқ бор. Лойиҳалаштирилган Султон Санжар сув омбори ўз бағрига 2,69 кубо километр ҳажмидаги оби-ҳаётни сиғдириши мумкин. Омбор сувга тўлгач, унинг ҳар бир кубометридаги тузлар миқдори 12,5 – 13 граммгача етади.

Шу боис чап қиргоқ магистрал каналига юбориладиган сувнинг 20 фоизини Султон Санжар, 80 фоизини эса, “Ўзан” сув омборидан олиш тавсия этилади. Шундай қилинса, сувнинг минераллашув миқдори ҳар кубометрига 3 - 3,2 грамдан ортмайди.

Барпо этиладиган сув омбори ўз бағрига жами 7,8 миллиард кубометр оби-ҳаётни сиғдира олади. У тўртта мустақил сунъий сув ҳавзасидан иборат. Куйбишевлик лойиҳачилар тавсия этган “Ўзан” омборининг узунлиги 35 километрга тенг бўлиб, Амуга тўғон солиниши натижасида рўй берадиган сунъий тошқин туфайли ҳосил бўлади. Унинг жами сув сиғими 2,34, фойдали сиғими эса 2,0 миллиард кубометрни ташкил этади. Сув сатҳи 30 минг 300 гектар. Копараз сув ҳавзасининг умумий ҳажми 960, фойдали ҳажми эса 550 миллион кубометр, сатҳи 7 минг гектардан иборат. Султон Санжар омборининг сув сиғимини юқорида эслатдик. Унинг сатҳи 14 минг 900 гектарга тенг, энг жанубий ва чеккадаги “Кўшбулок” сув омбори оби - ҳаётни Султон Санжар ҳавзасидан олади. Мазкур сунъий кўлга жами 1,61 миллиард кубометр сув сиғдирилади. Унинг 1,02 миллиард кубометрини эса қайтадан дарё ўзани ва магистрал каналларга оқизиш мумкин. Мазкур омборнинг кенглиги 1230 гектар. Сувнинг чуқурлиги баъзи жойларда 42 метргача етади (таққосланг: Амударёнинг ўртача чуқурлиги 3-4, тор ўзанли жойларда эса 6-8 метрни ташкил этади). Барпо этиладиган асосий сув тўсиш иншоотида сувнинг ўртача баландлиги ўн олти метрни ташкил этади яъни иншоотнинг юқори қисмидаги сув миқдори 130 шартли белгигача кўтарилса, қуйи қисмида 114 шартли белгигача етади. Иншоотнинг энг баланд кўприк қисми эса 135 шартли нуқтада (шартли нуқта – денгиз сатҳига нисбатан метр ҳисобидаги баландлик) жойлашган. Демак, Туямўйин сув омбори Болтиқ денгизи сатҳига қараганда 130 метр юқорида жойлашган.

Туямўйин дараси орқали Орол денгизи томон ҳар йили ўртача 58 миллиард кубометр оби-ҳаёт оқиб утади. Дарёдаги сувнинг сатҳи ва ҳажми ёғингарчилик миқдори, кишининг қаттиқ ёки

илиқ келишига боғлиқ равишда ҳар йили ўзгариб туради. Шунинг таъқидлаш жоизки, Амударёда сув сатҳи ва миқдорини ўлчаш ишлари 1911 йилга келгандагина бошланган. 1911-1933 йиллар оралигида ўлчаш дарёнинг Карки шаҳридан ўтган қисмидагина амалга оширилган. Туямўйин орқали ўтаётган дарё сувини ўлчаш ишлари эса 1934 йилдан бошланган.

Шундай қилиб, 1911-1963 йиллар орасида Амударёдан оқиб ўтган сувнинг энг оз ва энг кўп кунлик миқдори қуйидагича.

| Йил | Энг оз | Энг кўп | Йил | Энг оз | Энг кўп |
|--|--------|---------|---|--------|---------|
| Карки орқали (ҳар секундига куб/метр ҳисобида) | | | Туямўйин орқали (ҳар секундига куб/метр ҳисобида) | | |
| 1911 | 721 | 3640 | 1934 | 394 | 6380 |
| 1912 | 625 | 7900 | 1935 | 704 | 4940 |
| 1913 | 718 | 4490 | 1954 | 394 | 4900 |
| 1914 | 706 | 6060 | 1955 | 739 | 4000 |
| 1929 | 798 | 4240 | 1956 | 750 | 4500 |
| 1930 | 677 | 5390 | 1957 | 646 | 3330 |
| 1931 | 561 | 3810 | 1958 | 720 | 7080 |
| 1932 | 794 | 4710 | 1959 | 780 | 4550 |
| 1933 | 784 | 3750 | 1961 | 551 | 3010 |
| | | | 1962 | 517 | 3370 |
| | | | 1963 | 520 | 3280 |

Лойиҳа - тадқиқот ишлари жараёнида бу сингари факт ва далиллар кўп ва ҳўп ўрганилди ва Ўрта Осиёнинг гигант микроблик иншооти - Туямўйин сув омборини барпо этишда ғоят кўл келди.

Отаҳон ака ана шу сингари улуғвор ишларга камтарона улуш қўшган инсонлардан. Оддий кишиларнинг буюклиги ҳам шунда: не юмуш бўлса барига ҳозир - нозир, аччиққа ҳам, чучукка ҳам парво қилмайди, оғирни - оғир, енгилни эса енгил демайди. Энг ибратлиси, тарихий юмушлар, қаҳрамонона ишларнинг бошида эканини парвойига ҳам илмайди.

Лойиҳа - тадқиқот ишларига сидқидилдан мадад бериб, Туямўйиндаги қаҳрамонона ишлар солномасини бошлаб бер-

ган элдошларимизнинг сафи кенг. Улар нафақат жасорат намуналарини кўрсатишган, балки қалб амрила Туямўйинга келган турли миллат вакиллари билан дўстлик, қардошлик, биродарлик алоқаларини йўлга қўйишда ҳам мисоли кўприк ва зифасини ўташган.

- Ишқу ўз йўли билан, аммо турмушимиз ҳам ўзаро уйғунлашиб кетганди ўша паллада, - ҳаяжон билан ҳикоя қилади Отахон ака, - Русиялик дўстларимиз, дастлабки кезларда урф - одатларимиз нарёқда турсин, ҳатто тилимизни билмай роса қийналишди. Биз ҳам рус тилининг билагонларидан эмасмиз. Лекин, улар учун ҳам, ўзимизникилар учун ҳам биздан кўра яхшироқ тилмоч йўқ эди, ўшанда. Дўкон, бозорларга бирга бориб, узук - юлуқ ҳолда бўлсаям унинг айтганини бунга, буникини унга тушунтиришга ҳаракат қилардим. Тилни мукамал билмаслик оқибатида ҳатто русча сўзлар тамоман тескари мазмунда таржима қилинган кулгили ёки ачинарли ҳоллар ҳам бўлган. Аммо энг қувонарли ҳол шуки, рус биродарларимизнинг кўпчилиги сал фурсат ўтмаёк маҳаллий аҳоли билан апоқ - чапоқ бўлиб кетишди. Аҳоли уларни ҳеч қандай андишага бормаи тўй - маракаларга ҳам таклиф эта бошлади. Ниҳоятда оддий ва кўнгли очиқ кишилар эди: айтилган жойга жон - дил билан боришар, ҳатто дуо - фотиҳа каби мусулмонча урфларимизни ҳам биз билан бирга бажо келтиришарди. Машаққату - қийинчиликлар ҳам бисёр бўлган. Бир гал ҳатто ўлиб кетишимизга оз қолганди. Аёзли қиш кунларининг бирида ер ўлчаш ва бурғилаш учун Қорақум саҳросининг анча ичкарисига жўнадик. Ҳамма иш кўнгилдагидек битди. Аммо машғум кўнгилсизлик Питнақдан 50 километрча узоқда Султон - Санжар туз кони яқинида рўй берди. Кун бўйи туппа - тузук ишлаган "Судобеккер"им патиллаганча ўчиб қолди. Бу вақтда қош қорайиб, ниҳоятда аёзли тун аллақачон бошланганди. Уринишлар зое кетди. Машина тузалмади. Бакдан бензин олиб машғала ёқдик. Аксига олиб яқин атрофда ўтин - саксовул нарёқда турсин, ҳатто бирон чўп ҳам йўқ. Бензинни хаш - паш дегунча ёқиб тугатдик. Тонг отишига эса хали бир неча соат вақт бор. Музлаб қолмай деб машина атрофини зир айланганча югура бошладик. Барибир бўлмади. Шерикларимиздан уч - тўрт киши ҳушини йўқотаёзди. Кейин маълум бўлишича, ҳатто Русияда ҳам қиш биздаги каби қуруқ ва аёзли келмаскан. Башарти саксовул учун каллаи саҳарлаб саҳро томон йўл олган машина келиб қолмаганида, билмадим ҳолимиз не кечарди. Мехр - оқибат, раҳм - шафқат бўлса шунчалик бўлар. Ҳолатимизни кўрган ўтин тайёрловчилар, ҳечам иккиланмай ва истиҳолага бормаи машинамизни шатакка

олганча 50-60 чақирим йўл босиб қўйишганига қарамай орта қайтишди. Бир – икки кунлаб бирон йўловчи бошқа бировига ўзаро рўпара келмайдиган овлоқда чинакам халоскорларга дуч келганимиз – худонинг бир инояти бўлди. Акс ҳолда аллақачон ўлиб кетган бўлардик.

Ҳозир бутун халқимизга беминнат хизмат қилаётган улкан Туямўйин сув ва нур иншооти лойиҳаси ана шундай жасорат ва саргузаштли воқеалар баробаринда яралган. Буни сиз ҳам, биз ҳам билиб қўйганимиз маъқул, муҳтарам китобхон.

Туямўйин! Кимларни кўрмаган, не - не воқеалар ва ҳодисаларга гувоҳ бўлмаган, бу даштлар? Йиллар, ун йиллар, асрлар ўтса ҳамки уларнинг бари халқ ёдида, эл қалбида яшаяпти, йиллар сурони, асрлар силсиласи қир - адирлардаги бу изларни сидириб ташламаган. Улар ҳозир ҳам мана - ман деб турибди.

5. Туямўйин шерлари

Беистихола айтиш мумкинки, Юсуф Шержонов – ана ўша биз назарда тутаётган шерларнинг бири. Яна бир нарсани беистихола аммо, қиёсий - тимсолий тарзда таъқидлаш жойизки, Туямўйинни асрий мудроқликдан халос этган омил ҳудди ўша шерларнинг панжаси-ю, наъраси.

“Туямўйинга “буват” (тўғон) солинармиш”, дарё эса Султон – Санжар тоғининг ортига “қамаб қўйилармиш”, деган овозалар Питнак (Туямўйинга ёндош катта қишлоқ, Хоразм воҳасининг жанубий дарвозаси) ка 60 йиллар бошида етиб келди. Аммо, негадир “буват” қурилишини эмас, балки яъни канал қазувини бошлаб юборишди. Гап нелигини билмаганлар эса, буни “Ҳаммаси миш - миш экан, канал қазувини “буват”, деб тушуни-шибди” қабилида изоҳлаб қўя қолишди.

Аммо, бу ишларнинг бошида турган идора ва ташкилотларда ҳаёт тамомила ўзга ўзандан оқар, воқеалар ҳам бошқача тарзда ривожланарди. Энди бу ҳақда расмий ҳужжатлар, воқеаларнинг жонли иштирокчиларигина гувоҳлик беришлари мумкин.

Гапнинг очиги ва рўй - рост эса шу: Туямўйиндаги улкан бунёдкорлик аслида 1965 йилнинг кеч баҳорида катта магистрал канал қурилишига эксковаторнинг чўмичи илк бор тушган онда бошланган. “Туямўйин шери” номини олган Юсуф Шержоновнинг мазкур оби - ҳаёт чашмасини барпо этишдаги хизматлари катта. Аммо Республиканинг ўша пайтлардаги раҳбарияти, шахсан Шароф ота Рашидов сингари аллома элбоши, юртбоши кишилар бош бўлишмаганида, та-

шаббус кўрсатишмаганида бу янглиғ улкан сув йўлининг вужудга келишига ким ҳам қафолат бера оларди дейсиз? Хоразм меҳнаткашларининг Жайхун билан асрий кураши асов дарёнинг воҳа иқтисоди ва ижтимоий турмушига етказётган зиён - заҳмати Республика раҳбарларини жиддий чора - тadbирларга ундаётганди. “Амударёнинг қуйи қисмида фалоқатларнинг олдини олиш бўйича қўшимча тadbирлар ҳақида” 1965 йил 12 февралда Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор қабул қилганлигининг боиси ҳам ана шу...

... Туямўйиндаги илк қурилиш ташкилоти - Питнак қурилиш - монтаж бошқармаси ана шу қарор талаблари асосида таркиб топди. Бошқарма фаолиятини 1965 йил 1 мартдан бошлади. Бунгача эса Туямўйин номи остида наинки қурилиш - монтаж бошқармаси, балки бутун бошли трест фаолият кўрсатган. Гап шундаки, “Туямўйинқурилиш” деб номланган мазкур трест (бу трест замирида 1970 йил май ойида вужудга келган “Хоразмсовхоз-водстрой” трести, эндиликда “Хоразмирригацияқурилиш” ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсатаётган) маъмурий жиҳатдан вилоят маркази - Урганчда иш олиб борган. Туямўйинда эса оз сонли техник ва ишчи кучларидан иборат кичик бир участка ишлаб турган холос ва ўнга кейинчалик Туямўйиннинг номдор қурувчилари сафидан жой олган ажойиб ташкилотчи, билимдон муҳандис, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” Василий Фёдорович Андрюшенко (мархум - 1979 йил январь ойида хизмат вазифасини ўтаётган чоғда вафот этган) раҳбарлик қилган. Демак, “Туямўйинқурилиш” трестига қарашли Питнак қурилиш - монтаж бошқармаси ана шу участка базасида ташкил этилган. Дастлабки кезлари бошқарма бошлиғи ва бош муҳандиси вазифасини В.Ф.Андрюшенко вақтинчалик бажариб турган. 1965 йил май ойи охирида эса раҳбарликка Юсуф Шерзонов, бош муҳандисликка В.Ф.Андрюшенко тайинланган. Янги бошқарма таркибида фаолиятини бошлаган иккига участканинг бири бевосита Туямўйин магистрал канали (секундига 250 кубометр сув ўтказиш қувватига эга бўлган мазкур суғориш иншооти Туямўйиннинг қуйи қисмидан бошланиб, Республикалараро Тошсоқа магистрал каналигача бўлган 18 километр масофа бўйлаб қазилган ва шу каналга қўшимча равишда сув етказиб берган) қурилиши билан, яна бири Питнак уй-жой посёлкаси ва шу ердаги кам қувватли вақтинчалик ишлаб чиқариш базасини барпо этиш билан шуғулланган. Биринчи участкага ёш муҳандис Рустам Абдуллаев, иккинчисига эса Искандар Юсупов раҳбарлик қилишган.

Хоразм ва Тошқовуз вилоятлари экинзорларини сув билан таъминловчи Тошсоқа каналининг бошланиш қисмини

аксарият ҳолларда Амунинг бўтана лойқаси тўсиб қўяр, оқибатда воҳанинг оби - ҳаётга бўлган эҳтиёжини қондириш юмушлари мушкуллашгандан - мушкуллашарди. Қўшимча равишда канал қазииш билангина бу мураккаб вазиятдан халос бўлиш мумкинлигини эса тажрибали мироб - муҳандислар аллақачон исботлаб беришганди. Бўлғуси канал айнан ана шу мақсадга хизмат қилади. Туямўйин магистрал каналини барпо этиш Питнак қурилиш - монтаж бошқармаси жамоасининг асосий вазифасига айлангани боиси ҳам ана шу.

- Канал ўзанининг ер сатҳидан ўртача чуқурлиги 12-15, эни эса 60-70 метрни ташкил этарди, - ҳикоя қилганди қурилишга бевосита раҳбарлик қилган Ю.Шержонов, - Тошсоқа аҳоли пункти яқинида ўзанни 50-60 метрча чуқурлаштириш талаб қилинарди. Айтишгагина осон, бу сингари кўламдор юмушларни амалга ошириш. Оддий эксковаторлар билан кунига нари борса 100-200 кубометр тупроқ қазииш мумкин. Бошлиқнинг гапларида муболаға йўқ. Башарти шағалтошли участкага дуч келинса борми, эксковаторлар ишдан чиқади. Шундай бўлди ҳам. Қазув ишлари Шорловуққа етганда замин бағрини шағал ва харсанг тошлар анча зич ҳолатда қоплаб ётгани аён бўлди. Бу вақтга келиб, Хоразмда биринчи бор одимловчи эксковатор ҳам пайдо бўлганди. Аммо миллион - миллион кубометр тупроқ, тош ва шағал қазииш ишлари учун бу қудратли машинанинг қуввати ҳам камлик қилди. Қазувчилар мушкул ҳолатга тушиб қолишгани ҳақидаги хабар Республика пойтахти Тошкентга ҳам бориб етди. Енгинангда оққан сермавж Аму сувларини воҳанинг барча экинзорларига керагича етказиб бериш муддаоси Республика раҳбарларини амалий маладга ундагани шубҳасиз. Қазииш ишлари авж паллага кўтарилган 1968 йили Хоразмга илк "ЭКГ" (ЭКГ маркали эксковаторлар назарда тутилаяпти) етказиб келинди. Чўмичига бир йўла 4 кубометр тош ёки тупроқ сиғдира оладиган



бундай қудратли машиналаргина қазувчининг оғирини - енгил, мушкулени - осон қилиши мумкин. Бироқ, аввалги беунум, камқувват ва бечидам эксковаторлардан бўлак "дастёр"ларни тан олмаган айрим "техникапарвар" кишилар "ЭКГ" ларга

ишонқирашмади: “Темирнинг тиши тошга ўтарканми?”, дея пичинг қилганлар ҳам топидди. Деярли бешовқин ишлаб, (“ЭКГ” маркали эксковаторлар электр токи ёрдамида ишлайди) тоғу - тошни ямламай ютаётганини кўргач эса тил тишлаб қолишди. Мазкур эксковаторларни Сурхондарёдан қисмларга ажратган ҳолда Туямўйинга келтирган, бу ерда эса уларни яна йигиб, жой - жойига қўйган ва унинг қудратига онт ичиб кафолат берган муҳандислар эса маломатдан халос бўлишди. “ЭКГ” лар қурилишда чинакам бурилиш ясади. Мавжуд 2 та машинанинг қарийиб, 1,5 йиллик иши давомида канал тўла қазиб бўлинди. Жами бир неча ўн миллион кубометр тупроқ, тош ва шағал қазиб олинди.

1969 йилнинг кузида воҳанинг янги оби - ҳаёт томири тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Унда Республика раҳбари Шароф Рашидов, Хоразм обкомининг биринчи котиби Мадийр Худойберганов, Республика ҳукуматининг қатор раҳбарлари, вазирлар, Питнак аҳолиси, зарбдор қурилишнинг барча қатнашчилари ҳозир бўлдилар. Тўпланганларни Шароф Рашидов, Мадийр Худойберганов самимий табрикладилар. Қурилишнинг энг фаол қатнашчиларига ҳукумат мукофотлари, соврин ва совгалар топширилди. Бошқарма меҳнатчиларининг 4 йиллик тинимсиз кураши ана шундай катта ютуқ билан якунланди.

Канални эксковатор, бульдозер, скрейпер, самосвал машиналару, уларни моҳирона бошқарган техника жиловкорлари қазишгани рост. Аммо, етарли техника, моддий ва маиший турмуш базасисиз узоққа бориб бўларканми? Асосий бунёдкорлик ишлари эса хали олдинда. Бўйи 150, эни 30-40 километрдан иборат улкан саҳнли қурилиш майдони бунёдкорларга мунтазир.

... 1965 йил Питнак билан Шорловук аҳоли пунктини бир - биридан ўзаро ажратиб турувчи 3-4 чақиримча келадиган сайхонлик сон - саноксиз “уй” ва турли “бошпана”ларга тулиб кетган. Дашт бағридаги бу уйлар кимга тегишли ва уни кимлар қурган, дерсиз? Саволнинг жавоби жуда жўн, аммо уни кулгили, дея кўрманг.

Биз назарда тутган уйларни инсон зоти қурмаган ва табиийки уларда бирон киши яшамаган, яшаши ҳам мумкин эмасди. Сабаб: инсон боласи санаб адоғига етолмайдиган бу уйларни юмронқозиқ ва каламушлар қурган ва табиийки унда ўзлари то инсон қадами етунча бамайлихотир яшаб келишган. Канал қурилиши бу жонзотларнинг ҳаловатли турмушига чек қўйди.

Ёш муҳандис Рўзимбой Хусаинов бошлиқ бинокорлар темир йўл станцияси атрофида ростмана уй - жойлар, Лев Дран-

ников раҳбарлик қилган бунёдкорлар эса Туямўйиннинг дастлабки саноат базаси 1- сонли ёғочсозлик цехи қурилишини бошлашдию, дашт жонзотларининг ороми бузилди.

Гидроузел қурувчиларига аталган дастлабки иморат - Питнак темир йўл шох бекати яқинидаги 2 қаватли оморат четан уй (атиғи 5-6 йилга мўлжаллаб қурилган бу бинолар қарийиб 25 йил чидаб бергач: яқиндагина бузиб ташланди.) 1967 йили қуриб битказилди ва қурувчилар ётоқхонасига айлантирилди. Ана шундай қўлбола лойиҳа асосида бунёд этилган яна бир қўш қаватли четан деворли бинога эса Питнак қурилиш - монтаж бошқармасининг идораси жойлашди.

Таъкидлаш жоизки, турар жой бинолари ва саноат базаси қурилишлари атиғи битта участкада олиб борилгани йўқ. Айна пайтда Шорловук посёлкаси чеккалари ҳам катта қурилишлар майдонига айланди. Бу ерда бунёдкорлар учун анча мукамал гиштин уйлар қурилиши бошланди. Кенг кўламда бошланган бунёдкорлик ишлари ва Питнак, Шорловук ҳамда Тошсоқа аҳолиси ижтимоий турмушида муҳим аҳамият касб этган воқеа ҳам худди шу кезде рўй берди. Қурбонбой Аҳмедов бошлиқ қурувчи, монтажчи ва соловчилар узоқ Сурхондарёдан кучли энергопоезд составини Шорловукқа етказиб келишди. Бир жойда муқим туриб ишлайдиган мазкур поезд учун махсус темир йўл тармоғини ҳам қуришди. Монтаж, созлаш ишларига эса атиғи бир неча ой вақт сарфланди. Юқоридаги аҳоли пунктларига Тахиатошдан таралган нурчирок қуввати ҳали етиб келмаганди. Аҳоли хонадонлари, Шорловук пристани, мавжуд хизмат кўрсатиш нуқталари эса кунига атиғи бир неча соат ишлайдиган кам қувватли нурчирок двигателлари ёрдамидагина ёритиларди. Соатига 400 киловатт нурчирок қуввати ишлаб чиқара оладиган мазкур кўчма станция бу ердаги ҳаёт ва яратувчилик ишлари тарзини кескин ўзгартириб юборди. Ҳатто қудратли “ЭКГ” лар ҳам мазкур манбадан таралган нурқувват ёрдамида ҳаракатланди. Бир неча минг хонадон, ўнларча хизмат кўрсатиш, таълим - тарбия ва тиббиёт масканларини электр энергиясидан бахраманд этган энергопоезд кейинчалик /1972 йилгача/ Туямўйиндаги бўлгуси асосий сув тўғони ўрнидаги котлованни қазिश ишларига жалб этилган “ЭКГ” ва “ЭКГ-4,6” маркали /жами 4та/ эксковаторларга ҳам бир неча йил давомида нурқувват етказиб турди.

Қуриш, яратиш, бунёд этиш ишлари суръатигина эмас, миқёслари ҳам ой, йил сайин орта борди. 1969 йилга келганда Питнак қурилиш - монтаж бошқармасининг қувватлари мавжуд иш кўлами ва суръатлари учун яққол камлик қила бошлади. Бунини ўз вақтида қўра олган вилоят раҳбарияти ва

трест маъмурияти Питнакда яна бир қурилиш - монтаж ташкилотини вужудга келтиришга қарор қилди. В.Ф.Андрюшенко раҳбарлигидаги Питнак кучма механизациялашган колоннаси иш бошлади.

Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида бўшаб қолган бош муҳандислик вазифасига эса ёш муҳандис И.Юсупов тайинланди.

Мавжланган дарё тин олмай олга елгандек, ҳаёт ҳам тўхтовсиз олдинга интилар, Хоразмнинг асрий қурилиши бошланадиган тарихий онлар эса тобора пишиб келарди.

Питнак даштларидаги илк қурилишнинг қалдирғоч бунёдкорлари қуйидагилар бўлишган:

- Сафоев Жуманиёз, - эксковатор машинисти.
- Шерниёзов Эрка - эксковатор машинисти.
- Полвонов Йўлдош - омборчи.
- Давлатов Озод - гишт терувчи.
- Абдурахмонов Раҳимбой - таъминотчи.
- Голова Татьяна Филипповна - нормаловчи.
- Иброҳимов Озод - механик.
- Эрназаров Курбонбой - таъминотчи.
- Сафоев Курбонниёз - эксковатор машинисти.
- Маткаримов Қўзи - эксковатор машинисти.
- Сайдаматов Бобожон - прораб.
- Сафаров Фойиб - прораб.
- Рўзиев Дўстчон - нормаловчи.
- Искандаров Саъдулла - кадрлар бўлими бошлиғи.
- Курбонов Ўроз - ҳайдовчи
- Маткаримов Султон - эксковатор машинисти.
- Ўринов Сайилхон - эксковатор машинисти.
- Матқубов Шокир - участка бошлиғи.
- Аҳмедов Курбонбой - мастер.
- Исаев Ўрозбой - Гурлан участкаси бошлиғи.
- Машарипов Рустам - прораб.
- Машарипов Бахтиёр - иқтисодчи.
- Ёқубов Пўлат - электромонтёр.
- Башмаков Халил - участка бошлиғи.
- Бадигин Геннадий Байдарович, - прораб.
- Қуриёзов Мадиёр - бош энергетик.
- Қиличев Матчон - энергетик.
- Полвонов Одамбой - электростанция моторчиси.
- Эгамбердиев Самандар - электропайвандчи.

Ёлдошларнинг бугуни учун қилинган шижоаткорона меҳнат, жангу-жадалга менгзалмиш қурашнинг барча қатнашчиларига кўлимизни кўксимизга қўйиб таъзим бажо келтира-

миз. Азиз умрини савоб ишларга бағишлаб, бандаликни бажо келтирганганларга эса Оллоҳнинг раҳмати ёғилгай, деймиз.

6. Питнак - питтаккина ерми?

Туямўйин — Хоразмнинг жанубий дарвозаси. Одамлар бу номни унга бежиз беришмаган. Икки азим Сахро — Қорақум ва Қизилқумнинг қоқ ўртаси бўйлаб Орол сари интилаётган серсув Аму ушбу масканга етганида туянинг буйнини эслатувчи ажиб манзара ҳосил қилади. Таъкидланганидек, шимолдан жануб томон шиддат билан оқаётган дарё бу ерда кескин бурилиб, ўз йўналишини шимолий - ғарб томонга ўзгартиради. Айни шу манзара қуш учар баландликдан разм солган кишига мисоли Туянинг буйнини эслатади. Азим дарёнинг Туя буйнини эслатувчи ушбу манзараси афтидан синчков кишиларни беварқ қолдирмаган. Амударёнинг туя буйни мисол буралиб оқувчи қисми Туямўйин номини олгани бежиз эмас. Бу мантиққа ниҳоятда мос ҳолат ва шубҳага ўрин қолдирмайди.

Хоразм воҳасининг кўп минг йиллик тарихига зарҳал харфлар билан битилгучи ушбу аср қурилишининг қоқ маркази ҳам шубҳасиз Туямўйин ҳисобланади. Аммо бундай миқёсдаги улкан бунёдкорликлар учун нари борса 150-200 гектарни эгалловчи ушбу майдон кифоя эмас. Амударёдаги асосий тўғон гарчи Туямўйинда қал ростласада қурилишининг юраги - унинг бош штаби, трест мақомидаги “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси, бошқа ўнларча қурилиш - монтаж ташкилотлари, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда идоралар бевосита Питнак мавзесида жойлашди. Яратувчиликнинг ўнларча инфраструктура тизимлари, индустриал саноат базаси ҳам шу ерда бунёд этилди. Бошқача айтганда, Питнак Амударёдаги энг йирик Туямўйин гидроузели қурилишининг ҳаётий муҳим булаги, таъбир жоиз бўлса ҳам юраги, ҳам қон томирига айланди. Қурилиш баҳона Питнакда бутун бошли замонавий шаҳар бунёд этилди. Янада аниқроқ тапирилса, бу маскан ўзининг иккинчи ёшлигини кашф этди. Таъкидлаш жоизки, Питнак - Хоразм воҳасининг энг қадимий ва обод гўшаларидан бири. Кўпгина тарихий воқеа ва кечинмалар ушбу жой номи билан чамбарчас боғланганки, бу ҳолат тадқиқотчи Саиджон Қурбонбоевнинг “Питнак тарихи” рисоласида бир мунча равшан акс этган. Унда битилишича, Марказий Осиё халқларининг буюк дарёси ҳисобланган Амударё ўзининг серсув оқимида бир қанча катта - кичик воҳаларни ташкил қилган. Шундай воҳалардан бири Питнак бўлиб, у дарёнинг чап соҳилида юзага келган.

“Питнак воҳаси, - деб ёзган эди академик Я. Гуломов, - бошқа ерлардан ажраб қолган. У Хоразм воҳасидан баланд Тошсоқа тепаликлари билан ажратиб қуйилган. Жанубда ва Жанубий - Ғарбда Қорақум саҳроси билан туташган. Питнак унча катта бўлмаган Хонёп канали билан суғорилади. Ривоятларга қараганда, бу канал Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825) томонидан қаздирилган”.

Ушбу воҳада вужудга келган Питнак қишлоғи эса Хоразмнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишида муҳим ўринни эгаллаб, тарих сўқмоқларида бетакрор из қолдирган манзилгоҳлардандир.

Қишлоқ дарё бўйида жойлашгани ва деҳқончилик қилиш учун шароит қулайлигидан бу ерда одамлар анча илгари пайтлардан ўрнашганлар. Питнакнинг Қорақум барханлари ва қирларига кенг кириб борганлиги ҳамда Хоразм воҳасининг асосий ҳудудидан ажралиб туриши унинг тараққиётига, аҳолисининг урф - одатига, тилига таъсир қилади. Улканнинг шарқ мамлакатлари билан алоқаси ва савдо йўлларининг Питнакдан утиши эса қишлоқнинг жуда кўп шаҳарлар билан савдо - сотиқ қилиб туриши ҳамда иқтисодий жиҳатдан тез ривожланишини таъминлайди. Қишлоқ яқинида қадимдан машҳур бўлган шифобахш Султон - Санжар туз конининг жойлашиши, унга одамларнинг ёз пайтларида доимий равишда даволаниш учун келиб туришлари, конга боришда ва қайтишда Питнакда тўхтаб дам олишлари, унинг Хоразм воҳасида кенг танилишига сабаб бўлган.

Питнакнинг пайдо бўлиши ва унда аҳолининг жойлашиши Хоразмнинг жанубий қисмларида вужудга келган манзилгоҳлар билан бир даврда рўй берганлиги аниқ бўлиб, унинг юзага келиш тарихини билишда воҳа яқинидаги, хусусан унинг ўзидаги тарихий жойлар, қадимий қалъалар, муқаддас жойлар билан боғлиқ ҳикоялар муҳим аҳамиятга эга.

Питнак воҳасида Ҳазрат Абу ибн Маржон, Сахий Саъд ибн Ваққос, Нурмуҳаммад пир, Мирмуҳаммад пир, Ҳазрат Умар Эшон, Оролча бува, Ҳиммат бува, Нурота бува, Шайх Жамолиддин бува, Шайх Жалолиддин бува, Тошмуҳаммад Эшон бува, Ахтам Сабо, Ғойиб ота, Қамишли авлиё, Йилғинли бува, Қирқ мерган, Сафар авлиё, Гулбозор бува, Қўчқор оталиқ, Сари Ҳожи Бузруквор, Кўнгши бува, Торонги бува, Содикжон пир, Машарипжон пир каби улуғ инсонлар ётган табаррук жойлар, авлиё - анбиёлар, мақбаралар борки уларнинг шахси, яшаган даври билан боғлиқ кўплаган ҳикоятлар Питнакнинг ўтмиши ва ёшини аниқлашда маълум бир манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қишлоқнинг энг муқаддас жойи Ҳазрат Абул ибн Маржон бува қабристонидир. Бу табаррук заминда ҳазрат Абул ибн Маржон, сахий Саъд Ваққос, Нурмуҳаммад пир азиз, Мирмуҳаммад пир азиз сингари улуғ инсонлар қабрларининг мавжудлигини ҳисобга олганда Питнак қишлоғининг ёши 13-14 асрдан кам эмас.

Кексаларнинг ҳикоя қилишича араб лашкарбошиси Абул ибн Маржон ислом динини ёйиш учун Хоразмга келиб, Питнакда вафот этган экан. Яна айрим кексаларнинг айтишига қараганда, Абул ибн Маржон, Нурмуҳаммад пир, Мирмуҳаммад пирлар Хоразм воҳасида машҳур табаррук зотлар ҳисобланган. Абдулла Норинжон Валий, Султон Увайс Қорайнийларнинг набилари ҳам улар бўлишган.

Кўп йиллардан буён Питнак воҳасидаги авлиёлар тарихи билан шуғулланиб келаётган ўқитувчи Саъдулла Матёқубов шундай ёзади: “Абу Ал Махжин ва Ҳазрат Саъд Ваққослар тарихий шахслардир. Улар - Пайғамбаримиз Муҳаммад Алай-ҳиссаломнинг саҳобалари, ислом динини тарғиб қилишда Ҳазрат али Шоҳимардон билан бир сафда турган жасур, лашкарбошилардандир. Абул Маржон номи маҳаллийлаштирилиб айтилган асл ёзувда Абу Ал Махжин деб аниқ ёзилган”.

Питнак қишлоғининг номи билан боғлиқ ҳикояда ҳам Абул Маржоннинг араб лашкарбошиси бўлганлиги ва ушбу қишлоқда вафот этганлиги айтилади. Ҳикояда пайғамбаримиз Абул Маржоннинг узоқ вақт дом – дараксиз кетганлигидан безовта бўлиб, саҳобаси Саъд Ваққосни Хоразмга жўнатади. Саъд Ваққос Хоразмга келгач Абул Маржоннинг Жайхун дарёси соҳилига яқин “питтаккина” обод заминда вафот этганлиги ва шу ерга дафн этилганлигини билиб, пайғамбаримиз ҳузурига қайтади. Ҳазрат Пайғамбаримиз саҳобасининг вафотидан чуқур қайғуга тушиб, Саъд Ваққосни Абул Маржон вафот этган ва кўмилган ушбу “питтаккина” обод заминга ҳоким этиб тайинлайди ҳамда унга Нурмуҳаммад пир ва Мирмуҳаммад пир каби саркардаларни кўшиб юбориб, ўша “питтаккина” ерни бундан кейин Питнак деб аташларини буюради.

Питнакда араблар манзилгоҳлари ва элатларининг ҳозиргача бор бўлиши ҳамда Марказий Осиёдаги қадимий уруғлардан ҳисобланган Кангли қавмига мансуб кишиларнинг яшashi қишлоқ ислом дини қабул қилинган пайтлардаёқ обод бўлганлигини билдиради.

1972-1975 йилларда Туямўйин сув омбори қурилиши муносабати билан сув остида қолиши мумкин бўлган Питнак воҳаси яқинидаги Копараз, Элхорос, Султон-Санжар, Кўшбулок ерларида Хоразм археология - этнография экспедицияси

томонидан олиб борилган қазиш ва илмий изланишлар эса бу ҳудудларда эрамиздан аввалги 4-3 минг йилларда ҳам цивилизация нишонлари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Питнак сўзининг пайдо бўлишига келсак, бу ҳақда аҳоли ўртасида жуда кўп ривоят ва ҳикоятлар юради. Улардан энг машҳури Султон Санжар билан боғлиқ афсонадир.

Мазкур ҳикоят ярим афсона бўлиб, унда қадимий Хоразм аёлларининг жасурлиги, ватани ва халқига бўлган садоқати таърифланади.

Амударёнинг Туямўйин дараси яқинида хум ва хум булаклари жуда кўп учрашига келсак, бу ерда хум пиширадиган қулай жойлар мавжуд бўлган ва шу боис қадимдан хумбуз учоқлари қурилган. Буни Хоразм суғориш тарихини ўрганган Я.Фуломов ҳам ўз китобида қайд этади.

30-йилларда Амударёнинг Туямўйин дарасида гидроэлектростанция қуриш мумкинлиги тўғрисидаги лойиҳанинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши бу замин кейинчалик аниқроғи 70-йилларда улкан қурилиш майдонига айланишига олиб келади.

Питнак қишлоғининг пайдо бўлиши тўғрисидаги иккинчи ҳикоя Чингизхон номи билан боғлиқ. Ҳикояда Чингизхон Хоразмни эгаллаб, уни вайрон этганлиги, аҳолининг кўп қисмини қириб ташлаганлиги, хунарманд – усталарнинг қул қилиб олиб кетилиши ҳикоя қилинади. Кейинчалик олиб кетилган одамларнинг аждодлари яшаган шаҳарлар ва қишлоқлар хароба ҳолда эканлиги, аён бўлади. Улар янги ер сўраб, Хива хони ҳузурига йўл олишади. Хон қаердан ватан тутишларини уларнинг ўзларига ҳавола этади. Собиқ ватандошлар юртига қайтишаётганларида йўлда “питтаккина” ер кўрганликларини айтиб, хондан шу ерни сўрашади. Хон рози бўлиб, ўша “питтаккина” ерни уларга инъом этади. Одамлар “питтаккина” ерни обод қилиб боғу – бўстонга айлантиришади ва ўша “питтаккина” ер кейинчалик Питнак номини олади.

Қишлоқ яқинида Чингизхон номи билан боғлиқ қир ва атайлаб барпо этилган тепаликлар ҳам бор. Ҳикоя қилишларича, Чингизхон Хоразмшоҳ кўшинлари билан катта жангга ҳозирланаркан ўзининг сон – саноқсиз жангчиларига ўқдонларини қумга тўлатиб, ушбу қир устига тўкишни буюрган. Натижада бири катта, яна бири кичикроқ иккита тепалик ҳосил бўлган.

Чингизхон кўп сонли кўшинининг жангда қанчалик талофат кўрганини ушбу тепаликларга қараб билган экан.

Ҳазорасп қалъаси, Тошсоқа ҳудудлари, Хумбузтепа қолдиқлари, туман тарихини ўрганган Қорақалпоғистонлик

олим М.Мамбетуллаев биринчи катта тепаликни душман бостириб келганда ёнгин, тутун билан аҳолини огоҳлантирадиган ва хабар берадиган тепалик, деб ёзади. Иккинчи кичик тепалик 70-йилларда янги ерлар ўзлаштирилиши ва канал қурилиши муносабати билан текислаб юборилади.

Питнак сўзининг лугатий маъносига келсак, уни олимлар кичик қирли ер, кичик воҳа деб таърифлайдилар. Масалан, тилшунос олим Юсуф Жуманазаров Питнак этимологиясини ўрганаётиб, ушбу ибора Пишканак, Карвак сўзларидай қадимий бўлиб, “кичик воҳа” маъносини билдиришини айтган.

Тошкент Давлат Университети ўқитувчиси Неъматжон Полвонов Республикамизнинг таниқли этнограф (элшунос) олими Исо Жабборовга Питнак топонимининг келиб чиқишини билиш учун мурожаат қилганида, у ҳам Питнак сузи қадимий Хоразм тилидан қолган ном бўлиб, кичик ер, кичик макондан иборат эканини билдирган.

Манбаашунос тадқиқотчи Комилжон Нуржонов ҳам Питнак топонимикаси ва этимологиясига қизиқиб, профессор Э.М. Мирзаев Питнак сўзи тақир ер, чўл деган маънони билдиришини ёзганини айтади, ҳамда муқаддас “Авесто” китобида Беднак шаклида учрашини ёзади.

Урганч Давлат Университетининг профессорлари Х.Абдуллаев, З.Дўсимов, С.Рўзимбоев, Н.Қобулов, доцент О.Ботировлар Питнак номи бугун “ўлик тилга” айланган қадимий Хоразмий тилининг бизгача етиб келган қолдиқларидан бири эканлигини, сўзнинг маъноси ҳам топонимик қонунларга мос келишини, у “шаҳарча”, “қўрғон”, “қалъа” маъносини билдириб, кўпгина қадимий шаҳарлар номларидай қадрли эканини ёзишади. Шарқшунос олим Абдулла Аҳмедов ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Воҳа аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилган ўзбеклар шаҳар ва қишлоқларда яшаб, хунармандчилик, деҳқончилик, савдо - сотиқ ишлари билан банд бўлишгани боис ўтрок ҳаёт кечирганлар. Воҳанинг яқин - атрофларида қадимдан яшаб келаётган туркман ва қорақалпоқ халқлари асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. Питнак воҳасига яқин Шайхариқ ва Копараз туркманлари қисман деҳқончилик билан банд бўлганлар.

Хоразмга қайтган ўзбек қабилалари Хива хони, тарихчи Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) даврида тўрт гуруҳга бўлиниб, қиёт - қўнғирот, уйғур - найман, қангли - қипчоқ, нукус - манғит, деб юритилган.

Кўчиб келган ўзбек қабилаларининг айрим кичик гуруҳларидан бўлган найманлар, манғитлар, қипчоқлар ва улар-

нинг авлодлари ҳозирги кунда қишлоқнинг дарёга яқин ҳудудларида яшамоқдалар.

Питнакда Улли Кангли, Кичик Кангли, Сиёпур, Чўбитли, Саидлар, Шайхлар, Араблар, Саётлар деб аталувчи элатлар воҳага узоқ ўтмишда жойлашиб, ўтроқлашган.

XIX асрнинг ярмида Хоразмда савдо - сотиқ, хунармандчилик, шаҳар қурилиши олдинги даврларга қараганда тезлашди. Янги Урганч, Хонка, Ҳазорасп сингари шаҳарлар қаторида Питнак ҳам хонликнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўринни эгаллади.

Карвон йўлида жойлашган Питнакда хунармандчиликнинг, темирчилик, кулолчилик, кунчилик, тукувчилик каби турлари яхши ривожланди. Қишлоқ савдогарлари Бухоро, Афғонистон, Эрон мамлакатлари бозорларига тез - тез бориб савдо - сотиқ ишларини давом эттирдилар.

Яна бу йилларда Питнакда янги хонаколар қуриш, мақбараларни қайта таъмирлаш давом этди. Энг муҳим иншоотларнинг бири бу даврда қишлоқдаги мудофаа қалъаси ҳисобланган. Қалъа тўрт бурчак шаклида бўлиб, қишлоқнинг маркази, бозор яқинида Саёт ариғи бўйида қурилган. Бу қалъа қишлоқда жамоалаштириш бошлангунгача турган. Қишлоқ қарияларидан Мулла Қурамбой Отажон ўғли, Ёқуб Султон ўғилларининг ҳикоя қилишларича, Питнакнинг Кат қисмида ҳам қалъа бўлган экан. Унинг гиштлари 30-йилларгача сақланган.

1842 йили Хоразмга келиб, Россия императорининг ўта муҳим топшириқларини бажарган полковник Г.И. Данилевский ватанига қайтгач, хонликда давлат тузилиши, феодал ер эгаллиги, шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашиши, аҳолининг урф-одатлари, уларнинг яшаш тарзи, хон саройидаги ҳаёт ҳақида “Хива хонлигининг тавсифи” номли китоб ёзади. Данилевскийнинг Хива, Ҳазорасп, хусусан, Питнак ҳудудлари тўғрисидаги тавсифлари фан учун жуда ҳам қизиқарлидир.

Данилевский 1842 йилда ўзи бориб кўрган Питнакни шаҳар, деб ёзиб, шу номдаги ноибликнинг маъмурий маркази эканини, шаҳарнинг Оллақулихон томонидан қурилган кўрғон билан қуршаб олинганлигини, унда 130 ховли, 10 дукон мавжудлигини, ҳар ҳафтанинг чоршанба куни бозор сифатида нишонланиши, унга Ҳазорасп ва бошқа тарафлардан савдогарлар келиб турганини, аҳоли шаҳардан 3 чақирим наридаги Амударёдан одамларни қайиқларда ўтказиб қуйиш ва ипак қурти боқиш билан шуғулланиши, шаҳар яқинидаги шўр кўлдан туз қазиб олиниши, шаҳар бозорида асосан жўхори савдоси йўлга қўйилганлигини ёзади.

Пахта савдосининг тез ривожланиши боис Питнак ноиб-

лигида ҳам уни етиштиришга қизиқиш ортади. XX аср бошларига келиб, чигитдан тозаланган той пахталарни рус савдогарларига сотиш катта фойда келтиришини билган питнаклик бойлар ва ишбилармонлар ҳам пахта тозалаш заводларини куриш ҳаракатига тушишган.

Аср бошларида ҳам Питнакда деҳқончилик қилинадиган ерларнинг кўп қисми, шу жумладан суғориш учун қулай бўлган унумдор ерлар хон амалдорлари, ноиб ва бойлар қўлида бўлади. Қишлоқда Ҳазорасп ҳокими, кейинчалик бош вазир бўлган Исломхўжанинг ери ва катта ҳовлиси бор эди.

XX бошларида аҳоли Амударёдан сув оладиган Хонёп орнаси ва ундан бошланадиган Улли Кангли, Оқ Аланг, Кичик Кангли, Мангит, Саёт, Шайх, “Янги ёп” ариқларидан фойдаланиб, экин майдонларини суғорган. Орна ва ариқлар соқасида от, туя, ҳўкиз, эшаклар кучи билан ҳаракатга келтириладиган кўп сонли чигирлар ишлаб турган. Ҳар бир ариқ соқасида 30-40 та чигир ишлаган. Орна ва ариқлар ҳар йили кеч кузда ва эрта баҳорда мироблар бошчилигида ҳашарчи - қазувчилар томонидан тозалаб борилган.

Мустамлакачилик рамзи бўлган рус императорининг тахтдан туширилиши Туркистон халқларининг узоқ давом этган миллий - истиқлол ҳаракати қайтадан оммавий равишда бошланишига туртки бўлади.

Бу пайтда Хоразмнинг жуда кўп жойларида ўзининг таъсир доирасини мустақкамлаган Жунаидхон Асфандиёрхонни ўлдириб, итоаткор Саид Абдулла (1918-1920) ни хон тахтига ўтказди. Питнаклик Жумабой махрам янги хоннинг маслаҳатчиларидан бири бўлади.

Хива хонлигида шўро ҳокимиятини ўрнатишда эса хон сиёсати ва Жунаидхон ҳукмронлигидан норози бўлган аҳолининг бир қисми қағнашади.

Жунаидхон лашкарлари шўролар ҳокимиятининг Амударё бўлимига ҳужум қилиб, Тўрткул шаҳрини қамал қилган пайтларида Туркистон шўро ҳукумати қизил аскар қисмларини юбориб, ёрдам уюштирган. Ана шундай қисмлардан бир гуруҳи 1919 йил 28 март куни Чоржўй шаҳридан Амударё орқали пароходда келаётганида Питнак воҳасида Жунаидхон навкарларининг қаршилигига учраб, қаттиқ жангга киришди. Тошҳовузлик тарихчи олим Гойибназар Непесовнинг ёзишича, бу жангда Жунаидхон навкарлари катта талофот кўриб, 500га яқин одамидан ажралган.

Тарих ўқитувчиси Умид Хужаевнинг ҳикоя қилишича, 1919 йил 28 март куни дарё бўйидаги жанг қуйидагича бўлган экан: Амударёнинг Туямўйин дарасида навкарлар томонидан отил-

ган ўқлар кемага шикаст етказиб, бир қанча қизил аскарлар, шу жумладан, отряд командири С.Наумовни оғир ярадор қилади. Шундан кейин қизил аскарлар қишлоқнинг “Орол бува” деб аталган жойига десант тушириб, ҳужумга утадилар. Навкарлар талофот куриб, қишлоқ ичкарасига чекинишади. Пароходдаги тўплардан отилган ўқлар Питнакнинг марказига етиб, аҳоли ўртасида қурбонлар юз бериши ва саросималикларга олиб келади. Уша кунги мудҳиш хунрезликда Питнакдан 70 нафар одам ҳалок бўлади.

Жумхурият Конституциясига биноан ташкил қилинган Питнак тумани шўросига 1920 йил майида Хивадан юборилган Саидмамад Ортиқов раис бўлади.

Дастлабки йиллари Питнақлик ишбилармон бойлар шўро ижтимоий - сиёсатида фаол қатнашадилар. Қишлоқнинг Жумабой маҳрам Абдуллаев, Мадраҳимбой Олланазаров, Жумабой Абдуллаев, Қаландар харрот Юсупов сингари таниқли кишилари Хоразм Республикасини ташкил этишда иштирок этадилар. Жумабой маҳрам билан Мадраҳимбой масъул лавозимларда бойлар ва катта ер эгалари сайлов ҳуқуқи, давлат ишларидан четлатилган 1923 йилгача ишлайдилар.

Мадраҳимбой Олланазарбой ўғли 1921 йилги Иккинчи Бутунхоразм шўролар курултойида Республика Марказий Ижроия Қўмитаси раёсати аъзоси лавозимига сайланади.

У энг муҳим соҳа бўлган қазув ишларининг уюштирилишига раҳбарлик қилишдан ташқари ташқи сиёсат билан ҳам шуғулланади. Мадраҳимбойнинг Қорақумга бориб, Республика номидан Жунаидхон билан 1921 йил ноябр ойида музоқаралар олиб борганлигини ва яраш “Бирликномаси”нинг имзоланишига эришилганини таниқли ёзувчи Жуманиёз Шарипов “Хоразм” романида ҳам қайд этади. Дарҳақиқат Мадраҳимбой ўзининг феъл — атвори билан Жунаидхонга ёқиб қолади ва у билан холи ўтириб, узоқ суҳбат қилади, ҳар иккови бу суҳбатдан мамнун бўлади.

Хоразмнинг шимолий қисмларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган Жунаидхон 1924 йил январ ойи ўрталарида шўро ҳокимиятига қарши курашаётган кучларни бирлаштириш, солиқ ундириш мақсадида Питнақда маслаҳат кенгашини ўтказди. Кенгаш дастлаб қишлоқнинг қалъа деб аталадиган ерида, сўнгра ёвмут туркманларининг муқаддас жойи бўлган Сори ҳожи зиёратгоҳида давом этиб, унда Хоразмнинг давлатманд кишилари, дин арбоблари, сардорлар иштирок этади. Кенгашда биринчи навбатда Хивага янги хонни тайинлаш, эски урф - одатларни тиклаш, солиқ йиғиш масалалари муҳокама қилинади.

Қисқа фурсат ичида Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп худудларида шўро ҳокимияти тизимлари тугатилиб, эски урф - одат ва мансаблар қайта тикланади.

Аммо шўро ҳокимияти Питнакда ўз хукмронлигини қайта тиклашга муваффақ бўлади ва истиқлолчиларни таъқиб этиб, Ҳазораспни ҳам эгаллайди ва Хивани халос қилишга шошилади. Жунаид тарафдорлари Шайдаков қўшинлари ҳужумидан кейин Хивани тарк этиб Қорақумга чекинадилар.

Қўзғолончиларнинг Мадраҳимбой, Отажон Эшон бошчилигидаги айрим бўлаклари 1924 йил 23 март куни тарқалиб кетади, раҳбарлари эса асир олинди, турли жазоларга тортилади. Хоразм халқининг 1924 йил январ ва февраль ойларида большевикларнинг шўро ҳокимиятига қарши олиб борган қаҳрамонона миллий-озодлик, истиқлол учун кураши шу тариқа муваффақиятсиз яқун топади.

Вилоятда 1924 йил ноябр-деқабр ойларида уездлар, волостлар ва қишлоқ кенгашлари Россиядаги бошқарув тизимларига хос равишда ташкил қилина бошланади. Янги Урганч уездига Ҳазорасп, Хонқа, Боғот волостлари қаторида Питнак воҳасининг худуди ҳам волост сифатида киради. Уларнинг ташкилий расмийлашуви 1925 йил бошларигача давом этади.

Питнак волостига Матмурот Исаев раислик қилади.

1926 йил 30 деқабрда Хоразм областида район ижроия комитетлари тузилиши муносабати билан уезд ва волост ижроия комитетлари тарқатиб юборилади.

Амалга оширилган маъмурий - худудий бўлиниш Питнак қишлоғига ҳам беносита таъсир қилади. Питнак волости 1926 йилдаги районлаштириш бўйича тугатилиб, тўрт қишлоққа: Улли Кангли, Кичик Кангли, Саид ва Шайх қишлоқларга бўлинади.

Бадавлат деҳқон хўжалиklarининг тугатилиши ва кейинчалик эса қулоқ (муштумзур) синф сифатида йўқ қилиниши Питнак воҳасида ҳам оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Бадавлат хўжалиklarининг мусодара қилинган мол - мулклари замирида коллектив хўжалиklar тузила бошланади.

Жамоатлаштириш даври 1932 - 1933 йилларда юз берган оммавий очарчилик сабаб анча фожиали кечади. Унга собиқ Иттифок раҳбарларининг галлани четга экспорт қилиш, қулоқ хўжалиklarни ёппасига тугатишга қаратилган асоссиз сиёсати сабаб бўлади.

Бу йиллари Хоразм, шу жумладан Питнак воҳасига ҳам қозоқ миллатига мансуб кўплаб кишилар кўчиб келинади ва Амударё бўйлари, Туямўйин атрофларида муқим яшаб

қолишади. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”, қозоқ Солмирза Олтинбоевнинг ҳикоя қилишича Хоразм, жумладан Питнак воҳаси аҳолиси кўчиб келганларни илиқ кутиб олади. Уларнинг кўпчилиги 1926 йили Тошсоқанинг Қоратош деб аталган жойида вужудга келган кемалар тўхташ жойи - пристанга жойлашадилар.

30 - йиллари бу пристан Амударёнинг ҳозирда Шорловук, деб аталадиган жойига кўчирилади. Бекат ҳудуди маъмурий жиҳатдан Саид қишлоқ кенгашига қарайди. Шорловук аҳоли пункти 1968 йилдан алоҳида қишлоқ мақомига эга бўлади.

30 - йиллар охирида Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида бўлганидек, Хоразм вилоятида ҳам қишлоқ хўжалигини мустақкамлаш, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш учун ирригация – мелиорация иншоотлари қурилишига катта эътибор қаратилади. Тошсоқа магистрал канали ана шу аснода қазиб фойдаланишга топширилади. Қурилишнинг жуда катта ташкилий тайёргарлик қурилгандан кейин 1939-1941 йиллар ўртасида ўзбек ва туркман халқлари ҳашар йўли билан амалга оширадилар. Канал қурилишида бир пайтнинг ўзида 35 минг нафар одам қатнашади. Асосий қазув ишлари белкурак, кетмон, замбил, коп, аравалар ёрдамида амалга оширилади. Канал ишга тушиши натижасида Хоразм вилоятида 142 минг гектар, Тошҳовуз вилоятида 74,5 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади. Бу улкан қурилишда Питнак қишлоғи аҳолиси ҳам фаол қатнашади. Қишлоқда фаолият кўрсатган саккизта колхоз қурилишни ишчи кучи билан таъминлаб туради.

Уруш йилларида Питнак қишлоғидан 300 дан ортиқ киши фронтга бориб, улардан 200 га яқини жанг майдонларидан қайтиб келишмайди. Жаҳон уруши қишлоқнинг ҳар бир хонадонида оғир из қолдириб унинг жароҳатлари ҳали бугун эсланади.

Урушдан кейинги йиллари Чоржўй - Кўнғирот темир йўли қурилиши вилоят учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қурилишнинг вилоят штаби вилоят ижроия комитети раиси Мадраҳим Раҳмонов бошчилигида Питнак қишлоғида жойлашади. Қурилишда қишлоқ меҳнаткашлари иштирок этиб, темир йўлнинг Садвар қисмидан Копараз қалъасигача бўлган масофада тупроқ кўтариш ишларини бажарадилар.

40-йиллар охири 50-йиллар бошларида қишлоқдаги колхозлар йириклаштирилади. Колхозларнинг йириклаштирилиши 50 – йилларда ҳам давом этади.

1960 йиллар бошида қишлоқлар бирлашиб Саид, 1969 йилдан Питнак деб атала бошланади.

60-йиллар ўрталарига келиб, қишлоқдаги барча ариқлар: Оқ Оланг, Улли Кангли, Манғит, Саёт, Шайх ёплари эксковаторлар ёрдамида тозаланадиган ва қазиладиган бўлади. Буларнинг ҳаммаси Питнак воҳасида янги ерларни ўзлаштириш, пахтачилик майдонларини кенгайтириш имконини берадики, бунинг натижасида қишлоқдаги кўплаган катта - кичик кўллар, қамишзорлар, яйловлар ҳам текисланиб, экин майдонларига айлантирилади.

1975 йили қишлоқнинг шимолий ғарбий ҳудудида узум - мевачиликка ихтисослашган Ю.А. Гагарин номида янги давлат (ҳозир М.Улугбек номи ширкат) хўжалиги ташкил қилинади.

Республикамызда, жумладан, вилоятимизда 60-70 йилларда улкан ирригация-мелиорация иншоотлари қурилиши тадбирлари давом эттирилиб, Туямўйин-Тошсоқа канали қурилиши 1965-1969 йилларда амалга оширилади.

Шу йиллари қишлоқ ҳудудидан ўтувчи Урганч-Тошкент магистрал автомобиль йўли янгидан замон талаблари асосида қурилади.

Шароф Рашидов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари туфайли беш йиллик режасига Туямўйин гидроузели қурилишининг киритилиши Республикамиз сув-энергетика тизимини яхшилашга олиб келади. Унинг қурилиш лойиҳаси 30-йилларда ишлаб - чиқилган ва тасдиқланган эди.

Туямўйин иншооти қурилиши жараёнида Питнак қирларида гидроқурувчилар шаҳарчасига ҳам асос солинадикки, шу боис вилоятимиз шаҳарлари қаторида замонавий саноат ва маданият марказларига эга бўлган янги шаҳар қад ростлайди. Шаҳарга дастлаб, 1971 йилда ташкил топган Шорловуқ посёлка кенгаши асос қилиниб, 1974 йил 16 июлда туманга бўйсунувчи Шорловуқ номидаги шаҳар мақоми берилади.

Ш.Рашидовнинг таклифи ва шаҳарнинг кўп миллатли эканлигини (40 дан ортиқ миллат вакиллари яшаган) эътиборга олиб, ҳамда замон руҳидан келиб чиқиб, унга "Дўстлик" номи берилади ва у 1976 йил 30 январ фармони билан вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилади.

Дўстликда туғилган шаҳар мустақилликдан кейин дадил қадамлар билан ривожланаяпти, мамлакатнинг гуллаб-яшнаган гўшаларидан бирига айланаяпти. Мамлакатимиз Олий Мажлиси XI сессиясида шаҳарга Питнак номининг берилиши юртимизда қадриятларни қадрлаш сиёсати изчил амалга ошириляётганлигини яна бир бора ёрқин намойиш этди.

II. ТУЗОҚ

1. “Туямўйин” - Туямўйинга келди.

Бу эсда қоларли, таъбир жоиз бўлса тарихий воқеа 1970 йил баҳорида, аниқроғи 7 майда рўй берди. “Туямўйин” Туямўйинга келди ва шу ерда муқим “яшаб” қолди. “Ана энди ҳаммаси ўрнига тушди”, енгил нафас олиб деди, Юсуф ота Шержонов, - бу хабарни эшитгач, - Ахир, эт билан суякни бир-биридан ажратиб бўларканми?

“Туямўйин”ни Туямўйинга кўчириш масаласига биргина Шержонов эмас, вилоят ва Республиканинг барча тегишли маҳкамалари, қолаверса юқори мартабали раҳбарлар, борингки Ўзбекистоннинг етакчи олимлари, тадқиқотчи ва амалиётчилари ҳам ғоятда жиддий қарашди.

... 1970 йил 7 май. Вилоятга Шароф Рашидовнинг шахсан ўзи сим қоқди:

- Барча таклифларингиз қабул қилинди, ҳукуматнинг қарорини ҳам тасдиқлаб бердик. Уни бугун кўлингизга етказиб беришади. Бу ёғига туриб берасизлар энди. Ҳиммат сиздан, мадад биздан. Ишларнинг бориши ҳақида бизни албатта ҳабардор қилиб бормоғингиз шарт. Чернов (“Ўзглавводстрой”нинг ўша кездеги раҳбари) га айтганман, шу бугуноқ олдингизга етиб боради. Биргаликда ишланглар. Қурилишда ишлаётганларга яхшироқ ғамхўрлик қилинглр. Тегишли ўртоқларга тайинлаганмиз, зарур нарсаларнинг ҳаммасини оласиз. Вилоятдаги ўртоқларга эса яхшироқ қилиб тушунтиринг Туямўйин — оддий қурилишлардан эмас. У - воҳанинг асосий қурилиши. Ишга албатта ана шу туйғу билан ёндошинглр. Барча қурувчиларга бизнинг самимий саломимизни ҳам етказинг.

Ҳукумат қарори Хоразмга бетўхтов етказиб берилди. Хужжатнинг мазмуни вилоят раҳбарларига олдиндан яхши маълум бўлса-да, унинг бевосита ижрочилари ҳали кўп нарсани билишмасди. Ана шунинг учун ҳам обкомда ўша кунийёқ катта кенгаш ўтказилди. Биринчи котиб, Республика раҳбари билан

бўлган суҳбат мазмуни, у кишининг тилак ва истакларини тўпланганларга етказди, қарор мазмуни билан эса атрофлича таништирди. Хоразм воҳасида деҳқончилик ва чорвачилиқни, умуман ишлаб - чиқариш кучларини ривожлантириш кейинги йилларда давр тақозосига айлангани, бу катта режани Амуни жиловлаб, инсон измига бўйсундириш, пировардида эса минтақа халқ хўжалиги манфаатларига хизмат қила бошлашини таъминлаш баробаринда рўёбга чиқариш соҳасидаги улкан вазифалар қарорда тўла аксини топганди. Амударёда Туямўйин гидроузелини қуриш масаласи ҳукумат қарорининг асосий мазмунини ташкил этарди. Қурилишнинг моддий - техникавий ва ташкилий жиҳатлари ҳам бекаму - кўст акс этганди. Ушбу ҳужжатга кўра Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги қурилишнинг бош буюртмачиси, Республика сув қурилишлари Бош бошқармаси / "Ўзглавводстрой" / бош пудратчи, Хоразм обкоми ва вилоят ижроия кўмитаси қурилишнинг бош ташкилотчилари қилиб тайинланди.

Машварат қатнашчилари ҳужжат билан қизиқиб танишдилар. Пировардида эса зиммадаги вазифани адо этишнинг дастлабки босқичидаги долзарб ишлар белгилаб олинди.

Ана шу воқеадан кўп ўтмаёк Тошкентдан яна бир қувончли хабар келди. Унда қайд этилишича "Ўзглавводстрой" ҳам махсус буйруқ чиқарибди. Буйруққа биноан амударёдаги катта ва мураккаб муҳандислик иншооти Туямўйин гидроузелини қуриш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга солиш мақсадида йирик ихтисослашган қурилиш - монтаж ташкилоти - "Туямўйинсувқурилиш" бошқармаси ташкил этилибди. Сув иншоотлари қурилишида суяги қотган ажойиб мутахассис Александр Александрович Корниенко - бошқарма бошлиғи, Василий Павлович Удовиченко - бош муҳандис, Отахон Қаландаров бош муҳосиб вазифаларига тайинланибди.

Шу пайтгача вилоят маркази - Урганч шаҳрида фаолият кўрсатган "Туямўйинқурилиш" трести ҳам буткул тугатиб юборилмаган. Унинг замирида "Хоразм давлат хўжаликлари қурилиши ("Хоразмсовхозводстрой") трести ташкил этилиб, воҳада ер очиш, мироблик иншоотлари, уй - жойлар ва қишлоқдаги бошқа маданий - маиший масканлар қурилишига яна ҳам кенг йўл очилибди. Вужудга келган янги «Туямўйинсувқурилиш» бошқармасининг маъмурий идораси эса Урганчдан бевосита қурилиш - монтаж ишлари кетаётган Питнак мавзесига кўчирилибди. Бошқарма ўз фаолиятини 1970 йил 1-июндан бошлаши зарурлиги ўқдирилиб, дастлабки йилги бунёдкорлик ишлари учун 4,5 миллион сўм атрофида маблағ ажратилибди.

... Туямўйиндаги улкан бунёдкорликнинг ҳар бир куни улкан тарих. Аммо етмишинчи йил май ойининг ўша унутилмас онлари алоҳида муҳим аҳамиятга молик сана сифатида кўҳна тарихнинг зарвараги — олтин саҳифаси бўлиб қолаверди.

“Шу пайтгача воҳани зир титратиб келган Амударёнинг ўзи тузоққа тушади” тантанавор ва шоирона оҳанг билан хитоб қилди Юсуф Шержонов (Дарвоқе шеър мухлислари уни яхшигина шоир сифатида ҳам билишади) котловандаги улкан “ЭКГ” ларнинг наърасини куриб завқ оларкан.

Дарҳақиқат “котлован” — Туямўйиндаги бунёдкорликнинг илк кунлариданоқ одамлар тилига тушган асосий ва энг муҳим қурилиш жабҳаси. Сирасини айтганда таг замини яхлит тош қатламлари, устки қисми эса нуқул шағал тошлардан иборат бу улкан ҳовуз (эни ярим, узунлиги бир чақирим, энг пастки нуқтасининг чуқурлиги 100 метр атрофида) ни қозиш ишлари ҳукумат қарори чиқишидан ҳам анча илгари - 70-йилнинг март ойида бошлаб юборилганди. (1969 йил кузда катта магистрал канал қазувини муваффақиятли ниҳоясига етказиб, “кўли бўшаган” бутун бошли Питнак қурилиш - монтаж бошқармаси жамоасини бу ишга сафарбар этишганди.) Туямўйинда ихтисослашган йирик қурилиш - монтаж ташкилотининг шаклланиши бу ердаги ҳаётни остин - устин қилиб юборгани йўқ албатта. Аммо мисли қўрилмаган миқёсларда жонлантириб юборгани рост.. Ҳаш - паш дегунча даштга наинки вилоят балки бутун Ўзбекистон, қолаверса собиқ Иттифоқнинг турли буржларидан дурас-дурас одамлар кела бошлашди. Фақат одамлар эмас балки турли хил техника ва механизмлар ҳам Туямўйин сари тўхтовсиз оқди.

Питнак қурилиш - монтаж бошқармаси ва Питнак кўчма механизациялашган колоннаси замирида вужудга келган янги бошқарма таркибида даставвал (1971 йил апрел) 1 ва 2-сон қурилиш - монтаж бошқармалари (биринчи бошликлари:

А. Маҳмудов,
И. Юсупов, бош
муҳандислар:
Е. С. Лисин /
вақтинча/, С. Жу-
маниёзов), ора-
дан бир ой утгач
эса 20-сон авто-
транспорт корхо-
наси (биринчи
директори И. Рў-



зибоев, бош муҳандис А.Е.Титов) таркиб топди. Аммо гидроузел қурилиши билан бошқалардан ҳам кўра анча олдин шуғуллана бошлаган яна бир ташкилот ҳам борлигини баъзилар кўпинча ҳаёдан фаромуш этишади. Гап Республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг 20-сон қурилаган корхоналар бирлашган дирекцияси (Туямўйин гидроузели қурилишининг бош буюртмачиси) ҳақида кетаяпти. Мазкур жамоа ўз фаолиятини гидроузел қурувчиларидан ҳам анча илгари 1970 йилнинг январда бошлаган. Ҳукумат идоралари ва хўжалик ташкилотларида ишлаб, бой билим ва тажриба орттирган Полвонниёз Муродович Ризаев (марҳум) ана шу йирик ташкилотнинг биринчи директоридир. Шунингдек, гарчи “Туямўйинсувқурилиш” таркибига бевосита кирмасада, улкан қурилишнинг катта маъсулиятини зиммага олган ташкилотлар шунинг ўзидангина иборат эмас. “Ўзбошсувқурилиш”нинг “Махсусмонтажқурилиш” трестига қарашли 6 кўчма механизациялашган колоннанинг Туямўйиндаги фаолияти ҳам 1970 йилнинг май ойида бошланган. 540 - сон ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна номини олган мазкур ташкилот ўз фаолиятини кейинчалик Ўзбекистон сув қурилишлари давлат концернининг “Ирмонтажқурилиш” трести таркибида давом эттираяпти.

Туямўйиннинг саноат ва фуқаро қурилишларидаги иштиш, совутиш, тозалаш, ичимлик сув тармоқларини бунёд этиш вазифасини зиммага олган ана шу жамоага дастлабки кезлар Қайсар Муллабаев раҳбарлик қилган бўлса, бу маъсулиятли вазифани шундан кейинги даврда тажрибали ва билимдон муҳандис Бекдурди Жумабоев адо этди.

Туямўйиндаги аср қурилишининг тамал тошини ана шу жамоалар қуйишган. Бунёдкорликнинг қалдирғоч қатнашчилари сафини кейинчалик ўнларча, юзларча ва ҳатто мингларча истеъдодли раҳбарлар, муҳандислар, техник ходимлар, қурувчи ва монтажчилар тўлдиришди. Яратувчилик иши авж нуқтага кўтарилган 70-йиллар охирида бунёдкорликка бевосита улуш қўшаётганлар сони ҳатто 6 минг кишигача етди. Воҳа жанубида вужудга келтирилган Туямўйин гидроузели жаҳон мироблик санъатининг энг ноёб ва улкан иншоотларидан бири, авлодлар мардлиги, матонати ва жасоратининг ёрқин намунаси, юртимизнинг эса бебаҳо бойлиги, чинакам оби - ҳаёт ва ризқ - рўз манбаи сифатида тарих зарварақларини тўлатади. Орттирилган бойлик шунинг ўзидангина иборат эмас. Бунёдкорлик жабҳаси ҳақиқий ҳаёт мактабига айлангани, кўпгина оддий қурувчи ва муҳандислар пировардида на-

факат вилоят балки бутун Ўзбекистоннинг қўли гул номдор ва тажрибали бунёдкорларига айланишгани, нисбатан кичик яратувчилик майдонидан бутун Республикамиз, ҳатто ундан ҳам ташқарига маълум ва машҳур кишилар етишиб чиққани, кўплари эса Республика ва вилоятнинг энг маъсул вазифаларига лойиқ қўрилгани, Ўзбекистоннинг турли маъсулиятли объектларига айни пайтда ҳам билим ва маҳоратнинг етук соҳиблари сифатида туямўйинлик ишчилар, хизматчилар, муҳандис ва техник ходимлар сафарбар этилаётгани фикримизнинг далили — ўша биз таъкидлаган аъло ва туганмас бойликнинг эса ўзгинасидир.

Атиги бир неча ўн нафар бунёдкор ва мутахассисдан иборат 2-3 тагина жамоа бошлаб берган мисли қўрилмаган миқёсли ишни кейинчалик юзларча, мингларча кишилар, ўндан зиёд ихтисослаштирилган ташкилот ва корхоналар давом эттирди. 1-2-3- сонли қурилиш-монтаж бошқармалари, 1-2-3-сонли кўчма, 540-сонли ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонналар, йирик қурилиш жиҳозлари корхонаси, ишлаб - чиқариш техника бўтлаш бошқармаси, 20-сон автотранспорт корхонаси, ишчилар таъминоти бўлими, уй - жойлар бошқармаси, механика — таъмирлаш корхонаси каби йирик жамоалар ўз вақтида “Туямўйинсувқурилиш”нинг узатгани ташкил этишган. Республика ва вилоятнинг бошқа ташкилотлари таркибига кирсада, фаолиятини бевосита Туямўйин билан боғлаган корхона ва ташкилотлар сони ҳам ўндан зиёд. Қолаверса бутун бошли “Дўстлик” шаҳри хўжалигининг аксарият идора, мақкама ва корхоналари фаолияти ҳам бевосита Туямўйин билан боғланган. Нафсиламбирини айтганда “Дўстлик” Туямўйин шарофати билан дунёга келди, Туямўйин эса “Дўстлик” туфайли қад кўтарди. Эндиликда “Дўстлик” (“Питнак”) Туямўйинга, Туямўйин эса “Дўстлик” ка хизмат қиляпти. Бирининг мавжудлиги яна бирининг ҳам мавжудлигидир.

Буларнинг барига биргина омил: 35 йил муқаддам “Туямўйин”нинг Туямўйинда муқим қарор топгани сабаб бўлди.

2. “Котлован”.

Раҳматулланинг гаройиб феъли бор. Ҳаётда бировларга ўхшаш ёки тақлид қилишни ҳеч ҳам хушламайди. Ўзи билган ва очган йўллардан юрсам, дейди. Баъзиларга ғоятда хатарли ва қўрқинчли туюлган касбнинг барини ушлашига ҳам балким ана шу ғалати феъли сабаб бўлгандир. Хулласи, Раҳма-



тулла инсоният бисоти-даги энг ноёб касблардан бирини танлади.

... 1970 йилнинг 13 апрели. Ногаҳон содир бўлган кучли портлаш ҳатто 15-20 чақиримча наридаги Питнак қишлоғи аҳолисининг ҳам қулоғини батангга келтирди. Портлаш зарбидан дераза ойналари зир титради. Портлаш юз

берган жойдан кўтарилган бенихоя кўпчанг - тўзон куёш бетини бир неча соат давомида тўсиб турди. Аммо, бундан ҳеч ким саросимага тушмади.

- Туямўйинга ёндош қишлоқларнинг 7 дан 70 яшаргача барча аҳолиси бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилган эди-да, - деди хотиржамгина Раҳматулла, - Сизга айтсам, бу аср қурилиши бошланганлигини англатувчи рамзий ва расмий бонг эди.

Бу гапда ҳам жон бор. Кимсасиз даштда бу янглиғ катта портлашга хали ҳеч ким дуч келмаганди. Ушбу портлашдан сўнг эндигина бошланиб келаётган улкан қурилишда иш тарзи кескин ўзгарди. Техника - транспорт воситалари ва уларнинг жиловдорлари учун мисли қўрилмаган ҳажмли иш миқёслари очилди.

Тинч мақсадлардаги ушбу портлаш тарихий маскан - Туямўйинда: асов дарё бевосита тўсиладиган ва асосий тўғон барпо этиладиган ўринда амалга оширилди. Айни шу жойда шимолдан жануб томон шиддат билан оқаяётган Аму ўз йўналишини кескин ўзгартириб, шимолий - ғарб томон оқая бошлайди.

Туямўйиндаги улкан қурилиш бонгги, дея эътироф этилган ушбу портлашни Раҳматулла Абдуллаев ва унинг қамқасб дўстлари амалга оширдилар.

Портлатувчи - дунёдаги энг ноёб касблардан. Бу ғаройиб касбнинг пешини тутганлар сони шу қадар озки, уларни бутун бошли мамлакатда бемалол бармоқ букиб санайверасиз. Бироқ, ҳали сиз барини билмайсиз. Раҳматулла ўша оз сонлиларнинг ҳам энг "ноёб" ларидан. Негаки, унга ўхшаган ма-лакали портлатувчилар наинки, Туямўйин ёки Ўзбекистон балки бутун собиқ Иттифоқда ҳам саноқлигина. Раҳматулланинг номи ва сурати ўша "ягона" лар қатори собиқ мамлакат пойтахти - Москвадаги "Хурмат тахтаси"дан жой олган, кўп

йиллик самарали хизматлари эса орден билан тақдирланган. Шубҳага ўрин йўқ, Туямўйиндаги ноёб иншоот қурилиши портлатишдан бошланган.

Портлашдан сўнгги қазिश ишлари деярли 7 йил давом этди. Шундан кейингина иншоот қад ростлади. Бу вақт мобайнида замин бағридан озмас нақ 40 миллион кубометр тош ва шағал қазиб олинди. Бу айтишгагина осон сўз. Қазिश ишлари бирданига ёки кенг кўлам билан бошланмаган, албатта. 13 апрел тонггидаги ўша воқеадан сўнг дастлаб оддий бульдозер ва эксковаторлар ишга киришган. Портлаш туфайли кучган улкан ҳажмли тош ва тупроқ самосвал машиналарда ташиб чиқилган. Шунинг ҳам таъқидлаш жоизки, айрим кишилар “котлован” бағрига дастлабки панжа 1970 йилнинг баҳорида, бошқа бировлар эса ўша йилнинг ёзида урилган дейишади. Бизнингча ҳар иккала фикрда ҳам жон бор. Иш баҳорда бошланганлигини таъқидловчиларнинг ҳақлиги шундан иборатки, дастлабки ишлар ҳақиқатдан ҳам атиги бир нечта кам қувватли техника - транспорт воситалари ёрдамида чиндан ҳам илк баҳорда ўша портлатиш билан бошланган.

- “ЭКГ”лардан бўлак техникани тан олмайман, - гапнинг пўстқалласини айтиб кўя қолди Василий Павлович Великанов (бу фахрий қурувчининг Туямўйиндаги меҳнат фаолияти 1970 йилнинг май ойида прорабликдан бошланган, кейинчалик участка бошлиғи, қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди., сўнгра трест бош муҳандиси), - “ЭКГ” ва “ЭКГ-4.6” лар иш бошлаган июнь ойини “котлован” қазилиши бошланган сана, деб биламан.

Лойиҳачилар 60-йилларда бўлгуси котлован ҳавзасини ҳар томонлама ва гоят синчковлик билан ўрганишди. Етти эмас, минг ўлчаб бир кесишди, икир - чикирларнинг биронтасини ҳам эътибордан четда қолдиришмади.

Бутун воҳанинг тақдири боғланган объектни чала - чулпа ўрганиш оқибати нималарга олиб келишини улар яхши билишарди.

“Котлован” - улкан гидроузел қурилишидаги энг катта ва асосий бунёдкорлик объекти. Лойиҳага биноан у Амударёнинг Туямўйиндаги буралиб оқувчи тор ўзани ёнгинасида-чап соҳилда бунёд этилмоғи даркор.



Тадқиқотчи - лойиҳачилар анойилардан эмас: айтилганидек, минг ўлчаб бир кесишди. Туямўйин тизма баландлигининг юқори қисмини тадқиқот тариқасида обдан ковлашди ва пировардида яхлит тош қатламига дуч келишди, тепалик пасайиб куйига тушилган сари тош қатлам ҳам пастлай бошлади. Демак, сув тўғони тош қатламнинг энг юқори нуқтаси бўйлаб қурилади. Тош заминнинг усти бир неча метр қалинликдаги ўта чидамли бетон пойдевор билан қопланади. Тўғон орқали катта босим билан ўтган сув нишаб ҳолидаги тош ва сифатли бетон қатламлари устида ўйнаганча шиддат билан пастга интилади. Шу тариқа энг пастки нуқтага етгач эса ҳарсанг тошлардан иборат мустаҳкам тўсиқ (тўлқин ҳамда оқим кучини сундириш мақсадида сунъий равишда барпо этилган) қа урилиб, беадад кучини буткул сундиради. Пировардида эса оҳиста ва ўта беозор оққан куйи жиловланган ҳолда воҳанинг белгиланган ўзанларига йўл олади.

Ҳа, “котлован” да лойиҳадан тортиб, қуриш, монтаж қилиш, ускуналаш, ўрнатиш, сошлаш, фойдаланишгача бўлган ишларнинг бари олдиндан пухта режалаштирилди.

Улкан ҳажмли бунёдкорликни амалга оширувчи жамоа ҳам пухта режа асосида шаклланди. Қурилиш бошқармасининг қалдирғоч жамоаси - фаолиятини 1971 йил-нинг 1 апрелидан бошлаган 1-сонли қурилиш - монтаж бошқармаси объектнинг бош пудратчиси — соҳиби қилиб белгиланди.

Уша палладан кейин ишлар бирданига жонланди. Апрельдаги портлаш унинг бурилиш нуқтаси бўлди. Канал қурилишидан қисмларга ажратилган ҳолда олиб келинган “ЭКГ” ларни қайта йиғиб, ишга солиш борасидаги тадбир ҳам бу паллага келиб интиҳосига етди. Боз устига ана шундай маркали эксковаторлардан яна 2 таси келтирилиб, ишга солинди. Энди қурилишдаги “ЭКГ” лар сони 4 тага етди. Унинг 3 таси ўта замонавий “ЭКГ-4,6”, қолган биттаси эса “ЭКГ-4” деб номланган машиналар эди. Айни пайтда яна 10 га яқин кам қувватли эксковаторлар ҳам сафга кўшилди. Ўзбекистон ҳукумати айнан ана шу объект учун оғир юк кўтарувчи КРАЗ ва МАЗ русумли машиналарнинг катта туркумини ҳам ажратди. Ҳар бири 10 кубометр тош ва тупроқ тортувчи КРАЗлар “ЭКГ-4,6”нинг 4 бор, ҳар бири 5 кубометрга мўлжалланган МАЗлар эса 2 бор чўмич ағдаришидаёқ фарқ тўларди. Битта КРАЗнинг темир гарданини тўлгазиш учун 2, МАЗ маркали машинани тўлгазиш учун эса атиги 1 минут кифоя эди. Ваҳоланки оддий эксковаторлар КРАЗ машиналарига бу ҳажмли юкни 15-20, МАЗ машиналарига эса 12-15 минутда жойлаб улгуради холос. Бундан чиқди, ҳар бир “ЭКГ”нинг иш унуми оддий экскова-

торларга қараганда 15-16 баробар кўп, 15 та оддий эксковаторнинг ўрнини битта “ЭКГ” бемалол боса олади.

“Котлован” даги юмушлар бошдан ошиб ётибди. Бироқ, бир варакайига барча ишларнинг бошини тутиб бўларканми? Бир қарашда ҳамма нарса етарли бўлиб туюлсада, синчи киши учун етишмовчиликлар чиндан ҳам анчагина. Қазиб олинаётган тош ва тупроқни ташиб кетиш учун муваққат йўллар ниҳоятда зарур. “ЭКГ”лар жиловни саналган электр кабеллари, ер остидан сизиб келаётган Амударё сувини сўриб олиш учун эса насослар ва уларнинг ускуналари ҳам сув билан ҳаводек зарур. Аммо, шу топда уларнинг кўпи топилмас матоҳ. Бундай ҳоллар албатта котловандаги белидан тепади. Шу боис дастлабки кезларда котловандаги қазииш ишларига янги бошқарма таркибда вужудга келган участканинг атиги биттасинигина сафарбар этишди, қолган 2 та участкани эса гидроузелнинг sanoat базасини барпо этишга йўллашди. Қийин ва мураккаб шароит ҳам ишга узоқ вақт монелик қилиб келди. Питнак ва Шорловуқдан анча олисда бошланган қурилишга одамларни вақтида элтиш ва олиб қайтиш юмушлари, озиқ-овқат таъминотида тез - тез узилишлар рўй бериб турарди. Бир паслик дам олиш, иссиқдан ёки совуқдан паналаш жойлари ҳам етишмасди. Шундай бўлса ҳам одамлар қараб туришмади, ишлашди, интилишди, изланишди, зарур келса жасорат ва мардлик намуналарини ҳам кўрсатишди.

- Урганчдан артистлар келибди, профсоюзнинг клубида концерт бўларкан, унғача “котлован” га бориб, тиниқ сувда бир чўмилиб келмаймизми? - деб қолди бир куни кечкурун Искандар Юсупов қамқасблари Жумабой Бобоев, Иброҳим Содиқов, Бекдурди Жумабоевларга. Улар ювиниб бўлгач кийиб олармиз деган ниятда ўзлари билан бирга ювиб дазмолланган оқ кўйлак ва шимни кўлтиққа илганча усти очиқ юк машинасида Туямўйинга жўнашди. Муздеккина тиниқ сув ёзнинг жазирама иссиғини буткул кўтарди. Йигитлар вужудини қувноқ кайфият туйғулари ўз оғушига олди. Обдон ювингач кир ва тер ҳиди анқиб турган кийимларни янғисига алмаштириб, тагин ортга қайтишди. Улар тушган машина қалинлиги тиззадан келувчи ўнқир-чўнқир чанг йўлларни ортда колдирганча тариллаб олга интилади. Ҳайрият-ки, майин шабада қаршидан елиб, филдирақлар итқитиб ташлаётган қалин чанг-тузонни орқага суриб кетаяпти. Ҳазил-мутуйиба билан овора бўлиб, йўлнинг авра - астарини ағдарганча қаршидан лип этиб чиқиб келган ҳайбатли КРАЗни улар ҳатто пайқамай ҳам қолишди. Мана КРАЗ ҳам утиб кетди. Ундан кўтарилган чанг чамаси 3-4 минутлардан сўнггина тарқади. Тарқашга-ку

тарқади, аммо йигитлар бир-бировини эмас, ҳатто ўзларини ҳам таниёлмай қолишди. Янгигина кийимларнинг эса ҳозиргина ечиб ташлангандан асло фарқи қолмади.

- Майли эътибор берманг, қўяверинг: айб ўзимизда, ишчимисан, иш кийимида юрда, шилта чангли йўлда зиёлинамо кийинишга бало бормиди? - деди кимдир. Ҳамкасблар эса мулзам. Бироқ концертни то охиригача қанда қилмай мириқиб томоша қилишди.

Бу “котлован”даги оддий манзаранинг яққол кўриниши, шу ердаги қайноқ ҳаётдан бир лавҳа, лаҳза холос. Шу сингари қийинчиликларга четдан борганлар атиги бир марта рўбару келишлари мумкин. Аммо ҳаётини шу ерда ўтказайтганларчи, узоқ чидаёлмай қочиб кетишса керагов? - Йўқ. Келганлар орасида кетиб қолувчилар деярли топилмасди. Чидаб беришарди, мардона туришарди. Дилида ишига, касбига, орзу - умидларига нисбатан самимий туйғулар жўш урган кишинининг маънавияти юксак инсоний хислат ва сифатларга лиммо-лимдир. Бошқача айтганда, инсон яхши хулққа меҳнат ва факат меҳнат туфайлигина сазовор бўлади. Инсон боласи меҳнати билан гузал, гузал хулкли кишиларнинг ҳаммаси меҳнатсевар бўлишини, меҳнат айна пайтда камолот, тарбия мактаби ҳам эканлигини Туямўйинда ўз кўзимиз билан кўрдик. “Котлован” даги шижоатли кураш бир - иккимас, ўнларча, юзларча пешқадам бунёдкорлар, ажойиб хислатли замондошларимиз учун чиндан ҳам камолот мактабига айланди.

Мадийр Қиличев, Марс Еникеев, Альфред Траутман, Отто Гофф, Олег Конкс, сингари эксковаторчилар ана шу мактабнинг илк, аини пайтда энг муносиб “талаба”лари бўлишган. Орадан сал фурсат ўтмаёқ эса уларнинг сафини Искандар Оллаёров, Кўзи Маткаримов, Искандар Рўзимов, Юрий Пулькин сингари ўтюрак техника жilовдорлари тўлдиришган. Уларнинг бари кейинчалик ватаннинг юксак мукофотлари: кўпдан - кўп орден- медаллар, фахрий унвонлар ва ёрликларга мушарраф бўлишган. Мадийр Қиличев, Искандар Оллаёров, Искандар Юсупов, Виктор Духанин, Шариф Муродовлар Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланиш-



ган В.Ф. Андрюшенко, И.Юсупов, В.Великанов, Ж.Бобоев, И.Содиқов сингари ажойиб муҳандис - ишбошилар ҳам шу ердан етишиб чиққан. Туямўйин — айнан “котлован” даги шижоатли меҳнати эвазига бутун юртга ном таратганлар шуларнинг узидангина иборат эмас, албатта. 1973 йилдан сўнг котлован қазувчилар ўрнини қадамба-қадам бетон ётқизувчи, монтажчилар, уларнинг устозлари, мураббийлар, ишбоши ва йўлбошчилари гўлдириб боришди. Сафга Қадам Ражабов, Сергей Цой, Туроббой Шаропов, Бекдурди Жумабобоев, Геннадий Бодигин, Бақодир Норбоев, Леонид Сивцов, Саъдулла Жумабобоев, Қадам Саидов, Аннақули Ҳожиев, Ҳусайин Ёқубов сингари ўнлаб ажойиб издошлар қўшилишди. Шу сингари шерюрак кишилар меҳнат қилган жойда ютуқлар нақдинага дўниши турган гап. Дастлабки кезлар котловандаги қазииш ишлари режаси гарчи уддаланмай қолсада, марддигу - жасоратга ҳар дамда тайёр ажойиб фазилатли пешқадамлар бари-бир кўплаб етишиб чиқди. И.Оллаёров, И.Рўзимов, М.Еникеев, А.Траутман, С.Ўринов каби эксковаторчилар бир кунда икки уч нормани уддалаган пайтлар кўп бўлди.

Шундай қилиб, 1973 йил охирларигача тош ва тупроқ қазувчилар “котлован”нинг якка қаҳрамонлари бўлиб қолишди. Уша йили асосий иншоот қурувчилари ҳаётида муҳим санага айланиб, катта бурилишлар даврини бошлаб берди. Кузга келиб “котлован”нинг белгиланган чуқурлигигача қазилган участкаларига бетон ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Бу улкан қурилишда қўлга киритилган дастлабки йирик ғалаба эди. Шу боис уни катта шодиёна сифатида нишонлашди. Тантанага республика пойтахти - Тошкентдан, Туркменистон ва Қорақалпоғистондан ҳам ардоқли меҳмонлар ташриф буюришди. Бевосита бетон ишлари бошлаб юборилган участка: “котлован”нинг бўлғуси ГЭС биноси жойлашадиган понури 3 блокида жуда кўп киши иштирокида тантанали митинг ўтказилди. Сув ва нур иншооти бунёдкорларини Республика Компартиясининг иккинчи қотиби В.Г.Ломоносов, Хоразм обкомининг биринчи қотиби М.Ҳудойбергенов табрикладилар.

Жумабой Бобоев: - Бу воқеа асосий иншоот қурилишига бошқармамиз жамоаси фаол киришган 1973 йилнинг кузида бўлиб ўтди. 3-сон қурилиш монтаж - бошқармаси бош муҳандиси вазифасида ишлаётгандим. Ўшанда қазувчилар илдамлаб кетишди. Иншоот тағзаминидаги блоklar бетон ётқизишга бирин - кетин тахт этила бошланди. Демак, вақтни зое кетказмай, бетон ётқизишни бошлайвермоқ даркор. Бу маъсулиятли ишни ҳаялламай бошламоқдан ҳам муҳимроқ вазифанинг ўзи йўқ. Шундай экан, бетон қоришмаси учун буюрт-

ма берса ҳам бўлаверади. Бироқ кани ўша бетоннинг ўзи? Бетон тугул бетон заводининг ўзи ҳам йўқ-ку. Ана холос, энди нима бўлади?

“Ҳаммаси жойида бўлади”, - хитоб қилди, Рустам Абдуллаев. Бу пайтда у бошқарма ёрдамчи корхоналар комбинатига раҳбарлик қилаётганди, - Туямўйиндаги иккинчи завод ишга тушишини қутсак бетон ётқизишни келаси йил бошлаш ҳам амри маҳол. Шу боис, “котлован” нинг ўзида вақтинчалик бетон узелини жиҳозлаймиз. Муҳандиснинг таклифи қурилиш бошлиғи Александр Корниенко, партком котиби Шариф Муродовга маъкул келди. Султон ака Ражабов (бу киши кейинчалик бетон заводи директорлигига тайинланди), Яраш Сафаров билан учаласи ҳаялламай ишга киришишди. Муваққат завод атиги бир ҳафтада кад ростлади. 10 кундан кейин эса дастлабки махсулотини берди. Шундай қилиб, Туямўйин бунёдкорлари бу гал ҳам сўзининг устидан чиқишди. Дастлабки кубометр бетон белгиланган муддат - октябрь ойи охирида асосий иншоот тағзаминига ётқизилди. Олдинда эса бундан ҳам маъсулиятли ва долзарб вазифалар навбат кутарди.

Энг муҳим вазифа эса иш кўлами ва сифатини имкон қадар оширишдан иборат. Аммо, бу палладаги ишни 1970-71 йиллар кўрсаткичларига асло таққослай олмайсиз. Боиси, қурилиш сурьатлари ҳам, миқёслари ҳам бу пайтга келиб дастлабки вақтлардагидан ўнларча марта ортиб кетганди. Атиги бер неча киши бошлаган эзгу ишни энди юзларча киши давом эттираётганди. Қурилишга жалб этилган техника-транспорт воситалари сони ҳам ўнларча баробар ортган, кам унумли машина ва механизмлар ўрнини анча замонавийлари эгаллаганди.

1970 йил мартада қазув ишларини эксковаторчи ва булдозерчиларнинг атиги битта бригадаси бошлаганини ҳали уқдириб айтганимизча йўқ. 1971 йил 1 апрелдан эътиборан янги “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси таркибида 1-сон қурилиш - монтаж бошқармаси тузилгач, бу иш билан бутун бошли битта участка шугуллана бошлади. Ўша йили ёз ва куз ойларига келиб, эса “котлован”даги



участкалар сони учтага, 1972 йили 5 тага, 1973 йили эса 8 тага, қурувчи, монтажчи ва қазувчилар сони эса 1970 йилги беш - олти нафардан туққиз юз, минг нафар (бу биргина биринчи “СМУ” га қарашли ишчи кучлари) га етди. Лекин улкан қурилиш учун бу ҳам кам. Хуллас, 1972 йил 1 апрелдан 3 ва 4-сон қурилиш бошқармалари ҳам фаолиятини бошлади. 1 - сон “СМУ” зиммасига атиги иккита вазифа қазиш ва бетон ётқизиш, 3 - сон “СМУ” га эса улкан ҳажмли арматура - монтаж ишларини амалга ошириш, 4-сон “СМУ” га йўл қурилиши, тупроқ кўтариш, канал қазиш топшириги юклатилди. Буларни ҳам ҳисобга қўшганда эни 200, бўйи 300 метрча келадиган ҳавзанинг ўзида ишлаётганлар сони 1500 кишига етди. “Котлован” даги кишилар ва машиналарнинг ҳаракати Султон - Санжар тоғининг ана шу жойдаги баланд нуқтасидан разм солган кишига сон - саноксиз чумолиларнинг бетўхтов ўрмалашини эслатарди. Ишлар эса бир эмас, 3 сменада туну - кун, ҳатто дам олиш ва байрам кунлари ҳам бетўхтов давом этди.

“Котлован”дагилар 1978 йили яна бир ўзига хос санани тантанали нишонладиди. Асосий иншоот заминига 500 мингчи кубометр бетонни ётқизиш онлари Туямўйиндаги муҳим воқеалардан бири сифатида қурилиш тарихига ёзилди. Бу воқеага тараддуд эса 1,5-2 йил олдин бошланди. Ярим миллионинчи кубометр бетонни ташиш ва ётқизиш ҳуқуқи учун чинакам баҳс, кураш авж олдирилди. Бу ҳаракат эса самара бермай қолмади. Ёш муҳандис Баҳодир Норбоев ва Иброҳим Раҳимовлар раҳбарлик қилган участкалар ўша йили рекорд натижаларга эришди. Бир ой давомида ётқизилган бетон 15200 кубометрга етди. Қурилиш-монтаж бошқармасининг энг юқори иш суръати ҳам ўша кезлари қайд этилди: атиги бир кунда ётқизилган бетон биринчи бор минг кубометрдан ортиди. 500 мингинчи кубометр бетонни ташиш ҳуқуқини ҳайдовчи Сайилхон Матёкубов, ётқизиш ҳуқуқини эса Сергей Цой бошлиқ бригада қўлга киритди.

Асосий галабага эса 1980 йили эришилди. Ўша йилнинг ноябрида “котлован”-даги қазиш ишлари буткул ниҳоясига етди. Бу вақтга келиб, унинг юқори қисмида асосий сув тўсиш иншооти равоқлари ва



ГЭС биноти ҳам тўла қурилиб битди. Узунлиги 280, эни 40 метрдан иборат ушбу иншоотда 31 та сув ўтказиш равоғи, 6та турбинали гидроэлектро- станция (соатиға 150 минг кило- ватт соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эға. Энергетика режими асосида ишласа бир йилда 830, иррига- ция меёрида ишласа 670 миллион киловатт ампер электр энер- гияси ҳосил қилиши мумкин) мавжуд. Бугина эмас, секун- дига 500 кубометр сув ўтқазувчи чап қиргоқ, секундиға 250 кубометр сув берувчи ўнг қиргоқ магистрал каналларининг бош тақсимлаш иншоотлари ҳам шу ерда жойлашган.

“Котлован” - асосий иншоот замондошларимизнинг ажойиб мардлиги, матонати, шижоат ва қаҳрамонона меҳнати- нинг маҳсули, намунаси.

3. “1-сонли сардор”

... У атайлаб йигилишнинг энг олдинги қаторидан жой олди. Гарчи суз берилишиға умид қилмасада, бунинг учун қулай фурсат етилишини сабр билан кутди, - маврид етганда эса, овозини кутариброк сузлашдан ўзини тиёлмади:

- Балким сиз “ЭКГ”нинг кучи нимаға қодир эканлигини тасаввур этолмаётгандирсиз, - деди эҳтироси тошиб, - “Котлован” қазуви сустилиги ҳақида таъна - танқид эшитаверишдан тўйиб кетдик-ку, ахир? Агар билсангиз, “ЭКГ”ни сутка- сига 24 соат ишлатиш мумкин. Шунча ишлатсада миқ этмайди, жонивор. Биз бўлсак уни атиги 10-12 соат ишлатапмиз. Ишни 8 соатдан иборат ҳолда 3 сменаға кўчириш ҳақида, нега ҳеч ким ўйлаб кўрмапти? Шу саволимға сиздан жавоб сўрамоқчиман.

Оддий эксковаторчининг бу дашноми касаба уюшмаси йигилиши ҳайъатидан жой олган Василий Андрюшенкони анча кўп довдиратди. Йигилишни бошқараётган В. Рязанцев (касаба уюшмаси раиси) ҳам вазиятни тушунтириб, раҳбарларни ҳимоя қилишға сўз тополмай қолди.

Сирасини айтганда, Альфред шу топда бажарилиши ниҳоятда мушкул муаммодан сўз очганди. Эксковаторчининг талабини бажариш мумкин булмаган объектив сабаблар эса тулиб - тошиб ётибди. Бироқ, “котлован” да уймалашаётган 350-400 кишининг номидан айтилган бу талабға ҳеч ким қўл силтай олмасди. Негаки, вақт қистаб келаяпти. Бой берилган бир кун куни келиб, ишни ҳафта, ўн кун ортға суриб юбориши турган гап. Ҳар калай “ёшулли”лар қимирлаб қолишди. Электр токи ёрдамида ўрмаловчи “ЭКГ”лар учун сим-кабеллар етишмасди. Тошкентға изма - из хат ва шошилинчнома-

лар жўнатилди, телефон орқали ҳам бир неча бор музоқаралар ўтказилди. Ҳайрият. Марказ “ЭКГ”ларга аталган махсус электр кабелларини етказиб берди. Энди, эксковаторлар қошига келиб, гарданига юк ортишга махтал машиналар ва улар ҳаракатланадиган муваққат йўллар фойдаланишга шай этилса, бас. Бари жойига тўшади. Шундай бўлди ҳам. Бошқармада бўлган касаба уюшмаси йиғилишидан 10 кунлар чамаси вақт утгач “котлован”даги тўртала “ЭКГ”нинг ҳаммаси 3 сменали ишга кучирилди.

Бундан Траутманнинг қамқасб - сафдошлари эмас, балки раҳбарлар кўпроқ ютишди. Эксковаторчиларнинг бўш вақти иш билан алмашган бўлса, “котлован” қазуви билан боғлиқ юмушлар ҳажми деярли 40 фоиз ортиб, “Марказ” дан ҳар кун ва кунора келаётган эътирозлар сони сезиларли кискардди. Ишлар жўнашиб кетди. Альфред Траутманнинг касаба уюшмаси йиғилишидаги ўша талаби тобора пишиб келаётган масаланинг етилишини янада тезлатиб юборганини кейинчалик “Туямўйинсувқурилиш” раҳбарлари ҳам бир неча бора очиқ тан олишди.

Траутманни тўғри тушунмоқ керак. Ўшанда у ўзини кўз - кўз қилиш учун эмас, балки айрим эътиборсизликлар энг зарур ишларни бир неча ҳафта ёки ойлаб орқага суриб юбориши мумкинлигини бошидан кечирган воқеалар боис яхши билгани учун ҳам минбарга кўтарилганди.

Чиндан ҳам шундай. Бу каби воқеаларга Альфред аввал ҳам дуч келган. Чунончи, Туямўйиндагига ўхшаш воқеа Тожикистондаги Вахш ГЭСи қурилишида ишлаган кезлар ҳам рўй берган. Бироқ, ёшлиги ва тажрибасизлиги боис Траутман бундай минбарлардан фойдаланишга ўшанда журъат этолмаган.

Тожикистондаги қурилиш Траутман учун ҳаётий тажриба мактабига айланди. У техникани севар, кичкинагина жуссасига сўзсиз бўйсунган куйи ер қазийётган баҳайбат эксковаторнинг ҳаракатларидан беҳад катта завқ оларди. Ўзига қолса уни туну-кун тўхтовсиз бошқариб, хумордан чиқсам дейди. Унинг бу орзуи Вахшда амалга ошди. ГЭС қурилиши поёнига етар экан, Альфредни оғир уй - хаёллар тез - тез ўз оғушига ола бошлади. Унга ўз экскаватори қурилиш учун кераги бўлмайд қолганда усиз бир дақиқа ҳам тура олмаслиги сираям тинчлик бермасди. Ҳайрият. Ёш эксковаторчини Зарафшон шаҳри қурилишлари кенг кучоқ очиб кутиб олди. Тагин эксковатор жиловиға ўтирди. Аммо, Ўзбекистонда истиқлол тонгигача ҳали анча бор. Қизилқум қаъридаги қимматли бойликлар конларини очишга эса шўролар тузумининг кўпам ҳуши йўқ. Сахро бағридаги бойлик чин истиқлол айёмидагина умумхалқ мул-

кига айланиши ва кенг қўламли бунёдкорликка ҳам ўшанда киришилиши мумкин. Хулласи, Зарафшон шаҳри қурилишида амалга оширилаётган ишлардан Траутманнинг меҳнатга чанкок вужуди қаноат ҳосил қилолмади. Шу орада саҳро ёнгинасидаги Туямўйинда бутуниттифоқ (собик)қа татирли зарбдор қурилиш бошлангани ҳақидаги ҳабар етиб келди. Альфред ўйлаб ўтирмади. Қанот боғлаб Туямўйинга учди. Афсус қурилиш эндигина бошланиб келаётгани боис Альфредни эксковаторчилар ҳузурига эмас, балки бетончилар бригадасига жўнатишди. Қурилишда “ЭКГ” тугул оддий камқувват эксковаторлар ҳам етишмас, борларини эса жиловдорлар аллақачон эгаллаб олишганди. Траутман бетончилар бригадасида ишлашдан ўзини олиб қочмади. Аксинча, ишга жон-дили билан киришди. Ҳатто, оиласини ҳам Питнакка кўчириб обкелди. Орадан 4 ой ўтгач эса Туямўйинда дастлабки “ЭКГ” пайдо бўлди. Уни бошқаришнинг ҳадисини олган эмасми, жиловини Траутманнинг қўлига тутқазди. Шу тариқа у Туямўйиндаги 1-сонли “ЭКГ” экипажининг аъзосига айланди. Эксковатор янги эмас. Туямўйинга етказиб келингунга қадар собик Иттифоқнинг турли йирик қурилишларига жон бағишлаган. Неча юз минглаб кубометр тош, тупроқ ва шағални қазиб берган. Шу боис, уни туну - кун тўхтовсиз ишлашга мажбур этолмайсиз. Бундай қараганда, Альфредга ҳозирча шуниси маъқул. Таъмир баҳона темир “дастёр” билан тагинда яқинроқ танишади, билмаганларини ўрганади, билганларини ўзгаларга ўргатади. Шу аснода унинг яқин “табиби”, пири ва дўстига айланади. Амалда ҳам шундай бўлди. Бир неча бор ўтказилган жорий таъмир тадбирларидан сўнг “ЭКГ” Траутман учун ортиқ жумбоқ бўлмай қолди. Ўз “сир - асрор”ларини соҳибига тўла очди. Натижада таъмирлаш, эҳтиёт қисмларни янгилаш тадбирлари янада пухта ўтказиладиган бўлди ва уни бот - бот такрорлашга ҳожат қолмади. Мурувватлар умри сезиларли узайди. Шу аснода бу қудратли “дастёр” ўзининг нималарга қодирлигини бутун Туямўйинга намоён этиб, барча синовлардан силлиққина ўтди. Ҳа, эксковатор ўз соҳиблари синовидан ўтди. Аммо, соҳибларнинг ўзи ҳам синовдан: “ёшулли”лар имтиҳонидан ўтишди. Траутман - раҳбарлар синовидан биринчилар қатори ўтганлардан. Балки шу сабабдир: бир неча ой муқаддам оддий эксковаторчи сифатида машина жиловига ўтқазилган “техника жинниси”ни тезора 1-сонли экипаж сардорлигига тайинлашди. Улкан чўмичига бирйўла 4 кубометр тош ва шағални сиғдира оладиган темир “пахлавон” ўзининг ҳақиқий қудратини Альфред ва унинг камқасб-дўстлари қўлида намоиш этди. Туямўйиндаги бўлғуси

асосий сув ўтказиш тўғони ва гидроэлектростанция котлованини бунёд этиш ишларига киришилган 1970-1971 йиллар мобайнида Альфреднинг “жонажон дўсти” салкам 500 минг кубометр тош ва шағалтош қазиб берган бўлса биргина 1972 йили бу кўрсаткич 1 миллион, шундан кейинги йилларда эса (1977 йилгача) 1,4 – 1,5 миллион кубометрни ташкил этди. Умуман тўртала “ЭКГ” ва бошқа ўнларча катта - кичик ер қазиш техникаси ёрдамида 1970-1977 йиллар мобайнида котлован бағридан салкам 40 миллион кубометр тош ва тупроқ қавлаб олинди.

Мард йигит майдонда синалади. Траутман ва унинг сафдошлари ҳам ана шу майдонда синовдан ўтишди. Тўғри, улар учун ҳамма шарт-шароитларни муҳайё этиш имкони йўқ эди, ўшанда. Ишни чидаганга чиқарган.

- Баъзан бир - икки кунлаб оч – наҳор қолиб кетар, “котлован”га олиб тўшадиган ва олиб чиқадиган йўлларнинг носозлиги ва электр энергияси таъминотидаги узилишлардан панд еб қолар эдик, - ҳикоя қилиб деганди, ўшанда Траутманнинг яқин қамқасб дўстларидан бири, машҳур техника жиловдори, Туямўйиндаги ЭКГ-4,6 эксковатор экипажи бригадири, марҳум Мадийёр Қиличев, - Бундай шароитларга чидамай кетиб қолганлар ҳам бўлди. Бироқ, аниқ эсимда: Альфред ўз атрофига сабр - тоқатли, қийинчиликларга чидамли, шароитни яхши англай оладиган кишиларни тўплай олди. Шу сабабдан ҳам машаққат - қийинчиликлар қанчалик кўп бўлмасин, унинг бригадасидан ҳеч ким ишни ташлаб кетмади.

Марҳум эксковаторчининг бу дил сўзлари Туямўйиндаги ҳақиқий қаҳрамонликнинг эътирофидир. Экипажнинг 8-10 нафар аъзоси “котлован” қазуви давом этган 7 йил мобайнида чиндан ҳам қўлни - қўлга бериб, ахилона ишлади, бирови - бировини қўллади, йўқнинг ўрнини борлар тўлдирди. Бунинг шарофатидан собиқ Иттифоқда энг “кекса”лардан саналган Туямўйиндаги 1-сонли “ЭКГ” ғоятда унумли ва бетўхтов ишлади. Бунга қазувчи ва юк ташувчиларнинг “билағонлиги” ҳам айни зарур кезларда катта ёрдам берди. Бундай “билағонлик”ка ҳатто ўша кезларнинг энг зукко ишбошларидан бири Василий Андрюшенко ҳам қойил қолганлигини унинг ўз тилидан эшитганмиз. Унинг тан бериб айтишича, “котлован”дан юк ташиб чиқувчи машиналарнинг ён томонларига Мадийёр Қиличев ва Альфред Траутманнинг таклифига бинотан қўшимча қанотлар урнатилиб, кузовлар анча баландлатилибди. Натижада, МАЗ ва КРАЗ маркали машиналарга 2 - 2,5 кубометр ҳажмида қўшимча юк ортиш имкони вужудга келибди. Бу эса “котлован” даги қазув ва юк ташиш ишлари

суръати яна 15-20 фоиз ортиши, сарф - харажатлар эса шунча миқдор камайиши омилига айланибди. Бироқ, эксковаторчининг кузи панд берган, оқибатда “ЭКГ” ўз баҳайбат чўмичи билан айрим машиналарнинг ён бортларини шикастлаган ҳоллар ҳам юз берибди. Лекин, бу ўткинчи ҳол эди. Кўзнинг адашиши, нотўғри чама олиши бир - икки бор такрорлангач, бари ўз ўрнига тушган. Мўлжални нотўғри олиш ҳоллари тезда барҳам топиб, эксковаторчи ва ҳайдовчи бир-бирини имо - ишоранинг ўзиданоқ аниқ тушунадиган бўлишибди. Энг муҳими, иш суръати ва самараси айтилганидек сезиларли ортибди.

“Котлован”даги қазув ишлари бир меёрга етиб, натижалардан қаноат ҳосил қилса бўладиган паллага етганида Траутман бошлиқ Василий Фёдоровичнинг ҳузурига йўл олди. Масалани кўндаланг қўйди: “кекса ЭКГ”ни қандай қилиб яшартирганини айтиб, бошлиққа энди бригадаси учун янги эксковатор беришларини талаб қилди Василий ака ҳам буш келмади: эксковатор Альфреднинг қўлига тушгани учун ҳам ёшлигига қайтганини, бошқаларнинг илкига тутқазиладиган бўлса, дарҳол аслига қайтиб, “мункиллаган чол”га айланиб қолишини писанда қилди. Йўл - йўлакай эса Альфред ва қамкасблари, қолаверса бошқалар учун ҳам бир умр сабоқ бўларли гапни айтди. Таъкидладикки, Траутманчилар йил режасини Туямўйинда биринчи бўлиб уддалашибди, биринчи кубометр тош ва шағални ҳам улар қазиб беришибди. 1-сонли “ЭКГ” уларнинг измида эканлигини, 1-сонли эксковаторчи эса Альфреднинг ўзи эканлигини уқтирибди. Кичик жамоа айни пайтда 1-сонли қурилиш - монтаж бошқармасининг пешқадами эканлигини ҳам тилга олибди. Насиб қилса “котлован”нинг биринчи навбатини биринчи бўлиб қазиб тугаллаш ва улкан ҳовуз саҳнини биринчи кубометр бетонни ётқизишга ҳозирлаш ҳуқуқи учун кураш имконини уларга беришмоқчи эканини айтибди. Пировардида бу миқёслаги шарафли ва маъсулиятли ишни факат 1-сонли “ЭКГ” воситасида бажаришга ундабди. Бундоқ қараса, Альфред учун шуниси маъқул. Ўзича “шўрва кетса - кетсину, обрў кетмасин”, деган хулосага келибди ва бу масалада бошлиқни ортиқ безовта қилмасликка сўз бериб, ҳузуридан мамнун ҳолда аммо, катъий ишонч билан чиқибди.

Биринчи сонли экипаж сардорининг бу азму - қарори “котлован” тўла қазиб битирилгунга қадар заррочаям сусаймади. 1-сонли “ЭКГ” қарийиб 20 йиллик улкан қурилиш поёнига етгунча қадар биринчилиқни кўлда маҳкам ушлади.

4. Дарё ортига оқди.

... 1976 йил. “Котлован” билан Амударёни бир-биридан атиги бир неча ўн метрлик мувозанат тўсик - масофа ажратиб турибди. “Котлован”даги бетон ётқизиш, қазिश ишлари эса дарё сатҳидан 30-40 метр чамаси чуқурликда олиб борилаяпти. Ер остидан сизиб, қурилиш ҳавзаси томон ўтаётган дарё сувларининг ўзи секундига бир неча кубометрни ташкил этади. Бошини ариққа бурса, уни бемалол тўлатиб оқиши мумкин. Бу миқдордаги сувни сўриб олиш билан боғлиқ юмуш эса бутун бошли битта участканинг зиммасига юклатилган. Қурилиш бош муҳандиси Қозоқ Холимбетовнинг маслаҳатига биноан “котлован”нинг дарё соҳили билан туташ бир неча юз метрлик участкаси бўйлаб кўпдан - кўп ер ости насослари жойлаштирилди. Бу насослар кучли босим остида дарёдан сизиб “котлован”га ўтаётган сувнинг катта қисмини замин юзасига чиқмаёқ сўриб олиб, қайтадан дарёга оқизади. Ногаҳон, электр тармоқларидаги ишқаллик оқибатида “котлован”га нурқувват етказиб беришда узилиш содир бўлди. Сув сўриш насослари эса айнан нурқувват ёрдамида ишлайди. Насослар тўхташи билан қурилиш томон замин қаъридан оқиб чиқаётган сув миқдори ва босими кескин орта бориб, ҳалоқатли упконга айланди. Кучли босим ер остини ўпириб, “котлован” томон ҳатто катта - катта харсанг тошларни ҳам суриб кела бошлади. Аҳвол шу зайл давом этса дарё суви оралиқ масофани буткул емириб, ўзини “котлован” га уриши турган гап. Башарти ушбу фалокат рўй берса, наинки Питнак қишлоғи, балки бутун вилоятни сув босиши ҳам ҳеч гап эмас. ҳайрият, одамлар зарар кўришмади. Бостириб келаётган катта фалокат барчани бирлаштирди. Дастлабки 2-3 соатдаёқ қурилишдаги қарийиб ҳамма машина ва механизмлар тош ва шағал ташишга сафарбар этилди. Ярим кундан сўнг эса нурқувват таъминоти йўлга қўйилиб, насослар бир маромда ишлай бошлади. Аммо кураш давом этди. Қарийиб икки ҳафталик олишувдан сўнг офат чекинди. “Котлован”га келаётган сув оқими секин - аста камая борди. Пировардида эса ўпқон йўли буткул беркирилди. Сув азалий босим билан чиқа бошлади. Бир неча кундан сўнг эса “котлован”даги сувнинг бари дарёга қайтадан чиқариб ташланди. Қурилиш ўз меъёрига қайтди.



Ҳужжатларда “котлован” қурилиши тарихидаги энг йирик ғалаба 1979 йилнинг 4 декабр кунин қўлга киритилганлиги қайд этилган. Дарё ўз тарихида иккинчи бор айнан ўша кунин тўсилди. (биринчи бор Марв хонин Султон Санжарнинг Хоразмга юришин чоғида тўсилгани юқорида баён этилди).

Геннадий Бодигин: - Бу тарихий санага ҳозирлик аслида 1977 –1978 йиллардаёқ бошланди. Дарёни тўсиш юзасидан махсус режа - тадбирлар ишлаб чиқилди. Асов Амунин жиловлар ҳаракатида 100 ларча автотранспортчилар, курувчин ва монтажчилар фаол иштирок этдилар. Қурилишдаги вазият ҳар кунин махсус кенгашда атрофлича муҳокама этилар, вазифалар белгиланар, йўл - йўриқлар ишлаб чиқиларди. Мана асосий иншоот равоқлари ва “ГЭС” биносинин сув ўта бошлашга қарата ҳозирлаш борасидаги ишлар ҳам ниҳоясига етди. Қурилишининг минг - мингларча иштирокчилари қарийиб ўн йил орзикиб кутган ҳаяжонли дамлар келди. Ҳнларча қудратли КРАЗ лар гарданига катта - катта харсанг ва қоятошлар, бетон заводи учбурчак шаклида ҳозирлаган улкан темир - бетон ғулаларни ортганча соҳил сарин йўл олди. Дарёни тўсиш борасидаги яқунловчин кураш иккин куну – иккин тун давом этди. 4 декабр эрталабга келганда охириги машина дарёнинг “котлован”га ёндош эски ўзанига ўз юкини бўшатди. Дарё буткул тўсилди. Жайхуннинг Туямўйиндан юқори қисмидаги “Ўзан” омборинин сувга тўлатиш айнин ана шу ҳаяжонли ва нутилмас онлардан бошланди. Буткул тўсилган дарёнинг сатҳи аста - секин кўтарилар борди.

Дарёни тўсиш ишларин тугаб, асосий иншоотнинг қуйи қисмида оқим тақ - тақ тўхтагач, бульдозер, эксковатор ва сув остинин қазини механизм /земнасос/ ларин ишга тушди. Қудратли техника “котлован”нинг қуйи қисмин билан дарё оралигидаги муваққат соҳилга ҳамлар бошлади. Бу иш узоқ давом этмади. Дарё билан тўғон орасидаги тўсиқ бир неча соат ичиндаёқ бартараф этилди. Мана тўсилган дарёнинг қуйи қисмида



тўпланган миллион, ўн, юз миллионларча кубометр сув жунбушга келди. Курувчилар интиқ бўлиб кутган воқеа рўй берди. Асов Аму неча минг йиллик тарихида биринчи бор тескарин оқди, оққандаям ғоят қудратли куч билан оқди. Со-

ҳилнинг ер қазииш техникаси емиришга улгурмаган қисмини ямламай ютди, домига тортиб, ортга қайтганча қарийиб 50 метр чуқурликда ястаниб ётган “котлован” – асосий сув тўсиш ва ўтказиш иншоотининг ғоятда мустаҳкам бетон деворига ўзини урди. Эксковатор ва земнасослар атиги бер неча метр қилиб очган ўзаннинг кенлиги қудратли оқим таъсирида ярим соатга етмаёк бир неча юз метрга етди. Сув ўз йўлида нимаики учраса барини домига тортди. Соҳил яқинида темир занжирларга банди этилган катерни чирпирак қилиб учиради. “Котлован”дан бир чақиримча қуйидаги фонтон кўприк омон қолар, деб уйлагандик. Йўқ у ҳам дош беролмади. Акс оқим йўғон темирлар билан гайкалар (мурувватлар) воситасида бир - бирига бураб боғланган кўприк қисмларини банд - бандидан чирт узиб юборди. Улкан котлован бағри сувга 4-5 соатлар чамаси вақт ичида тўлажаги ҳақидаги тахмин ҳам чиппакка чиқди. Ўз соҳилини ямламай ютган Жайхун ушбу улкан ҳовузни ярим соат ичидаёк сувга тўлатди. Шу орада қудратли оқим қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шу қадар тез ғойиб бўлди. Шундан чамаси 40 минутлар олдин Туямўйинда ғоят таҳликали ҳолат рўй берганини эса ўшанда бир худо ва учтўрттагина киши билди холос. Ҳар ким ўз иши билан овора бўлиб, “ГЭС” биноси остидаги сув сўриш насосларининг бетон девор ташқарисидаги (бу жойларни ҳа демай сув босиб кетиши зарур эди) мурувватларини ишончли тарзда бураб, мустаҳкамлаш кимларнингдир хотиридан кўтарилибди. Бу ишни чамаси 10-15 минут ичида тугатмасанг, умуман қурилишдаги 10 йиллик меҳнат чиппакка чикиб, бутун воҳани сув босади, деявер. Сувнинг қудратли тўлқини ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Бу пайтга келиб дарёдан сизиб ўтаётган ер ости сувининг ўзиёк мурувватлар ўрнатилган жойларни кўмиб юбораёзган эди. Бир неча миллион тонналик куч билан олға интилаётган асосий оқимнинг етиб келишига эса атиги бир неча дақиқа-вақт қолган. Хўш, нима килмоқ керак? Декабрнинг шундай аёзли кунда кўкракгача сувга ботиб мурувват бураш, боз устига бу юмуш учун ҳатто ўлимига ҳам рози киши топиларканми? Қуйидан “котлован” томон очиб юборилган сувнинг шовқини эса дақиқа сайин кучаймоқда. У истаган дақиқада насосларнинг мурувватлари турган жойдаги бетон заминга бағоят катта зарб билан келиб урилиши мумкин. Бу ҳол юз бергудек бўлса ҳеч ким тирик қолмайди. Башарти, мурувватлар бураб созланмаса, бир неча минг кишилиқ гидроузел қурувчиларининг қарийиб ўн йиллик меҳнати ҳам шамолга совурилди деяверинг. Ҳа демай етиб келадиган қудратли оқим наинки насос ёки нуқувват турбиналари, балки

бутун бошли асосий иншоотни мисоли хас — чўпдай оқизиб кетиши турган гап. Демак, ягона чора ҳаракат қилишдан иборат. Омон қолсанг бола-чақангнинг толеи, омон қолмасанг...? Аммо, бундай таваккални ким ўз зиммасига олади? Ҳе йўқ, бе йўқ ўлиб кетишни ким хоҳлайди дейсиз?

- Сув остига биз борамиз, - ҳеч истиҳола қилмай, деди бу вақтга келиб, гидро- узелдан фойдаланиш хизматига раҳбарлик қила бошлаган муҳандис Рустам Абдуллаев, - бу ишни аслида ҳозирги таҳликали дамни кутмаёк, ўз вақтида бажармоқ зарур эди. Уни ўз вақтида уддалай олмадикми, демак маъсулият бизнинг зиммамизда. Шундай экан сув остига ҳам ўзимиз борамиз.

Рустамнинг ишораси билан бир неча норгул йигит зиналар бўйлаб насослар жойлашган зимистон хандақлар сари йўл олди. Шу топда “котлован” тубига йўл олганларнинг тақдирини ўйласанг юрагинг орқага тортади, кишининг. Баъзиларнинг сочи беш-ўн дақиқадаёқ оз бўлсада оқарганини ўшанда кўрганмиз. Йўқ. Охири бахайр бўлди. Созловчилар қудратли оқим етиб келишига атиги бир неча сония қолганида ишни тугатиб, юқорига йўл олишди. Биз эса худди қаҳрамонларни кутгандек, улар истикболига пешвоз чиқдиқ. Ўз ихтиёри билан кишининг совуқ суви орқали ўлим домига тикка бориб ундан омон чиққан сафдошларимизни дарҳол олов атрофига олдик.

Мана шундай қаҳрамонликларга гувоҳ бўлган Туямўйин - бу!

* * *

Таъкидлаганимиздек, дарёни тўсиш тугалланган тарихий ондан бошлаб, Туямўйин гидроиншооти мажмуига кирувчи 4 та улкан ҳавзанинг биринчиси — “Ўзан” сув омборини оби-ҳаётга тўлғазиш бошланди. Бу билан улкан гидроузелнинг биринчи навбати биринчи босқичи учун мўлжалланган ўн йиллик улкан яратувчилик меҳнати поёнига етди. Йил охиригача “Ўзан” сув омборига дастлабки 150 миллион кубометр оби-ҳаёт тўплаш юзасидан белгиланган ҳукумат топшириги адо этилди. Навбатда эса мазкур омбордаги сув ҳажмини 2,34 кубокилометрга етқазиш, шунингдек сиғими 0,96 кубокилометр бўлган “Копараз”, 2,69 кубокилометр бўлган Султон - Санжар, 1,61 кубокилометрга тенг бўлган Кўшбулоқ сув омборларини ҳам оби-ҳаётга тўлғазиш, Амударёда йирик сув электр станциясини ишга солишдек ғоят улкан ва маъсулиятли вазифа турарди.

Ҳали кўрасиз, пайти келиб бу улугвор ва маъсулиятли вазифа ҳам шараф билан уддаланади. Ана шу тарихий онлар яқин, жуда яқин қолганди...

5. Ғолиблар.

Ҳаётнинг ёзилмаган коидаси бор:

Ниятнинг холис бўлса, муроднинг ҳосил булур. Ўз ҳузурини ўзгаларнинг бахтсизлиги эвазига излаганлар ҳеч маҳал муродига етолмайдилар. Баъзан шундай бўлади: ҳатто шоҳлар-султонлар пешонасига толесизлик ёрлиги битилади-ю, оддий фуқаролар бахтиёрлик нашидасини суришади.

Узоқ ўтмиш ва ҳозирги кунларимизда Туямўйинда рўй берган ва бир – бирига эгизаклардек ўхшаб кетадиган иккита машъум воқеа буни аниқ – равшан тасдиқлайди. Фалак шоҳ Султон Санжарнинг гарданига ҳам, оддий муҳандис Василий Андрюшенконинг елкасига ҳам битта вазифа – асов Амуни тўсиш мажбуриятини юклади. Лекин, бунинг оқибатида ҳар икковининг пешонасига ҳар хил ёрлиқ илинди. Бировидан яхши, бировидан ёмон ном қолди. Гарчи беҳисоб куч – қудрат соҳиби эсада Султон мағлублик аламини тортди, бахтсизлик, тавки – ланъат ботқоғига ботганча Хоразм тупроғини тарк этди. Муҳандиснинг тақдири эса бошқача кечди. Элини обод қилиш, оби – ҳаётдан бахраманд этиш, ариқ – каналлар қазिश, эзгулик йўлида дарёни тўсишга қаратилган олийжаноб нияти уни шоҳдан қўра улўғроқ рутба – мартабага элтди.

Бу – ҳаётнинг адолатсизлиги ҳам, шафқатсизлиги ҳам эмас. Курраи – замин яралибдики, унда яхшилар ошини, ёмонлар бошини еб келишади... Ҳатто беадад кучи ва қудрати ҳам Султонга мадад беролмади. Асов Аму унинг ўзини ҳам, довруги ва салтанатини ҳам гўрга тикди. Жайхуннинг қошига эзгулик излаб келган оддий муҳандис Андрюшенко эса ғолиблик сурурини сурди. Бунинг сабаби аён: шоҳ Санжар ўз ёвузлиги ва қабиҳлигининг қурбони бўлди; қилмишлари бошини еди. Василий амаки эса эзгулик излаб, муродига етди. Айтилганидек, уларнинг биридан ёмон, биридан яхши ном қолди.

Беистихола айтиш мумкинки, “котлован” қаҳрамонларининг рўйхати бошида Василий Фёдорович Андрюшенконинг номи туради. Туямўйиндаги улкан бунёдкорлик ишлари кўпгина кишиларнинг фикрича марҳум Юсуф Шержонов 1965 йили Питнак қурилиш-монтаж бошқармасига бошлиқ қилиб юборилган санадан бошланган. Юсуф ота чиндан ҳам Туямўйиннинг қалдирғоч қурувчиларидан эди. Бироқ биринчи қалдирғоч қурувчи шубҳасиз Василий Фёдорович Андрюшенко. Негаки, Туямўйинга Юсуф акадан ҳам бир мунча муддат илгари келган ва “Туямўйинқурилиш” трестининг Питнакдаги яккаю-ягона қурилиш ташкилоти – шу ердаги участкасига раҳбарлик қилган киши шу бўлади.

Туямўйинда суяги қотган бу йигитни 1971 йил 21 майда қуриш-монтаж бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинлашди.

Шуни мамнуният билан битамизки, Туямўйиннинг энг йирик ва асосий иншооти-Амударёдаги сув тўсиш - ўтказиш тўғони, 150 минг киловатт - соат кучланишли сув электр станцияси, унга ва чап қиргоқ магистрал каналларининг бош иншоотидан иборат гоят мураккаб муҳандислик мажмуини айнан ана шу бошқарма меҳнатчилари барпо этишган. В.Ф.Андрюшенко эса ана шу улкан қурилишнинг бош мутасаддиси эди. У гидроузелни то охиригача қуриб битказмоқчи, тузоққа туширилган Амунни албатта ўз кўзи билан қўриб роҳатланмоқчи эди. Афсус. Шафқатсиз ажал уни бевосита хизмат вазифасини бажараётган кезде ҳаётдан маҳрум этди. Лекин, бу пайтга келиб, Амунни тўсиш юзасидан кўп йилларга мўлжалланган яратувчилик ишлари деярли поёнига етиб қолган ва унга Василий Фёдоровичнинг беҳисоб хизматлари сингганди. Василий Андрюшенко, дарё тўсилишига атиги 10 ой қолганида вафот этди. “Котлован”даги улкан миқёсли бунёдкорлик ишлари эса шунгача унинг раҳбарлигида ўтган 9 йиллик жангу - жадал кураш баробаринда рўёбга чиқди.

Элимиз эзгуликни унутармиди. В. Ф.Андрюшенко ҳаётлигидаёқ эл эъзозига сазовор бўлди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони ва бошқа кўпгина ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

“Котлован”да ишлаганларнинг деярли бари Василий Андрюшенконинг шоғирдлари, кўпларни эса бу зарбдор бунёдкорлик майдонида унинг ўзи бошлаб келган, наинки ишга, касбга, балки инсонийликнинг эзгу йўлларига ҳам бошлаган. Бетончилар бригадаси бошлиғи Қадам Ражабов ана шуларнинг бири. Асосий иншоотлар бағридаги шижоатли меҳнат унинг номини эллар, юртлараро машҳур қилди, десак муболаға бўлмас. “Котлован”га бетон ётқизиш ишлари авж нуқтага кўтарилган йилларда Қадам Ражабов бригадасига монанд меҳнат килдолган жамоа Туямўйинда йўқ эди. Ишга чечанликда ҳам Қадам акага тенглашадигани топилмасди. Бироқ, мажлис - маросимлар, ойнаи жаҳон ёки радио орқали сўзлашга келганда эса ундан ҳам кўра нунокрок киши йўқ эди. Шу боис, интервью сўраб келган мухбирлар ёки бирон - бир мажлисда сўзлашни таклиф этган раҳбарларга: “Мени қийнаб нима қиласизлар, яхшиси уйга ҳам бормаи ҳафта дейсизми, ўн кун, бир ой дейсизми ишлаб бера қолай, сўзлашдан озод қилсанглар бас” - дерди. Тўғрида, инсон нукул сўз учун эмас, балки иш учун яралган ва шу билан ардоқли. “Котлован”даги шижоат - матонат пировардида К.Ражабовни “Ҳурмат белгиси

ордени” ва қатор медалларга сазовор этди. Сергей Цой, Туроббой Шаропов, Қадам Саидов, Искандар Худойкулиев, Норимбой Самандаров, Али Алиев, Владимир Рязанов, Леонид Сивцов, Отто Гофф, Ўрин Отахоновларнинг номи ўша долзарб кезларда тилга тушди. Туямўйиннинг наинки қалдирғоч, балки энг пешқадам ана шу қурувчиларини ҳар қанча эъзозласа арзийди.

“Котлован” қалдирғочлари ва пешқадамлари шулардангина иборат эмас. Юқорида биз 1-сонли “СМУ” ни “Туямўйин-сувқурилиш”нинг тунгич жамоаси сифатида таърифладик. Хўш, тўнғич қурилиш ташкилотининг тўнғич иш бошлариню, ташкилчилари кимлар? Хужжатларга кўз югуртираемиз. Ёш муҳандис Р.Абдуллаевнинг номи бу ерда ҳам биринчи бўлиб қайд этилган. Қайд этибгина қолинмай, 1-сонли “СМУ”нинг 1- участкасига раҳбарлик қилиб, асосий иншоотлар қурилишини бошлаб бергани ҳам алоҳида таъкидланган. 2- участкага эса яна бир истеъдодли муҳандис И.Исмоилов раҳбарлик қилган. Ўнг қирғоқ магистрал канали, бетон хўжалиги, Туямўйин темир йўл шоҳ бекати каби ўндан зиёд объектлар қурилишини ҳам айнан ана шу участка бошлаб берган.

Эндиги турмушимизнинг ҳукми шундай: асов Амуни тўсишда қатнашган борки, бари ғолиблар сафида. Буни назарда тутса Туямўйиндаги энг йирик, мураккаб ва маъсулиятли қурилишлар бари ўз ишининг фидойиси, билимдон муҳандис Саъдулла Жумабоевнинг номи билан боғлиқ. Тарихий ва маъсулиятли ишларга анойи кишиларни йўллашмайди. Шу боис, бошқарманинг 3- участкасига дастлаб Б.Жумабоев раҳбар қилиб тайинланганига сира ҳам ажабланмаслик даркор. Барча қийин, мураккаб юмушларга “лаббай” дея жавоб берувчи бу оташ юрак муҳандис пировардида юксак ишончли меҳнати, билими, маҳорати ва одамийлиги билан тўла оқлади.

Ишбошилар ҳақида гап кетар экан, бу улкан яратувчилик майдонида Қаландар Матчонов, Вениамин Мельников, Геннадий Бодигин, Халил Башмаков, Ринат Натфуллин, Василий Великанов, Юрий Пискунов, В. Боровец каби ўнларча талантили муҳандислар номини четлаб ўтолмаймиз. Лойиҳадаги гидроиншоотни эл кўз ўнгидаги бебаҳо кошонага дўндиришда уларнинг шижоаткорона ва бетиним меҳнати мужассам.

Туямўйинда барпо этилган ноёб иншоот бунёдкорларнинг ўзига-ўзи қўйган салобатли ёдгорлиги сифатида асрлар бўйи қад ростлаб туражак ва халқимизга, юртимизга тоабат беминнат хизмат қилажак.

6. Ўнгирдаги “Олишув”.

- “Котлован” учун бошингиз билан жавоб берасиз, - деди Тошкентдан телефон сими орқали етиб келган овоз эгаси таҳдидли охангда.

- Ахир...?

- Баҳонани қўя туринг. Объект кимнинг назоратида турганлигини биласизми, ўзи? Бу масалага шахсан Шароф Рашидовичнинг ўзлари қизиқаяптилар. Кани айтинг-чи, бошқармангизда қанча ишчи кучи бор?

- Техникадан камчилигимиз йўқ — 80 га боради, ишчилар 400 га етди.

- Хуш, объектда ишлаётганлар-чи?

- 30-40 та техника, 100 дан хиёл кўп одам ишляпти.

- Ана айтмадимми, бу ишингиз учун ҳали Тошкентга келиб, жавоб берасиз. Ҳозирок бориб, Духанинга учрашинг. Топшириқни бажариб, натижасини дарҳол менга етказинг.

Андрюшенко шошиб қолди. Тошкентдан сим орқали туриб буюрилган ишни бажаришнинг асло имкони йўқ эди. Кучли босим остида дарёдан “котлован” сари сизиб ўтаётган сувни тўхтатиш ёки чиқариб ташлаш, автомобиллар учун муваккат йўлларни етарли даражада ҳозирлаш, “ЭКГ” ларга электр энергиясини бетўхтов етказиб бериш асносидагина бошқарманинг бутун кучини котлованга йўллаш мумкин. Ҳозирча эса бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

- Нима қиламиз?- сўради Духанин ҳузурда сўппайиб ўтирган Андрюшенко ва бутун вужуди билан масалани мушоҳада этишга уринаётган бош муҳандис Холиμβетовдан.

Ниҳоят Андрюшенко ўзини қўлга олди:

- Ахир саноат базасини қурмай, котлованни қандай қазиймиз? Ишни биринчи ва иккинчи даражалисига фақат каллаварамларгина ажратиши мумкин. Менимча, улар ишимизни тушунишмаяпти.

- Тушунишни ҳам исташмайди, - луқма ташлади Холиμβетов.

- Сизларга гапнинг пўст-калласини айтайми, - Агар билсаларинг бу гап Шароф Рашидовичдан чиқмаган. Бизга унинг номини рўкач қилиб, буйруқ беришяпти. Шундай экан, ишни келган жойидан давом эттирамиз. Мавриди келсагина “котлован”га кўчамиз.

Кичик кенгаш тугади. Бу вақтга келиб, Питнакда хўрозлар тун учун биринчи қичқирғини поёнига етказиб бўлишганди. Ходимларини кўзатган Духанин оғир хаёллар оғушида хизмат машинаси томон юрди. У кўпинча тинмай ўйлар,

ҳатто уйқусида ҳам ишга нафи тегадиган нарсаларни кашф эта оларди.

... Хулласи ишлар келган жойидан давом этди. “Котлован”га сафарбарлик уюштирилмади. Негаки, замонавий sanoat базасини вужудга келтирмай туриб, асосий юмушга уннаш пировардида энг катта стратегик хатога айланиши ҳеч гап эмас. Sanoat мажмуи Туямўйинга сув билан ҳаводек зарур.

Туямўйиндагилар sanoat базаси қурилишини қизитгандан - қизитишди. Аммо, бир неча ойлар мобайнида юрак ҳовучлаб яшашди.

- Агар ишнинг манфаати учун бўлса, баъзан ёлгон гапирилса ҳам зиён қилмаскан, - деди бир куни Виктор Духанин, - “Котлован” даги ишлар қизитиб юборилгани ҳақида Тошкентга бир - икки марта ёлгон маълумот берганимиз рост.

- Виктор Григорьевичнинг айтишича, Тошкентдагилар афтидан ўша сохта маълумотдан қониқиш ҳосил қилишган ва Туямўйинни ортик безовта қилишмаган. Иш ва вақтни ютиш, пировардида мавжуд кучларини котлованга етарли миқдорда жалб этиб, сохта маълумотларни аслида ҳақиқий ишга дўндириш, энг муҳими режадаги кўрсаткичларга етиб олиш учун шунинг ўзи кифоя эди.

Энди эса дангал айтмоқ мавриди: зарур келса баридан ҳам қўра энг муҳими улкан қурилиш ошқозони, нонию - хамири ҳисобланган йирик sanoat мажмуи котлованнинг соясида ва ярим ошқора, ярим пинхона тарзда бунёд этилди. Тошкентдан берилган машъум буйруқ бажарилмаганидан кейинчалик ҳеч ким, ҳатто ўша топширикни ўйлаб топганлар ҳам афсусланишмади. Ҳа - да, қурилиш учун авваламбор унинг “нони” зарур.

1972-76 йиллар мобайнида йўқдан бор этилган йирик sanoat мажмуи ва унга кирувчи объектларни бармоқ букиб эмас, чўт соққалари билан ҳисоблайсиз. Тасаввурингиз ойдинлашмоғи учун хукмингизга айрим объектларнинг номинигина ҳавола этамиз.

Туямўйин sanoat мажмуи: Бетон заводи, цемент омбори, йирик қозонхона, арматура хўжалиги, темир-бетон буюмлари полигони, гишт, асфальт, тош майдалаш заводлари, Туямўйин темир йўл шоҳ бекати, 540 автомашинага мўлжалланган автокорхона мажмуи, кислород станцияси, гидромонтаж, кичик техника воситалари ҳамда 1 - 3-сон қурилиш - монтаж бошқармалари, 1-сон қўчма механизациялашган колоннанинг ишлаб-чиқариш, таъмирлаш корхонаси устахоналари;

Питнак sanoat мажмуи: Бетон ва темир-бетон буюмлари заводи, ёғочсозлик цехи, автокорхона мажмуи, механизация

базаси, механика - таъмирлаш устахонаси, 2-сон қурилиш - монтаж бошқармаси, 1 ва 540 - сонли кўчма механизациялашган колонналарнинг ишлаб чиқариш ва таъмирлаш мажмуи ва бошқалар.

Асосий сув ўтказиш ва тақсимлаш тўғонининг эгизаклари бўлмиш мазкур корхона ва ишхоналар ҳозир ҳам ёнгинадаги сув ва нур денгизи янглиғ уч Республика истиқболи ва истиқлоли учун хизмат қилаяпти.

"Туямўйинсувқурилиш"га қарашли ёрдамчи корхоналар комбинати директори Илҳомбой Қўчқоровнинг ҳикоясидан: - Қурилиш минг хил майда-чуйда билан иш кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги қурилиш жамоаларининг биронтаси ҳам Туямўйиндаги сингари кенг имкониятларга эга эмас. Сабаби, бошқа турдош заводларнинг биронтасида ҳам қурилишлар учун зарур темир-бетон блоклари ва конструкцияларнинг барчаси ишлаб чиқарилмайди ва шу боис маҳсулотнинг у ёки бу турини албатта четдан олиб келишади, ёинки бошқа жойларга буюртма беришади. Бизда эса бунинг акси. Қурилиш учун зарур конструкцияларнинг барчасини шу ерда ўзимиз тайёрлаймиз. Комбинатимизда 600 хилга яқин номда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Узунлиги 12-14, ҳатто 18 метрлик темир-бетон балка, кўприк қурилмаларини ҳам комбинатимиз жамоаси тайёрлайди.

Директор ҳақ. Бироқ, у айтган қурилиш хом ашёлари саноат базасида яралаётган моддий бойликларнинг бир қисми холос. Икки ўриндаги йирик козонхона, кислород станцияси каби йирик корхоналарнинг маҳсулоти ҳам қурилишларнинг кони ва жони. Қурилишга сув билан ҳаводек зарур ана шу корхоналарни бунёд этишда Туямўйиннинг энг сара қурувчилари, мана-ман деган жамоалари иштирок этишди. Энг мохир ва чиниққан кишиларнинг сафарбар этилиши бунёдкорликнинг ана шу жабҳасига диққат-эътибор нечоғлик кучли бўлганлигини яққол ифода этади.

... 1983 йил. Куз. Ўзбекистон раҳбари Ш.Рашидов ҳаётининг энг сўнгги 10 кунини Хоразмда ўтди. Собиқ Республика раҳбарларидан ҳеч бири шу вақтгача битта вилоятга бу қадар узоқ муддат сафар қилмаганди.

Ушбу 10 кун ичида Шароф ота Туямўйинга бир неча бор келди. Виктор Григорьевич унинг оғзини, бўш вақтини пойлайди. Қарийиб 10 йилдан буён дилида тугун бўлиб ётган дардини айтиб, юрагини бўшатсам дейди. Мана бир онлик суҳбат учун йиллар давомида орзиқиб кутилган фурсат етди:

- Шароф Рашидович, олдингизда жуда хижолатдаман, - деди Духанин унга ўша фурсат етилгани ҳамона.

- Нега энди?

- Чунки, ўшанда сизга ёлгон маълумот берганмиз.

- Эслолмаяпман.

Духанин суҳбатдошига 1974 йилнинг ўша кеч куз фаслида котлован қазувида юзага келган машғум вазият ва Республиканинг биринчи раҳбари номидан телефон орқали берилган буйруқ ҳақида қисқача гапириб, асосий тўғон қурилишида олиб борилаётган ишларни бўяб кўрсатишдан бўлак илож қолмаганлигини айтиб, ётиги билан кечирим сўради.

- Бари - бир эслолмаяпман.

- Ҳаммасини тушундим, Шароф ака. Балким, ўша вақтда буйруқни Сизнинг номингиздан тўғри беришгандир. Назорат қилинмайдиган ишда унум ҳам, сифат ҳам бўлмайди. “Назорат” учун эса Сизнинг номингиз зарур.

- Ҳмм, гапингизда жон бор. Менимча, ўша “буйруқ”дан сўнг қоғоздаги йўқ ишни, амалда бор ишга айлантириш учун бироз жон койитган бўлсаларинг ҳам керак, ахир?

- Ҳа, Шароф Рашидович. Биров келиб, текшириб колса мисимиз чиқмасин, дея “котлован” даги ишларни ҳам, саноат мажмуи қурилишидаги ишларни ҳам бир сменадан икки сменага кўчирганмиз. Натижада, қоғоздаги қурилиш, ха демай амалдаги қурилишга айланди.

- Ана кўрдингизми, хе йўқ, бе йўқ, мендан кечирим сўраб ўтирибсиз-а?

Шундан кейин Рашидов Духанинга ўзига маълум бўлган бошқа бир воқеани айтиб берди. Кунлардан бир кун Шароф аканинг яқинларидан бири ҳузурига кириб, Ўзбекистоннинг барча вилоят, туман, қишлоқлари ва жамоа хўжаликларида Шароф Рашидов бир пас кўниб ўтадиган ҳашаматли ҳордиқ масканлари бунёд этила бошлаганлигини маълум қилибди.

- Хеч киси йўқ, - дебди Шароф ака ва кўшимча қилибди, - Ўзбекистонда 3 мингга яқин жамоа ва давлат хўжалиги бор. Уларнинг ҳар бирида биттадан дала шийпони бўлса, бунинг нимаси ёмон? Менга келсак, бир йилда нари борса 5-6 тагина хўжаликка йўлим тушар. Ҳар қайсисида бир - икки соат меҳмон бўлишим мумкин, холос. Демак, сиз “Меҳмонхона”, деб айтаётган дала шийпонлари аслида деҳқонга қолади. Мулк уларники. Бундай меҳмонхоналар ҳақида менга аввал ҳам айтишувди. Бироқ, аслида улар менга эмас халқимизга хизмат қилишини ўйлаб, бировга дакки беришни лозим топмадим. Қўли узун бўлса майли қураверишсин. Сизнинг иккорлигингизга ҳам жавобим шу: буйруқни гарчи мен бермаган бўлсам

- да, у ишларнинг жадаллашуви гаровига айланибди. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Аммо, эҳтиёт бўлинг Виктор Григорьевич, менинг номимдан иш қурувчи бюрократларнинг турига кўпам тушаверманг. Зарур ва виждонингиз қабул қиладиган буйруқларнигина бажаринг.

Виктор Григорьевич, бу сўзларни тингларкан қаршисида Республиканинг оддий раҳбари эмас, балки аллома, донишманд даҳолардан бири турганлигига ич-ичидан иймон келтирди.

7. Сиз уларни танийсиз.

- Унинг ҳузурига бирор ниятни кўнгилга туккан ҳолда кирар, аммо унинг фикри билан қайтиб чиқардик, - бу қурилиш ташкилотчиларидан бири - Искандар Юсупов ҳақида яна бир номдор қурувчи Геннадий Бодигин томонидан айтилган фикр. Унда жон бор.

Искандар Юсупов — улкан гидроузел моддий - ишлаб чиқариш базасини бунёд этишга биринчилардан бўлиб киришган ўнларча, юзларча кишиларнинг бири, устоз, мураббийси ҳамдир. 1965 йилиёқ Туямўйиннинг илк қурувчилари сафидан жой олган Искандар Юсупов ҳаётнинг барча пиллапояларидан ўтган, турмуш аччиқ - чучукларини ҳам хўп ва кўп татиган инсон. Асли питнаклик, оддий чорикор деҳқон оиласидан чиққан бу тиришқоқ йигит азим Туямўйиннинг узоқ истиқболи, ўн йиллардан кейинги манзарасини хали мактаб партасида таълим олаётган кезлардаёқ қўра ва била олди. Шу боис тақдирини, ҳаётини ушбу қурилишга бағишлади.

Узоқни кўзлаган Искандар Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти-ни тугаллагач ўзини юқори даргоҳларга урмади, Тўппа - тўғри Юсуф Шержоновнинг ҳузурига бориб, унга юкинди. Энг оддий ва қора юмушларга ҳам йўқ демади. Питнакдаги муваккат ишлаб - чиқариш базаси қурилишида мастерлик қилди, бироздан кейин прораблик, сўнгра участка бошлиғи вазифасига кутарилди, 1969 йилдан эътиборан бошқарма бош муҳандиси бўлди. Ёш бўлсада, интилиб ва изланиб билимини бойитган, тажриба туплаган муҳандис йигитни 1971 йили уй-жойлар қурилиши билан шуғулланувчи янги 2-сон қурилиш - монтаж бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинлашди. Ордан роппа - роса бир йил ўтгач эса /1972 йил 1-апрель/ яна бир янги ва йирик қурилиш ташкилоти 3-сон қурилиш - монтаж бошқармасини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш вазифасини ҳам унинг зиммасига юклашди. 1-сон қурилиш - мон-

таж бошқармасининг 2 - ва 3-участкалари замирида таркиб топган янги ташкилот дастлаб атиги битта - юмуш қурилишнинг ишончли ва қудратли саноат базасини вужудга келтириш билан шуғулланди. Жами 50 га яқин катта - кичик иншоот ва корхоналардан иборат мазкур индустриал база ниҳоятда қисқа муддат 1972 йилдан 1977 йилгача бўлган вақт мобайнида қуриб битказилди. Қиймати бир неча ўн миллион сўмдан иборат бўлган мазкур база пировардида улкан қурилишнинг юзларча миллион сўмлик /80- йиллар нархида/ буюртмасини уддалади. И.Юсупов бу жабҳадаги кўламдор иш жараёнларининг барига зукколик билан раҳбарлик қилди. Раҳбар ва ишбошига хос лаёқатини тўла намоён этиб, Шароф Рашидовдек алломасифат раҳбар – даҳонинг назарига тушди.

Туямўйинликлар ажойиб муҳандис, ташкилотчи раҳбар Жумабой Бобоевнинг инсоний фазилати, салохиятини ҳам юксак қадрлашади. Саноат базаси, асосий иншоот, дюкершлюзи ва регулятори, Султон-Санжар сув ўтказиш тўғони, сувдан ҳимоя воситалари қурилиши унинг ноёб истеъдодини ёрқин намоён этди. Айнан ана шу, қурилишларда ўзини кўрсатган ёш муҳандисни ҳали 27 ёшга тўлмаёқ бошқарма бош муҳандислиги, кейинчалик эса ишлаб чиқариш техника таъминоти бошқармаси бошлиғи, “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1985 йили эса 20-сон қурилаётган корхоналар ва иншоотлар бирлашган дирекцияси директори вазифаларига кўтаришди.

Бошқармага шундан кейинги йилларда раҳбарлик қилган Иброхим Содиқов, Исо Юсупов, Рўзим Самандаров, Саъдулла Матёқубов, Геннадий Бодигин, 20 йилдан мўлроқ вақт мобайнида бош муҳандис вазифасида меҳнат қилган Баходир Норбоевларнинг мардлик ва матонат билан йўғрилган фаолиятини ҳам ҳар қанча мақтаса, мадҳ этса арзийди.

- Кимларни яхши, кимларни эса бундайроқ раҳбар ҳисоблайсиз?- тагдор қилиб сўраймиз – бошқармага кўп йиллик ҳалол меҳнатлари сингган гишт терувчилар бригадари Раҳим Отахонов, кранчи Саъдулла Матёзовлардан (ҳар иккаласи ҳам 1967 йилдан буён Туямўйинда.):

- Яхши ишларнинг бошида ҳамиша яхши кишилар туришади, маънодор қилиб деди Р.Отахо-



нов, кани ўзингиз айтинг, тоғ, адир ва сахро бағрида шундай улкан денгиз барпо этганларга эътироз билдира оласизми? Бошқаларга қандайлигини билмадим, шахсан ўзим ёмон раҳбарларга дуч келмаганман.

- Туямўйинда қиш қаттиқ келади,-деди С.Матёзов,- Бир гал йиртилиб битган иш пўстинимни янгилаб беришни сўраб, участка бошлиғига мурожаат қилдим. У рад жавобини берди. Шундан сўнг бошқарма бошлиғи Бодигиннинг хузурига кирдим. У кишининг аниқлашича, омборчи бирор қора кунга ярар деб атиги битта пўстин қолдирган экан. Охиргиси бўлса ҳам менга бердирди. Иш ва ишчи манфаатини кўзлаган бундай раҳбарни бошимизга кўтарсақ арзийди.

Саъдулла ака сингари оддий меҳнатчиларнинг ишончи, меҳру-муҳаббатини қозониш раҳбар учун катта шараф. Одамлар эзгуликни унутишмайди. Раҳбар ишчи ҳурматини ўрнига қуйса, ишчи меҳнатни ўринлатади. Зеро, улкан қурилиш иштирокчиларининг мардлиги, матонати, жасорати, шижоатли меҳнати, пировардида эса катта ютуқлар, зафарларга ҳам айнан шу янглиғ ғамҳўрликлар, меҳр-оқибат намуналари сабаб бўлган.

Чиндан ҳам шундай. Бунёдкорликда раҳбар ва мутахассиснинг билими, малакаси, инсоний бағрикенглиги, дарёдиллиги, ташкилотчилик сифатлари катта роль ўйнайди. Бироқ: яратувчиликнинг бош меъмори, бунёдкори ҳаминша оддий курувчилар, монтажчилар, техник ва муҳандис кадрлар бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шубҳага ўрин йўқ. Туямўйин гидроиншооти қурилиш ҳам ашёларини ишлаб чиқарувчи саноат мажмуи неъматлари эвазига қад ростлаган. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Туямўйиндаги улкан сув ва нур денгизининг ўзи 30дан зиёд йирик иншоотлардан таркиб топган. Ана шу иншоотларнинг ҳам бош бунёдкори - шубҳасиз 3-сон қурилиш-монтаж бошқармаси. Саноат мажмуи бунёдкорлиги эса яратувчилик соҳасидаги кенг кўламли ишларнинг бир бўлаги холос. 70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, саноат базаси қурилишидаги ишлар суръати қадамба - қадам сўна борди. Унг ва чап қиргоқ каналларининг иншоотлари, уларнинг бошланиш қисмидаги ўзани, чап соҳилдаги дюкер - шлюз ва регулятор, Султон - Санжар ҳавзасига сув ўтказиш ва ундан сув олиш иншоотлари, 1-2-3-4-5-6-7-8-9 - сонли сувдан ҳимоя дамбалари, Амударё тўсиладиган эски ўзан ўрнидаги тупроқ тўғони қурилишларидаги ишлар кўлами эса қадамба - қадам кенгая борди. Асосий тўғон - шубҳасиз қурилишнинг бош объекти. Лекин, сунъий денгизнинг мавжудлиги юқорида номлари

келтирилган иншоотлар билан. Улар мазкур иншоотнинг ми-
соли юзи - кўзи, қўли, оёғи.

3 - "СМУ"нинг Эркин Эгамбердиев раҳбарлик қилган
участкаси аҳамияти ва катталиги билан асосий иншоотдан
кейин иккинчи уринда тургувчи чап қиргоқ дюкер - шлюзи ва
регулятори қурилишини 1974 йили бошлади. Бунёдкорлик
ишлари 6 йил тўхтовсиз давом этди. Бу вақт ичида иншоот
бағридан 755 минг кубомер тупроқ қазиб олинди, пировар-
дида эса унга жами 48,7 минг кубомер бетон ётқизилди.,
1550 тонна ҳажмида арматура ва бошқа металл конструкция-
ларини пайвандлаш ишлари уддаланди.

Хоразм воҳаси ва Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти-
ни оби - ҳаётдан баҳраманд этаётган мазкур иншоот асосий
сув ўтказиш ва тақсимлаш тўғонидан ярим чақирим қуйида
жойлашган. Қўш қаватли бу ноёб ва мураккаб муҳандислик
иншооти бир вақтнинг ўзида иккита ҳавзадан сув олиб, уни
яна иккита йирик магистрал сув йўли - Тошсоқа ва Тошҳовуз
каналларига тақсимлайди. Асосий ўзан орқали келаётган лойқа
сув, юқоридаги иккинчи, Султон - Санжар сув омборидан
келаётган тиниқ сув эса қуйидаги биринчи қаватдан ўтиб,
бир - бирига аралашганча ана шу иккита ўзан орқали Хоразм
ва Тошҳовуз экинзорлари томон йўл олади. Иншоотнинг сув
ўтқазувчи равоқлари 6 қисмга бўлинади. Биринчи қават орқа-
ли ўтаётган тиниқ сувнинг бир қисми, иккинчи қаватдан қуйи-
лаётган лойқа сувнинг бир қисми билан аралашиб секундига
250 кубомер сув оқувчи Тошсоқа, биринчи ва иккинчи қават-
лар бўйлаб ўтган қуйи бир - бирига аралашган оби - ҳаётнинг
қолган қисми (секундига 250 кубомер) Тошҳовуз каналини
ҳосил қилади. Иншоот тўла қувват билан ишлаган ҳолларда
эса иншоот ва ҳар иккала канал орқали 800 кубомер сув
оқиши мумкин.

Бошқарма бунёдкорларининг самарали меҳнати бароба-
ринда қад ростлаган салобатли иншоотларнинг яна бири орқа-
ли эса йирик магистрал йўл тармоғи ўтказилган. Амударё ор-
қали келаётган улкан
оқим айнан ана шу ин-
шоот орқали Туямўйин
гидроузели мажмуидаги
энг катта оби - ҳаёт
ҳавзаси - Султон - Сан-
жар сув омборига йуна-
лади. Иншоот қурилиши-
ни 1973 йили "котлован"
қазувчилар бошлаб бе-



ришган. Эксковаторчи, бульдозерчи, хайдовчилардан — Ис-кандар Оллаёров, Мадийёр Қиличев, И.Салимов, Р.Собиров-лар ҳамда уларнинг бунёдкор қамқасблари бўлғуси иншоот бағридан 2,8 миллион кубометр тош ва шағалтош қазиб олиш топширигини гоят қисқа муддатларда адо этишган. Режага кўра иншоотни барпо этиш ишлари 1975 йили бошланмоғи дар-кор эди. Изланиб имкон топган бунёдкорлар иншоот қурили-шини муддатидан қарийиб 2 йил илгари бошлаб юборишга муваффақ бўлишди. Қурилишни Юсуф Исмоилов бошлиқ участка жамоаси бошлаб берди. Ҳозирланган катта котлован бағрига 1975 йили дастлабки кубометр бетон ётқизилди. Объект-ни тўла тахт этиш борасидаги яратувчилик ишлари эса 1979 йили нихоясига етказилди. Шу тариқа асосий иншоотлар тар-кибига кирувчи яна бир йирик объект фойдаланишга шай этилди. Шунинг ҳам айтиш зарурки, Туямўйиндаги бунёдкор-лик ишлари бир вақтнинг ўзиде ўнларча, юзларча объектлар-да давом этсада, асосий эътибор дарё тўғони ва ГЭС биноси қурилишига қаратилганди. Шу боис етказиб берилмаётган ва бу ерда ишлаб чиқарилаётган “масаллиқ”лар ана шу зарбдор объектдан ортагина бошқаларига жўнатиладди. Ишнинг бун-дай тартиби дюкер - шлюзи ва регулятори ҳамда Султон - Санжар сув ўтказиш тўғони қурувчиларини мушкул ҳолатга солган ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Лекин, қурувчи-монтажчи-лар ҳам буш келишмасди. Бетон қоришмалари етишмай қол-ган долзарб дамларда муваққат кўчма қурилмалар ишга ту-шиб, қурилишни зарур маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш йўллари очишарди. Бунёдкорлик масканлари қурувчи - мон-тажчилар истиқомат қилаётган жойлардан анча йироқда жой-лашгани ҳам турли қийинчиликларга сабаб бўларди. Аммо, бунинг ҳам чораси топилди. Вақтинча истиқомат қилиш учун дашт ва адирликларга вагон уйчалар гилдиратиб келинди, озиқ - овқат таъминоти йўлга қўйилди. Бундай оқилона талбирлар албатта қутилган самарани берди. Қурилиш ва монтаж ишла-ри юзасидан белгиланган режаларни уйдлашда кечикиш ёки сифат бузилишлари қайд этилмади. Аксинча нуфузли ва та-лабчан давлат қабул комиссияси объектлар қурилишини ну-кул, яхши ва аъло баҳоларга муносиб кўрди.

Султон-Санжар иншооти қурилишини муваффақиятли ту-галлаган бунёдкорлар ўзларини бир эмас бир неча зарбдор қурилиш жабҳалари кўтаётганлигини яхши билишарди. Дар-ҳақиқат шундай. Биринчи кўчма механизациялашган колон-на гидромеханизаторлари барпо этган 1-2-3-4-5-6-7-8, пирो-вардида эса энг узун /19 км/ 9-дамбаларнинг усти ва ён то-монларига бетон ётқизиш вазифаси ҳам тез ора бошқарма

жамоаси зиммасига юклатилди. Алоҳида таъқидлаш жоизки, наинки қурувчилар посёлкаси (ҳозирги “Питнак” шаҳри назарда тутилаяпти) балки, Туямўйиннинг ўзидан ҳам бир неча ўн чақирим нарида жойлашган мазкур объектлар қурилиши зарбдорчасига давом эттирилди. Барча сувдан ҳимоя воситалари белгиланган муддатларда фойдаланишга берилди.

8. “Қувилган”.

... Уч кундирки, қишлоқда дув-дув гап:

Биров, “Раис Йўлдошевни ишдан олибди”, деса яна бирови “Колхоздан ҳам қувлабди, қишлоққа ортиқ қадам қўймас қилиб ҳайдабди”, дерди. Баъзилар эса “Бригадирликни Йўлдошев ўз хоҳиши билан ташлаб кетибди, раис билан келиша олмай қолгани учун ҳам колхоздан кетибди”, қабилидаги гапларни овоза қилди. Узини “сиёсатчи” санаган айрим зиёлилар эса ҳайратдан ёқа ушлашди: наҳотки, Ленин орденли киши, яна ким денг, энг илгор бригаданинг бошлиғи раҳбарлар билан чиқиша олмай қолган бўлса? “Ўз юрагига қулоқ тутиб, Туямўйин қурилишига отланибди, раис унга оқ фотиҳа берибди”, деган овозаларга эса табиийки ҳеч ким инонмади.

Меҳнат фахрийси, Ҳазорасп туманининг ўша кезлардаги раҳбарларидан бири Абдулла ота Болтаевнинг сўзларига қулоқ берсангиз “Нурмат бригадир”нинг “ҳайдалиш” тарихи бир қадар ойдинлашади.

- 1969 йил эди, чамамда —ҳикоя қилади, Абдулла ота. - Марказдагиларнинг кўнгли Туямўйинда бошланаётган қурилишга сиёсий тус беришни тусаб қолди. “Туямўйин —Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши”, Туямўйин - Бутуниттифоқ комсомол қурилиш”, “Директив қурилиш” иборалари ана шу аснода пайдо бўлди. Лекин, Москвадаги катта “ёшулли”ларнинг кўзига булар ҳам камдай кўрина бошлади. “Московнинг Хоразм сингари чекка ўлкага бўлган “чинакам ғамхўрлиги”ни Туямўйиндаги қурилиш билан изоҳлаш компанияси авж олдирилди. Номдор, обрў - эътиборли кишиларни Туямўйинга жалб этиш масаласи айнан ўша кезларда кўтарилди. Қурилишга номдорлар қанчалик кўп келса, унга эргашувчилар ҳам шу қадар кўпайиши мумкинлигини идрок этиш қийин эмас.

Абдулла ота сувратини чизган бундай сиёсатда албатта жон бор. Отанинг айтишича, Ҳазораспнинг Бешта қишлоғида элдошларига ўрнак бўлиб ишлаган, шу аснода пахтачилик бригадаси раҳбарлигига кўтарилиб, уни илгорликка етаклаган ва меҳнатлари боис собиқ Иттифоқнинг энг катта мукофотла-

ридан бири — Ленин орденига сазовор бўлган Нурмат Йўлдошевни колхоздан ҳеч ким қувламаган. Аксинча, Московнинг сафарбарлик ҳақидаги чақиригига биноан “йўлланма” билан Туямўйинга юборишган. Бундайларни ўша кезлар қурилишда қадамда бир учратиш мумкин эди.

Танбал кишини ҳеч маҳал ишга уннай кўрманг, барибир кўндиролмайсиз. Танглайи “меҳнат” сузи билан кўтарилган киши учун эса энг оғир жазо зое кетган вақт, ишсиз қолган дақиқалар.

... Нурмат ака, кетар чоги раиснинг ҳузурига кирди:

- Бетон қориш, бу сенга белкурак кўтариб пахтага сув очиш эмас, - деди раис Нурмат акага истеҳзоли боқаркан. - Бизни уялтириб қўймасмикансан, ўзи?

- Ким билади, дейсиз ёшулли: тўғриси айтсам ўзим билмаган ишга кўнглим унчалик ҳам чопаетгани йўқ.

Собиқ пахтачилик бригадирининг кўнгли ўшанда балким бетон коришга кўпам чопмагандиру, аммо қўл қурғурни меҳнатсиз қолдириб бўларканми?

Ҳайрият, бир умр эгатта сув тараб келган қўллар, беш - ўн кунга қолмаёқ бетон қоришни ҳам қойиллата бошлади. Бундан хабар топган раис, қишлоқда бўлган катта маъракада Нурмат акани ғойибдан чунонам мактадики, “қувилиш” воқеаси билан боғлиқ миш-мишларнинг ҳоври бир пасдаёқ босилди қолди.

Даладаги жасорат энди даштга кўчди. Хўжалик йўлланмаси билан Туямўйинга келган орденли пахтакор Нурмат Йўлдошевни 3-қурилиш монтаж бошқармаси бетончилар бригадаси раҳбарлигига тайинлашди. Жасорат давом этди. Туямўйин тоғи ён бағридаги ўнларча катта-кичик саноат ўчоқларидаги бир неча юз минг кубометр ҳажмдаги бетон ётқизиш ишларининг деярли барчасини атиги битта жамоа - Нурмат Йўлдашев бошлиқ 30-40 кишилик бетончилар бригадаси қойилмақом адо этгани ўшанда бутун Ўзбекистонга овоза бўлди. Саноат мажмуи Нурмат аканинг меҳнати сингган яккаю-ягона қурилиш майдони эмас. Бу ердаги бунёдкорликлар ниҳоясига етгач, у бошлиқ бригадани асосий иншоотлар тўғони, жами узунлиги 45 километрлик сувдан ҳимоя воситалари қурилишига сафарбар этишди.

Бир жойда ёлчителиб, бошқасида эса имиллаб ишлаганни пешқадам, дея олмайсиз. Фидойи инсон фидойилиқни ҳаммаша ва ҳамма жойда намоён этади. Хулласи, қурилишнинг саноат мажмуидан бошланган ғолибона қадамлар асосий тўғони бунёд этишда ҳам, ихота дамбаларини мустаҳкамлаш юмушларида ҳам давом этди. Афсус, шижоатли меҳнат бағрида бир

умр қолиб кетолмас экансан, киши. Нурмат Йўлдошевнинг Туямўйиндаги фидоий меҳнати 1991 йили ниҳоясига етди. Бунинг сабаби аён: Ўрта Осиёдаги ушбу улкан сунъий денгиз 90-йиллар бошига етганда тўла қуриб битказилди. Воҳа аҳлининг неча асрлик муроди ҳосил бўлди. Қад ростлаган ўнларча иншоот ва корхоналарда эса Нурмат ака ҳамда шоғирдларининг юрак тафти, қадоқ қўли излари қолди. Бу вақтга келиб, Нурмат аканинг вужуди ҳам бор армонлардан фориғ бўлди. Истиқболда эса кексалик айёми. 1991 йили бошқарма ахли фахрий қурувчи ва пахтакорни тантанали равишда пенсияга кузатди.

Аммо у бунганча ўнларча ажойиб издошлар, шоғирдларни тарбиялаб етиштиришга муваффақ бўлди. Собиқ Иттифоқнинг олий орденилари, кўпдан - кўп нишонларига сазовор бўлган Нурмат Йўлдошевнинг жасоратли меҳнати, босиб ўтган шонли ҳаёт йўли замондошларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Сафдошлар эса, ҳа, дарвоқе...

... Искандар Оллаёровнинг номи 70-йилларда барчанинг тилига тушди. Эл жонини жабборга бериб, унмаганни ундираётган, булмаганни бўлдираётганларни бир пасда илгаб ва топиб олади. Анча - мунча қийинчиликларни назар - писанд этмай, қудратли “ЭКГ” эксковаторини туну - кун ишлатаётган И.Оллаёровнинг тиришқоқлиги, техникага бўлган меҳри ҳам ана шу тариқа “кашф” этилди. Шу боис уни аввалига эксковаторчилар бригадаси раҳбарлигига тайинлашди. Орадан кўп утмай эса Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайлашди. Оддий эксковаторчининг қалбини забт этган билимга чанқоқлик туйғуси ҳам тезора аён бўлди. Пешқадам эксковаторчининг раёйини пайкаган бошқарма раҳбарияти уни бажону - дил ўқишга йўллади. Аввалига қишлоқ хўжалик техникуми, пировардида эса қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини сиртдан ўқиб тугаллаган Искандарни катга истиқбол оғушига олди. Шижоатли меҳнати Олий ҳоқимият томонидан тан олинди: 1974 йил «Меҳнат Қизил Байроқ», сўнгра эса “Хурмат Белгиси” орденилари билан тақдирланади. КПСС (собиқ) съездига делегат қилиб сайланади. Олий маълумотли оддий эксковаторчи йигитни бошқармада яхшигина лавозимга тасдиқлаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Бироқ, билимдон, тиришқоқ, яхши фазилатли кишилар ҳаммага керак. Хулласи калом, бошқарма раҳбариятининг нияти амалга ошмади. Ҳазорасп тумани раҳбарлари Искандарни “тортиб олишди”, - ўзи туғилиб ўсган Питнак қишлоғидаги Ленин номли совхоз (ҳозир “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги) га директор қилиб юборишди. Умри оддий кишилар орасида ўтаётган йигитнинг ҳамқиш-

лоқлари даврасидаги фаолияти янада қизғин кечди. Хўжалик иқтисодий ва маданий қурилишнинг янги марралари сари дадил интилди. Аммо, сурункали машаққатли меҳнат, жисман ва маънан толиқиш ўз кучини кўрсатди. Огир хасталик гирдобига тушган директор, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдай олмасди. Хўжаликка ҳам, ҳамқишлоқларига ҳам нафи тегмаётганлигини яққол сезгач ариза берди. Унинг ўтинчини қондиришган бўлсада, барибир инон - ихтиёрини ўзига қўйиб беришмади. Ўзи меҳнат қилиб, доврўғ таратган 3-қурилиш монтаж бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлигига тайинлашди. Искандар бу ерда ҳам сидқидилдан ишлади, оби-ҳаёт уммони тўла қурилиб битгачгина бошқа ишга ўтказишларини сўради.

Нурмат Йўлдошев, Искандар Оллаёров сингари ўтюрак, тиришқоқ қурувчиларининг сафдошлари бошқармада анчагина. Бунёдкорлик фаолияти давомида орттирилган мукофотларни санашнинг ўзиёқ қаҳрамонларимизнинг кимлигини яққол ифода этади:

- **Матчон Ўринов**, бетончилар бригадаси бошлиғи самарали меҳнати учун 1976 йили собиқ Иттифоқнинг орденига, 1983 йили эса бутун Иттифоқ (собиқ) вимпелига сазовор бўлган.

- **Юсуф Жуманиёзов**, эксковатор машинисти, республика сув хўжалиги аълочиси, кўп йиллик фидойи меҳнати аввалига медал, пиروвардида эса орден билан тақдирланган.

- **Отахон Турсунов**, бетончилар бригадаси бошлиғи, Собиқ Иттифоқнинг 2 та ордени ва Бутунигитфоқ вимпели билан тақдирланган.

- **Саъдулла Матёзов**, кранчи, 1981 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони, кейинчалик эса “Халқлар дўстлиги” ордени соҳиби бўлган.

- **Марс Еникеев**, кранчи. Бу номдор қурувчининг хизматлари битта орден ва яна битта медал ҳамда Республика “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланган.

- **Йўлдош Отабоев**, кранчи. Медал соҳиби.

- **Татъяна Голова**, иш юритувчи. “Халқлар дўстлиги” ордени нишондори.

Туямўйиндаги ушбу жасоратли кураш одамларнинг қобилу-қодирлик даражасини ёрқин намоён этди. Куйидагилар эса кейинчалик турли маъсул лавозимларнинг соҳиби бўлишди.

- **Искандар Юсупов**, бошқарманинг биринчи бошлиғи. Кейинчалик қурилиш партия қўмитасининг котиби, бошқарма бош муҳандиси, Ўзбекистон Марказкумининг йўриқчиси, “Туямўйинсувқурилиш” бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекис-

тон деҳқончилик саноати мажмуи қурилишлари давлат - ширкат уюшмаси - "Узагрострой" бошқаруви раиси, Ўзбекистон сув хўжаликлари қурилиши давлат - ҳиссадорлик концерни раиси, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ва Ҳокими лавозимларида ишлади. Икки бор Ўзбекистон Олий Кенгаши ҳамда Олий мажлиси депутатлигига сайланган.

- **Жумабой Бобоев**, мазкур бошқарманинг оддий прораблигидан, 20-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекция директорлигига бўлган йўлни босиб ўтган.

- **Иброҳим Содиқов**: бошқарма бош муҳандиси, бошлиғи, Ҳазорасп туман ижроқўми раисининг ўринбосари, Туямўйин-Урганч водоводининг раҳбари вазифаларида ишлаган. "Хоразмшакар" давлат корхонасида маъсул лавозимда меҳнат фаолиятини давом эттирган.

- **Аминбой Назаров**: бошқарманинг ишлаб-чиқариш-техника бўлими собиқ бошлиғи. "Туямўйинсувқурилиш" бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлигига кутарилган. Туямўйин-Урганч магистрал сув кувурлари тозалаш иншооти бошлиғи. "Туямўйинсувқурилиш" ҳиссадорлик жамиятида участка бошлиғи вазифаларида ишлаган.

- **Рўзим Самандаров**: бошқармага қарашли участканинг собиқ бошлиғи. Кейинчалик ушбу бошқарма бошлиғи, "Дўстлик" / Питнак / шаҳри ижроқўми раиси, "Туямўйинсувқурилиш" трести бошқарувчиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

- **Исо Юсупов**: участка мастери, прораби, бошлиғи вазифасида тобланган бу истеъдодли муҳандис пировардида бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаган. Кейинчалик трест ишлаб-чиқариш бўлими бошлиғи вазифасига тайинланган.

- **Геннадий Бодигин** - бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи лавозимларида 12 йил ишлаган. Кейинчалик меҳнат фаолиятини трест бошқарувчиси ўринбосари вазифасида давом эттирди.

Туямўйин адирликлари ва ўнгирларидаги мардонавор "олишув" нинг қаҳрамонлари айнан шулар эканлигига имонингиз комил бўлсин.

9. "Шикоятчидан қўрқмагanning ҳолига вой".

- Бу ўжар шоферларни тийиб қўя оладиган бошлиқ Туямўйинда топиладими, йўқми? - Татьяна холанинг важоҳатини кўрган Корниенконинг ҳуши бошидан учаёзди. Эшикни тарақлатиб очган қуйи, мажлис ўтаётган хонага беистихола бостириб кирган бу шаддод аёлдан ҳар нарсани кутиш мум-

кин. Шуни ўйларкан Корниенко бир мунча мулойим ўзанга кўчди:

- Хўш нима бўлди, Татьянахон? Икки дақиқа сабр қила оласизми? Манови ўртоқ сўзини тугатиб олсин, - Бошлик минбарда ҳисобот бераётган ходимга имо қилди, - Кейин сизни эшитамиз.

- Йўқ, - чўрт кесди аёл, - Менинг вақтим йўқ. Айтаману, кетаман. Йўқса, мен "котлован"га етиб боргунимга қадар яна аллақайси ҳунарни кўрсатишдан ҳам тоймайди, бу Рўзиев деганнинг малайлари. (Исмоил Рўзиев - "Туямўйинсув-қурилиш"га қарашли автокорхонанинг биринчи директори).

- Ҳм, бўлмаса эшитамиз, Сизни.

Татьяна опа минбарга эмас, мажлис кетаётган хонанинг қоқ ўртасига йўналди.

- Сизларнинг "тарбиянгизни" олган шофёрлар машина юкка тўлмаёқ газни босиб, тўёқни шиқиллатишни одат қилишибди.

- 80-90 метр чуқурликдан 15-20 тонна юкни баландга тортиб чиқара оладиган машинамиз йўқ-да, опа.

- Сен жим тур, - Исмоил Рўзиевни жеркиб берди Татьяна, - Ахир, мана Сайилхон буни уддалаяпти-ку, Бобохон, ҳам Қурбонбой ҳам, бошқалардан ўлса - ўлиги ортиқ.

- Ярим соатдан кейин, мени ва Исмоилни "котлован" да кутинг. Масалани жойида ҳал қилишга уринамиз. Келишдикми, Татьянахон.

- Келишдик, ярим соатдан ошса сизни бир минут ҳам кутмайман, тўппа-тўғри Тошкентга телеграмма жўнатаман.

Татьяна бошлиқнинг хонасига қандай шиддат билан кириб келган бўлса шундай дадиллик билан чиқиб кетди. 30 дақиқа чамаси вақт ўтгач эса Корниенко "котлован" тепасида ҳозир бўлди.

- Сайилхонни топинглар, - имо қилди бошлиқ автокорхона директори Исмоил акага, - сал фурсат ўтмаёқ ҳайдовчини Корниенконинг ҳузурига етказишди;

- Сени қўя турайлик. Бошқа шерикларинг машинани юкка тўлгазмаёқ ҳайдаб кетишаётганмиш. Шу тўғрими?

- Ҳа ёшулли, тўғри. Бироқ, машиналарнинг кўпчилиги эскирган. Оғир юкни юқорига тортиб чиқара олмайди. Менинг машинам янги, гарданига сиққан юкни тортиб кета олади.

Бошлиқ ер чизиб қолди. Татьяна опа ҳам бироз шаштидан тушди. Масаланинг тагига етилган эди. Корниенко шу ернинг ўзида тегишли топширикни берди. Телеграммани Татьяна опа эмас, Корниенконинг шахсан ўзи жўнатадиган бўлди.

"Котлован учун янги ва оғир юк тортувчи машиналар за-

рур. Зудлик билан ёрдам кўрсатилишини сўраймиз. Корниенко.” Шошилиноча Урганча-Мадияр Худойберганов, Тошкентга — Шароф Рашидовнинг номига юборилди.

Бошлиқлар “котлован”дан узоқлашгач, ҳайдовчилар Татьяна опани ўртага олишди:

- Чақимчилик билан нимага эришдинг? Бошлиқлар бизни ҳатто койиб ҳам қўйишмади-ку?!

- Кўп нарсага эришдим, сенлар ҳам эришдиларинг, - хитоб қилди опа, ғолибона оҳангда, - Агар мен мажлисни бузиб, бошлиқларнинг миясини қўлига қоқиб тўтқазмаганимда сенларга янги машина беришармиди? Ҳали мендан миннатдор бўлишларинг керак.

Татьяна опа атрофидаги ҳайдовчи, эксковаторчи ва бульдозерчиларни Марказга юборилаётган телеграмманинг мазмунидан воқиф қилди. Татьяна опанинг адабини бериш учун йигилганларнинг бари, уни қарсақлар билан олқишлаганча иш-ишига тарқашди.

Тошкентга ва Урганча жўнатилган шошилиноча эса орадан 10 кунлар чамаси фурсат ўтгач ўз кучини кўрсатди. Пойтахтдан олинган хабарга қараганда, Туямўйин учун оғир юк тортадиган 50 та яп-янги “МАЗ” ва “КРАЗ” машиналари ажратилибди.

- Яна битта юзни ортда қолдирдик — хитоб қилди, бу хушхабарни эшитган Исмоил Рўзиев. Директор автокорхонага қарашли машиналар сонини назарда тутаётганди, атиги бир йил (бу — 1970 йил эди) олдин 60 та машинамиз бор эди. Энди эса 200 та машинага эгамиз.

- Колоннадан автокорхонага ўсганимизни ҳам айтинг-да, ахир, - қўшимча қилиб деди жамланма бошлиғи Отамахсум Хўжамуратов.

... Орадан яна бир йил чамаси вақт ўтди. Автокорхонага янги тайинланган директор Пўлат Абдуллаевнинг ичига чироқ ёқсанг ҳам ёришмайди:

Машиналар сони 500 дан ортди. Энди учта автоколонна-миз бор. Биттаси Боғот, Ҳазораспу, Урганч томонлардан қурилишга одам ташийди. Қолган 2 таси Туямўйинда оғир юкларни ташиб беради. Туямўйин билан Питнакнинг ораси эса 8-10 чақирим масофа. Машиналарнинг кўним жойи Питнакда. 400 га яқин машина ҳар куни тонгда Ту-



ямўйин сари йўлга чиқиб, каллаи-саҳарда гаражга қайтади. Бунинг учун аввалига ҳар бир машинанинг бир соатлик вақти, қолаверса тонналаган ёнилги шамолга созурилаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Автокорхонани Туямўйинга тезроқ кўчирмоқ зарур. Бутун эътиборни “котлован”га қаратишади-ю, “котлован”даги иш машиналарсиз битмаслигини назарга олишмайди. Шунисига куюнаман. “3-СМУ”дагилардан норозиман. Ишни аллақачон битказиб, калитни бизга топширишлари керак эди.

- Шикоятчидан ҳадиксирамаганнинг ҳолига вой, - деди Александр Александрович Абдуллаевнинг ёзғиришларини унинг кулоғига етқазिशганида, ярим чин, ярим ҳазил оҳангида, - Лекин, у ҳақ. 93-автокорхонани тезроқ бир ёқли қилишимиз керак: Бор йўғи 250 та машинаси бор “ХАТП-20” (Бу “Туямўйинсувқурилиш” автокорхонасининг қисқартма номи)нинг машиналари эса яна 1-1,5 йилдан кейин 1200га етади. Итнинг катагидек жойда қолдириб бўладими, уни? Туямўйиндаги қўнимгоҳ — устахона битса “ХАТП-20” ни уёққа, 93-автокорхонани эса буёққа унинг ўрнига — Питнакка кўчиришимиз керак. Хулласи, Абдуллаевни тушунаман, бошқалар ҳам тушунишлари зарур.

Шуларни айтarkan Александр Корниенко Туямўйинга — “3-СМУ” бошлиғи Искандар Юсуповга сим қоқди. Автокорхона мажмуаси қурилиши учун қўшимча ишчи кучларини жалб этиш лозимлигини таъкидлади. Аммо, Юсуповда қўшимча куч қаёқда дейсиз. Корниенко бу масалада ҳам “мардлиги”ни намойиш этди. “Қўшимча ишчи кучларини топиш сиздан, улар учун штат бирлигини очиш ва маош билан таъминлаш биздан”, деди чўрт кесиб.

Орадан яна 2 ой вақт ўтди. “ХАТП-20” да кичиккина “уй тўйи” нишонланди.

- 1969 йили “ХАТП-20”нинг ўтмишдоши атиги 40 та кам қувватли автомобилга эга бўлган. Орадан 6 йил ўтиб, машиналаримиз саноғини санаб, адоғига етолмаяпмиз, - деди Пўлат Абдуллаевдан сўнг директорлик курсисига ўтирган Бобохон Абдуллаев.



... Пўлат Абдуллаев ва Бобохон Абдуллаевлар раҳбарлик қилган чоғда автокорхона барқарорлик маррасини эгаллади. Шу вақт мобайнида асосий иншоотлар котловани қазиб битказилди. Унинг ўзанидан олинган салкам 40

миллион кубометр тош ва тупроқ мазкур ҳамда 93-сонли автокорхоналар томонидан ташиб берилди. Жами узунлиги 45, ўртача баландлиги 12-15, эни ҳам шунча бўлган сувдан ҳимоя дамбалари қурилишида амалга оширилган бир неча юз миллион кубометр ҳажмли тупроқ ташиш ишларини ҳам асосан “ХАТП-20” уддалади. Бундан ташқари Питнак ва Туямўйиндаги саноат мажмуалари, ўнг ва чап қиргоқ магистрал каналлари, Питнак (собик “Дўстлик”) шаҳри қурилишлари, Тупроққалъа, Саримой мавзелари, воҳанинг ўзида, Қорақалпоғистонда, Туркменистоннинг Чоржўй вилоятидаги ер узлаштириш, уй-жой ва инфраструктура бинolari ҳамда иншоотларини барпо этишда автотранспорт воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ҳаёлингиз-да бир тасаввур этиб кўринг-а, Вилоятдаги энг йирик ушбу автокорхонага 1977-1993 йиллар мобайнида истеъдодли муҳандис Яраш Полвонов раҳбарлик қилди. Бу ажойиб фазилатли киши бир неча йил мобайнида Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг автотрести ва 1993-2001 йиллари Хоразм вилоят автотранспорт трести (кейинчалик бирлашма) ни ҳам моҳирона бошқарди. Амударё айнан ўша кезде тўсилди. Туну-кун давом этган бу машаққатли ва маъсулиятли юмуш 100 фоиз автомашиналар ёрдамида уддаланганига имонингиз комил бўлаверсин. Автотранспортчиларнинг Туямўйин оби-ҳаёт денгизи мажмуасига кирувчи “Ўзан”, “Копараз”, Султон-Санжар, Кўшбулоқ сув омборлари-ни, юзларча чақирим масофадаги йўл ва йўлқалар, ўнларча кўприк ва сув ўтказиш-тақсимлаш иншоотларини барпо этишдаги улушини айтмайсизми. Қурилиш ишлари авж паллага кўтарилган 1975-1981 йиллар ўртасида ҳар куни 1500 га яқин автомашина бунёдкорларнинг узоғини – яқин, оғирини-енгил қилгани бешбармоқдай аён. Комил ишонч билан айта оламизки, Туямўйинда қурилиш тақдирини автотранспорт воситалари ҳал этди. Дарҳақиқат, бунёдкорликни усиз рўёбга чиқаришнинг ўзга йўли йўқ.

... “Фитна”. Уни автокорхонанинг пешқадам ҳайдовчиларига нисбатан уюштиришди. Бошликлар эмас, ўша пешқадамларнинг ишга нунок қамқасblари уюштиришди. Эмишки, “ёшулли”лар ҳамма ҳайдовчилардан пешқадамликни талаб этишаётганмиш. “Йўқ, бунинг иложи йўқ”, дейишса, “Ахир Сайилхон, Бобохон, Қуронбойлар барини уддалаяпти, сенлар нега имилляяпсизлар?”- дея дашном қилишаётганмиш.

Бари аён. Илғорларни кўрагга кўз йўқ. Агар улар шу зайлда ишлайверишса, бошқалардан ҳам ўшани талаб қилишади. Хулласи талаб қилиш осон, уддалаш эса қийин.

- Менга ҳам янги машина беришсайди, бу Сайилхон де-

ганига иш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўярдим, - деди тутоққан “ёзғирувчи”лардан бири. Унинг сўзини ўша куниёқ оқизмай - томизмай директор муовини Отахон Хужаевнинг қулоғига етқазди. У эса ўз навбатида дилини директор Пўлат Абдуллаевга ёзди:

- Шу десангиз, илғорларимиз анчагина. Уларни қолоқларнинг машинасига шерик — сменадош қилиб биркитсак, ўз навбатида пешқадамлар ишлаётган машиналарда шерик бўлиб ишлашни қолоқларга таклиф этиб курсак.

“Фитна”га бош қўшганлар раҳбариятнинг бу таклифини хушламайроқ қабул қилишди. Очиқчасига қарши чиқишга ҳеч ким ботинолмади. Илғорлар ва қолоқларни бир қозонда “қайнатиш”га каратилган “дурагайлаш” талбири силлиққина ўтди ҳисоб. Тажрибанинг натижаси ҳам ўзини кўп куттирмади. Шу аснода ишнинг белига тепиб келган кичиккина бир нуқсон ҳам тезора ўзини ошқор қилиб қўйди. Маълум бўлишича, навбатдаги сменадан сўнг машинани ўз шеригига қолдираётган аксарият ҳайдовчилар, унинг нари борса 5-10 дақиқалик техник қаровига қўл силтаб келишар экан. Оқибатда, эртаси тонг саҳарда ишга келган сменадош ҳайдовчи машинанинг не ишкали борлигини биллолмай сафарга отланар, бартараф этилмаган нуқсон эса орадан бирор соат ўтмаёк, ўзини кўрсатар, оқибатда уни бир ёқли қилиш учун энди соатлаб иш вақти йўқотилар, аксига олса машина гаражга қайтиб келарди.

Ўтқазилган “дурагайлаш операцияси”нинг дастлабки натижаси шу бўлдики, сменадош-шериклар ўзаро тил топишдилар. Бунинг шарофатидан машиналарнинг техник қарови яхшиланди. Бу эса уларнинг умри узайишига олиб келди. Эҳтиёт қисмлар хариди сарф-харажатлари анча камайди. Пешқадамларнинг иш услуби бошиқалар учун ибратга айланди. Тежалган сарф-харажатлар эса кўпинча иш ҳақи ва мукофотлар ҳажмини оширишга йўналтирилди.

Туямўйидаги улкан қурилиш тақдирини транспорт воситалари хал этгани чиндан ҳам тўғри. Бироқ, ушбу машиналарни бошқарган транспортчилар-чи? Масаланинг бу жиҳатини эътиборга олса, қурилишни транспортлар ва плюс уларни мохирона бошқарган ҳайдовчилар рўёбга чиқаришганига шубҳа қолмайди.

- Аммо, илғор барибир илғор-да, - очиқ кўнгиллик билан тан олди, собиқ “фитначи”, кейинчалик эса илғорлар даврасининг энг тўридан жой олган Исмоил Раҳимов, - Ўзим ҳам ўша илғорларнинг шоғирдларидан бириман.

Сайилхон Матёқубов, Қуронбой Абдиримов, Бобохон Ҳожиёв, Машариф Рўзиматов, Собир Хўжаниёзов, Шокир

Бобоев, Саъдулла Матёкубов, Отамахсум Хўжамамурадов, Отахон Хужаев, Абдулла ва Баҳодир Рўзиматовларнинг ҳар бири биздақаларнинг 5-10 тасини “шатакка” олишмаганида, билмадим, балким Туямўйинда ном-нишонсиз келиб кетаверармидик? Айнан шу хизматининг ўзи учун уларни бошимизга кўтарсак арзийди.

Нимаям дердик, оддий меҳнат кишиси эътироф этган илгорликни, эл-улус ҳам албатта эътироф этади. Чиндан ҳам шундай бўлди. Туямўйинлик фидоий ҳайдовчиларнинг исми ҳам, жисми ҳам ҳамон ардоқда ва эъзозда.

10. Мукофотдан сўз очманг, ёшулли.

- Кўзибой акани тушунолмай қолдик, аккорд - мукофот усулида ишлашдан бош тортибди, аксарият кишилар шу усулда ишлашни талаб қилаётган маҳалда, унинг бу ҳаракатига тушунолмай қолдик, - бошлиқ Ёқуббой Отахоновнинг норози оҳангдаги бу сўзлари бош муҳандис Вазген Насибяни саросимага солиб қўйди. Негаки, Кўзи Маткаримов бошлиқ бульдозерчилар бригадасини янги усулда ишлашга ўтказишни айнан унинг ўзи таклиф қилган эди-да.

- Унинг ишини ўз кўзим билан кўриб қайтаман. Ахир, бу усулда ишлашни ундан бўлак ҳеч ким уддалай олмаслиги аниқ, - деди қатъий оҳангда бош муҳандис.

Маткаримов бошлиқ экипаж шу топда Қизилқум саҳроси ичкарасида, Амударёнинг ўнг соҳилидаги магистрал канал қурилишида ишлар, оралиқ масофа 35-40 чақиримча келарди. Масофа унча узоқмас. Аммо, қазув ишлари кетаётган манзилгача ҳали йўл солишига улгуришмаган. Масофани кўчма қум барханлари орқали, фақат “Вездеход” машинасидагина босиб ўтиш мумкин. Хуллас, Маткаримовнинг ҳузурига бориб келиш учун Насибянинг бир кун вақти кетди. Колонна жойлашган бинода кечкурун соат 7да ўтказиладиган “шошилинич йигилиш”га базўр етиб келди. Йигилишда Маткаримовнинг раддияси энг муҳим масалалардан бири сифатида қараб чиқилди.

- Кўзининг эътирозини диккат билан тингладим, ҳаммасини миямда хом чўт ҳам қилдим, - деди Насибян сўз олиб, - Тўғриси айтсам, энди ўзим ҳам Маткаримов тарафман.

Шундан сўнг бош муҳандис, нега Маткаримов тараф бўлиб қолганлигини ётиғи билан изоҳлади. Дедики, аккорд-мукофотли усул техниканинг бир дақиқа ҳам бекор туриб қолмаслигини талаб этади. Маткаримовнинг алмисоқдан қолган эксковатори эса бундай маромдаги ишни кафолатлай олмайди. Машинанинг бир жойини созласанг, иккинчиси ишдан чиқади. Эҳтиёт

қисмлар узоқ сахро қўйнига тўхтовсиз етказиб берилсагина бу усулни иккиланмай жорий этиш мумкин.

Ушбу йигилишдан сўнг Тошкентга буюртмачи — Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги (собик)га мурожаат қилиниб, Туямўйин учун ер қозиш техникасининг янги туркумини имкон қадар тезроқ етказиб бериш масаласида амалий ёрдам сўралди. Қаранг-ки, Туямўйинда техника тақчил бўлиб қолгани нафақат вазирлик, балки Республика ҳукумати раҳбарларига ҳам яхши маълум экан. Шу боис, орадан бир-икки ой ўтмаёқ Туямўйинга қўшимча равишда 100дан зиёд юк машиналари, бульдозер, эксковатор ва скрейперлар етказиб берилди. Ишлар жўнашиб кетди. Маткаримов бошлиқ бригада меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги — афзал усулини жондиди билан қабул қилди. Шундан сўнг экипажнинг меҳнат унумдорлиги 20-25, иш ҳақи эса 45-50 фоизга ортди. Ака-ука Маткаримовларнинг номи яна тилга тушди.

Дарвоқе, Қўзи Маткаримов Туямўйинда тер тўккан техника жиловдорларининггина эмас, бу ерда бир неча ун йил мобайнида зарбдорчасига ишлаган 5 нафар ака-ука Маткаримовларнинг ҳам сардори, пешқадамидир.

Турмуш ўзгаларга етакчи ва йўлбошчи бўлиш вазифасини аксарият ҳолларда оиланинг маъсулиятга камарбаста вакиллари елкасига юклайди. Маткаримовлар оиласида ҳам шундай бўлди. Темирчи ўтган падари-бузрукворининг кўрсатмасига биноан ака-укаларга сардорлик вазифаси қобил ва қодир фарзанд Кўзибойнинг зиммасига юклатилди. Темирчи авлодиданмасми, ака-укаларнинг бари техникага ихлос қўйди. Бу йўлни даставвал тўнғич ака Султон танлади. Бунда унга армияда ота касбини давом эттириб, темирчилик қилгани қўл келди. Пировардида инилари Қўзи, Матчон, Дўстчон ва Жуманиёзлар ҳам унга эргашдилар, мироблик техникасига ихлос куйдилар. Ака-укаларнинг бари битта касб-эксковаторчилик ҳунарини эгаллашди, эгаллабгина қолишмади, ўз касбининг мохир усталарига айланишди. Тошсоқа каналининг сув ўтказиш иншооти, “Катта озерний коллектори”, Туямўйин магистрал канали, асосий тўғон котловани, сувдан ҳимоя дамбалари ва ниҳоят ўнг қиргоқ магистрал каналини барпо этиш соҳасидаги бунёдкорликлар эса барининг номини элга ёйди. Бинобарин, ўз касбининг усталаригина машҳурлик мақомига етишадилар. Хулласи, касб бобидаги маҳорат бешовлон баҳодирнинг номини эъзозга мушарраф этди. Таъкидлаш жоизки, Маткаримовлар сулоласи асли Ҳазораспнинг “Янгибозор” қишлоғидан. Ота-боболари шу ерда вояга етиб, шу ерда истиқомат қилишган. Ўтган асрнинг 30-40 йиллар тарихига

разм солган киши Хоразм воҳасининг асосий суғориш иншоотлари айнан ана шу қишлоқдан бошланганлигини равшан англаб етади. Ҳа, шундай Хоразм воҳасининг Амударёдан сув олувчи барча магистрал мироблик тармоқлари бош иншооти “Янгибозор” қишлоғи, яна ҳам аниқроғи шу ердаги Тошсоқа аҳоли пункти яқинида жойлашган. Катта Хоразм воҳаси ҳудуди ҳам аслида шу қишлоқдан бошланади. Воҳанинг бир неча юз минг гектардан иборат экинзорларига оби-ҳаётни Питнак кирлари тугаб, вилоятнинг азалий деҳқончилик ҳудуди бошланадиган нуқтадаги мазкур мироблик иншооти етказиб берди. Ушбу йирик сув иншооти укдирилганидек ўтган асрнинг 30 - йиллари охири, 40-йиллари бошида умумхалқ хашари асосида барпо этилган. Исми-жисмига монанд Тошсоқа ана шу тариқа воҳа мироблигининг марказига айланган.

Қишлоқда мироблик ва у билан боғлиқ касб-корларга нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат уйғонишига ана шу омил сабаб бўлгани шубҳасиз. Мазкур қишлоқдан етишиб чиққан қатор таниқли миробларнинг бой меҳнат фаолияти бошқалар учун ибрат мактабига айланган. Бу ҳол ака-ука Маткаримовларни ҳам ўзига ром этгани шубҳасиз. Элни, одамларни оби-ҳаётдан баҳраманд этишдек шарафли ва савоб юмуш кейинчалик бешовлон ака-ука ҳаётининг мазмуни ва мезонига айлангани, демакки бежиз эмас.

Меҳнат ва унинг натижаси-фикрлаш маҳсули. Ишнинг яхшиланиши ва такомиллашуви ҳам шу жараёнда рўй беради. Шундай экан, яхши фикр албатта ўсиш-ўзгаришлар, ютуқлар гаровига айланади.

Сирасини айтганда, Қўзи Маткаримовнинг мияси яхши фикрлар ва таклифлар хазинасининг айнан ўзи.

- Баъзан қилаётган ишингдан кўнглинг тўлмайд қолади кишининг, камчилик ва нуқсонлардан эса безиб кетасан: тўғрида, улар-ютуқларнинг кўшандаси, - деганди бир гал Қўзи ака.

Юқоридагиларнинг талаби битта: яхши маош дейсизми, марҳамат. Фақат ишни жадалланг. Қўзи аканинг фикрича ишни жадаллашга халақит берадиган сабаблар ҳали тўла барҳам топмаган. Шу боис у “ёшулли”лар олдига ўзининг янги талабини қўйди:

- Ишни комплекс усулда ташкил этмоқ зарур. Ўшанда биров-бировни махтал қилиб қўймайди. Ҳозир эса...?

Эксоваторчи манзарани аниқ-лўнда тасвирлади. Унинг айтишича, бульдозерлар ака —укалар бошқараётган эксоваторлар ҳаракатланадиган йўлларни зарур вақтда ҳозирлашга улгуролмаётган экан. Башарти, эксоваторчи ва бульдозерчилар битта бригадага бирлашса ишлар жўнашиб кетиши аниқ. Ишни ки-

чик-кичик бригадалардан эмас, йириклаштирилган бригадалардан иборат ҳолда ташкил этса, самара яна ҳам яхши бўлади.

- Биз ака-укалар бир-бировимизга ҳеч маҳал панд бериб ишламаймиз, -деди у пировардида, -аксинча ҳамма бир-бирини қўллайди. Шу сабабдан ҳам 5-қурилиш-монтаж бошқармасида ишлаётган иним Дўстчонни ўз эксковатори билан бизнинг бригадамизга ўтказиш зарур.

Дарвоқе, эксковаторчининг гапида жон бор. Қурилишда комплекс бригадаларнинг шаклланиши бир-бировни ўзаро куллашга ундайди, манфаатдорлик калити ҳамкорликда эканлигини англатади. Колаверса, ога-иниларнинг биргаликдаги ўзаро баҳамжиҳат меҳнати бу усулнинг афзалликларини ёрқин намоиш этади.

Кўзи Маткаримовнинг ўзига келсак, топкирлиги учун унга тасаннолар айтса арзийди. Шурулар тузумининг шалоги чиққан эски иш усулларини янгилаш соҳасида у ўртага ташлаган таклифлар чиндан ҳам бунёдкорлик жабҳасида инқилобий аҳамият касб этарди.

... "Туямўйинсувқурилиш"да ака-ука Маткаримовларнинг янги таклифини ипидан-игнасигача ўрганишди. Қизгин бахсмунозаралар ва қарама-қаршилиқлардан сўнг эса уни барибир маъқуллашди.

Уша йили бешовлон ака-ука Маткаримовлар бир йўла 3та эксковаторни бошқаришди. Ҳар бир эксковатор учун йил давомида 94 минг кубометр тупроқ қазиш режаси белгиланди. Ака-укалар буни 125 минг кубометрдан иборат қилиб бажаришди. Умуман воҳанинг энг катта мироблик иншоотлари қурилиши (жорий бунёдкорлик ишлари бу ҳисобга қирмайди)да ўтган 7 йил ичида 11 йилнинг режаси уддаланди. Энг муҳими фурсат бой берилмади. Ака-укалар илкига топширилган механизмлар туну-кун узлуксиз ишлади. Бунга аслида улар таклиф этган янгича иш усуллари йўл очди. Машина ва унга қўйилган эҳтиёт қисмларнинг умри узайиши туфайли меҳнат унумдорлиги ортиб, сарфу-харажатлар ўрнини юқори самара эгаллади.

- Қурилишга мотоцикл миниб келгандим, энди эса "Волга" машинасига ўтириб кетаяпман, -деди кексаликка кузатилар чоги мамнун жилмайиб Кўзи Маткаримов.

Бундан чиқди ишлар жойида. Ака-укалар меҳнати аввалига Туямўйиндек салобатли аср иншоотига абадий муҳрланди. Қолаверса номини элга таратди, турмушини тўкин, обрўсини сарбаланд этди. Эл улуғлаганни давлат ҳам улуғлади. Юртимизда истиқлол тонгги чароғон бўлган маҳал Маткаримовлар оиласига пойтахт - Тошкентдан хушхабар келди. Оила

вакили Қузи Маткаримов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мироб” фахрий унвони билан тақдирланди.

Маткаримовлар оиласи парвозига разм солган киши бир нарсага комил ишонч ҳосил қилади: кишини бойлик ҳам, ҳатто яхши хулқ-атвор ва билим ҳам меҳнатдек машҳур килолмас экан.

“Беш оғайни ботирлар”нинг Туямўйин адирлари, Қорақум ва Қизилқум саҳросида намойиш этган ажойиб мардлиги биринчи кўчма механизациялашган колонна жамоасининг бунёдкорлик билан йугрилган курашидан бир лавҳа холос. Бундай олиб қараганда дашту-биебонларга ҳамла қилиб, не-не ўлик масканларни гуллаган-яшнаган боғ-роғлару, экинзорларга айлантиришда бутун Республикага ном таратган бунёдкорларнинг аксарияти мазкур жамоадан етишиб чиққан.

“Туямўйин баҳодир” Мадийр Қиличев: унинг издош ва баҳсдошлари Альфред Траутман, Сайилхон Ўриновларнинг номи нафақат Туямўйин балки бутун вилоят, қолаверса Республикага таралган.

Аммо, Нафсиламбирини айтганда, Туямўйин магистрал канали ва гидроузели қурилиши бошлангандан буён ўтган ўттиз йил давомида мардлигу-матонатда Мадийр Қиличевга менгалгучи баҳодир майдонга чиқмади. М.Қиличев чиндан ҳам мардларнинг-марди, пешқадамлар-пешқадами, инсонларнинг-инсони эди. Ҳа эди.

Чунки у энди орамизда йўқ. 1990 йили маъшум ажал уни орамиздан бевақт қилиб кетди. Аммо у ўзидан ўлмас ёдгорликлар, ёрқин меҳнат ва кураш анъаналари, бунёдкорликнинг кўплаган муҳташам қошоналари ва иншоотларини қолдириб кетди. М.Қиличев ЭКГ маркали улкан панжали эксковаторнинг хоразмликлар орасидан етишиб чиққан тўнғич ва моҳир жilовдори эди. У бошқарган қудратли машина аввалига Туямўйин магистрал канали, сўнгра эса асосий тўғон ўрнидаги котлован қурилишида, дамба кўтаришда ғоят серунум ишлади. Белгиланган топшириқлар эса Мадийр сингари серғайрат механик — ҳайдовчиларнинг маҳорати, ишчанлиги ва интилувчанлиги шарофати билан доимо барвақт ва ошириб уддаланди. Эл эзгуликни унутмайди. Ҳозир Питнакдаги ўрта мактаблардан бири оддий эксковаторчи Мадийр Қиличевнинг номи билан аталади.



Илғорлар бор жойда уларга эргашувчилар, тақлид этувчилар ҳам бисёр.

М.Қиличев бошлиқ экипаж эришган ютуқлар ўшанда Туямўйинда кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этгани, урناк олишга ундагани шубҳасиз. Кучма механизациялашган колонна жамоасининг қуриш-яратиш соҳасидаги катта жасорати кўламдор ютуқлари ана шу оммавий ҳаракатнинг ёрқин натижасидир. Мадир ва унинг сафдошлари – эксковаторчилар: Альфред Траутман, Қурбонбой Хўжаев, Сайилхон Ўринов, бульдозерчи Жумабой Отамуродов, Гофир Хўжаниёзов, пайвандчи Озод Аминов, автоскрейперчи Сотиболди Отамуродов сингари ўнларча оловкалб кишиларнинг самарали меҳнати пировардида кўчма колоннани пешқадамлар сафига етказди. Дастлабки пайтда йилига 4 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини уддалаган жамоа 1986-87 йилларга келганда бу кўрсаткични 11 миллион сўмликкача етказди. Бундай ютуқлар аҳилона меҳнат, оқилона раҳбарлик, юксак ташкилотчилик намуналарисиз қўлга киритилишини тасаввур этолмайсиз. Жамоа раҳбарлари ва муҳандис-техник кадрлар ўртасидаги қалин ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш вазияти зиммадаги оғир ва маъсулиятли топшириқларни бир ёқадан бош чиқариб уддалаш, муаммо ва қийинчиликларни сабот-матонат билан бартараф этишга ундади. Колоннанинг дастлабки бошлиғи ва ташкилотчиси В.Г. Лиморенко, унинг 12 йиллик раҳбари Ёқуб Отахонов, 23 йиллик бош муҳандиси Вазген Насибян, етук муҳандис ва техник кадрлардан Ринат Натфуллин/ ишлаб-чиқариш техника бўлими бошлиғи/, Рўзимбой Собиров /1985-94 йиллар мобайнида колонна бошлиғи вазифасида ишлаган/, Иброҳим Қурбонбоев /жамоанинг шундан кейинги раҳбари/, Сафарбой Бобожонов, Карим Дурдиев, И.А.Сон, И. Оллаберганов, Рустам Мадраҳимов, Каландар Матмуродов, Юсуф Иброҳимов / участка бошлиғи, прораби вазифаларида узоқ йил ва самарали фаолият кўрсатган/ларни жамоа ўз ишининг усталари, фидокорлари сифатидагина эмас, балки ажойиб инсоний фазилатларнинг соҳиблари сифатида ҳам беҳад ҳурмат қилади. Уларнинг бой ҳаёти ва меҳнат фаолиятидан айрим лавҳаларни ҳикоя қилишнинг ўзиёқ Туямўйиннинг жафокаш кишилари қиёфасини кўз олдингизда гавдалантиради.

Виталий Лиморенко, Вазген Насибян. Урганчда Хоразм қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи ва бош муҳандиси вазифаларида қўлни-қўлга бериб ишлаган бу иккала истеъдодли муҳандисни 1972 йили Туямўйинга йўллашди.

Сафдошлар бу ерда ҳам бирга ишлашди. Лиморенкони янги

очилган 4-сонли қурилиш - монтаж бошқармаси /1973 йили мазкур бошқарма “Туямўйинсувқурилиш”га қарашли 1-кўчма механизациялашган колоннага айлантирилган / бошлиғи, Насибяни эса шу бошқарманинг бош муҳандислигига тайинлашади. Ҳар иккала тажрибали муҳандиснинг самарали ташкилотчилик фаолияти туфайли янги бошқарма тезда шаклланиб, хаш - паш дегунча оёққа ҳам туради. Жамоа зиммасига гидроузел бунёдкорлиги билан боғлиқ қозиш, дамба кўтариш, йўл қуриш, ариқ ва каналлар бунёд этишдек кенг кўламли ва маъсулиятли вазифа юкланади. Бошқарманинг таркиб топиши “котлован”даги улкан яратувчилик ишлари кўлами ва суръатига самарали таъсир кўрсатади. Бўлгуси сув омбори соҳиллари бўйлаб дамба кўтариш, бунёдкорлик жабҳаларига элтувчи катта - кичик тош ва асфальт йўллар, кўприклар қурилиши уюшқоклик билан бошланади. Аммо, Туямўйин учун тажрибали ва билимдон раҳбарлар сув билан ҳаводек зарур. В.Г. Лиморенко ни тез орада “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлиги вазифасига кўтаришади. Вазген ака бўлса фаолиятини шу ерда кизгин давом эттиради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, В.Насибян нафақат Туямўйин балки, бутун Хоразм воҳасидаги энг зукко ва билимдон мироб-муҳандис сифатида тан олинган. Яна бир ибратли жихати эса шуки, Вазген аканинг билими, тажрибаси ва салоҳиятини назарда тутиб, унга кўп бор юқори лавозимларни таклиф этишган. Бироқ, у оддий мироб - муҳандисликни лавозимдан устун қўйгани боис ҳар гал рад жавобини берган.

Қурилиш фахрийсининг воҳада мироблик иншоотларини қуриш борасидаги камтарона хизматлари бари - бир ўз рағбатини топди. Вазген Насибян “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвонига сазовор бўлди. Маъшум ўлим хизмат кўрсатган фахрий қурувчини 2002 йили орамиздан олиб кетди.

Сафарбой Бобожонов — оддий меҳнаткаш оиланинг фарзанди. Меҳнатсеварлик, одамийлик фазилатларини темирчи отаси ва меҳрибон волидасидан орттирган. Институтни тугаллабоқ она диёрига қанот боғлаб учди. Қишлоқда ўсганмасми тайин этилган энг оддий вазифадан ҳам ижирганмади. Учаска мастерлиги бурчи ва вазифасини ҳалол уддалаш пайида бўлди. Ёш муҳандисни дастлаб гидроузел бунёдкорлигининг энг узоқ ва чекка майдони- 5- дамба қурилишига йўллашди. Дашту - биёбонда меҳнат қилишнинг ўзи бўлмади, албатта. Иш ва турмушнинг пасту - баландини назар - писанд этмайдиганларгина дош бера олади машаққатларга. Бундай оғир шароит синовларига, қум ва сахро шароитидаги меҳнатга

Сафарбой дош берди, оддий курувчилар билан бирга ётиб, бирга турди, бир қозондан ризқ еди.

Сафарбойни меҳнат тоблади, қийинчиликлар эса обдон чиниқтирди. Курувчи аҳли рўпара келгучи машаққат ва тўсиқлардан мардонавор ўта олган ёш муҳандисни кўп ўтмай прорабликка, кейинчалик эса участка бошлиғи лавозимига тайинлашди. Ҳаёт - тажриба, маҳорат мактаби. Сувдан ҳимоя қилувчи 5-6-7-8-9- дамбалар қурилиши - Сафарбой товланган, чиниққан зарбдор яратувчилик жабҳаларидир. Мазкур сувдан муҳофаза воситалари С.Бобожоновнинг шахсан ва бевосита раҳбарлиги остида дунёга келган ноёб ва йирик мироблик иншоотлари сифатида қурилиш тарихининг ёрқин саҳифаларидан жой олди. Истеъдодли муҳандиснинг кўчма колонна бошлиғи муовини лавозимидаги фаолияти эса янада серқирра ва самарали кечди. Хуллас, инженерни тоблаган ҳам, истеъдодини чархлаган, нималарга қодирлигию, қобиллигини кашф этган ҳам унинг меҳнати, меҳнатсеварлик, жонкуярлик, тиришқоқлик, интилувчанлик ва изланувчанлик фазилатлари. Шу боис ҳам уни 1988 йили Арманистонда бўлган кучли ер силкиниши оқибатларини бартараф этишга йўллаб асло хато қилишмади. Сафарбой бу ерда Хоразм воҳасидан мададга келган бунёдкорлар гуруҳига моҳирона раҳбарлик қилиб, арман халқининг самимий ҳурматига сазовор бўлди. Меҳнат ва курашда товланган қишлоқ йигити айни қирчиллама ёшида, куч ғайрат, билим ва салоҳиятга тўлиб - тошган бир паллада, трест бошқарувчиисининг ўринбосари вазифасини адо этаётган чоғда, бевосита иш столи ёнида ҳаётдан кўз юмди.

В.Насибян, С.Бобожонов сингари ҳаёт мактабини утаганларнинг яна бири - Ёқуб Отахонов. Теника билан тиллашиш, уни тушуниш ва фойдалана олишда Ёқуб аканинг олдига тўшадиган муҳандис Туямўйинда йўқ десак муболаға бўлмас. 3-қурилиш - монтаж бошқармаси бошлиғининг механизация ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаётган Отахоновни 1973 йили нукул техника воситалари ёрдамида фаолият кўрсатадиган колонна бошлиғи вазифасига тайин этишгани бежиз эмас. Муҳандиснинг ажойиб истеъдоди бу вазифада ёрқин намоён бўлди. Асосий иншоотлар тағзаминида қазилган улкан котлован, жами 45 километр узунликдаги 9 та дамба, "Дўстлик" (ҳозирги Питнак) шаҳри ва Туямўйин бўйлаб қурилган юзларча чақирим масофадаги йўл ва хиёбонлар, ўнг ва чап қиргоқ магистрал каналларининг бошланиш қисми, "Ўзан", "Копараз", Султон-Санжар, Кўшбулоқ сув омборларини бир - бири билан боғловчи каналлар тизими ва бошқа ўнларча катта - кичик объектлар Ё.Отахоновнинг 12 йиллик /1973-1985й.й/

раҳбарлик ва муҳандислик фаолияти натижасидир.

Ўнг қиргоқ магистрал канали, (Қизилқум саҳроси бўйлаб қурилган мазкур каналнинг узунлиги 20 километр. Ҳар секундига 250 кубометр сув ўтказади) 1 ва 2 – дамбалар, тупроқ тўғони, “Копараз” сув омбори иншооти қурилишига раҳбарлик қилган, 1979 йили эса Амударёни тўсишда қатнашган Карим Дурдиев, ўнг қиргоқдаги объектлар, 5 ва 6-дамбалар қурилишини бошқарган И.А.Сон, Туямўйиннинг дастлабки ихота воситалари - 3 ва 4-дамбалар, Кўшбулоқ сув омбори канали қурилишида ташкилотчилик ва ишбошилик истеъдодини намойиш этган Йўлдош Оллаберганов, Питнак, Шорловуқ, Туямўйин, Лебоп, Дейнов, Даргон-Ота аҳоли пунктлари ва улар оралиғидаги барча йўл қурилишларининг соҳиби ва ташкилотчиси Рустам Мадраҳимов, 5-6-7-8-9- дамбалар қурилиши, “Питнак” шаҳри ва асосий иншоот атрофларини кўкаламзорлаштириш, Туямўйин сув омборида баллиқчилик хўжалигини барпо этиш ишида катта ташкилотчилик қобилиятини кўрсатган Қаландар Матмуродов, қарийиб 20 километр масофа бўйлаб қурилган энг катта Султон - Санжар сувдан ҳимоя воситасининг бош бунёдкори, кейинчалик эса “Туямўйинсувқурилиш” нинг Тюмень вилоятидаги қурилиш ташкилоти бошлиғи Юсуф Иброҳимов қабилар ҳам Туямўйиннинг муносиб фарзандлари, жонкуяр, фидокор, ишчан ва тадбиркор раҳбарлар, ишбошилардир.

Колонна аҳли амалга оширган ишларнинг бош йуналтирувчиси ва мувофиқлаштирувчиси шубҳасиз ишлаб чиқариш техника бўлими ҳисобланади. Ринат Натфулин - ушбу бўлимни салкам 30 йил давомида бошқарди. Бунёдкорлик ишлари ана шу ўзига хос штаб томонидан оқилона уюштириб турилмаганида юқорида таъкидланган марраларнинг қўлга кириши, ютуқларнинг бисёр бўлиши амри маҳол эди.

- Шу даражада берилиб ишлардикки, ҳатто ҳафта, ўн кунлаб уйга боришни ҳаёлга келтирмасдик, - ўтган кунларни хотирлаб деди Натфулин, - 1971 йили фарзанд кўрдик, биласизми уни менга икки кундан кейин суюнчилашди. Уйдагилар атайлаб шундай қилишибди: ишидан чалғиб юрмасин, дейишибди.

Бу - Туямўйин ва туямўйинликлар характерини яққол акс эттирувчи бир ҳолат. Узини эмас ўзгаларни уйлайдиган, умум ишини ўзиникидан устун қўядиган кишиларга хос ажойиб фазилатнинг ёрқин намойиши.

Ихота системалари, каналлар, ариқлар, йўллар, кўприклар қурилишининг илк қалдирғочлари аъъанаси ҳозир ҳам давом этапти. Қурилиш бунёдкорлик ишлари муносиб из-

дошлар, шоғирдлар қўлида. Ўтган 30 йил давомида тўпланган бугун мамлакатга асқотгуси билим, маҳорат ва тажриба истиқлолимиз билан йўғирилган турмушнинг айни долзарб кунларида ниҳоятда қўл келаяпти. 70-80 йиллар топширигини қойил-мақом уддалаган жамоа ХХІ аср бўсағасида магистрал ичимлик сув тармоқларининг тинитиш - тозалаш иншооти, Газли-Урганч-Нукус магистрал газ қувурлари тармоғи, Ўзбекистон қанд - шакар саноатининг тўнғич корхонаси - "Хоразм-шакар" заводи қурилишлари, янги ерлар ўзлаштиришда ҳам фаол иштирок этди. Туркменистоннинг Тошқовуз вилоятидаги Губадоғ этакларидан қурилишбоб тош қазиб олишдек муҳим топшириқни ҳам жамоа бажону-дил уддалади. Бунёдкорларнинг тўнғич авлоди босиб ўтган катта ва ибратли йўл эндиликда бошқалар учун ҳам йўлчи юлдуз, ишончли дастуриламалга айланган, десак муболаға бўлмайди.

Отахоновлар, Қиличевлар, Маткаримовлар, Насибян, Бобононовлар, Натфулинларнинг ишини бугун Қодир Қаландаров, Ҳожиабдулла Раҳимов, Султон Матёқубов, Отахон Солиев каби истеъдодли ишбошилар, муҳандис ва техник - ходимлар, ишчилар авлоди қўлга олган. Қуриш - яратиш ишларини тўртта участкага уюшган 300 дан зиёд киши давом эттираяпти. Туямўйиндаги энг замонавий ва қудратли техника воситалари ҳамон улар измида. Колонна қошидаги таъмирлаш механика парки 150 дан зиёд юқори унумли "ЭКГ" ҳамда оддий эксковаторлар, бульдорзерлар, скрейперлар, грейдерлар, ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторларидан иборат. Туямўйиндаги қурилиш - монтаж ташкилотларининг биронтаси ҳам бу қадар катта ва қудратли техникавий базасига эга бўлган эмас.

Шуни ҳам айтиш зарурки, ер қазииш, текислаш, ободонлаштириш, қуриш бунёд этиш вазибалари билан шуғулланувчи жамоа Туямўйинда атиги битта эмас. 1-кўчма механизациялашган колонна гидромеханизаторлари билан ҳамоҳанг ва басма - бас қадам ташлаётган, ундан ўрганиб, ўзишга астойдил интилган яна бир забардаст жамоа собиқ "2-СМУ" замирида ташкил этилган 2 - кўчма механизациялашган колонна аҳли ҳам қурилишда самарали фаолият кўрсатди.

Жаннатмакон инсон Шароф Рашидовнинг бебаҳо мадади туфайли 1982 йили Хоразм вилоятининг ҳудуди Тупроққалъа, Саримой мавзелари ҳисобига анча кенгайтирилганлиги ана шу жойда ер очиш, мироблик иншоотлари, коммунал - маиший ва уй - жой бинолари қурилишини кенг қўламда бошлаб юбориш заруратини юзага келтирди. "Туямўйинсув-қурилиш" бошқармаси меҳнатчиларигина бу маъсулиятли ва

муҳим юмушни қойиллатиб уддалаши мумкин. Бунинг учун эса яна битта қурилиш - монтаж ташкилоти зарур. Бошқарма таркибида қум - саҳро шароитида фаолият кўрсатишга қобил жамоа 2 - кўчма механизациялашган колонна ташкил этилди. Ўлкан Қизилқумнинг қарийиб 250 минг гектар ҳудудини банд этган ушбу мавзеда ариқлар - каналлар қазииш, ичимлик сув, табиий газ ва нурқувват тармоқларини бунёд этиш, турар жойлар, маданий - маиший ва хизмат кўрсатиш объектларини вужудга келтириш вазифасини мазкур жамоа бажонидил зиммага олди. Қисқа фурсат ичида қатор уй - жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари, дўконлар, козонхона, 800 бош қорамол асраладиган фермахона, дала шийпонлари, ичимлик сув, табиий газ ва электр қуввати узатиш тармоқлари обод йўллар, йўлкалар, йирик насос станцияси, бетонлаштирилган хўжаликлараро канал ва кўприклар барпо этилди. Тупроққалъадаги "Хива" жамоа хўжалиги ҳудудидаги барча бино ва иншоотлар кўчма механизациялашган колонна жамоаси меҳнатининг маҳсули бўлди.

Бу объектлар ўз - ўзидан пайдо бўлиб қолмаган албатта. Чул шароитида, воҳага энг яқин бўлган ҳудуд - Питнак шаҳридан қарийиб 100 - 120 километр масофага қатнаб ишлаш, бу ерга қурилиш ашёлари ва буюмларини ташиб келишнинг ўзи бўларканми? Шу боис, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг равишда колоннаинг ўз ишлаб чиқариш мажмуини бевосита қуриш - яратиш ишлари кетаётган Тупроққалъа мавзесининг ўзида барпо этишга киришилди. Ҳар кеча кундузда 200 кубометр маҳсулот берувчи бетон заводи, тош майдалаш қурилмаси, асфальт - бетон корхонаси, автокорхона мажмуи, қурилиш жиҳозлари омборхонаси, ҳар бири 60 кишига мўлжалланган 6 та ётоқхона, ичимлик сув иншооти каби ўнларча ишлаб чиқариш нуқталари ана шу тариқа вужудга келтирилди. Кейинчалик эса Саримой қишлоғида янги турар жой бинолари, болалар боғчаси, шифохона, ичимлик сув, табиий газ тармоқлари фойдаланишга берилди.

Яратувчилик майдонида тобланиб, куч ва қувватга тўлган жамоа бунёдкорлик миқёсларини қадамба - қадам кенгайтира борди. 90-йилларга келганда қуриш - бунёд этиш ишлари ҳудуди Ҳазорасп туманини ҳам камраб олди. Ўнларча серҳашам иморатлар, пишиқ - пухта иншоотлар, йўл ва кўприклар сафга тизилди.

Колоннага дастлабки кезлари Қувондик Каримов, Шарифбой Хўжаев каби истеъдодли муҳандислар раҳбарлик қилган бўлсалар, бу маъсулиятли вазифани кейинчалик ёш бўлсада меҳнат ва ташкилотчилик ишларида обдон пишиб етил-

ган, ҳаётнинг аччиқ — чучукларини ҳам бошдан ўтказган таланти муҳандис - мутахассис Саъдулла Матёқубов ўтади. Колонна эришган ютуқларга эса туямўйинлик қурувчилардан Амирбой Юсупов, Аминбой Ёқубов, Қадамбой Саидов, Виктор Петин, Ўрин Сайдаматов, Ҳанифа Ҳайитбоева, Раҳмон Дурдиев, Озод Ҳажиев, Раҳмон Оллабергановлар салмоқли улуш қўшдилар. Кейинги йилларда қурувчиларнинг янги авлоди шаклланди. Улар элимизни обод уй - жойлар, экинзорлар, қудратли иншоотларга, ўзларини эса ҳурмат - эъзозу, шон - шарафга буркашаётганини одамлар рўй - рост кўриб, билиб туришибди.

11. Фалокат оёқ остида.

Гидроузелнинг улкан соҳили: сунъий денгиз қирғоқларининг жами узунлиги 500, бўйи 170 километр, сатҳи 65 минг гектар /таққослаш учун: маълумот: Хоразм вилоятидаги ўртача битта туманнинг ҳудуди 25-30 минг гектарни ташкил этади/, Туямўйин гидроузели ана шу улкан ҳудудда ястаниб ётибди. Унинг қарови назорати Туямўйин гидроузелини тасарруф этиш ва фойдаланиш бошқармаси зиммасига юклатилган.

Ҳа шундай, бошқарма аҳли зиммасига гоят фахрли ва маъсулиятли вазифа юклатилган. Амударёнинг қуйи қисмидаги учала Республикага қарашли салкам 1 миллион гектар саҳнли экинзорлар, қарийиб 4 миллион кишини оби-ҳаётдан баҳраманд этиш вазифаси мазкур бошқарма зиммасида. Яна бир гапни очик айтايлик. Бошқарма аҳли Ўрта Осиёдаги ана шу энг йирик сунъий сув ҳавзасининг жиловини гоят ишончли тарзда ушлаб турган бўлсада, зиммадаги асосий вазифа содир булгучи ҳар хил ҳодисалар ва фалокатларнинг олдини олиш, улар билан мардоновар курашиб, албатта устун чиқишдан иборат.

Султон — Санжар сув омбори билан ундан оби - ҳаёт олувчи Шайхариқ каналини қарийиб 20 километр масофа бўйлаб чўзилган баланд ихота иншооти - дамба ўзаро бир-биридан ажратиб туради.. Гап шундаки, канал ўзани сунъий денгиз сатҳига қараганда 15-20 метр пастда жойлашган. Худо кўрсатмасин, башарти омборда тиқилиб ётган сув бирор жойдан дамбани ўпириб кетгудай бўлса борми...

... Фалокат эл оёғи тинчиган тунда эмас, куппа - кундуз куни айни - туш пайти рўй берди. Мазкур сув омборидаги участка бошлиғи Халил Башмаков рация орқали бошқармага таҳликали хабарни етказди. Унинг гоят ҳаяжон аралаш айтган бир неча оғиз тумтароқ сўзи санокли дақиқалардаёқ бутун Туямўйинни оёққа тургазди. Башмаковнинг хабари чиндан ҳам совуқ. Сул-

тон - Санжар суви Шайхариқ каналига уриб кетган. Чамаси ярим соат ичида Туямўйиннинг барча раҳбар, мутахассислари фалокат бошига етиб келишди. Атрофдаги манзарадан эса ақлинг шошади кишининг: Дамбадан 60-80 метрлар чамаси масофадаги пастқамликда ғоят катта сув фаввораси кучли босим остида замин бағрига отилиб чиқаяпти. Доирасимон тарзда отилаётган фавворанинг диаметри аллақачон 15 метргача етибди. Секунд сайин отилаётган 60-70 кубометр сув эса аллақачон канал узинини тўлатган. Ажабланирлиси шундаки, қурувчилар бунёд этган мустаҳкам сунъий тўсиқ - канал жойлашган пастқамлик ва сув омборини бир-биридан ажратиб турувчи баланд салобатли дамба қандай қурилган бўлса шундайлигича турибди. Бир неча ўн метр баландликдаги сув дамбанинг узини эмас, балки унинг остидаги қум қатламини ўпириб кетган. Ер остида ҳосил бўлган бу сув йўли ўз диаметрини соат сайин эмас, балки дақиқа сайин кенгайтирмоқда. Офат шу тахлит давом этса дамбанинг узини ҳам бирпасда ювиб кетиши турган гап. Бунинг оқибатида воҳанинг каттагина қисмини сув босиши ҳам ҳеч гапмас. Офатнинг турқига боққан кишининг эти увишади. Бир қарашда фожиани ҳеч қандай куч бартараф этолмайдигандек. Вазият чиндан ҳам ғоят қалтис. Ишнинг мураккаблиги эса шундаки, “Грифон”/ ер остидаги ўпирилиш натижасида ҳосил бўлган сув йўли ва ундаги кучли босим/ нинг боши дамбадан ҳам анча чеккадаги сув омбори тубида жойлашган. У ерда ҳосил бўлган ўпқонга тош, темир ёки бетон қуйилмаларини ташлай кўрманг. “Грифон” битта бўлса, 2-3, 10 тага дўниши турган гап. Боиси, ўпқон оғзидаги сув босими ўртароқ ёки қуйироқдагига қараганда бир неча баробар кучли. “Дамбанинг қоқ ўртасини бурғилаб, шу ердан ўпқон йўлига кучли босим билан тош ва қум юборамиз”, таклиф қилишди сув омбори мутасаддилари. Дамбанинг усти, ўпқоннинг эса ҳар икки тарафи бўйлаб, 120-150 метр масофада 32 жой, 30-40 метрлар чамаси чуқурликда бурғилаб чиқилди. Ҳосил бўлган тешиқлар орқали ўпқон йўлини мўлжаллаб кучли босим билан тош ва бетондан ҳам чидамли, сувда эримайдиган коалин лойи /бундай лой шу ердан топилган/ ни юборишмоқчи эди. Бўлмади. Тешиқларнинг баридан кўкка сув фавворалари ўрлади. Шундай бўлсада, пастдаги асосий ўпқон йўлига ана шу тешиқлар орқали тош ва лой юборишни барибир бошлаб юборишди. Тош ва сувда эримайдиган шилимшиқ лой барибир ўз ишини қилди. Офат билан олишувнинг бешинчи куни, дастлабки ниятга эришилди. Тешиқлар орқали юборилган тош ва лой ер ости сув йўлига ғов солувчи мустаҳкам сунъий тўсиққа айланди. Натижада, “Грифон”нинг кенгайиши тўхтатилди. Асосий ҳужумга киришиш пайти етди. Ишни дамбанинг пастки

қисмини харсанг тош ва қум билан тўлатиш ва уни шиббалаб, сув йўлини кесиб қўйишдан бошлашди. Бу тадбир ҳам самара берди. Икки ҳафта деганда орзиқиб қутилган дамлар келди. “Грифон” ортидаги фавворанинг ҳоври камаёя бошлади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач эса сув йўли буткул кесилди.

Султон-Санжар ҳавзаси ана шу тариқа қутқариб қолинди. Энг асосийси воҳа фалокатдан фориг бўлди. Ҳосил бўлган ер ости ўпирилиши эса оби-ҳаёт денгизини тасарруф этувчилар учун яхшигина сабоқ бўлди.

- Дамбани шу ҳолатда қолдира олмаймиз, - гоят жиддий оҳанг билан деди, пировардида бошқарма раҳбари.

- Хўш нима қилмоқ керак? Бошқарманинг собиқ бош муҳандиси (ҳозир бошқарма бошлиғи К.Бобожонов) ва бошқа мутасаддилар Тошкентдан келган малакали мутахассисларнинг маслаҳати билан дамбанинг қарийиб 4 чақиримлик қисми бўйлаб оз эмас: 4500 та махсус ингичка қудуқсимон тешиклар /скважиналар/ бурғулашди. Ҳар бир қудуққа кучли босим билан махсус тайёрланган чидамли ва тез қотувчи цемент қоришмаси юборилди. Бу тадбир шарофатидан иншоотнинг энг хавфли ҳисобланган ана шу 4 километрлик участкаси бўйлаб, яхлит ер ости бетон девори вужудга келтирилди ва янги ўпирилишларнинг ҳосил бўлиш йўллари тақа-тақ бекитилди.

Бундай фалокатлар одатда элга овоза қилинмайди, қилинмагани ҳам яхши, одамлар тинч ва хотиржам яшашади. Аммо, бир нарсани қайта-қайта уқдириб таъкидламоқ жоиз: Туямўйин сув омбори ва нурқувват манбаининг жилови ишончли қўлларда. Бу қўллар халқимизни ҳеч қачон кулфатда қолдирмайди ва бунга Яратганни ўрғага солиб бўлса ҳам юз фоиз кафолат беришади.

Ана шундай, бир сўзли, айтганини бўлдирадиган, мард, фидокор ва уздабурро инсонлар меҳнат қилишади мазкур бошқармада.

Туямўйин сунъий денгизи воҳада на экинзорлар, на фуқаролар турмушига хавф соломмайди. Аксинча, минтақа ижтимоий-иқтисодий турмушининг ҳамиша барқарор бўлиб туришига хизмат қилади. Туямўйин денгизининг мавжудлиги воҳада ҳаётнинг ҳам мавжудлиги шарт, бунинг акси эса...

Ана шу эзгу ишларнинг бошида турган Туямўйин гидроузелини тасарруф этиш ва фойдаланиш бошқармаси иншоотнинг биринчи навбати қуриб битказилган, 1980 йилнинг январида ташкил этилган ва “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси таркибида фаолият кўрсатган. 1988 йил июлида Туямўйин гидроузели омборларидаги сув ҳажми ҳамда Амударёдаги ГЭС қувватлари лойиҳадаги миқдорга етиши билан бошқарма “Туямўйин-сув-

қурилиш” таркибидан чиқарилиб, Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг гидроиншоотларни тасарруф этиш бош бошқармаси ихтиёрига ўтказилган. Туямўйиндаги улкан бунёдкорликнинг фаол иштирокчиси ва фахрийси Рустам Абдуллаев ушбу бошқармага бошлиқ, истеъодли ёш муҳандис Курбонбой Бобожонов эса бош муҳандис қилиб тайинланган. Амударёнинг куйи оқимидаги республика ва вилоятларнинг деҳқончилик қилинадиган майдонларини сув билан таъминлаш, мавжуд тўртгала сув омборини муҳофаза этиш, таъмирлаш ва фойдаланиш бошқарманинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Нурқувват ҳосил қилиш юмушларини ташкил этиш эса Туямўйиннинг яна бир ўтюррак қурувчиси Даврон Сафоев бошлиқ гидроэлектростанцияси дирекцияси зиммасига юклатилган.

Ўрта Осиёда энг йирик мазкур сув омборининг ишга тушиши воҳада деҳқончилик саноати мажмуини равнақ тоғдиришнинг ҳаётий муҳим гаровига айланди. Сунғий денгизда тўпланадиган 7,8 миллиард кубометр ҳажмидаги оби-ҳаёт барча экинзорларни энг қурғоқчилик йилларда ҳам сув билан мунтазам ва етарли миқдорда таъминлаш имконини беради. Чунончи, энг қурғоқ келган 1984, 1987, 2000 ва 2001 йилларда ҳам /бу йиллар Туямўйин орқали атиги 10-20 миллиард кубометр атрофида сув ўтган. Кўп йиллик ўртача меъёр эса 55-58 миллиард кубометр, воҳа экинзорлари сувни бир меъёрда олди. Умуман сув масаласи - воҳа иқтисодиётидаги энг катта муаммоларнинг бири. Минтақа асримизнинг 70-йилларигача мунтазам тошқинлар ва қирғоқларнинг ўзгариб туриши хавфи остида яшаган бўлса, кейинги чорак аср мобайнида дарёнинг табиати кескин ўзгарган шароитда ҳаёт кечирди. Дарёдаги серсувлик ўрнини доимий камсувлик ва қурғоқчилик ҳолатлари эгаллади. Сувнинг асосий қисми Амударёнинг юқори минтақасида жойлашган экинзорлар томон оқди. Ҳосил бўлган миллион-миллиардларча кубометр заҳ ва чиқинди сувлар эса дарёга қайта оқизилди. Оқибатда дарёнинг сув сатҳи ва сифати кескин пасайди. Оролнинг қуриш жараёни тезлашди. Туямўйин гидроузели Орол қуришини сезиларли секинлатиш гаровига ҳам айланганлигини балким кўпчилик билмас. Гап шундаки, минтақанинг қарийиб барча магистрал каналлари сувни Туямўйин гидроиншооти орқали олади. Демак, сув воҳа экинзорларига керагича етказиб берилади. Эҳтиёждан орттани эса Оролга оқизилади. Авваллари дарё суви ўзбошимчалик билан тасарруф этиб келинган. Дарёдан олинган ортиқча оби-ҳаёт қайта дарёга эмас, балки заҳкаш - коллекторлар, кўл ва ботқоқликлар, пасткамликлар томон оқизилган. Энди эса буларнинг барига чек қўйилди. Буни фактлар мисолида ҳам қуриш мумкин. Чунончи 80-йиллар бошида Аму суви Орол ден-

гизига ҳатто етиб бормаган пайтлари ҳам бўлди. Сув нисбатан кўпроқ келган йилларда ҳам денгизгача етиб борган сув миқдори 2-5 кубокилометрдан ортмади. 90-йилларга келиб вазият тубдан ўзгарди. Кейинги даврларда (2000 ва 2001 йил бундан мустасно) денгизга қуйилаётган дарё суви миқдори йилига 15-20 кубокилометрни ташкил этаяпти.

Кези келган экан яна битта ибратли мисолни таҳлил этайлик: 60-йиллар билан 90-йилларни бир-бирига таққослаб кўринг:

Статистик маълумотларга қараганда 60-йиллар бошида Амударёнинг куйи қисмида ҳаммаси бўлиб 1 миллион киши истикомат қилган, ҳозир эса салкам 4 миллион киши яшаяпти. Экинзорлар сатҳи ҳам ҳозиргидан 3 баробар кам бўлган. Айни пайтда Амударё орқали Туямўйиндан ўтган сув миқдори 1960 йили 60-62 миллиард кубометрни, 90-йиллар бошида эса 30-35 миллиард кубометрни ташкил этган. Демак, бу йиллар мобайнида аҳоли сони 4, экинзорлар майдони 3 баробар кўпайган. Дарё суви эса қарийиб, ярмига камайган. Хўш, бундай вазиятда минтақа аҳолисини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан етарли ва мунтазам таъминлаш мумкинми? Бунга “ҳа” деб ҳам, “йўқ” деб ҳам жавоб бериш мумкин. Туямўйин сув омбори мавжуд экан саволга “ҳа” деб, акс ҳолда эса “йўқ” деб жавоб берасиз.

Ҳа, Туямўйин бутунги кунда воҳанинг ҳаёт-мамот манбаи. Хоразм жанубида барпо этилган улкан мироблик иншоотининг таърифи ана шундай. Таъбир жоиз бўлса, бошқача тарифга ҳожат йўқ. Воҳа деҳқончилик саноати мажмуи, қолаверса бутун иқтисодиётимиз ва ижтимоий турмуш истиқболлари Туямўйин оби-ҳаёт иншооти билан чамбарчас боғланган.

Энди эса солиштириб қўришингиз, таҳлил этишингиз ва хулоса чиқаришингиз учун ҳукмингизга айрим тарихий маълумотларни ҳавола этамиз.

Ҳар секундда дарёдан оқиб келган сувнинг ўртача йиллик миқдори:

- энг кўп: 1992 йил - 1707 кубометр

- энг оз: 2001 йил - 409 кубометр

Ойлик миқдори:

- энг кўп: 1998 йил - июль 4509 кубометр

- энг оз: 2002 йил март, 1987 йил февраль – 209 кубометр

Кунлик миқдори:

- энг кўп: 1998 йил 24 июль - 5640 кубометр

- энг оз: 2002 йил 29 март - 115 кубометр

Умуман 1987 йилдан кейинги даврда Туямўйинга келган сув сарфининг энг кўп ва энг оз кунлик миқдори қуйидагича (кубометр ҳисобида, секундига):

| Туямўйинга келган сув сарфининг максимал ва минимал қийматлари (секундига кубометр ҳисобида) | | Сана |
|--|------|---------------------|
| Оз | 129 | 1987 йил 30 январь |
| Кўп | 3535 | 1987 йил 10 июнь |
| Оз | 356 | 1988 йил 15 ноябрь |
| Кўп | 4360 | 1988 йил 8 май |
| Оз | 228 | 1989 йил 1 ноябрь |
| Кўп | 2617 | 1989 йил 1 июнь |
| Оз | 204 | 1990 йил 16 март |
| Кўп | 3608 | 1990 йил 6 июль |
| Оз | 260 | 1991 йил 18 март |
| Кўп | 3438 | 1991 йил 25 июнь |
| Оз | 430 | 1992 йил 24 февраль |
| Кўп | 5070 | 1992 йил 3 август |
| Оз | 326 | 1993 йил 21 апрель |
| Кўп | 4300 | 1993 йил 16 май |
| Оз | 300 | 1994 йил 7 март |
| Кўп | 4995 | 1994 йил 16 июль |
| Оз | 190 | 1995 йил 29 апрель |
| Кўп | 2715 | 1995 йил 31 июль |
| Оз | 320 | 1996 йил 4 март |
| Кўп | 3300 | 1996 йил 5 июль |
| Оз | 310 | 1997 йил 16 февраль |
| Кўп | 1825 | 1997 йил 30 июль |
| Оз | 450 | 1998 йил 28 январь |
| Кўп | 5640 | 1998 йил 24 июль |
| Оз | 400 | 1999 йил 4 март |
| Кўп | 3000 | 1999 йил 28 июль |
| Оз | 180 | 2000 йил 26 апрель |
| Кўп | 1400 | 2000 йил 20 май |
| Оз | 180 | 2001 йил 18 октябрь |
| Кўп | 1410 | 2001 йил 26 июль |
| Оз | 115 | 2002 йил 29 март |
| Кўп | 3475 | 2002 йил 25 июнь |
| Оз | 255 | 2003 йил 19 февраль |
| Кўп | 3800 | 2003 йил 7 июль |

Қуйида эса 1987 йилдан то 2003 йилгача булган даврда дарё орқали Туямўйингача энг кўп ва энг оз миқдорда оқиб келган ўртача ойлик ва йилдик сув миқдори ҳақидаги маълумотни ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

Эслатма: Сугорили йили ҳар йилнинг апрелидан кейинги йилнинг апрелигача булган даврни ўз ичига олади.

**Туямуйинга келган сув сарфининг ўртача ойлик қийматлари
(секундига кубометр ҳисобида)**

| Йиллар | Январь | Феврал | Март | Апрел | Май | Июнь | Июль | Август | Сентябрь | Октябрь | Ноябрь | Декабрь | Ўртача йиллик сув сарфи |
|---------------|---------------|---------------|-------------|--------------|------------|-------------|-------------|---------------|-----------------|----------------|---------------|----------------|------------------------------------|
| 1987 | 441 | 209 | 642 | 1125 | 1485 | 2412 | 2355 | 1868 | 1601 | 846 | 931 | 671 | 1216 |
| 1988 | 629 | 569 | 741 | 1353 | 1459 | 1769 | 3548 | 2378 | 1291 | 782 | 535 | 570 | 1369 |
| 1989 | 592 | 418 | 532 | 709 | 506 | 1213 | 1512 | 1301 | 475 | 315 | 394 | 462 | 702 |
| 1990 | 475 | 556 | 389 | 553 | 1838 | 1795 | 2322 | 1488 | 1244 | 921 | 682 | 821 | 1090 |
| 1991 | 821 | 656 | 401 | 900 | 1374 | 2286 | 2048 | 1485 | 1345 | 881 | 478 | 989 | 1139 |
| 1992 | 939 | 704 | 599 | 864 | 2919 | 3778 | 4032 | 2833 | 1564 | 839 | 708 | 709 | 1707 |
| 1993 | 883 | 867 | 985 | 647 | 2097 | 2133 | 3319 | 1454 | 1197 | 864 | 678 | 898 | 1335 |
| 1994 | 792 | 740 | 781 | 858 | 1499 | 2438 | 4102 | 2559 | 1640 | 756 | 659 | 862 | 1474 |
| 1995 | 913 | 691 | 525 | 350 | 924 | 1232 | 2119 | 1621 | 1000 | 622 | 571 | 589 | 931 |
| 1996 | 512 | 510 | 596 | 703 | 1194 | 2258 | 2415 | 2078 | 902 | 633 | 581 | 724 | 1092 |
| 1997 | 448 | 357 | 348 | 432 | 926 | 948 | 1317 | 1300 | 1123 | 522 | 449 | 527 | 725 |
| 1998 | 521 | 795 | 881 | 1014 | 2813 | 3170 | 4509 | 2728 | 1418 | 822 | 726 | 820 | 1685 |
| 1999 | 738 | 546 | 526 | 573 | 1213 | 1488 | 2028 | 1765 | 935 | 714 | 635 | 613 | 1006 |
| 2000 | 778 | 441 | 347 | 249 | 617 | 563 | 780 | 549 | 441 | 319 | 325 | 425 | 486 |
| 2001 | 438 | 428 | 258 | 227 | 307 | 928 | 676 | 495 | 352 | 206 | 239 | 355 | 409 |
| 2002 | 405 | 299 | 209 | 780 | 1782 | 2557 | 2357 | 1851 | 1203 | 434 | 366 | 547 | 1066 |
| 2003 | 499 | 262 | 528 | 1403 | 1806 | 2994 | 2887 | 1774 | 747 | | | | |

Маълумотдан кўриниб турибдики, турли йилларнинг айрим ойларида сув шу ойнинг кўп йиллик меъёрига нисбатан ҳам кўп, ҳам ҳайрон қоларли даражада оз келган.

Масалан: 1952 йилнинг апрелида дарёдан секундига ўртача 2420, 1969 йил апрелда эса 2900 кубометр сув оқиб ўтган бўлса, бу кўрсаткич 1986 йилнинг апрелида бор-йўғи 277 кубометрни ташкил этган. Турли йилларнинг октябрь ойига разм солайлик: 1946, 1953, 1959 йилнинг шу ойида дарё орқали Туямўйинга оқиб келган сув миқдори секундига 1220-1800 кубометр, 1986, 1989 йилларнинг мазкур ойида эса атиги 278 ва 315 кубометрга тенг бўлган. 1969 йил июнь ойининг ўртача суви секундига 5360, 1986 йил июнида эса атиги 769 кубометрга етган, холос.

Маълумотдан аёнки, сув танқислиги кўпинча 1971 йилдан буёнги /1992,1998,2003 йилларни ҳисобга олмаганда/ даврда содир бўлаяпти.

Туямўйин гидроузели-ортиқча келаётган сувларни ушлаб қолиш, бу билан турли тошқин ва “дагиш”ларнинг олдини олиш, дарё суви камайган даврларда эса уни эҳтиёжга яраша етказиб бериш, шу туфайли оби-ҳаёт танқислигига барҳам беришнинг ишончли кафолати.

Сувни тежаш, зарур ҳолларда денгиз томон тўхтовсиз оқизиб юбориш-ниҳоятда маъсулиятли юмуш. Сувнинг оз ёки кўп бўлишини олдиндан пухта чамалаб ва ҳисоблаб иш тутмасанг таъминотга кафолат беролмайсан. Бошқарма меҳнатчилари оддий кишилармас: бари ўз ишининг усталари, моҳир ва удадурро мироблар. Бундай эъзозга биринчилардан бўлиб, насосчи Олланазар Қаландаров, Жаббор Матёкубов, нурқувват устаси Нурулла Жуманиёзов, чилангар Матёкуб Пирназаров, теплоход сардори Бобохон Сададдинов, алоқа муҳандиси Турсун Сафаров, корхона раҳбарига узоқ йиллар муовинлик қилган Мухтор Аминов сингари устоз ишчи-хизматчилар, мироб-муҳандислар сазовор бўлишган. Жамоанинг қалдирғоч аъзолари ҳам ана шулар. Кейинги даврда бошқарма бош муҳандислигига кўтаришган Қодирберган Давлатов, шунингдек “Ўзан” сув омбори бошлиғи Каримбой Самандаров, бош нурқувват устаси Бахтиёр Болтаев, Султон-Санжар ҳавзаси бўлим бошлиғи Курамбой Қурбонов, бошқарманинг сув ўлчаш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Тўлқин Юсубов, кузатувчи Камол Муродов, техниклардан Комилжон Маҳмудов, чилангарлар Аминбой Тангрибердиев, Исмоил Жуманиёзов, ҳайдовчи Турсун Маҳмудов, Бегандик Сойипов, тракторчи Мадийёр Тўраев, ишчилардан ғадамбой Одинаев, алоқачи Равшан Ҳусайнов, Юсуфбой Қутлимуродовларни эса уларнинг

муносиб ворис-издошлари, зукко шоғирдлари ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса устоздан ўзганлар ҳам-шулар. Негаки, айримлари сувнинг сатҳига боқибоқ миқдорини аниқ айтиб бера олишади.

Устозу — шоғирдлар сафида гарчи бандаликни бажо келтиришган эсада Йўлдош Саъдуллаев, Отахон Рўзимов, Раҳимбой Аҳмедов, Ҳасан Қурбанов, Бозорбой Муродовлар ҳам бор. Сув омборининг оби-ҳаётга нисбатан кафолатини таъминлашда уларнинг улушини туямўйинликлар ҳамиша жўшиб-тошиб гапиришади, хотирига эса таъзим — эҳтиром бажо келтиришади.

Жамоага 2002 йилдан буён мироб-муҳандис Қурбонбой Бобожонов раҳбарлик қилапти. Қурбонбой Туямўйин учун янги ходим эмас: суяги мазкур жамоада қотганлардан. Бошқармага қарийиб 20 йил мобайнида бош муҳандислик қилган, бу истеъдодли муҳандисни вилоят раҳбарлари бир неча йил мобайнида вилоят миқёсидаги нуфузли идораларда масъул лавозимларда обдон синаб қўришгач, яна Туямўйинга қайтаришди. Бу гал янада масъулиятли лавозим — гидроузелни тасарруф этиш ва фойдаланиш бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинлашди.

12. Кичкина деманг бизни!

Питнак ва Туямўйин қирлари бағридаги асосий иншоотларни барпо этишнинг бутун маъсулияти ва оғирлиги “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 1-3-қурилиш - монтаж бошқармалари, 1-кўчма механизациялашган колонна, 20-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси, ёрдамчи корхоналар комбинати, автотранспорт ташкилотлари гарданига тушгани эндиликда ҳаммага аён. Бироқ, қурилишда алоҳида касб-корлар ва хизматларнинг соҳиблари иштирокисиз битмайдиган ишлар ҳам талайгина. Жумладан айрим бунёдкорлик ишлари ихтисослаштирилган монтаж-созлаш ташкилотлари, айрим юмушлар эса портлатиш хизмати мутасаддилари, созловчи ва синовчилар иштирокидагина рўёбга чиқади. Бундай юмушларни одатда кам сонли ва аммо алоҳида муҳим ва танкис касб-корларга ихтисослашган жамоаларгина удалайди.

Туямўйиннинг тўнғич қурувчиларидан бири, фидокор ишбоши Бектурди Жумабоев раҳбар бўлган 540-сонли ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна ана шундай монтаж-созлаш ташкилотларининг бири. Дастлаб 6-кўчма механизациялашган колонна номини олган мазкур монтаж ташкилоти ўз фаолиятини Туямўйиннинг қалдирғоч жамоалари

сафида, аниқроғи 1970 йилнинг май ойида бошлаган. Собиқ “Ўзбошсувқурилиш”нинг “Махсусмонтажқурилиш” трести-га қарашли бу ихтисослашган жамоа гидроузел қурилишидаги махсус монтаж юмушларини аъло даражада уддалаб, зим-мадаги маъсулиятли бурч ва вазифани шараф билан ўтади. Асосий иншоотлар қурилишидагина эмас, балки кўпдан – кўп ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия ва тиббиёт муассаса-лари қурилишидаги санитария-техника юмушларини уддалаш-да ҳам жонбозлик ва жонкуярлик намуналарини кўрсатди.

ГЭС биносига ўрнатилган нурқувват ҳосил қилиш восита-лари, сув равоқларидаги металл ускуналар, “Копараз”, Сул-тон-Санжар иншоотлари, дамбалар, Дюкер-шлюзи ва регуля-тори қурилишидаги металл панжаралар ва ускуналар монта-жи, уй-жой биноларига ичимлик ва иссиқ сув, газ, канализа-ция тармоқларини улаш, созлаш юмушлари колоннанинг қўли гул меҳнатчилари томонидан адо этилган. Колонна аҳлининг Питнақдаги Хоразм автомобилсозлик заводи, Туямўйин – Нукус – Тахтакўпир, Туямўйин – Урганч – Манғит магистрал сув қувурлари, Ҳазорасп чўчқачилик мажмуи, Қизилқум мав-зесида мироблик иншоотлари, Туркменистоннинг Дарғон-Ота, Лебоп, Нефтезаводск, Сайди аҳоли пунктларидаги саноат – фуқаро бинолари ва иншоотлари, “Хоразм – шакар” корхо-наси, Боғот сингил саноат мажмуи қурилишидаги улуши эса алоҳида таъдбирга лойиқ. Кичик жамоанинг бу сингари катта ишлари талайгина. Йирик бунёдкорлик ишларида суяги қотган жамоа ҳозир ҳам катта ишлар бошида.

Ўтган 33 йил мобайнида ажойиб меҳнат натижаларигина қўлга киритилгани йўқ, балки бой ва ибратли меҳнат ва тур-муш анъаналари ҳам юзага келди. Аҳиллик, иноқлик ютуқлар калити. Бу анъана мамлакатимиз истиқлол йўллари бўйлаб дадил илгарилаетган, бозор иқтисодиёти, демократия та-мойиллари ҳаётимиз мезонига айланган ҳозирги даврда ни-ҳоятда асқотаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, колонна жамоаси зиммасига юклатилган махсус пайвандлаш, мон-таж қилиш ва созлаш иш-лари ўта маъсулиятдан ташқари катта билим, таж-риба ва маҳоратни ҳам та-лаб этадики, буни йирик пойтахтлар илмий ва сано-



ат марказлари муҳтида камолга етган, кўзи пишган, қўли келган, етарли малакага эришган кишиларгина уддалай олиши мумкин. Умри қишлоқда кечиб, юқорида таъкидланган маҳорат мактабининг остонасини ҳам кўрмаган Ҳазорасплик, питнаклик йигитлар бундай маъсулиятли ишни уддалаб кета



олармикан? Ҳар бир ишга қобилу-қодир жамоани шакллантириш ниятини кўнгилга туккан колонна раҳбарлари зиммадаги кенг қамровли ва ўта маъсулиятли юмушлар учун одам танлашда эътиборни диплому - кафолатномаларга эмас, истеъдод ва ихлосга қаратишди. Натижада, наинки Туямўйин, балки бутун вилоят ва республикага кўз-кўз қилса арзийдиган қобилу-қодир жамоа шаклланди. Бунда колоннанинг биринчи раҳбари /1970йил май-1973 йил февраль/ Қайсар Муллабоев, 1973-81 йилларда бошлиқ бўлиб ишлаган Владислав Миронов, жамоани 1981-83 йиллари бошқарган Рўзим Ҳусайнов, 1983-84 йилларда бошлиқ вазифасини бажарган Кенжа Мадаминов, 1984 йил февралдан то ҳозиргача раҳбарлик қилаётган Бектурди Жумабоевларнинг катта ташкилотчилик, раҳбарлик, мураббийлик фаолияти, фазилатлари мужассам. Мураккаб пайвандлаш, монтаж қилиш, созлаш ва синаш ишларига бевосита раҳбарлик қилган участка бошлиғи Шамза Ленву, Орифжон Йўлчиев, ака-ука Александр ва Виктор Петинлар, Ражаббой Матёқубов, Саид Кенжаев, Раҳимбой Жуманиёзов, Кенжабой Бекназаров, Ольга Свинина, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Умид Ёқубов, уста Қурбонбой Маткаримовларнинг мураббийлик фаолияти баробаринда Пётр Гришин, Рустам Кенжаев, Ражаббой Абдуллаев, Қаҳрамон Матёқубов, Ёқуб Каримов, Ойбек Исмоилов, Исмоил Эргашев, Жуманиёз Мўминов, Рустам Шарипов, Раҳмат Бектурдиев, Юрий Бекчонов, Зурия Абдураҳмонова сингари истеъдод соҳиблари, етук ва малакали бригадирлар, пайвандчи, монтажчи ва созловчилар авлоди камолга етди.



Ўз кучи билан катта ишлар, алоҳида муҳим топшириқларни адо этаётган жамоалар Туямўйинда оз-мунчамас.

Туямўйин қурилиш ашёлари комбинати меҳнатчиларининг сонини бемалол бармоқ букиб санайверасиз. Аммо, унда яратилаётган моддий бойликлар миқдори ва қийматини ҳисоблашга ҳатто замонавий компьютер ҳисоблагич машиналар ҳам ожизлик қилса ажабмас.

Гап шуки, корхона маҳсулотларининг ўзи 600 хилга яқин. Қурилишлар учун неки буюм, конструкция, жиҳоз, қоришма зарур бўлса бари шу ерда муҳайё этилади. Йиғма ва қоришма бетон маҳсулотлари дейсизми, дурадгорлик буюмлари ёки пол тахтаси дейсизми, асфальт-бетон ёинки шағалтош дейсизми ҳамма-ҳаммаси корхонада тайёрланади. Қурилиш хаамири ва хаамиртуруши ҳисобланмиш биргина бетон қоришмаларини олиб кўрайлик. Корхона фаолиятини бошлаган 1972 йилдан 1977 йилгача бу ерда 413 минг, сўнги беш йилликда 1 миллион 23 минг, жами эса 2 миллион кубометрдан зиёд бетон қоришмалари тайёрланиб, Туямўйин ва Питнак шаҳридаги юзларча қурилиш жабҳаларига жўнатилди. Қурилишнинг ушбу етакчи саноат корхонаси ўз фаолиятини таъкидлаганидек, 1972 йил 1 мартдан бошлади. Хўжалик ва маҳаллий ҳокимият маҳкамаларида ишлаб, суяги қотган моҳир ташкилотчи, етук мутахассис, иқтисод фанлари номзоди Жуманиёз Гофуров (марҳум) ана шу тўнғич корхонанинг дастлабки раҳбари эди. Корхонага дастлаб Туямўйин ёрдамчи хўжаликлар комбинати мақоми берилиб, “Туямўйин-сувқурилиш” таркибида ташкил этилган, турар жой - коммунал бўлими, темир-бетон буюмлари заводи, таъмирлаш - механика устахонаси, Султон-Санжар тош карьери, ёғочсозлик цехи, ёрдамчи деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги унинг ихтиёрига ўтказилган. Корхонага турли йилларда Жуманиёз Гофуров /1972-73 йиллар/, Рустам Абдуллаев /1973-75 йиллар/, Анатолий Нурманов /1975-76 йиллар/, Рўзим Жуманазаров /1976-89 йиллар/, Раҳимбой Каримов (1989-2001 йиллар) раҳбарлик қилдилар. Бош муҳандис сифатида фаолият кўрсатганлар ҳам Туямўйиннинг таниқли бунёдкорлари. Ибратли жихати шуки, ана шу маъсулиятли вазифада ўзини кўрсатган Р.Абдуллаев, Р.Жуманазаров, Р. Каримовлар кейинчалик директорликка кўтарилганлар. Корхона бош муҳандиси вазифасини турли йилларда Александр Коробов, Самандар Юсуповлар адо этишган. Корхонанинг юқорида номи келтирилган бунёдкорлик жабҳаларига эса Матчон Жўянбоев, Султон Ражабов, Яраш Сафаров, Халил Башмаков, Гофир Исмоилов, Мухтор Аминов, А.А.Кенельзин, Бобохон Қозоқов сингари меҳнатда тобланган, оқуқорани таниган қобилиятли кишилар раҳбарлик қилишган. Етакчи корхонанинг молия-ишлаб чиқариш фаолиятига бош ҳисобчи Ҳожибой Гофуров, унинг ёрдамчиси Худойберган Қутлиму-

родов, ишлаб-чиқариш техника бўлимига Болтабой Бобожонов, Ботир Оллаберганов, меҳнат ва иш ҳақи бўлимига Отахон Рўзимов, режалаштириш бўлимига Онапошша Исмоилова, техника хавфсизлиги бўлимига Султонбой Сайдаматовлар мутасадди бўлишган. Ҳар бир юмушга ҳозир-нозир, қобилу-қодир кишилар мавжуд ишчи кучларининг ўзаги ва асосини, боз устига катта кўпчиликни ташкил этади. Бу хайру-саоват ишларнинг бошида турган Исмоил Жуманиёзов, Султонбой Ражабов, Отабой Матниёзов, Ибодулла Ибодуллаев, Йўлдош Матрасулов, Мадамин Мадаминов, Қадамбой Кўзиёв, Сотимбой Буёзов, Яхшимурод Кўзиёв, Олим Абдурахмонов, Ўктам Султонов, иссиқхона бошлиғи Сафо Исмоилов, бетон заводи бошлиғи Илҳом Кўчқоров (ҳозир корхонага раҳбар), Рая Мингазиева, Йўлдош Юсупов, Ўринбой Ёқубов, Иброҳим Болтаев, Самандар Тожимуродов, Н. Боронин, Ринат Қаниев, Олим Абдиримов, Иброҳим Аҳмедов, Юсуф Рўзиматов, Саъдулла Собиров сингари оддий ишчилар ва техник ходимлар эса эндиликда бутун Туямўйиннинг фахри ва фахрийларидир. Минг афсуски, эл иши дея бевосита хизмат вазифасини адо этаётган чоғда шаҳид кетганлар ҳам бор. Бетончи Қурбонбой ака Сафоев, саноат базаси участкасининг бошлиғи Н.Боронин, нурқувват устаси Эркабой Кенжаев, тракторчи Қутлимурод Султоновларнинг ёрқин чехраси туямўйинликлар хотиридан учган эмас. Улар номи улкан гидроиншоот умри янглиғ абадий барҳаётдир.

Жасоратли меҳнат албатта рағбатини топади. Корхонага 1976-89 йилларда директорлик қилган Р.Жуманазаров, соловчи Ўктам Султонов, цех бошлиғи Яраш Сафаров, жамоанинг шундан кейинги раҳбари Раҳимбой Каримовлар ҳукумат мукофотларига сазовор бўлишди.

Жамоа бунёдкорлик жабҳасидаги мардонавор меҳнат ва курашни ҳозир ҳам қизғин давом эттираяпти. Корхонага қурувчиларнинг сўнгги авлоди вакили, истеъдодли муҳандис Илҳом Кўчқоров директорлик қилаяпти. “Копараз” сув омборининг канали ва оби-ҳаёт ўтказиш иншооти, Туямўйин-Тошҳовуз магистрал сув қувурлари тармоғи, Боғот енгил саноат мажмуи, “Хоразм автомобилсозлик” ва шакар заводлари, Питнак шаҳри, Ҳазорасп, Боғот туманлари, Тупроккальба мавзеси қурилишлари учун турли ашё ва буюмларни айнан ана шу корхона етказиб бераяпти.

Бунёдкорлик ишлари учун минг хил майда-чуйда зарурлигини юқорида таъкидлаб кўрсатдик. Хуш, уни ким ҳозирлайди-ю, кимлар етказиб беради? Умуман таъминот масаласи учун кимлар мутасаддию, кимлар жавобгар?

Туямўйин ишлаб-чиқариш техника таъминоти бошқар-

маси жамоаси бу саволларнинг барига мана 30 йилдирки “Биз” дея жавоб бериб келади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мураккаб мироб-муҳандислик иншоотлари қурилиши учун буюм, ашё, механизм сингари воситалар атиги бир — икки заводнинг ўзида ишлаб чиқарилмайди. Улар учун ўн эмас ҳатто юзларча шаҳарлар ва заводларга бош уриб борилади. Ҳар бир тур мол ва маҳсулот учун алоҳида буюртма берилади. Нархи ва миқдори келишилади. Уни узоқ — яқин ўлкалар, республикалардан ташиб келишнинг ташвишини айтмайсизми. Бошқарманинг унчалик катта булмаган жамоаси зиммасига ана шу қадар катта, қўламдор, сергалва ва сермашаккат юмуш юклатилган.



Бошқарманинг фаолияти қуриш-яратиш ишлари авж олаётган 1974 йилнинг апрел ойдан бошланган. Асосий иншоотлар қурилишида ўзини кўрсатган ёш мутахассис Жумабой Бобоев унинг биринчи бошлиғи қилиб тайинланган. Раҳбарлик, ташкилотчилик, услубий ёрдам ва савдо-тижорат соҳасидаги энг муҳим ва долзарб юмушларни Я.Худойберганов, С.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Й.Қурбонов, У.Қаландаров сингари ти-

ришқок ва уддабурро кадрлар адо этишган. Комил ишонч билан айта оламизки, бошқарма жамоаси зиммадаги маъсулиятли вазифани сидқидилдан ўтади. Бунёдкорлар қурилиш ашёлари ва буюмларига деярли ҳеч вақт махтал бўлиб қолишмади. Мингларча тонна арматура, юзмингларча тонна цемент, ўн мингларча кубометр ёғоч-тахта жиҳозлари, мих, шифер, турли - туман иш қуроллари, мингларча бирликдаги механизмлар ва техника воситалари, қўйинг-ки минг хил майда-чуйда, мол ва маҳсулотларни излаб топиш, харид қилиш ва ташиб келтириш айтишгагина осон юмуш. Бунда бошқармага узоқ йиллар раҳбарлик қилган Е.Матюсупов, шунингдек Х. Машарипов, К. Абдуллаев, С. Давлатов, Б.Саидов, А. Худойберганов, Д. Бекчонов, Р. Хужаев, С. Отёзов, Б. Хасанов сингари билимдон ва тадбиркор ишчи-хизматчиларнинг улуши алоҳидадир.

13. Туямўйин гидроузели қурилишида иштирок этган идора, ташкилот, корхона ва муассасалар. (рўйхат ўша вақтда мавжуд бўлган идора ва ташкилотлар номлари асосида тузилди)

Гарчи озчиликни ташкил этсада ўзга ҳеч ким уддалай олмайдиган ўта муҳим, долзарб ва кенг миқёсли юмушларнинг

бошида турганларни санаб адогига етишингиз амри махол. Шу боис сузни мухтасар этиб, "Туямўйин" да бош пудратчилар билан ёнма-ён туриб, алохида муҳим аҳамиятга молик юмушларни кўнгилдагидек адо этган ёрдамчи пудратчилар рўйхатини эътиборингизга ҳавола этамиз:

1. Хоразм давлат хўжаликлари қурилиш трести.
2. "Спецмонтажводстрой" трести.
3. "Союзвзрывпром" бирлашмаси.
4. Республика алоқа вазирлиги.
5. Мелиорация ишлари кўчма механизациялашган колоннаси.
6. Монтаж ва махсус қурилишлар вазирлиги.
7. "Средазтрансстрой" трести.
8. "Гидромеханизация" трести.
9. "Электросибмонтаж" трести.
10. "Средазэлектросетстрой" трести.
11. Йўл қурилиши ва автйўллардан фойдаланиш вазирлиги.
12. Республика қурилиш ишлари вазирлиги.
13. "7-Кўприксоюзлик" трести.
14. "Гидромонтаж" трести.
15. Газ саноати вазирлиги.
16. Энергетика - монтаж ишлари вазирлиги.
17. "Промжилводстрой" трести.
18. "Казмонтажавтоматика" трести.
19. Хоразм сув хўжаликлари қурилиши трести.
20. Ўзбекистон гўшт ва сўт саноати вазирлиги.
21. 93— "Висотстрой" трести.
22. "Узэлектромонтаж" трести.
23. "Узсантехгазмонтаж" трести.
24. "Средазтепломонтаж" трести.
25. "Газпровентильация" бирлашмаси.
26. "Гидроспецстрой" трести.
27. "Югкаракалпакводстрой" трести.
28. "Водспецремонт" бирлашмаси.
29. "Ўзбекистон сув қурилишлари бош бошқармаси".
30. "Спецгидроэнергомонтаж" трести.
31. "Союзўзбекгаз" бирлашмаси.
32. Ўзбекистон давлат урмон хўжалиги кумитаси.
33. "Зангори экран" бирлашмаси.
34. "Узспецводдренаж" трести.
35. "Средазсуваавтоматика" ташкилоти.
36. РПМСО бирлашмаси.
37. МУ-9 бошқармаси.

Бунёдкорликка бевосита амалий хисса қўшган бу каби жамоалар сони анчагина. Бироқ, қурилишни моддий - техника воситалари билан таъминлаш, бунёдкорлик ишлари, хизмат кўрсатиш ва молиявий кумак уюштиришда иштирок этган идора, ташкилот, корхона ва муассасалар хали бу ҳисобга кирмайди. Биргина Урганч қурилиш материаллари бирлашмаси (ўша кезлардаги бош директори Юсуф Шержонов, Худойназар Эшчонов) Туямўйин қурилишлари учун бир неча ун миллион дона гишт, ўнларча тонна охак тайёрлаб берди. Корхона кечаю-кундуз нуқул Туямўйин учун ишлаган кезлар кўп бўлди. Ишчилар сулоласининг ажойиб вакиллари меҳнат қилаётган ушбу корхона Питнақда бунёд этилаётган иморат ва иншоотларни қурилиш материаллари билан таъминлашни ҳозир ҳам давом эттираяпти.

Питнақ даштларидаги улкан бунёдкорликка муносиб улуш қўшганлар орасида автотранспортчилар, темир йўлчилар жамоалари ҳам бор. Исмоил Рўзибоев, Пўлат Абдуллаев, Бобохон Абдуллаев, Яраш Полвонов, Отажон Раҳмоновлар раҳбарлик қилган 20-хўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонаси, вилоят автомобил транспорти трестига қарашли Абдулла Содиков, Машариф Жумабоев, Раҳмон Оллаберганов, Раззок Очилов директорлик қилган 93-автокорхона, Гофиржон Раҳмонов бош бўлган 96- автокорхона, Султон Шарипов бош бўлган Питнақ, Раҳимбой Шомуродов бошчилик қилган Туямўйин темир йўл шоҳбекатлари жамоаларининг улуши яратувчилик ишларида ҳал қилувчи роль ўйнади, десак муболаға бўлмайди. Узоқ манзиллардан йўл олган юз мингларча тонна қурилиш ашёлари, асбоб-ускуналар, машина-механизмларни азамат темир йўлчилар, асосий иншоотлар бағридан қазиб олинган, салобатли дамбаларга уйилган юзларча миллион кубометр тош ва тупроқни офир юкларни ташишга ихтисослашган 93-автотранспорт корхонаси, қолган барча юклар ва қурувчиларни эса 20 ҳамда 96-автокорхоналарнинг азамат ҳайдовчилари ташиб беришгани ҳаммага аён.

Умуман воҳада Туямўйинга мадад қўлини чўзмаган, иншоот қурилиб биттач эса ундан қувват ва мадад олмаган биронта ҳам жамоа йўқ.

Аслида ҳаётнинг ўзи шундай яралган: ўзгалан мадад олмақ, ҳиммат кўрмоқ истасанг ўзинг ҳам қурбинг етганча ўзгаларга мадад бермоғинг, ҳиммат кўрсатмоғинг, яхшилик ва эзгуликнинг пайида булмоғинг зарур. Зеро, бу дунёда биров-бирова суяниб, ишониб, дўст ва биродар тутиниб, мадад олиб, мадад бериб, ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни ўрнига қўйиб, инсонийликни улуғлаб ва қадрига етиб яшамоғи ҳам

фарз, ҳам қарз. Президент Ислон Каримов раҳбарлиги ва раҳнамолигида яратилган истиқлол сиёсати: бозор иқтисодиёти ва демократик турмуш тамойиллари, кенг қамровли ислохотлар жараёни шуни тақозо этади.

14. Қурилишнинг эгаси

Дарвоқе, бунёдкорлик ишларининг бош ижрочиси - "Туямўйинсувқурилиш" жамоалари. Аммо, қурилишга буюртма берганлар ким, у кимга ва нимага керак? Келгусида у кимларга хизмат қиладию, кимларга наф келтиради?

Бу саволларни аслида қиссамиз бошидаёқ ўртага қўймоғимиз зарур эди, Бундай қараганда иморатми, иншоотми, йўл, кўприк, хиёбон ёки гулзорми бари буюртмачи учун зарур. Бунёдкорнинг ўзига эса... Улар бор йўғи ижрочилар холос. Ҳа, қурилишнинг бош ижрочиси-қурувчи. Зеро бу касб соҳиблари иқтисодий равногимизнинг ҳам асосчиларидирлар.- Қурилишга кул урмаган элнинг эртаси ҳам, истиқболи ҳам бўлмайди. Бундан чиқди, қурувчи аҳли халқимиз ардоғидаги кишилар, қалам аҳлларининг эса доимий қахрамони. Буюртмачи қолиб, бунёдкорни мадҳ этиш турмушда кенг расм бўлгани боиси ҳам ана шу. Лекин, ҳар қандай таомнинг муллигию-ширинлиги ошпазга боғлиқ бўлгани каби қурилиш базасининг мустақамлигию, қурилаётган иморатнинг катта-кичиклиги, сайқал топишию, безалиши, чиройи ва шакли-шамойили буюртмачининг раъйи, сарфу-харажатнинг миқдори, таъминот даражасига бориб тақалади. Шундай экан, бунёдкорликдан гап очилгудек бўлса, буюртмачининг номи ҳаммиша эхтиром билан тилга олинмоғи даркор.

Туямўйин гидроузели халқимиз хоҳиш - иродаси, давр талаби, шароит тақозосила бунёд этилган иншоот. Унинг қурилиши учун буюртмани халқимиз, элимиз, ҳукуматимиз номидан Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги берган. Қурилиш-лойиҳа ва яратиш ишларининг бевосита ҳамда бош буюртмачиси, таъминотчиси, мувофиқлаштирувчиси қилиб эса Туямўйинда махсус ташкил этилган 20-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси белгиланган.

... 1969 йил, куз, Амударёда қарийиб бир ярим йил давом этган сурункали тошқинлар ҳоври гуёки бир қадар сусайгандай. Воҳа аҳли, авваламбор унинг тошқин хавфила кўп кунлару-тунларни бедор ўтказган раҳбарлари ниҳоят енгил нафас олишди. Оғир хомуза тортганлар ҳам бўлди. Ўтган қишнинг ниҳоятда қаттиқ ва серёғин келиши оқибатида рўй берган давомли тошқинлар ҳаммининг юрагини олдириб қўйган. "Дағиш"га

қарши кураш одамлар фикри-зикрини тамомила банд этганди. Вилоят обкоми ва ижрокуми раҳбарлари лойиҳалаштири-лаётган Туямўйин гидроузели қурилишини бошлаб юбориш учун рухсат берилишини сўраб Шароф Рашидовга, ҳукуматга, Москвага мурожаат қилдилар. Дарёни жиловлаш масаласи Шароф отани вилоят раҳбарларидан кам ташвишга солмасди. Ота собиқ Иттифоқ Компартияси котиблари: Кириленко, Су-лов, Вазирлар Кенгаши раиси Косигинлар орқали вазиятнинг таҳликали эканини Брежневгача етказди. КПСС (собиқ) XXIII – съезди директиваларига киритилган Туямўйин гидроузели-ни қуриш масаласи қогозда қолиб кетаётганлигини ҳам ётиғи билан тушунтирди. Ҳайрият Москва рози бўлди. Ота Хоразмга сим қоқиб, қурилишни бошлаш тадоригини кўра бошлаш за-рурлигини тайинлади. Иш режали давом этди.

Қурилишни авваламбор қурувчи эмас, балки буюртмачи ташкил этади. Шу боис аввалига буюртмачини тайинлашди. – Буюртмачи ҳам ҳаялламади. Марказнинг топшириғи олинган-ни ҳамано ишга киришилди: ўша серғалва, серташвиш йил-нинг кузидаёқ Туямўйинда бирлашган қурилиш дирекцияси тузилди. Қурилиш ашёларининг бир қисми Республикадан, қол-ган аксарияти эса Республика ташқарисидан келишини назар-да тутиб, бошқа минтақалар раҳбарлари билан аллақачон апоқ-чапоқ бўлиб кетган, Иттифоқ миқёсидаги идораларда ҳаёт ва тажриба мактабини ўтаган асли хоразмлик Полиёз Муродович Ризаевни /у киши бунгача Хоразм вилоят ижрокўмининг раи-си, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Халқ хўжалиги Кенгаши раиси, Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги доимий ваколатхонаси бошлиғи лавозимида ишлаган/ қурилишнинг бош мутасадди-лиги – Туямўйинда қурилаётган корхоналар бирлашган дирек-цияси директорлиги /1970 йил январ/га тайинлашди.

Полиёз Муродович дирекция фаолиятига ишнинг энг қийин ва мураккаб палласида раҳбарлик қилди. Дирекция-нинг ўзинигина эмас, ялпи қиймати ярим миллиард сўмлик /ўша давр нархида/ бутун бошли қурилиш-ни “оёққа турғизди”. Аммо, бу иш учун бу-тун куч, билими, маҳорати, тажрибаси, ке-рак бўлса тан-сиҳатлигини ҳам аямади. У киши ўз омилкорлиги, ишбилармонлиги, ўткир дипломатларга хос фазилатлари, ши-ринсуханлиги шарофатидан қурилиш учун зарур нарсаларнинг барини ютиб олди. Ле-кин, ўзи ютқизди, аниқроғи соғлиғини, пи-ровардида эса ҳаётини ютқазди.



... 1981 йил январь. Полиёз аканинг ўлимига бутун Туямўйин, тармоқ вазирлиги, вилоят жамоатчилиги аза очди. У дунёдан армонли кетмади. Меҳнатларининг натижасини оз бўлсада қуриш насиб этди. У 11 йиллик ҳаётини Туямўйинга бағишлади. Шу йиллар ичида дарё қандай тўсиллиши, Жайхун сувининг тўғон равоқлари орқали илк бор ўта бошлашини ўз кўзила қуришни орзу қилиб яшади ва муродига етди. Бироқ, меҳнатларининг роҳатидан баҳраманд бўлиш, Туямўйин уммони шарофатини қуриш насиб этмади.

Яхшидан ном қолади. П-Жаҳон урушининг фаол қатнашчиси, жанговар ҳамда меҳнат орден ва медалларининг соҳиби, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган, сув хўжалиги ходими", бир неча чақириқ Республика Олий Кенгаши ва вилоят кенгаши депутатининг номи туямўйинликлар, воҳа жамоатчилиги ёдида, ҳамиша барҳаёт.

Яхшидан яхши ном ва муносиб шогирдлар қолади. Саъдулла Матёқубов Полиёз аканинг дидидаги яхши шогирд, Туямўйиндаги истеъдодли раҳбар-муҳандисларнинг эса бири. Устоз вафотидан сўнг директорликка уни тайинлашди. Ташкилотга Ризаев директорлик қилган йилларда қурилиш-монтаж ишларининг мисли қурилмаган миқёслари таъминланган /қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 1971 йилги 4,5 миллион сўмликдан 1980 йили 26 миллион сўмликка етди/, гидроузелнинг биринчи навбати тўла қуриб битказилган, бутун бошли янги шаҳар /"Дўстлик"/ бунёд этилган бўлса, С. Матёқубов раҳбарлик қилган 1981-85 йиллар мобайнида гидроузелнинг энг муҳим ва йирик иншоотлари, объектларини қуриш кизгин давом эттирилди, Амударёда қурилган асосий тўғоннинг гидроэлектростанцияси биносида жами қуввати 150 минг киловат соатлик 6 та энергетика блоки бирин-кетин ишга туширилди.

Дирекциянинг шундан кейинги раҳбари Жумабой Бобоев Туямўйиндаги яратувчиликнинг жамики босқичларини ўтаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳам хўп татиб, меҳнатда ва ташкилотчилик ишларида обдан тоблаган инсон. 1969 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тугаллаган Жумабойни даставвал Питнак қурилиш-монтаж бошқармасига прораб қилиб юборишади. 1971 йил баҳорида эса уй-жойлар қурилиши билан шуғуллана бошлаган 2- қурилиш-монтаж бошқармаси участка бошлиғи вазифасига, орадан бир йил ўтгач саноат базаси қурилиш-ларига сафабар этилган 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандислигига тайинлашади. Ҳали 30 ёшга тўлмаёқ /1974 йил апрел/ ишлаб чиқариш техника таъминоти бошқар-

маси бошлиғи, 35 ёшга етмаёқ /1979 йил апрел/ “Туямўйин-сувқурилиш” бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлиги вазифаларига йўллашади.

Қурилиш дирекцияси раҳбари вазифасини у ҳар томонлама чиниққан, куч-ғайрат, билим ва маҳорат тўплаган бир вазиятда /1985 йил декабр/ қабул қилиб олади.

Гидроузелнинг асосий иншоотларини қуриш бу вақтга келиб деярли ниҳоясига етганди. Бироқ, ишлар ва ташвишлар ҳали ҳам оз эмас. Асосий яратувчилик ишлари сабаб, бироз сушт давом этаётган “Дўстлик” шаҳри қурилиши, Ҳазорасп туманидаги маданий-маиший объектлар бунёдкорлиги, Қизилқум мавзесини ўзлаштириш тadbирлари бу йиллар орасида қайта жонланди. Утган 20 йилга яқин вақт ичида ўнларча катта-кичик иморатлар, иншоотлар, ариқ-каналлар, заҳкаш ва коллекторлар, йўллар, хиёбон ва йўлкалар фойдаланишга топширилади. Буларнинг барида жамоанинг салмоқли улуши мужассам.

Раҳбарнинг атрофига ўз ишининг усталари, фидокор-жонқуярлари, талантли мутахассису, уздабурро хизматчилар жиглашмас экан, ишнинг муваффақиятига кафолат бериш амри маҳол. Бу жиҳатдан олиб қараганда, ўтган йиллар ичида дирекцияга раҳбарлик қилганларнинг бари омади чопганлардан. Негаки, Туямўйиндаги энг истеъдодли муҳандис-техник ва хизматчиларнинг кўпчилиги мазкур жамоага жамланган. 1970-74 йилларда директор ўринбосари лавозимида ишлаган Баҳодир Ҳасанов, 1971-76 йилларда бўлим бошлиғи, директор ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган Николай Тен, 1972 йилдан энг маъсулиятли вазифаларда меҳнат қилган Бахтиёр Эгамбердиев, узоқ йиллар катта муҳандис бўлим бошлиғи, директор муовини вазифаларида фаолият кўрсатган Оллаберган Эрнафасов, катта муҳандис, бўлим бошлиғи вазифаларида ўзини кўрсатиб, 1988 йили директор ўринбосарлигига кўтарилган Олимбой Саъдуллаев, шу каби пиллапояларни ортда қолдириб, директор ўринбосарлигига тайинланган Боғибек Давлатов, ташкилотнинг 27 йиллик бош муҳандиси Солай Собиров, шунингдек, иш юртиш ва ташкилотчилик юмушларини намунали уюштирган бўлим бошлиқлари: Айтмурод Қосимов, Саломат Машарипова, Уктам Отамуродов, Оллаберган Худойберганов, Ўринбой Холмуродов, муҳандис Гулпошша Машарипова, иқтисодчи Августина Лобастовалар, кўп йиллар жамоада ишлаб, кейинчалик бошқа ташкилот ва корхоналарда фаолиятини изчил давом эттирган Валерий Хан, Нелли Шабанова, Илҳом Тожиевлар ҳам ана шулар жумласидан саналади.

Солай Собиров ҳикоя қилади: - Дирекциямиз буюртма берган жамики қурилишлар бизнинг назоратимизда туради. Кунда-

лик ва жорий ишларда қўлланиладиган қурилиш ашёларини етказиб бериш, ишлаб чиқариш — техника таъминоти бошқармаси зиммасида. Бевосита ўз тасарруфимиздаги алоҳида муҳим ва йирик қурилишлар учун махсус буюртириб ясалган машина ва механизмларни эса бевосита дирекциямиз етказиб беради.

Гидроузел - Ўрта Осиёдаги энг йирик ва ноёб муҳандислик иншооти. Ана шундай мураккаб иншоотнинг умрибоқийлиги ўрнатилгуси ва ишлатилгуси машина-механизмлар, дасттоҳ ва ускуналарга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис, асосий иншоотлар учун зарур ускуналарнинг бари собиқ Иттифоқнинг турли йирик корхоналарида махсус лойиҳа асосида буюртириб ясалди.

Туямўйин гидроузели қурилишидаги энг маъсулиятли ва мураккаб дамларни ўша паллада бошдан кечирганмиз. Дирекциямиз вакиллари собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларида ҳафталаб, ойлаб қолиб кетишар, асосий иншоот ва ГЭС биносига ўрнатиладиган улкан машиналарни тайёрлашдан тортиб, махсус вагонларга ортмагунча бир қадам ҳам нари кетишмасди. Баъзи воқеалардан эса ҳали-ҳамон кўпчиликнинг хабари йўқ. Биласизми, гидроэлектростанцияга ўрнатиладиган ҳар битта сув турбинасини ишлаб чиқариш билан камида 15-20 та йирик заводлар шуғулланган. Ҳа, битта қисм учун ана шу заводларнинг ҳар бирига алоҳида буюртма берилмоғи зарур эди. Шундай қилдик ҳам. Бир гал кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайдиган галати воқеа рўй берди. СССР Госпланидан телефон қилишиб, гидротурбинанинг металл қопламасини тайёрлатиш учун Харьковдаги “Атоммаш” заводига буюртма беришимиз зарурлигини уқдиришди. Мазкур қопламани турбинага монтаж қилиш вақтини мўлжаллаб, буюртмани Госплан орқали Харьковга жўнатдик. “Энди, буюртманинг етиб боришини кутинг”, дейишди. Кутдик, кўп ва хўп кутдик, металл қопламадан эса барибир дарак бўлмади. Ахийри вакилимизни Харьковга жўнатдик. Вакилимиз борса ўша қопламани тайёрлаш нарёқда турсин, уни ишлаб чиқарадиган заводнинг ўзи қурилиб битмаган экан. Буниси ҳам майли, Госпландагиларнинг айби билан, ҳали қурилмаган завод маҳсулотига бошқа жойлардан ҳам кўплаб буюртмалар олинбди ва гарчи буюртмани бошқалардан анча олдин жўнатган бўлсақда, бизни навбатнинг энг охирига ёзиб қўйишибди. Кечикиш 1,5 йилга етганда Москвага, Украинага кун, бундан сайин шошилинич телеграммалар жўнатилди. Лекин, ҳафтан ҳам наф бўлмади. Духаниннинг ҳам, Полиёз Муродовичнинг ҳам фигони фалақда. Бир куни Полиёз аканинг олдига кирсам кўлимга “Правда” газетаси редакциясига ёзилган шикоят телеграммасининг матнини тутқазди. Бошқа ўнларча шико-

ятларимиз бир томон, ушбу шикоятнома бир томон бўлди. Шу пайтгача биз билан ҳатто телефонда ҳам гаплашишни хоҳламаган ўша завод мутасаддиларининг ўзи энди бизга кўнғироқ қоқа бошлашди. Редакцияга жўнатилган телеграмманинг кучини қарангки, қурилиши эндигина тугаётган заводнинг янги директорини ишдан олишибди. Бизга эса биргина 1978 йил мобайнида режадаги 335 тонна ўрнига 715 тонна ҳажмидаги энг зарур асбоб-ускуналар жўнатишибди. Нимаям дердик. Айб одамларда эмас, тузумни кенг миқёсда чирмовуқдай ўраб, емираётган яроқсиз сиёсат ва оёққа тушов иш услубларида эди.

Бошдан кечирган саргузаштларнинг бири — шу. Саргузаштнамо воқеаларнинг яна бирига Туямўйиннинг ўзида рўпара келганмиз:

Тасаввур этоласизми, - битта вагонга кўпи билан 60 тонна юк ортишади. ГЭС биносига ўрнатиладиган механизмларнинг айримлари, дейлик трансформаторнинг оғирлиги 125 тоннани, трубинанинг ишчи ғилдараги эса ҳатто 250 тоннани ташкил этади. Хўш, яхлит ҳолдаги ана шу қисмлар Туямўйинга қандай келтирилади ва ниманинг ёрдамида тушириб олинади? Хулласи мазкур юклар учун авваламбор буюртма бериб махсус вагонлар ясаттирдик. Дахмазанинг зўрини эса Туямўйинда кўрдик. Қанийди, бундай катта оғирликдаги юкни кўтариб туширгучи паҳлавон машина топила қолса? Мутахассисларнинг маслаҳатига амал қилиб, юкни махсус ясалган вагондан тушира оладиган махсус кранлар ўрнатишга қарор қилдик. Аммо, аксига олиб, юк Туямўйинга биз кўтганимиздан анча олдин етиб келди. Юк тушириш мосламаси эса ҳали тайёр эмас. Иложсиз қолдик. Шунда Қозоқ ака Холимбетов, Жумабой Бобоевнинг маслаҳати иш берди. Вазни 125 тонналик трансформаторларни тўрт бурчагидан тўртта тиклагич / домкран/га кўтартирган қуйи вагондан тушириб, ўз ўрнига қўйишга муваффақ бўлдик. Оғирлиги 250 тонналик трубина ғилдираklarини эса махсус монтаж қилинган кўприк кранлар ёрдамидагина вагонлардан бўшатиб олдик.

Барча қисмлар гидроузел биносига йиғилиб, шу ерда блок котловинасига ўрнатилди. Қисмларни йиғишда ҳар бир заводнинг шеф - муҳандислари иштирок этишди. Лойиҳага мос келмайдиган асбоб-ускуналар шу ернинг ўзида қайта созланиб, бевосита заводнинг ўзига мурожаат қилиниб, у ердан олинган кўрсатмалар асосида иш тутилган ҳоллар ҳам бўлди. 30 йиллик қурилиш жараёнида бу каби вазиятларга неча бор дуч келганмизни ҳисоблаб чиқиш амри маҳол.

Шу тариқа қурилатган корхоналар бирлашган дирекцияси раҳнамолиги билан 1970-2003 йиллар мобайнида Туямўйин гидроузели ва “Питнак” шаҳрида қуйидаги асосий объектлар қуриб ишга туширилган:

| Объектларнинг номи | Қуввати | Ишга туширилган вақти |
|---|-----------------|-----------------------|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. Туямўйин гидроузелининг асосий иншоотлари: | | |
| 1. «Ўзан» сув омборидаги ҳавза | 150 млн.куб/м | 22.12.1979 йил |
| 2. «Копараз» сув омборидаги ҳавза | 400 млн.куб/м | 25.12.80 йил |
| 3. «Ўзан» сув омборидаги ҳавза | 1 млрд. куб/м | 25.12.81 йил |
| 4. «Ўзан» сув омборидаги ҳавза | 1050 млн. куб/м | 25.12.82 йил |
| 5. Султон-Санжар сув омборидаги ҳавза | 300млн. куб/м | 28.12.83 йил |
| 6. Султон-санжар сув омборидаги ҳавза | 900млн.куб/м | 29.12.84 йил |
| 7. Кўш булоқ сув омборидаги ҳавза | 300 млн.куб/м | 07.08.85 йил |
| 8. Кўш булоқ сув омборидаги ҳавза | 900 млн. куб /м | 20.11.85 йил |
| 9. Султон-Санжар сув омборидаги ҳавза | 150 млн.куб/м | 21.12.85 йил |
| 10. Кўш булоқ сув омборидаги ҳавза | 200 млн. куб/м | 28.06.86 йил |
| 11. Султон-Санжар сув омборидаги ҳавза | 100млн.куб/м | 20.12.86 йил |
| 12. Султон-Санжар сув омборидаги ҳавза | 750 млн. куб/м | 02.11.87 йил |
| Ҳавзалардаги сувнинг жами Микдори | 5,5 млрд. куб/м | 1987 йил |
| Сув таъминоти яхшиланган Майдонлар | 300.000 га | |

Шунингдек, 1985-2003 йиллар орасида бевосита “Туямўйингидроқурилиш” жамоасининг кучи билан 2000 гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 10 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 5 минг гектар ер капитал текисланди, Тупроққалъа мавзесида йирик сув чиқариш насос станцияси ишга туширилди.

| Туямўйин ГЭС н маъмуи | | |
|-------------------------|---------------|------------|
| 1. 1-Гидроагрегат | 25 минг квт/с | 21.12.81 й |
| 2. 2-Гидроагрегат | 25 минг квт/с | 21.12.81 й |
| 3. 4-5 —Гидроагрегатлар | 50 минг квт/с | 25.12.83 й |
| 4. 3-6 гидроагрегатлар | 50 минг квт/с | 29.12.84 й |

**Юқорида кўрсатилган объектлар ва мажмуалар
таркибига кирувчи иншоотлар.**

| № | Иншоотлар номи | Фойдаланишга топшириш лаври |
|--|--|--------------------------------|
| 1 | ГЭС биноси | 1979-1984 йиллар |
| 2 | Асосий сув тўғони | 1979-1984 йиллар |
| 3 | Амударёга солинган тупроқ тўғон | 18.12.1979 йил |
| 4 | Дюкер-шлюзи ва регулятори | 1977-1982 йиллар |
| 5 | Унг ва чап қиргоқ сув тўсиш иншоотлари | 1977-1988 йиллар |
| 6 | Ўнг ва чап қиргоқ каналлари | 1975-1980 йиллар |
| 7 | Султон-Санжар ҳавзасига сув қуйиш ва сув олиш каналли | 1975 йил |
| 8 | Султон-Санжар ҳавзасига сув қуйиш ва сув олиш иншооти | 1977-1983 йиллар |
| 9 | Тинитилган сув канали ва иншооти | 1981-1983 йиллар |
| 10 | Кўш булоқ ҳавзасига сув қуйиш ва сув олиш канали | 1982-1985 йиллар |
| 11 | 1-чи ва 2-чи дамбалар | 1977-1980 йиллар |
| 12 | Сув элтиш ва сув олиш каналлари | 1979-1982 йиллар |
| 13 | 3,4,5,6,7,8-чи дамбалар | 1978-1981 йиллар |
| 14 | Султон-Санжар дамбаси ва 9 дамба | 1980-1987 йиллар |
| 15 | Питнак орна канали | 2001 йил |
| Саноат базаси объектлари: | | |
| 1 | Саноат базасидаги бетон заводи | 06.1975-78 йиллар |
| 2 | «Дўстлик» шаҳридаги бетон заводи | 1973 йил |
| 3 | Автокорхона 540 машина ўринли | 1976 йил май |
| 4 | Туямўйин темир йўл бош бекати | 1977 йил |
| 5 | Гидромонтаж базаси | 1973 йил |
| 6 | Кичик техник воситалар базаси | 1975-1977 йиллар |
| 7 | Кислород станцияси | 1977 йил |
| 8 | 1-, 2-, 3- қурилиш-монтаж бошқармалари, 1-кучма механизациялашган колоннанинг ишлаб-чиқариш базаси | 1981-1983 йиллар |
| Коммунал-маиший ва хизмат кўрсатиш шохбчалари | | |
| 1 | Мактаблар: 2672 ўринли 3 та | 1971-1985 йиллар |
| 2 | Болалар боғчалари -4 та. 890 ўринли | 1975-1989 йиллар |
| 3 | Ҳунар-техника билим юрти мажмуи ва ётақхонаси | 30.08.1977 йил |

| | | |
|----|---|------------------|
| 4 | Пионер лагери 320 ўринли | 29.09.1989 йил |
| 5 | «Дўстлик» шаҳрида касалхона мажмуи, шунингдек 120 ўринли поликлиника ва туғруқхона | 1980-1982 йиллар |
| 6 | Сузиш ҳавзаси /кишки/ 50 ўринли | 24.03.1985 йил |
| 7 | Профилакторий / 100 ўринли/ | 29.07.1988 йил |
| 8 | Истирохат боғи | 1979-1984 йиллар |
| 9 | Телефон алоқа боғламаси мажмуи | 24.02.1984 йил |
| 10 | «Гидроқурувчи» клуби /400 ўринли/ | 20.11.1978 йил |
| 11 | Кино майдончаси /600 ўринли/ | 1977 йил |
| 12 | Ёзги кинотеатр /200 ўринли/ | 1973 йил |
| 13 | Клуб / 300 ўринли/ | 1976 йил |
| 14 | 280 ўринли касалхона мажмуи. Боғот туманида | 1988 йил |
| 15 | Ҳар куни 120 беморга ҳизмат кўрсатувчи поликлиника | 1988 йил |
| 16 | Туямўйин – Урганч магистрал сув тармоқлари (суткасига 200 минг кубо метр сув) | 1991 йил |
| 17 | Туямўйин-Нукус магистрал сув тармоқлари (суткасига 360 минг кубо метр сув) | 1991 йил |
| 18 | Туямўйин-Урганч-Мангит магистрал тармоғининг сув тозалаш иншооти (Питнак шаҳрида суткасига 200 минг кубометр) | 2001 йил |
| 19 | Туямўйин-Нукус – Тахтақупис магистрал тармоғининг сув тозалаш иншооти (унг қирғоқ суткасига 200 минг кубометр) | 2001 йил |
| 20 | 1200 ўқувчи ўринли 2 та касб-ҳунар коллежи (Боғот ва Ҳазорасп туманларида) | 2001 йил |
| 21 | 1050 ўқувчи ўринли 2 та касб-ҳунар коллежи (Ҳазорасп тумани, Питнак шаҳри) | 2002 йил |
| 22 | Ўрта мактаб биноси (Ҳазорасп туманида) | 2002 йил |
| 23 | «Олимпия» спорт-соғломлаштириш мажмуи (Урганч шаҳрида) | 2003 йил |
| 24 | 1050 ўқувчи ўринли 2 та касб-ҳунар коллежи (Ҳазорасп тумани, Питнак шаҳри) | 2003 йил. |

1970 - 2003 йилларда қурилган уй-жойлар

| Йил-лар | Уйлар сони | Хонадон лар сони | Сатҳи /кв/м |
|---------|------------|------------------|-------------|
| 1970 | 28 | 60 | 4015 |
| 1971 | 22 | 46 | 2733 |
| 1972 | 104 | 171 | 9352 |
| 1973 | 164 | 175 | 11788 |
| 1974 | 105 | 146 | 7956 |
| 1975 | 40 | 342 | 16113 |
| 1976 | 67 | 222 | 12481 |
| 1977 | 24 | 292 | 14096 |
| 1978 | 35 | 133 | 9106 |
| 1979 | 5 | 7 | 663 |
| 1980 | 1 | 36 | 2216 |
| 1981 | 1 | 36 | 2216 |
| 1982 | - | - | - |
| 1983 | 1 | 36 | 2216 |
| 1984 | - | - | - |
| 1985 | 1 | 24 | 1403 |

| | | | |
|-------------|------------|-------------|---------------|
| 1986 | 1 | 24 | 1403 |
| 1987 | - | - | - |
| 1988 | 2 | 64 | 3696 |
| 1989 | 5 | 70 | 4175 |
| 1990 | 16 | 92 | 6948 |
| 1991 | 12 | 54 | 4168 |
| 1992 | 7 | 44 | 3388 |
| 1993 | 3 | 6 | 582 |
| 1994 | - | - | - |
| 1995 | 2 | 48 | 4812 |
| 1996 | 3 | 6 | 1310 |
| 1997 | 10 | 20 | 4210 |
| 1998 | 5 | 10 | 1091 |
| 1999 | 5 | 10 | 1192 |
| 2000 | 1 | 32 | 2297 |
| 2001 | - | - | - |
| 2002 | - | - | - |
| 2003 | 1 | 24 | 1810 |
| Жами | 671 | 2232 | 137431 |

III. ПИТНАК ҚИРЛАРИДА ОЧИЛГАН ГУЛЛАР

1. Тезюрар йўлга чиқолмади.

Туямўйиндаги улкан бунёдкорлик ҳақида гап кетганда одамлар у ерда барпо этилган аср иншооти-сунъий оби-ҳаёт денгизи ва сув билан ҳаракатланувчи нуркувват манбаини кўз олдига келтиришади. Аммо, яратувчиликнинг иккинчи қирраси ҳам бор. Ана шу борадаги мислсиз меҳнат ва кураш Туямўйинда эмас, балки Питнак қирларида мана салкам 40 йилдирки тўхтовсиз давом этаяпти. Кишилар бу ерда гидроузел қурилиши биланмас, балки уни бунёд этаётганлар учун обод уй-жойлар, маданий-маиший ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши билан ҳам қизғин шуғулланишди. Зеро, минтақа иқтисодиётининг шу янглиғ улкан ва қудратли базасини барпо этувчилар учун иш ва маиший турмуш шароитлари сув билан ҳаводек зарур неъмат. Улкан гидроиншоот объектлари билан айни бир вақтда бутун бошли Питнак (собик “Дўстлик”) шаҳри кад ростлагани боиси ҳам ана шу.

Шаҳар қурилишининг фаройиб ва қизиқарли тарихи борлигини ҳаммаям билавермасе керак.

Рўзим Хусаинов — “Туямўйинсувқурилиш”га қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг собик бошлиғи: - “Шаҳар қурилишини Питнак билан Шорловуқ орасидаги сайхонликда амалга ошириш режаси дастлабки кезлари ҳатто лойиҳачиларнинг ҳам хаёлига келгани йўқ эди. Уни ҳозирги М.Улуғбек (собик Гагарин) номли ширкат хўжалиги ҳудудида барпо этиш кўзда тутилганди. Шу ерда кичкинагина темир йўл бекатини ҳам бино қилиб, қурувчиларни Туямўйинга поезд билан элтиб қўйишмоқчи эди. Уйлаб қарашса, бундан наф чиқмайдиган. Шу сабаб қурувчилар посёлкасини нисбатан яқинроққа кўчиришга қарор қилишди. Аммо, бунга фурсат қаёқда дейсиз. Янги ўринда қурилажак посёлканинг лойиҳасини тайёрлаш учун вақт деярли қолмаганди. Шу сабаб кўп қурилишларни ҳатто белойиҳа бошлашга ҳам тўғри келган. Ишнинг таомили уй-жойлар қурилишини асосий иншоотлар бунёдкорлигидан анча эрта бошлашни тақозо этарди”.



Юсуф Шержонов бошлиқ бир гуруҳ шер-юрак кишилар 1965 йили Туямўйин магистрал канали қурилишига киришарканлар, у қатга бунёдкорлик ишининг дебочаси, бир қисми эканлигини, олдинда эса кўп йилларга мўлжалланган йирик яратувчилик режаси турганилигини яхши билишарди. Шу боис, канал қазувчилар учун қуриладиган уй-жойлар пировардида Туямўйин гидроузели қурувчиларига ҳам хизмат қилмоғи даркор. Шундай экан, гарчи канал бунёдкорларига аталсада, аслида Туямўйин гидроузели қурувчилари истиқомат қиладиган дастлабки уй-жойлар қурилишига роппа-роса 38 йил муқаддам — 1965 йилнинг ёзида киришилганлиги айни ҳақиқат.

Гидроқурувчиларга аталган дастлабки иккита қўш қаватли иморат Питнак темир йўл бош бекати яқинида ётоқхона шаклида бунёд этилди. Четан ва каркас деворли мазкур омонат уйларнинг бирига ётоқхона, яна бирига эса шу пайтгача бошпанасиз фаолият кўрсатган Питнак қурилиш-монтаж бошқармасининг идораси жойлашди.

Ёш муҳандис Искандар Юсупов бошлиқ бинокорлар тез-ора бир қаватли уйлар қурилишини ҳам бошлашди. Орадан яна бир йил ўтди. Питнак темир йўл станцияси яқинида бошланган қурилиш энди Шорловуқ посёлкасига кўчди. Бу ерда 70-йиллар бошигача жами бир неча ўн оилага мўлжалланган турар жой бинолари қад ростлади.

Канал қазиётганларнинг айтгани келди. 1969 йили воҳанинг янги оби-ҳаёт томири бўйлаб Жайхун сувлари оқа бошлади. Ана шу муносабат билан Питнакка келган Шароф Рашидов воҳа аҳлини ажойиб хушхабардан воқиф этди: Туямўйин ва Питнак даштлари улкан қурилишлар майдонига айланади. Ўрта Осиёдаги энг йирик ва ноёб сув омбори ҳамда гидроқурувчилар истиқомат қиладиган кўркам шаҳар бунёд этилади.

Ота сўзининг устидан чиқди. Амударёнинг қуйи қисмида йирик гидроузел қурилиши расман эълон қилинди. 1970 йил 7 майдан эътиборан “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси фаолиятини бошлади. Имонингиз комил бўлсинки, қурилиш мутасаддилари гидроқурувчилар учун уй-жой ва маданий-маиший, шарт-шароитларни муҳайё этишга асосий иншоотлар қурилишидан кўра кам аҳамият беришмади. Асосий иншоотлар қурилишини олиб боровчи 1-чи ва уй-жойлар қурилиши билан шуғулланувчи 2-қурилиш-монтаж бошқармалари айни бир вақт — 1971 йилининг 1 апрелида вужудга келтирилгани фикримиз далили.

Қурилиш фахрийси Рўзим Ҳусайновнинг ҳикояси Питнак қирларидаги бунёдкорликнинг дастлабки палласини кўз олдин-гизда равшан гавдалантиради:

Ҳақиқий бунёдкорликнинг чинакам шабадаси фахрий қурувчи таъкидлаганидек Туямўйинга 70-йилнинг дастлабки ойларида етиб келди. Питнак қурилиш-монтаж бошқармаси замирида “Туямўйинсувқурилиш”га қарашли 1-чи, Питнак кўчма механизациялашган колоннаси базасида эса 2-қурилиш - монтаж бошқармаси таркиб топди. Қайд этилганидек, 1-қурилиш-монтаж бошқармаси зиммасига гидроузел котловани ва саноат базаси объектларини, 2-қурилиш-монтаж бошқармаси зиммасига эса қурувчилар истиқомат қиладиган замонавий шаҳар барпо этиш вазифаси юклатилди.

Дунёда уй-жойлар, йўл-кўприклар қуришдан ҳам кўра савоблироқ иш йўқ. Қурилиш ташкилотчиси Рўзим Ҳусайновнинг хотирлашича, Шорловуқ ва Питнак аҳоли пунктлари оралигидаги сайхонликда қад ростлайдиган посёлканинг шакли-шамойиллари юзасидан ҳам қизғин баҳс-мунозаралар юритилган. Айрим лойиҳачилар вақтинчалик фойдаланиш учун палатка уйлар тиклаш, улар яқинида эса гиштин уйлар барпо этишни таклиф қилишган бўлса, қурилиш мутасаддилари бир қаватли йиғма /“Шитовой” ва “Февралитовий” маркали/ уйлар қуриш, кейинчалик эса гиштин ва кўп қаватли турар жойлар бунёдкорлигига киришиш режасини илгари суришди. Пировардида иккинчи таклиф қабул қилинди.

1965-1971 йиллар орасида Питнак темир йўл станцияси ва “Энергопоезд” посёлкаларида бир неча минг квадрат метр сахнли уй-жой бинолари, қурувчилар клуби, мактаб, болалар боғчаси, дукон ва кичик маиший хизмат нуқталари қад ростлади. Бироқ, мавжуд-турар жой ва маданий-маиший бинолар сафи кун сайин ортаётган қурувчи-монтажчилар эҳтиёжини қондиrolмасди албатта. Вазият узоқни ўйлаб, пухта тадбир қуришни тақозо этарди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Қурувчилар посёлкасининг тўлақонли лойиҳасини тайёрлаш бўйича буюртма олган “Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-тадқиқот ва лойиҳа” институти (“Уз НИИ градостроительства”)



жамоаси олдида қатъий талаблар қўйилди. Саъй-ҳаракатлар кутилган самарани берди. Энг яхши ютуқ шу бўлдики, бўлгуси шаҳар учун ниҳоятда қулай маскан танланди. Йқкала аҳоли пункти оралиги бўйлаб ўтувчи Чоржўй-Кўнғирот йўли ат-

рофларида ястаниб ётган қарийиб 2 минг гектарлик дашт бағри яқин келгусида гуллар чаман очилган, сувлар шарқираб оққан, фавворалар кўкка ўрлаган, дов-дарахтлар чор тарафга соя солган куркам шаҳар қиёфасини олади.

Қахрамонона меҳнат қилиб, саҳро қўйнида мавж урган денгиз барпо этган қадоқ қўлли, шер юракли, мард баҳодирлар чиндан ҳам шоҳона ҳаётга муносибдирлар. Оддий фуқаро, меҳнат кишиси учун ғамхўрликлар миқёси қанчалик кенг ва яхши бўлса, бунинг шарофатидан келадиган натижа ҳам шу қадар катта ва қувончли бўлишини бу ишларнинг бошида турган мутасаддилар, туман, вилоят ва республика раҳбарлари дилдан ҳис этишарди.

... 1972 йил апрель. Туямўйин темир йўл станциясига бир қаватли йиғма уйларнинг блоклари ортилган вагонлар бирин - кетин етиб кела бошлади. Наридея, қўл учидан ишлаб келган бинокорлар ҳаётида қизғин ва долзарб дамлар бошланди. Бу паллага келиб, уй-жойлар ва маданий-маиший масканлар қурилишини зиммага олган 2-қурилиш-монтаж бошқармасини шакллантириш, кенг миқёсли ишларга эса моддий ва ташкилий жиҳатдан пухта тараддуд қуриш борасидаги ишлар ҳам асосан поёнига етди. “Узбошсувқурилиш” бош бошқармаси ва “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси раҳбариятининг буйругига асосан 1971 йилнинг биринчи апрелидан фаолиятини бошлаган янги қурилиш-монтаж бошқармасига ҳали толиблик вақтидаёқ ўзини кўрсатган ёш муҳандис Искандар Юсупов бошлиқ, Султон Жуманиёзов эса бош муҳандис қилиб тайинланди.

1972 йил файзли Питнак қирларига наинки чинакам баҳор гўзаллиги, балки унинг иккинчи ёшлигини ҳам бошлаб келди. Қир бағрининг ороми бузилди. Лойиҳачилар ўрнини ер тузувчилар, йўл ва коммунал тармоқларни бунёд этувчилар, пойдевор қуювчилар эгаллашди. Рўзимбой Хусаинов бошлиқ участка йиғма уй-жойлар қурилишини апрель ойининг дастлабки ўн кунлигидаёқ бошлаб юборди. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида эса дастлабки уйнинг калити ўз соҳибининг қўлига топширилди.

Дастлабки кезлари бошқарманинг асосий кучлари йиғма уй-жойлар қурилишига сафарбар этилди. Умуман шаҳар қурилиши юмушлари билан жами 4 та участка фаол шуғулланди. Рўзимбой Хусаинов бошлиқ 1-участка асосий посёлкада йиғма уйлар



бунёдкорлигини амалга оширган бўлса, Султон Матёқубов бошлиқ 2-участка Питнак темир йўл бош бекати атрофларида турар жойлар қуриш, Бахтиёр Шокиров бошлиқ 3-участка “Энергопоезд” посёлкасини кенгайтириш, уй-жойлар қад ростлайдиган жойларда ер ишлари ва йўл қурилишини, Лев Дранников бошлиқ 4-участка эса Питнак саноат мажмуи бунёдкорлигини рўёбга чиқаришдек маъсулиятли топшириқни адо этишди. Кўриниб турибдики, 1972 йилнинг баҳори шаҳарсозликда туб бурилиш даврини бошлаб берди. 1971 йил ёзида Шорловуқ аҳоли пункти Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг Фармониға мувофиқ шаҳар типигадаги посёлкаға айлантирилди. Бутун онгли ҳаётини Шорловуқ раволиға бағишлаган қозоқ фарзанди Ғани Олтинбоев /, Шорловуқ аҳолисининг асосий қисмини қозоқлар ва қорақалпоқлар ташкил этади/ посёлка кенгаши ижроқўми раислигиға сайланди.

2. “Дўстлик”нинг ўтмишдоши.

Уни то ҳанузгача Шорловуқ деб аташади. Маҳаллий тарихчи С.Олтинбоевнинг гувоҳлик беришича, 1932 йили Ўрта Осиё давлат пароходчилиги бўлимининг Амударёдаги Шорловуқ пристани ташкил этилган.

Дарё соҳилидаги бир неча хонадондан иборат мазкур аҳоли пункти ҳаётиға ана шу тариқа “жон кирган”. Эътиборли жиҳати шуки, Шорловуқ аҳолисининг асосий қисмини бир вақтлари Орол тарафдан кемаларда юк олиб келган ва вақт ўтиши билан шу ерда ўтроқлашиб қолган қозоқ ва қорақалпоқ миллатиға мансуб кишилар ташкил этади. Аҳоли пункти Шорловуқ деб номланишининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Дарёнинг шу қисми анча тор. Чап соҳил эса тошлок заминдан иборат. Боз устиға оқимнинг куйи тарафи томон оз бўлсада нишаблик ҳам мавжуд. Дарё Шорловуққа етгач ана шу омиллар таъсирида шариллаганча шовқин солиб оқа бошлайди. Сувнинг шовқини тошқин пайтлари ҳатто бир неча чақирим масофадан ҳам бемалол эшитилиб туради. Дарё сувининг шариллаб оқиши жой номининг Шорловуқ, деб аталишиға сабаб бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Турли ижтимоий-иқтисодий омиллар боис ўзга юртлардан кўчиб келган кемачилар, юк туширувчилар дастлабки кезларда ҳатто фиштин уйларнинг ўтмишдоши-лойдан уй қуришни ҳам билишмаган. Омонат ҳозирланган ертўлалар ва қапа уйларда истиқомат қилишган. Кейинчалик эса маҳаллий аҳолидан анча қўлай ва мустаҳкам пахса уйлар қуриш сирларини ўрганиб олишган. Шу орада посёлкада қозоқ тилида ўқитиладиган бошланғич мактаб ҳам ташкил этилган. Аҳоли

пункти 1963 йилгача Питнақдаги Саид қишлоқ кенгаши томонидан идора қилинган. Шорловуқ дарё порти ҳудудида эса Ҳазорасп пахта тозалаш заводининг бўлими, дон омбори жойлашган. Меҳнатга яроқли аҳоли асосан ана шу жойларда ишлаб, тирикчилик қилган. Таъкидлаш жоизки, Чоржўй-Кўнғирот темир йўли қуриб ишга туширилган 50-йилларгача юклар воҳага асосан дарё транспортти ёрдамида Шорловуқ порти орқали етказиб берилган. Дарёда юк ташиш ҳажми ҳатто темир йўл қурилгач ҳам камаймаган. Питнақ темир йўл бош бекатидан дарё портигача пўлат излар ётқизилиб, поездлар орқали келган юклар баржаларга ортилган ва Амударёнинг ўнг соҳилидаги туманларга бетўхтов ташиб турилган. Бу вақтга келиб, посёлка аҳолиси сони ҳам сезиларли даражада ортган. Нефть маҳсулотлари базаси очилган. Нурқувват ҳосил қилувчи энергопоезд ишга тушган. Тадқиқотчи-лойиҳачилар гуруҳлари иш бошлаган қозоқлар билан бирга ўзбеклар, руслар, татарлар, туркманлардан иборат яхлит байналминал оила таркиб топган. Ана шу миллатларга мансуб болалар эса посёлканинг яккаю-ягона илм маскани - 48-сонли қозоқ мактабида таҳсил қуришган. Аҳоли сони ортиши, ҳўжалик фаолияти, ишлаб-чиқариш миқёслари кенгайиши туфайли 1963 йили Саид қишлоқ кенгаши иккига ажраб, Шорловуқда ана шу ном билан аталувчи янги қишлоқ кенгаши таркиб топган. 1971 йилга бориб эса шаҳар типидagi Шорловуқ посёлка кенгаши вужудга келган. 1976 йили посёлка аҳли ҳаётида унутилмас из қолдирди. Ҳар томонлама раванок топган посёлка замирида вилоятга бўйсунувчи "Дўстлик" шаҳри таркиб топди. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фармониға биноан посёлкаға шаҳар мақоми берилди.

Ҳазорасп туман партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби (марҳум) Йўлдош Сатторовнинг ҳикоясидан:

- Дашт бағридаги шаҳар ниҳоятда қисқа фурсат ичида бунёд этилди. 1976 йилнинг илк кунлари эди. Хоразм ва Қорақалпоғистон сафарини тугаллаб, поездда Бухоро, Самарканд вилоятлари сари йўл олган Шароф Рашидов Питнақда тўхтаб, гидроузел қурилиши билан танишармиш, деган хабар тарқади. Ҳурматли меҳмонни иззату-икром билан кутиб олдик. Ота одатдагидек уй-жойлар қурилиши, гидроқурувчилар турмуши билан қизиқди. Сув омбори қурилиши жадал кетаётганини, бунёдкорлар учун бино қилинган уй-жойлар ва аҳоли сони эса шаҳар мақомиға муносиб эканлигини таъкидладик:





- Бўпти, 2 кундан кейин Тошкентга етиб бораман, унга таклифларингни ҳозирлаб, бирон киши орқали менга етказинг,-дедилар.

Таклифларни зудлик билан тайёрлаб, пойтахтга ўзим жўнадим. Келадиган вақтини аниқ билгач, қабулхонадан нари жилмай кута бошладим.

Ниҳоят ота келдилар. Каминага нигоҳлари тушгач эса:

- Ие, Йўлдошбой, ахир ҳужжатларни бирон киши орқали юборсаларинг ҳам бўлаверади, деб келишгандик-ку, сиз билан,- дедилар. Пировардида эса жавобини ҳам кутмай, ёрдамчиларига Матчонов ва Худойбердиевни зудлик билан ҳузурига чорлашни тайинладилар. Таклиф қилинганлар ҳаялламай етиб келишди. Шароф ота уларга, Туямўйин ва туямўйинликлар, чўлдаги улкан бунёдкорлик миқёслари, кишилар мардлик, матонат ва жасорат кўрсатишаётгани ҳақида шавку-завқ билан, аммо узоқ гапирдилар. Пировардида бизнинг таклифимиз мазмунини уларга ётиги билан тушунтирдилар. Ҳаммалари бир овоздан маъқуллашди.

- Ана энди шаҳарга ном танлайверинг, деб қолдилар бир пайт ота.

- Энди шаҳар номини ҳам ўзингиз танлаб берсангиз,- дедим мен ҳам буш келмай. Шунда ота:

- Ҳм, шаҳарда қанча миллатга мансуб кишилар яшайди,- деб сўрадилар. Мен:

- 33, - деб жавоб бердим. Шунда у киши:

- Ҳўш, “Дўстлик” деб аталган районимиз бор. Менимча шу ном билан юритилувчи шаҳримиз ҳам бўлса ёмон бўлмас...

Орадан уч кун ўтгач, газеталарда районга бўйсунувчи шаҳар типигаги Шорловуқ посёлкасига “Дўстлик” номини бериб, уни вилоят миқёсидаги шаҳарлар сирасига ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фармони эълон қилинди.

Тезора янги шаҳарнинг даха ва маҳаллалари ҳам вужудга келди.

Сўнги маълумотларга қараганда шаҳар аҳолиси сони 40,2 минг кишига етган. Аҳолининг 95 фоизини ўзбеклар, 5 фоизини қозоқлар, туркманлар, руслар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Шаҳар ҳудудида 19 та ўрта таълим мактаблари, 1 та лицей-интернат, яна битта касб-ҳунар мактаби ишлаб турибди. Улар учун машғулотларни ўзбек ти-

лидан ташқари қозоқ, туркман ва рус тилларида олиб бориш имкони яратилган.

Шаҳарда 3 та маҳалла, яна шунча қишлоқ (Питнак, Саримой ва Тупроққалъа) фукаралар йиғинлари фаолият кўрсатади.

Худудда 5 та ширкат, 208 та фермер хўжаликлари мавжуд. Экин майдонлари сатҳи 7074 гектардан иборат. Аҳоли асосан пахта, шоли, буғдой, узум, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланади. Шаҳарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи завод ва йирик цехлар ишлаб турибди. Аҳолининг 86,2 фоизи тоза ичимлик суви, 86,3 фоизи табиий газ билан таъминланган.

Шаҳарда 8 та саноат корхонаси, 16 та қурилиш, 7 та транспорт ва алоқа, 7 та савдо ва маиший, 6 та коммунал хизмат корхоналари, 200 дан зиёд ўрта ва кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатапти.

Шаҳар худуди бўйлаб темир йўл, магистрал автомобил йўли, магистрал газ ва ичимлик сув тармоқлари ўтказилган. “Хоразм автомобилсозлик” бирлашмаси, Туямўйин гидроэлектростанцияси, “Туямўйин-Урганч-Манғит” сув тозалаш иншооти каби йирик корхоналар, “Туямўйинсувқурилиш” ташкилоти, Туямўйин сув омборини тасарруф этиш ва фойдаланиш бошқармаси, 20-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси шаҳарда жойлашган.

Шаҳарга маъмурий раҳбарлик вазифаси 1976-90 йилларда шаҳар ижрокўми, 1990-92 йилларда шаҳар кенгаши томонидан амалга оширилган. Хоразм вилояти ҳокимининг 1992 йил 16 мартда чиқарган қарорига мувофиқ “Дўстлик” шаҳар ҳокимлиги ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 1997 йил сентябрь ойида қабул қилган қарорига асосан “Дўстлик” (собиқ) шаҳри туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига ўтказилди. Шаҳарга ўтган давр мобайнида Асарбой Муллабоев (1976-77 йиллар), Ёдгор Рўзиматов (1977-87 йиллар), Рўзим Самандаров (1987-90 йиллар), Бахтиёр Обулов (1990-91 йиллар), Абдулла Матчонов (1991-92 йиллар), Ислоҳ Эшчонов (1992-96 йиллар), Исо Қуриёзқов (1996-99 йиллар), Даврон Ҳожиев (1999-2003 йиллар) раҳбарлик қилдилар. 2003 йили бу вазифага Туямўйин гидроузели қурилишининг фаол иштирокчиларидан бири Оллаберган Матёкубов тасдиқланди.



3. Ўзига — ўзи хайкал қўйганлар.

- Баъзи-баъзида қўриб эшитиб қоламиз, - дейди шаҳар қурилиши фахрийси Жумабой Куриёзов. Одамлар биз курган уйларни кўрсатиб, “Буни фалончи курган, мановисини пистончи курган”, дея ўзаро гап маъқуллашади. Шундай пайтларда бошинг кукка етар экан, кишининг. Арзимас меҳнатинг эл аро достон бўлса, кишилар дилидан, хотиридан макон топса албатта мамнун бўласанда. Хулласи калом, шаҳарда қурилган ҳар бир уй, барпо этилган ҳар бир иншоот, йўл, хиёбон ёки йўлка бунёдкорларнинг ўзига-ўзи қўйган муносиб хайкал-ёдгорлик бўлиб қолганига иймон келтирасан.

Хуш, шаҳарда ўзига ҳайкал-ёдгорлик қўйганлар аслида кимлар?

- Орамизда меҳнатини пеш қилгучилар, “Ўзимга баланд хайкал ўрнатдим”, -дегувчилар, 5-10 йиллик иши учун мукофот ёки рағбат талаб этувчилар бўлмаган, аксинча “Ишимизни тан олишармикан, камчиликларга йўл қўймадикмикан”, - дея андишага боргучилар кўп бўлган, - холисанилло, дейди “СМУ” бошлиғи Рўзимбой Ҳусайнов, - “Питнак”нинг тамал тошини ҳам айнан ана шундай ажойиб фазилатли кишилар қўйишган.

“СМУ” бошлиғининг айтишича, зиммадаги маъсулиятли вазифа шу ишга қобилу-қодир кишиларнинг ажойиб авлодини камолга етказган. Кўркам шаҳар барпо этмоқ ҳар кимларнинг ҳам қўлидан келавермайдиган юмуш. Чиройли ва бежирим иморатларни касбига меҳрини боглаган, гўзал қалбли, инсоний фазилатли кишиларгина бунёд эта олади. Бундан чиқди гўзаллик- гўзал фазилатли, гўзал қалбли кишилар меҳнатининг маҳсули. Утган 30 йил мобайнида “Питнак” да 140 минг квадрат метр сахли турар жойлар, 18 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 600 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи, 3,5 минг кичкинтойга аталган болалар богчаси, 1130 ўринли шифохоналар, 1100 ўринли томошагоҳлар, 100 ўринли санаторий-профилакторий мажмуи бунёд этилди, ўнларча саноат корхоналари, маиший хизмат ва савдо масканлари, қурилиш индустрияси шоҳобчалари сафга тизилди. Ҳозир собиқ асосий посёлкада 12 минг киши истиқомат қиляпти. Улар учун жами 350 та бир қаватли йиғма, 36 та кўп қаватли, 100 га яқин икки қаватли уй-жой бинолари қурилган. Бутун бошли шаҳар атиги 5 йил ичида /1972-1976 йиллар/ қад ростлади.

Юқорида таъқидланганидек шаҳарни бунёд этганлар оддий кишилар эмас: бари қўли гул, қалби олов, қаламидан ўт чақнар кишилар. Кўпгина ўтюррак қурувчиларнинг меҳнатига

ўзимиз шоҳид. Йиғма уйларни Туямўйинга поездда ташиб келишарди. Бунёдкорликнинг ҳар дақиқаси ҳисобда. Котлован қазувчилар ҳам, дамба кўтарувчилар, иншоот қурувчилар, ер ўзлаштирувчилар, йўлсозлар, қурилиш “масаллиги”ни тайёрловчилар, қолаверса ушбу иморатларни тикловчиларнинг узлари ҳам уй-жойга муҳтож. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, қурилиш саноати корхоналарида тайёрланган йиғма уйларни Туямўйинга етказиб келишда узилишлар рўй бериб турарди. Бу ҳолатдан эса қурувчилар жиги-бийрон бўлишар, асабийлашар, бошлиқларни шоширишарди. Уй-жихозлари бисёр бўлган кезларда эса ҳатто кечалари ҳам ишлашар, қурилиш майдонида ҳафта-ўн кунлаб қолиб кетишарди.

Уй-жойлар қурилиши билан шуғулланувчи бошқармага юқорида таъкидланганидек дастлаб (1971 й.) Искандар Юсупов раҳбарлик қилди. Тинимсиз интилиш, изланишлар баробаринда ҳар ишга қодир-қобил, тоғни урса талқон қилгучи, мисоли эгарланган отга қиёслангучи ажойиб меҳнат жамоаси шаклланди. Орадан бир йил ўтиб, Юсуповни бошқа ишга йўллашди. Уй-жой қурувчиларига эса махсус йўлланма билан Туямўйинга юборилган Худоёр Хўжаев бошлиқ қилиб тайинланди. Худоёр ака бошқармага қурилиш-монтаж ишлари ниҳоятда қизғин давом этган 1972-1975 йилларда раҳбарлик қилди. 1975 йил март ойида бошқармага яна бир тажрибали қурувчи Ёқуббой Эгамбердиев бошлиқ қилиб юборилди. Ёқуббой ака бу вазифада 1983 йилнинг август ойигача фаолият кўрсатди. У раҳбарлик қилган йилларда гидроқурувчилар шахрининг кўрки-таровати бутун борлиги билан намоеён бўлди. Шаҳар қурилиши билан боғлиқ асосий ишлар эса муваффақиятли суратда ниҳоясига етди.

Рўзимбой Хусаинов - бошқарманинг тўнғич меҳнатчиси, Туямўйиннинг эса қалдирғоч қурувчиларидан. Қурувчиликнинг турли пиллапояларидан муваффақиятли ўтган Р.Хусаиновни 1983 йили 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи вазифасига йўллашди. Моҳир қурувчи, талантли муҳандис сифатида наинки мазкур бошқарма аҳли, балки барча туямўйинликларнинг меҳру-муҳаббатини қозонган Р.Хусаинов бу вазифада нафақага чиққунга қадар фаолият кўрсатди.

Ўтган салкам чорак аср мобайнида бошқармага Султон Жуманиёзов /1972-76 йиллар/, Р.Хусаинов /1976-1981 йиллар /, Рўзимат Иброҳимов /1987-88 йиллар/ Бекчон Кенжаев /1988-1993 йиллар/ лар бош муҳандислик қилишди. Улкан қурилишнинг яқунловчи палласида бу лавозимни изланувчан ёш муҳандис Иброҳим Отаниёзов адо этди. Бошқарма участкаларига ҳам бунёдкорлик касбининг ҳақиқий соҳибла-

ри, жонкуяр ва уддабурро қурувчилар раҳбарлик қилишган. Улардан Рўзимат Иброхимов, Рўзимбой Ҳусайнов, Иброҳим Содиқов, Отахон Матёқубов, Шарифбой Хўжаев, Султон Матёқубов, Жумабой Бобоев, Қувондиқ Каримовлар пировавардида маъсулиятли лавозимларга кутарилдилар. Бунёдкорликнинг Дўстчон Рўзибоев, Жумабой Қуриёзов, Ҳасанбой Матюсупов, Назарбой Эгамбердиев, Турсун Юсупов, Дурумбой Худойберганов, Раҳимбой Бобоев, Ражаббой Ниёзмуродов, Халил Башмаков, Холис Шокиров, Бекчон Кенжаев, Маткарим Қиличев, Глеб Голосун сингари фаол ташкилотчилари ва иштирокчилари ҳам барча туямўйинликларнинг меҳри-ардоғи, ишончи ва эътиборини қозонишган. Чинакам шон-шарафга, эл эъзозию-ҳурматига эса қўли гул оддий қурувчилар, монтажчилар, устоз-мураббийлар сазовор бўлишган. Оддий қурувчилардан Иван Проданюк “Хурмат белгиси”, Рўзимбой Тоҳиров “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Хурмат белгиси” орденларига, Отахон Кўчқоров ва Жумабой Қуриёзовлар “Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун” медалига, Абдулазиз Ражабов, Павлина Чистякова, Яраш Сафаровлар турли соврицлар ва нишонларга мушарраф бўлишгани, Мария Чурсина, Илҳом Рўзимов, Гулназира Қарасевалар эса турли мақомдаги халқ депутатлари кенгашлари ноиблигига сайланишгани сўзимиз ифодасидир.

Питнак қирларидаги ажойиб бунёдкорлик ўнларча, юзларча кишиларни ўз бағрига чорлагани чин ҳақиқат.

- Шаҳарни бунёд этишда қатнашаётганлар қурилиш майдонларига кўплаб малакали гишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчилар, монтажчилар, бетончилар, оддий қурувчилар етишмаётганлигини, бизнинг бу борада ғам-ташвиш чекаётганимизни рўй-рост кўриб туришарди, - ҳикоя қилади Рўзим Ҳусайнов, - Жонкуярлик, мададкорлик ҳис-туйғулари ўшанда кўплаб қамқасбларимизни эзгу ишлар, хайрли тadbирларга етақлангани рост. Уша қийин ва маъсулиятли кезларда одамлар қурилишга бири-бирини етақлаб келган,



газеталар, телевидение ва радионинг чиқишлари ҳам даъваткорлик руҳини касб этган. Чунончи, Ж. Қуриёзов укаси Йўлдош Қуриёзовни, Рўзим Тоҳиров эса қўшниси Ражаб-

бой Бекназаровни эргаштириб келган бўлса, Мухомон қишлоғилик Раҳимбой Рўзимовни бу ерга “Туямўйин кундалиги” телекўрсатуви даъват этган. Бешталиқ Машариф Искандаров, Сайилхон Ҳожиевларни ҳам қурилишга романтик ҳис-туйғулар етаклаб келган. Оддий гишт



терувчи, ажойиб меъмор Ҳожиабдулла Рўзиматов /марҳум/, Абдулла Матмуродов /марҳум/, Ражаббой Машарипов, Дурди Уринов, Қодир Аннамов (марҳум), Собир Ёқубов, Ўрин Ярашев, сувоқчи-бўёқчи Зиёнур Яхшиева, Фавзия Абдузалилова, Минур Фахриддинов, Амирбой Юсупов, муҳандистехник кадрлардан Раҳимбой Эгамбердиев, Аваз Жангасбоев, Пўлат Ёқубов, Искандар Аҳмедов, Дўстчон Рўзиев, Мария Мухаммедшина, участка бошиқларидан Ўринбой Жуманазаров, Шарифбой Қурбонбоев, Карим Тангриев, проаблардан Сафарбой Сотимов, Шехназар Полвонов, Хударган Раҳимов, Жаббор Ражабов, маъсул хизматчилар: Ибодулла Собиров, Комилжон Жумагалдиев, Равшан Матназаров, Олим Рўзиев, Исмоил Оллоназаров, Лилия Скляр, Оллаёр Аминов, Маткарим Қиличев, Сотиболди Рўзиматовларнинг ажойиб маҳорати, кучи-истеъдоди, билими ва қобилияти ҳам шу ерда яққол намоён бўлди.

Питнак (“Дўстлик”) гидроқурувчилар истиқомат қиладиган турар жойлардангина иборат эмас албатта. Туямўйин ГЭСи, собиқ агрегат, ҳозир эса “Хоразм автомобилсозлик” заводи, сут заводи, “Коинот” заводи, тикувчилик фабрикаси, алоқа уйи, ҳунар-техника билим юрти мажмуи, “Маҳалла” маркази, деҳқон-тижорат бозори, 2-ўриндаги йирик касалхона мажмуи, ўнларча дўконлар, умумий овқатланиш шоҳобчалари, 400 кишилиқ томошагоҳ, қишки сузиш ҳавзаси, маданият ва истирохат боғи каби ўнларча объектларни ҳам бошқарма бунёдкорлари меҳнатининг маҳсули ҳисоблайверинг.

80-йилларда “Дўстлик”даги улкан яратувчилик меҳнати бир қадар сусайиб, поёнига етгандай бўлди. Демак, шаҳар қурилишидан ортган куч ва воситаларни бунёдкорликнинг бошқа жабҳаларига бемалол йўллайверса ҳам бўлади. Йўллашди ҳам, йўллаганда ҳам ишнинг кўзини билиб, қуриб ва сезиб йўллашдики, пировард натижада ҳатто Урганчдай шаҳри-азимда ҳам бир нечта 120 хонадонли кўп қаватли турар жой бинолари, Ҳазорасп ва Богот туманларида ҳам шу янглиғ кўркем иморату-кошоналар: мактаблар, боғчалар, шифохоналар,

дўконлар, уй-жойлар, йўллар, оромгоҳлар пайдо бўлди.. “СМУ-2” аҳли истиқлол иншооти - “Хоразм шакар” давлат корхонаси қурилишида бош пудратчи сифатида фаол иштирок этди. Ўтган 30 йилдан зиёд вақт мобайнида шаҳарсозлик юмушларида бебаҳо тажриба тўпланди, ибратли анъаналар расм бўлди, ҳар томонлама чиниққан, кўниккан, куч ва қувват тўплаган йирик жамоа шаклланди, қурувчи-бунёдкорларнинг ажойиб авлоди ҳам камолга етиб, қатор янги жамоалар таркиб топди. Бу жамоалар собиқ Иттифоқнинг ноқоратупроқ минтақасида обод уй-жойларни қуришда, Арманистондаги машъум зилзила оқибатларини тугатишда, Жиззах чўлларини, собиқ Иттифоқнинг ноқоратупроқ минтақаларини ўзлаштиришда, Ялтадаги “Ўзбекистон” санаторийсини пардозлашда, қўшни Афғонистон Республикасида мироблик иншоотларини барпо этишда, вилоятнинг Тупроққалъа мавзесида замонавий бино ва иншоотларни вужудга келтиришда фаоллик намуналарини кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда Ҳазорасп, Боғот туманлари, Тупроққалъа мавзесини катта қурилишлар майдонига айлантиришга бошқарма бағрида камол топиб, вояга етган бошқа қатор жамоалар меҳнатчилари бош-қош бўлишяпти, ташаббус ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатишяпти.

Эндиги ҳикоямиз ана шу жамоалар ҳақида.

4. Лойиҳадаги ишқаллик ёки муҳандиснинг топқирлиги.

... Отахон аслида “Узгипросельстрой” (“Ўздавқишлоқлойиҳа”)дек нуфузли институтнинг ишига шак келтирмоқчи эмасди. Аммо начора. Лойиҳада жиддий ишқаллик мавжуд. Уни қўра-била туриб, қурилишни бошлашнинг оқибати эса яхшиликка элтмайди. Фожиа рўй бермасада, қурилажак бинонинг умри қисқариши турган гап. Муҳандис қатъий хулосага келди. Қурилиш шу алфозда бошланмаслиги керак, башарти эътирозни тинглайдиганлар кўчма колонна ёки трестда топилмаса вилоят марказигача бош уриб боради. Ҳайрият раҳбарлар тушунишди ва Отахонни қўллаб-қувватлашди. Бироқ, лойиҳачилар кўнишмади, айтганида туриб олишди.

Бўлмади. Отахон шикоят қилишга мажбур бўлди. Вилоят ижроқўмининг нуфузли комиссияси лойиҳанинг авра-астарини ағдарди, қурилиш учун ажратилган майдонни етти ўлчаб бир кесди. Пировардида эса “зукко” лойиҳачиларни эмас “ўжар” муҳандисни қўллашди. Лойиҳанинг муҳандис йигит эътироз билдирган жойларини бутунлай қайтадан тайёрлашди. Қурилишга ана шундан сўнггина киришилди. Тўғри ишни

анча кечикиб бошлашди, аммо шунинг ўзидан ҳам кўп нарсани ютишди.

- Ўзи аслида нима бўлган? — сўраймиз муҳандис Отахондан.

- Ўзтирозимизга, Ҳазорасп тумани марказида барпо этилган 844 ўқувчи ўринли мактаб мажмуи лойиҳаси сабаб бўлган, — изоҳ бериб деди у, — Маълумингизким, бизнинг Хоразм вилоятида одамлар иморат қуриладиган жойнинг тагини тупроқ солиб, ер сатҳидан анча баланд кўтаришади. Бу усул бир қаватли пахса уйлар қурилишида ўзини бир қадар оқлаши мумкин. Бироқ, кўп қаватли гиштин уйлар қурилишида ҳечам ўзини оқламайди. Тағзамини бўш жойда тикланган иморатнинг умри қисқа бўлади. Лекин, лойиҳачилар ушбу қурилиш чизмаларини тайёрлашар экан бу ҳолатга эътибор беришмади. Улар учун қурилиш қиймати арзонга тушса бас. Хулласи калом, лойиҳадаги тупроқ заминни амалдаги мустаҳкам бетон пойдевор билан алмаштиришни таклиф этдик. Таклифимиз комиссия томонидан инobatта олинини туфайли ғоят мустаҳкам тағзаминли иморат қад ростлади. Бу билан биз кўрган бинонинг умри камида 4-5 марта узайишига имкон яратилди.

Муҳандиснинг бу камтарин хизмати барча ота-оналар, туман жамоатчилиги қалбида илиқ ҳис-туйғулар уйғотди. Айни пайтда унинг етук муҳандислик салоҳиятини элга ёрқин намойиш этди, самимий ҳурмат туйғуларини вужудга келтирди. Пировардида эса меҳнатлари мамлакатимизнинг юксак давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ҳа, Туямўйинда Отахонга ўхшаган дадил ва илгор фикрли, уддабурро, неники буюрсанг барини қойиллатадиган истеъдодли кадрлар кўп. Юкоридаги ҳикояда “Дўстлик”ни бунёд этган “СМУ-2” баҳодирларининг камтарин меҳнати хусусида сўз юритдик. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, туямўйинлик иморатсозлар нафақат “Дўстлик”ни бунёд этишди, балки Ҳазорасп ва Богот туманларини ҳам буткул қайта қуришди. Ана шу туманларда кейинги 10-15 йил ичида қад ростлаган, бунёд этилган ҳар бир бино ва иншоотда гидроқурувчиларнинг сеҳрли қўллари изи қолган.

Отахон Матёкубов раҳбарлик қилган 3-кўчма механизациялашган колонна ана шундай хайру-савоб ишлар бошида турган жамоаларнинг яна бири. Кўчма колонна 1988 йили ўша машҳур “СМУ-2” базасида таркиб топган. Унинг зиммасига Ҳазорасп туманида янги уй-жой бинолари, таълим-тарбия ва тиббиёт шохобчалари, коммунал-маиший ва савдо масканларини бунёд этиш, моддий бойлик масканларини қуриш вазифаси юклатилган. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазир-

лиги қарамоғида фаолият кўрсатган даврларда унга мазкур бошқарманинг 2-кўчма механизациялашган колоннаси мақомини беришган. 1990 йил январь ойида бошқарма собиқ Ўзбекистон деҳқончилик саноати мажмуи қурилишлари давлат ҳиссадорлик бирлашмаси тасарруфига ўтказилиши муносабати билан эса 538-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна, деб юритилган. 1994 йил январида: “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси шу номли трестга айлантирилиб, Ўзбекистон давлат сув хўжаликлари қурилиши концерни ихтиёрига ўтказилиши муносабати билан ташкилотга ана шу трестнинг 3-кўчма механизациялашган колоннаси номи берилган.

Кўрдингизки, жамоанинг таржимаи ҳоли бой эмас. Аммо, бунёдкорлик меҳнати кўламга, самараю-натижаларга бой. Жамоанинг атиги 15 йиллик фаолияти давомида 8 та мактаб, 2 та касб-ҳунар коллежи мажмуи, йирик ҳунар-техника билим юрти мажмуи, 250 ўринли поликлиника, 280 ўринли боғча, 5 ўринда фельдшер-акушерлик пунктлари, темир йўл бош бекати биноси, консерва заводи, сут маҳсулотлари ошхонаси, маиший хизмат корхонаси, бир нечта маъмурий-маиший бинолар, 40 дан зиёд бир ва кўп қаватли турар жойлар, колоннанинг йирик ишлаб чиқариш базаси қуриб битказилди. Қурилиш юмушлари ҳозир ҳам қизғин давом этаяпти.

Айни кезларда колоннада фидокорлик намуналарини кўрсатган Ярашбой Матниёзов, Ўктамбой Қутлимуродов, Ибодулла Худойбергандов, Маткарим Абдурахимов, Озод Бобожоновларнинг ғайрат-матонати эвазига қурилган йирик ва замонавий гишт заводи ҳам мазкур жамоа тасарруфида. Колоннанинг бетон узелида эса йигма-темир-бетон маҳсулотлари, бетон блоklar, ёғочсозлик буюмлари, оҳак қоришмаси эҳтиёжга яраша ишлаб чиқарилади.

Бунёдкорликнинг бош ижодкори ва йўналтирувчиси албатта колоннанинг қўли гул қурувчилари, монтажчилари, ишбилармон ва уддабурро раҳбарлари, муҳандис-техник ва хизматчиларидир. Колоннанинг биринчи раҳбари ва ташкилотчиси Рўзимат Иброҳимов (Туямўйин фахрийларидан бири), биринчи бош муҳандиси эса Отахон Матёқубовдир.

1988 йили янги қурилиш-монтаж ташкилоти вужудга келиши билан Туямўйиндаги улкан яратувчиликнинг қаҳрамонлари сифатида танилган Ҳожиабдулла Рўзиматов (марҳум), Нурулла Майлиев, Аҳмад Наврузов, Матёқуб Раҳимов, Қадам Сайилхонов, Шавкат Жуманиёзов, Илҳом Абдуллаев, Павлина Чистякова, Малоҳат Хусаинова, Юсуф Жуманиёзов, Усмон Юсупов, Матқурбон Раҳматуллаев (марҳум),

Матёқуб Ҳожиев, Саиджон Бекчоновлар ҳеч иккиланмай жамоага келиб қўшилдилар.

Ўтган муддат мобайнида бу ерда аҳил, иноқ, уюшган ва ишчан жамоа шаклланди. Бунда колоннанинг ўша кезлардаги раҳбари, билимдон ва изланувчан муҳандис Отахон Матёқубовнинг ташкилотчилик салоҳияти катта ўрин тутди.

Инсоний сифатларга суянганни эл хамиша алқайди, меҳнати беиз, истеъдоди рағбатсиз қолиб кетмайди Ижтимоий турмушнинг бу таомили оддий муҳандис Отахон Матёқубовнинг меҳнат, интилиш, изланиш, раҳбарлик ва ташкилотчилик намуналари билан уйғун ҳаётида ёрқин намоян бўлди. Меҳнат ва турмуш жабҳалари, одабийлик синовларида обдон пишган, тобланган тиришқоқ муҳандис эндиликда “Туямўйинсувқурилиш” акциядорлик жамиятини бошқараяпти.

Ҳа, Отахон – асл қурувчи. Бу ажойиб касбга бўлган сўнмас иштиёқ унинг қалбида ўқувчилик кезларидаёқ уйғонган. Ўрта мактабни “Олтин медал” билан тугаллаган қишлоқ фарзанди биринчи имтихондаёқ “5” олиб, муддатидан илгари талабалик ҳуқуқини қўлга киритди. Пойтахтдаги қурилиш ва меъморчилик муҳандислари олий илм даргоҳининг мана-ман деган профессор-ўқитувчилари нигоҳига тушди. 1979 йили институт йўлланмаси билан Туямўйинга келган ёш муҳандисни 2-қурилиш-монтаж бошқармаси мастерлигига, орадан 2 йил ўтгач прораб-ликка тайинлашди. 1984 йили участка бошлиғи вазифасига йўллашди. Орадан яна 2 йил ўтгач эса бошқарма бошлиғининг уринбосарлигига кўтаришди. 1988 йили таркиб топган янги кўчма механизациялашган колоннанинг бутун фаолияти Отахоннинг номи билан боғлиқ. Бош муҳандис сифатида колоннани шакллантириш, оёққа турғазлаш, кенг кўламли бунёдкорлик юмушларига бошлашдек оғир маъсулият Рўзимат Иброҳимов билан бирга Отахон Матёқубовнинг ҳам зиммасига тушди. Асосий раҳбарларнинг бири сифатида янги колоннанинг нималарга қодирлигини синчковлик-ла синовдан ўтказган Отахоннинг ўзи ҳам қамқасблари, сафдошлари синовдан ўтди ва 1991 йили жамоа раҳбари вазифасига кўтарилди.

Жамоада суянса, орқа қилса арзигулик талайгина сафдошлар, маслакдошлар ҳам борки, улар ҳар бир ишда Отахонга кўмакдош, елкадош бўлишди. Бутун бошлиғишт заводини барпо этгунча тунукуннинг фарқига бормаи, тин олмай елиб югурган машақ-



қатли ишларда суяги қотган Бахтиёр Раззоқов, ёш бўлсада қурилиш ишларининг хадисини олган бош муҳандис (эндиликда у трест бош муҳандиси) Одилбек Сотлиқов, устоз бунёдкор Ёқуббой Эгамбердиев, бутун ҳаётини улкан бунёдкорликка бағишлаган ажойиб муҳандислардан Эркин Эгамбердиев, Бекчон Кенжаев жонқуяр ва камтарин ҳисобчи қурувчиларнинг яқин дўсти ва ҳомийсига айланган бош муҳосиб Қувондик Қутлимуродов, Шарифбой Авазов (мархум), Гавҳар Қаландарова (мархума) ҳар ойда камида 200-250 минг дона гишт ишлаб чиқарадиган катта корхонанинг раҳбари Комилжон Матназаров, Ярашбой Матниёзов, катта ташкилотнинг бор юмушларини гарданига олган Шавкат Матёқубов, Болтабой Инояттов (мархум), Шарифбой Ибодуллаев, Пўлат Рўзибоев /участка бошлиқлари/, Мақсуд Хўжаниёзов (ҳозир Питнақдаги гишт заводи раҳбари), Фаффор Отажонов /про-раб/ ана шулар жумласидан ҳисобланишади.

Колонна аҳлининг меҳнатлари билан йўғрилган бунёдкорлик ишлари тарихи янгидан-янги, чуқур мазмунли ва кенг қамровли саҳифалар ҳисобига кун сайин, ҳафта, ой ва йил сайин бойиб, тўлиб борапти. Бу мазмундор ва маънодор саҳифаларни қурувчи-монтажчиларнинг ўзлари битишяпти.

5. Юк машинаси “йўловчиси”.

Таъкидламоқ жоизки, улкан бунёдкорликнинг салкам 35 йиллик тарихини янги-янги саҳифалар-ла бойитаётган шаҳар-соз ва иморатсозлар сафида яна бир навқирон жамоа — 5-сонли кўчма механизациялашган колоннанинг азамат меҳнатчилари ҳам бор. Колоннанинг аксарият қурувчилари меҳнати, матонати, билими ва маҳоратига тан берасан киши. Негаки, шу пайтгача барпо этилган ўнларча катта-кичик бино ва иншоотларда уларнинг шижоатли меҳнати излари қолган. Улар босиб ўтган бунёдкорлик йўли, орттирган тажрибаси эса кўп-лар учун ибрат мактабидир.

Мазкур кўчма колонна 1992 йилдан буён Боғот туманида фаолият кўрсатапти. Уй-жойлар, маданий ва хизмат кўрсатиш масканлари қурилиши мазкур жамоа зиммасида. Колоннага фаолияти давомида Сафарбой Давлатов раҳбарлик қилмоқда. Ўтган фурсат ичида колоннанинг ўз ишлаб чиқариш базаси яратилди. Асосий вазифа эса вилоятнинг йирик саноат ўчоқларидан бири - Боғот енгил саноат мажмуи бинолари ва иншоотларини барпо этишдан иборат бўлган. Шунингдек, туман қишлоқларида уй-жойлар, маданий маиший ва хизмат кўрсатиш объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари, тибби-

ёт ва болалар муассасалари қурилишлари ҳам шу жамоа зим-масига юклатилди. Урганчдаги собиқ “Олимпия” ўйингоҳини мукамал таъмирлаш ва Республика мактаб ўқувчиларининг 2003 йилги “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларини юқори савияда ўтказишда колонна бунёдкорларининг улуши беқиёс-дир. Бу борадаги жўн бўлмаган яратувчилик ишларини қарийиб 170 киши уюшган мазкур ташкилот аҳилона вазиятда ва сид-қидиллик билан адо этди.

Ҳаётда ҳеч нарса керагидан кўп ҳам, кам ҳам яшамайди. Маълум вазифани ўринлатиш зарурати мавжуддони яратди. Тарихнинг ҳукми шундай: ўз вазифасини ўтаганлар унинг зарва-рақларига ёзилади. Бу табиатга ҳам, жамиятга ҳам хос қонуният. 1973 йили тузилиб, коммунал-маиший ва хизмат кўрсатиш объек-тларини барпо этишдек хайрли ва фахрли вазифани уддалагач, 1977 йили фаолиятини тугатган 5-қурилиш-монтаж бошқарма-си, 1974 йили таркиб топиб, қардош Туркменистонда бутун бошли жамоа хўжалигининг янги уй-жой посёлкаси ва экин-зорларини вужудга келтирган, 1989 йили пировард маррага ет-ган Даргон – Ота кўчма механизациялашган колоннаси, 1983-1997 йиллар мобайнида Ҳазорасп туманида салмоқли бунёдкор-лик юмушларини уддалаган 4-кўчма механизациялашган колон-насининг шижоаткорликка бой фаолияти қурилиш тарихидан муносиб ўрин олди. Туямўйин гидроузели қурилишининг фаол қатнашчиси ва жонкуярларидан бири, ажойиб муҳандис ва таш-килотчи Пулат Абдуллаев, кейинчалик Йўлдош Отажонов раҳ-барлик қилган 5-қурилиш монтаж бошқармаси жамоаси бўлгу-си нур ва сув иншоотининг ҳаётий муҳим объекtlари: “Дўстлик” шаҳридаги йирик қозонхона, нонвойхона, сабзовот омбори, салқин ичимликлар цехи, канализация ва водопровод тармоқ-лари, кўп қаватли иморатлар, тозалаш иншооти, насос ва кис-лород станцияларини барпо этишда доврўф таратгани, қийин ва долзарб юмушларни доимо қойиллатиб уддалагани, ҳамиша ишончни оқлаб келганини туямуйинликлар ҳали-ҳануз эслаб юришади. Бош муҳандис Бектурди Жумабоев, ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Қувондиқ Каримов, бош-лиқ муовинлари Қуронбой Эрназаров, Умид Еқубов, Искандар Аҳмедовларнинг матонати, фидокорлиғи, жонкуярлиғи излари эса улар барпо этган иншоот ва иморатларга абадий муҳр-ланиб қолган.



Туямўйинга қалдирғоч қурувчилар сафида келган Геннадий Бодигиннинг чинакам муҳандислик ва ташкилотчилик қобилияти “Туямўйинсувқурилиш”нинг Дарғон-Ота кўчма механизациялашган колоннасига раҳбарлик қилган кезлари яна ҳам ёрқин намоён бўлди. 70-йилларнинг биринчи ярмида Туямўйиндаги Шайхариқ аҳоли пунктининг бир қисми, Копараз ва Сазоғли мавзелари барпо этиладиган сув омборлари остида қолиши сабабли, бу ердаги “Ленинград” жамоа хўжалигини Дарғон-Ота яқинидаги Қорайғир мавзесига кўчириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта, ўта қийин ва долзарб ҳисобланган ана шу юмушни уддаламоқ учун бутун бошли янги қурилиш-монтаж ташкилотини тузишга қарор қилишди. Геннадий Байдарович бошлиқ Дарғон-Ота кўчма механизациялашган колоннаси 1974 йили ана шу тариқа вужудга келди. Колонна бор-йўғи 5 йилча фаолият кўрсатди. Аммо, шу қисқа вақт ичида ўн йилларга татирли яратувчилик ишлари уддаланди, Сахро бағридан қарийиб 800 гектар янги ерлар ўзлаштирилди, жамоа хўжалигининг 500 кишилиқ посёлкаси, кўплаб дала шийпонлари, фермаҳоналар, водопровод, табиий газ, алоқа ва нурқувват тармоқлари барпо этилди. Чўл ва сахро шароити қурувчининг қобилияти, чидами, инсоний фазилатларини чинакамига синовдан ўтказди. Шак-шубҳасиз айтиш мумкин-ки, колоннада меҳнат қилганларнинг бари ана шу синов ва имтиҳонлардан нуқул аъло баҳолар олиб ўтишди.

- Ҳаётнинг бундай синовларидан ҳатто улкан қурилишнинг бош раҳнамоси, мутасадди ва ташкилотчилари ҳам ўтишган, - дейди ўтган кунларни хотирлаб, собиқ колоннанинг раҳбари Г.Б.Бодигин, - Ҳаммамиз учун бир умр ибрат бўлгуси воқеанинг шоҳиди бўлганман.

Колонна собиқ раҳбарининг таъкидлашича, Дарғон-Ота яқинидаги қум саҳроларида олиб борилаётган мардонавор кураш манзараси ўша пайтлар Республика мелиорация ва сув хўжалиги вазири лавозимида ишлаган Исмоил Жўрабековга ҳам яхши аён эди. Бироқ, улкан яратувчилик меҳнатини ўз кўзи билан кўриб, хулоса чиқармоқ нияти Исмоил Ҳақимовични сахро ичкарасидаги “қурувчилар десанти” ҳузурига даъват этади. Республика миқёсидаги раҳбарнинг оддий қурувчилар ҳузурига ташрифи — юксак одамийлик, меҳр-оқибат намуналаридан нишона. Аммо, улар ҳузурига вертолётдан ўзга транспортда етиб олиш амри маҳол. Шундай қилиб денг, Исмоил ака тушган вертолётни собиқ Дарғон-Ота тумани партия қўмитасининг биринчи котиби белгиланган жойда ўзининг янги “УАЗ”и билан кутиб оладиган бўлди. Лекин, ак-

сига олиб райком котиби ҳаяллаб, вертолётда учиб келган вазирни колонна бошиғининг якка ўзи юк тортувчи “Вездеход” машинасида кутиб олди. Кўпни кўрган, вазиятни эса дарҳол тушунадиган кишимасми, Исмоил Жўрабеков, ҳеч истиҳола қилмай “Вездеход”га чиқди. Вазир тушган юк машинаси ўркач-ўркач кум тепаликларни тўзғитганча қурувчилар ҳузурига интилди. Олдинлари иш ва яшаш шароитидан нолиб юрган бир-икки киши юк машинасига тушиб қурувчилар ҳузурига келган вазирнинг оддий ва камтарин инсоний фазилатларига таҳсин айтишди. Шу-шу мавжуд кийинчиликлардан нолувчиларга ҳеч ким ортиқ рўпара келмади.

Бунёдкорликнинг бундай ҳаяжонли саҳифаларини унутиб бўларканми?

6. Елкадошлар.

Бунёдкорлик биргина қурувчининг ишимас. Дейлик, таъминот ишлари оқсаб қолса, унда қурувчининг ҳоли не кечади? Рўзгорини ким бутлайди? Бунинг учун қурувчилар хизматига камарбаста ташкилотлару, унга фидоий кишилар зарур. Бундай ташкилотлар ҳам, бунёдкорлар наздидаги ана шу кишилар ҳам Туямўйиндаги улкан яратувчиликда ўзларига муътабар ўрин эгаллашган.

Муҳтарам ўқувчи, гап гидроузел қурувчиларининг турмушини бутлаш йўлида сидқидилдан фаолият кўрсатаётган шарафли касб соҳиблари савдо, умумий овқатланиш ходимлари, боғбон-сабзавоткорлар, чорвадорлар хусусида кетаётганлигини англаб етган бўлса керак. Гидроқурувчиларнинг эғни ва қорнини бутлаш, ғамхўрлик қилиш барча раҳбар ва мутасаддилар учун энг муҳим вазифалардан саналган. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармасининг ишчилар таъминоти бўлими, ёрдамчи деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги асосий яратувчилик ишларига сафарбар этилган қурилиш - монтаж ташкилотлари билан бир вақтда вужудга келтирилгани фикримиз ифодасидир.

Ҳужжатларда қайд этилишича, Туямўйин ишчилар таъминоти бўлими 1972 йилнинг 1 январида таркиб топган. Унга дастлаб, Урганчлик тажрибали ва ишбилармон ходим Жуманиёз Абдуллаев бошлиқ этиб тайинланган. Бош ҳисобчи вазифаси Ота-



хон Қаландаровнинг зиммасига юклатилган. Шундан кейинги даврларда бўлимга Курбонбой Эрназаров / 1972-74 йиллар/, Қаландар Ҳажиев /1974-77 йиллар/, Хударган Авазов / 1977-78 йиллар/, Яраш Курбонбоев /1978 й/, Уктам Холмуродов /1978-85 йиллар/, Мадийр Бобожонов /1985-86 йиллар/, Исоқ Собиров /1986-87 йиллар/, Тожибой Иброҳимов /1987-91 йиллар/, Собир Юсупов /1991-92 йиллар/, Юсуфбой Маткаримов /1992-95 йиллар/, Комилжон Қодиров (шундан кейинги давр)лар раҳбарлик қилишган. Матчон Ражабов, Худошукур Юсупов, Раиса Аминова, Қодир Аҳмедов, Комил Машариповлар турли даврларда бўлимнинг бош ҳисобчиси вазифасида ишлаганлар.

Ўтган давр мобайнида гидроузел қурилишларида меҳнат қилган 5 мингдан зиёд киши ҳамда оила аъзоларининг озик-овқат, саноат моллари ва уй-рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёжи бўлим жамоаси томонидан муваффақиятли суратда кондириб келинди. Ҳар йили ўртача 1 миллион сўм / 80 йиллар нархида/ лик савдо хизмати кўрсатилган. Бўлимнинг кўчма дўконлари ҳатто энг чекка жойлардаги қурилишларга ҳам мунтазам қатнаб, бунёдкорларга намунали хизмат кўрсатган.

Қорни тўқ, эгни бут кишигина ишини ёлчитади. Туямўйин гидроузелидек улкан сув иншооти ниҳоятда қисқа фурсат ичида қад ростлаб, юртимиз истиқлоли, халқимиз истиқболи ва бахт-иқболига хизмат қилаётган экан, бунда хайрли касб соҳиблари-савдо-тижорат ҳодимларининг ҳам муносиб улуши бор, Бу борада шахсий ибрат ва ўрнак кўрсатганлар орасида Юсуфбой Оллаберганов, Қодир Ибодуллаев, Ибодулла Ибодуллаев, Иброҳим Собиров, Юсуфбой Маткаримов, Комилжон Қодиров, Валентина Грищенко, Любовь Коршунова, Саломат Очилова, Галина Литвинова, Исмоил Маҳмудов, Собир Ёқубов, Уктам Каландаров, Яраш Қаландаров каби ўз ишининг усталари, жонкуяр ва ҳалол ходимлари бор.

Гидроузел бунёдкорлари хизматига Туямўйин ёрдамчи деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги меҳнатчилари ҳам ка-



марбаста бўлишганини улкан қурилиш қатнашчилари яхши билишади. Хўжалик ишларининг моҳир ташкилотчиси, жаннатмакон инсон, иқтисод фанлари номзоди Жуманиёз Гофуровнинг шахсий ибрати ва раҳнамолигида таркиб топган мазкур жамоа ўтган 31 йил мобай-

нида катта йўлни босиб ўтди. Шорловуқ ва Тошсоқа аҳоли пунктлари оралигидаги Яккачиғир мавзесини ўзлаштириш туфайли вужудга келган бир неча гектарлик экинзорлар сатҳи 90 йиллар бошига келганда 300 гектардан ҳам ортиб кетди. Бир неча бош қўй-эчки ва қорамоллар сони эса бир неча юз бошга етди. Амударё соҳиллари гуллаган боғлар, саҳоватга кон сабзавот, полиз майдонларига айланди, йирик иссиқхона хўжалиги вужудга келди. Ёрдамчи хўжалик экинзорларида етиштирилган ноз-неъматлар, мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари ишчи ошхоналаринигина эмас, балки қурувчилар оилаларининг дастурхонларини ҳам тўлатди.

Ўз касбининг моҳир устаси ва жонкуяри, билимдон ва тажрибали ҳосилот Бобохон Қозоқов, асл деҳқон, Питнак қирларидаги бунёдкорликнинг ҳақиқий баҳодири Искандар Аҳмедов, Виктор Баягин, Ёқуббой Давлатов (марҳум), Йўлдош Матсаидов, Мумин Сафаров каби чинакам жонкуярлар меҳнати чўлни яшнатди, қурувчилар дастурхони тўкинлиги ва мўл-кўллигини таъминлади.

Ёрдамчи хўжалик Туямўйиндаги улкан бунёдкорлик туфайли вужудга келди. Пировардида эса бунёдкорлар турмуши мўл-кўллигининг муҳим шартига айланади.

7. Устунлар.

Равноқ пиллапояларига синчковлик билан разм солсангиз беихтиёр ҳайрат бармогингизни тишлайсиз. Мана қаранг, воҳа заминидаги аср қурилишини атиги бир неча ўн кишидан иборат ягона жамоа бошлаб берганди. Кейинчалик бу ерда наинки ўзлари балки, бутун воҳа учун ризқ-насиба тераётганлар сони ўн мингларча кишини, уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 40-50 минг кишини, жамоалар сони эса бир неча юзтани ташкил этди. Туямўйиннинг ўзи эса шубҳасиз бутун воҳа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланди. Бироқ, Туямўйиннинг ҳам ўз устунлари бор. Бу устунларнинг энг йириги ва қудратлиси - шубҳасиз кўп минг сонли қурилиш-монтаж жамоалари. Гидроқурувчиларнинг “Дўстлик” аталган шаҳри эса бутун Туямўйиннинг ҳаёт шамчироғига айланди. Ҳозирги Питнак шаҳри хўжалиги кенг ва кўп тармоқлидир. Кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик ўчоқларини ҳисобга қўшмаганда ҳам 100 дан зиёд турли жамоалар фаолият кўрсатаёпти. Туямўйиннинг, демак Питнакнинг ҳам устунлари - ана шулар. Бу жамоаларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида асар битса арзийди. Аммо биз шаҳар ҳаётида етакчи ўрин тутган айрим жамоалар ҳақидагина ҳикоя қилиш имконига эгамиз холос. Пай-

ти келиб гидроқурувчиларнинг ушбу шаҳрига тарихнинг олтин зарварақларидан бутун бошли асарлар бағишланса ажабмас. Биз эса ушбу ҳикоямизни узоқ мозийдан эмас, яқин ўтмишдан, деярли ҳозирги кунларимиздан бошламоқчимиз.

“ИСТИҚЎЛ”. Бу — мустақиллигимизни ифодаловчи оддий ифоданинг ўзи эмас, балки шу сўз воситасида аталувчи жамоа, аниқроғи омма минбари — шаҳар газетаси номи.

У Питнак аҳлига узоқ мозийдан қолган мерос эмас. Газета ташкил этилганига яқинда 10 йил тўлади. Каримбой Оллакулиев, Қилич Ёқубов сингари истеъдодли қаламкашлар асос солган ва нашр этаётган газета эндиликда ўзининг кўп минг сонли ўқувчи — мухлислари, 10 дан кўп жамоатчи мухбирларига эга.

“Истиқлол” — шаҳарнинг ягона нашри эмас. Аслида газета ноширлиги бу ерда 30 йилча муқаддам йўлга қўйилган. Гидроузел қурилиши авж олган 70-йилларнинг ўртасида “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси ва партия қўмитасининг минбари сифатида “Гидростроитель” газетасини нашр этиш йўлга қўйилган. Газетанинг биринчи сони 1975 йилнинг 10 июлида босмадан чиққан.

Улкан сув ва нур иншооти қурувчиларининг бой ва мазмунли ҳаёти яратувчилик жабҳаларидаги меҳнат ва кураши манзараси газета саҳифаларида мунтазам ва тўлақонли ёритиб борилди. 80-йиллар охирида қарийиб 20 йил давом этган улкан қурилиш поёнига етди. Газета ҳам ташвиқот ва тарғибот юргизишдек бурчи ва вазифасини охиригача адо этиб, фаолиятига яқун ясади.

“Бетон”. Улкан иншоотга ҳаммаси бўлиб 1 миллион 200 минг кубометр бетон ётқизилади. Қурилиш бошлангандан буён эса 523 минг 897 кубометр бетон ётқизилди.

Йил бошидан буён ётқизилган бетон 121354 кубометрни, ой бошидан буён 13775 кубометрни, 21 октябрда ётқизилган бетон эса 610 кубометрни ташкил этди”. Муштарийлар ўзига хос хитобнома тарзидаги бундай қизиқарли маълумотномаларни газета саҳифалари орқалигина билиб олишар ва шу боис, унинг ҳар бир сонини муштоқлик билан кутишар, қўлма-қўл олиб ўқишарди. Юқоридаги хитоб-маълумотнома эса газетанинг 1977 йил 28 октябр сонисида чоп этилган.

8. Ноҳушланмайдиган ким бор?

Бизнингча хасталанмасликка кафолат олганлар орамизда топилмаса керак. Аммо гап бунда ҳам эмас. Мақсад, авваламбор кишиларнинг азият чекмаслиги, дард тортмаслиги, хас-

таликларга чалинмаслиги учун самарали чора-тадбирлар қўриш, бемор кишини эса оиласи, яқинлари бағрига, меҳнат қучоғига тезроқ қайтариш, тетик ва соғлом ишлаши, ҳаёт кечеришини таъминлашдан иборат.

Гидроузел қурувчиларининг соғлигини муҳофаза қилиш яратувчилик ишлари бошланган илк кунларданоқ қурилиш раҳбарларининг диққат марказига кўчган.

Туямўйиндаги илк соғломлаштириш муассасаси — 25 беморга мўлжалланган Шорловуқ тиббиёт-санитария қисми фаолиятини 1971 йилнинг 21 июнида бошлаган. Гофир Рўзиматов тиббиёт муассасасининг дастлабки бош шифокори бўлган. Шундан кейинги йилларда шифохонага Раҳимбой Ярашов / марҳум/, тиббиёт фанлари номзоди Дўстчон Бобожонов, Дурдибой Хўжамуродов, Раҳимбой Холмуродов, Ражаббой Машарипов раҳбарлик қилишган. Етук мутахассис Муҳаммаджон Раҳимов касалхонанинг айна кунлардаги бош шифокори, Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, қурилиш-монтаж ишларининг авж олиши ва бунёдкорлар сафи кескин ортиши билан тиббиёт-санитария қисмини мустақил шифохонага айлантириш эҳтиёжи юзага келди. 1976 йилга келиб, соғломлаштириш масканидаги ўринлар сони 100 тага етказилди ва ўша йилнинг 1 июлидан эътиборан “Дўстлик” шаҳар шифохонаси таркиб топди. Шу йили янги замонавий шифохона мажмуи қурилиши ҳам бошланди. Шорловуқ посёлкасидаги бир қаватли пастқамгина бинода жойлашган шифохона 1980 йили замонавий услубда қурилган кўп қаватли шифохона мажмуига кўчиб ўтди. Янги шифохона мажмуи ишга тушиши билан ундаги ўринлар сони 255 га, юқори малакали шифокорлар сони эса 38 нафарга, ўрта малакали ходимлар сони 83 нафарга етди.

Ҳозир гидроқурувчилар шифохонаси бир вақтнинг ўзида 313 беморга хизмат кўрсата олади. Питнак қишлоғидаги йирик шифохона мажмуи шунингдек Тупроққалъа мавзесидаги участка касалхонаси ҳам мазкур соғломлаштириш муассасаси таркибида фуқаролар соғлигини муҳофаза қилаёпти. Питнак шаҳри аҳолисига шифохонада меҳнат қилаётган 103 нафар врач, 305 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари намунали хизмат кўрсатаёпти. Туямўйиннинг қалдирғоч шифокорлари Гофир Рўзиматов, Раҳимбой Ярашев, Озод Сафаров, Давлатёр Қурбонбоев, Олим Мусаев, Зеваржон Машарипова, Рўзибой Хўжаев, Шириной Ёқубоваларнинг ажойиб меҳнат анъанасини кейинчалик Ражаббой Машарипов, Муҳаммаджон Раҳимов, Зухра Мусаева, Ибодулла Ибодуллев, Шириной Султонова, Омонмурод Хўжашев, Моможон Бо-

тирова, Гулбаҳор Давлатова, Гулистон Жуманиёзова, Шириной Абдуллаева сингари ўнларча меҳр - оқибатли саломатлик посбонлари давом эттиришди. Уларнинг аксарияти ҳозир ҳам сафда.

Питнақда соғлом турмуш тарзи, юксак санитария маданияти учун олиб борилаётган курашда шаҳар санитария-эпидемиология станцияси жамоасининг ҳам муносиб улуши бор. Бу жамоа Ҳазорасп туман санитария - эпидемиология станциясининг шохобчаси сифатида 1978 йили таркиб топган. 1983 йили эса мустақил санитария - эпидемиология станциясига айлантирилган. Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олиб, кейинчалик шу илм даргоҳининг етакчи муаллимларидан бирига айланган тиббиёт фанлари номзоди Ражаббой Отажонов унга бош шифокор қилиб тайинланган. У мазкур тиббиёт муассасасига ҳозир ҳам раҳбарлик қилиб келаяпти.

Қарийиб 30 минг киши истиқомат қилаётган кўп миллатли шаҳарнинг санитария ҳолатини назорат қилиш, яхшилаш, улкан сув омборидаги оби-ҳаётнинг таркибини мунтазам ўрганиш, бу юзадан тегишли тавсия ва йўл-йуриқлар ишлаб-чиқишдек ўта муҳим ва кўламдор вазифа ана шу жамоа зиммасига юклатилган.

9. Истиқбол оғушида.

Питнақ - истиқболи порлоқ шаҳар. Бахтли истиқболни эса навқирон авлод вакиллари ирод этишади. Фарзандларнинг намунали билим олиши, тетик ва соғлом ўсиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар шаҳар истиқболи борасидаги ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Питнақда мактаб ва мактабгача таълим тармоғининг мустақам базаси яратилган. Кечмишга оид фактларнинг кўрсатишича, бу ерда таълим - тарбия ўчоқларини барпо этишдек эзгу ишга гидроузелнинг асосий иншоотларини вужудга келтириш билан айна бир вақтда киришилган. Шунинг ҳам айтиш керак-ки, Питнақнинг ўтмишдоши - Шорловук аҳоли пунктида дастлабки таълим маскани-машғулотлари қозоқ тилида олиб бориладиган бошланғич мактаб 1945 йили Фани Олтинбоевнинг ҳовлисида очилган эди. 1954 йили эса бўлгуси шаҳарнинг илк болалар боғчаси иш бошлаган. 1963 йили Шорловук дарё пароходчилиги пристани собиқ бошлиғи Р.Сапаровнинг химмати туфайли кўш қаватли матрослар ётоқхонаси Ҳамза номли 8 йиллик мактабга тортиқ этилди. 1954 йилдан эътиборан фаолият кўрсатаётган билим маскани шу тариха умумий ўрта маълумот берувчи илм масканига айланти-

рилди. Ражаббой Матназаров посёлкасидаги ягона ўрта мактабнинг биринчи директори бўлган.

70-йиллар Питнакда халқ таълимининг кескин равноқ даврига айланди. Атиги 10 йил мобайнида 5 та замонавий болалар боғчаси, 4 та ўрта мактаб мажмуи қуриб, фойдаланишга топширилди. 1976 йили гидроқурувчилар посёлкасига шаҳар мақоми берилиши муносабати билан эса шаҳар халқ таълими бўлими ташкил этилди.

Ҳозир мазкур бўлим ихтиёрида 17 умумий ўрта ва ихтисослашган мактаблар, яна шунча болалар боғчалари мавжуд. Мактабларнинг 5 таси, болалар боғчаларининг 7 таси бевоқиф шаҳарнинг ўзида, қолганлари шаҳар тасарруфидаги хўжаликлар ҳамда Саримой ва Тупроққалъа мавзеларида жойлашган. 1000 дан зиёд малакали муаллимлар ёшлар тарбияси билан банд. Ваҳоланки, улар сони 1976 йилда 197 нафарни ташкил этарди холос. Мавжуд мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг деярли барчаси замонавий услубда қурилган ва ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган биноларда фаолият кўрсатаёпти.

Таълим-тарбиядан кўзланган ният ҳам шу. Мактаб партасида таълим олаётган бугунги укувчи эртага жамият жиловини қўлга олмоғи, катта авлод аъёнларининг давомчиси сифатида майдонга чиқмоғи даркор. Шундай бўлди ҳам. Оталар ишини 90-йиллар бошига келиб фарзандлар қўлга олди.

... 90-йиллар бошига келиб Собиқ Иттифоқ мудофаа саноати вазирлигининг агрегат заводи сифатида Питнакда барпо этилган йирик мажмуа “Социализм салтанати” дарз кетиши билан бутунлай хувиллаб қолди. Неча ўн миллионлаб сўм маблағ сарфланган қурилиш пировардида ҳеч кимга наф келтирмай, аксинча катта зиён манбаига айланди. Бу ҳол вилоят ва Республика раҳбариятини ташвишлантирмасдан қолмасди албатта. Республика Президенти Ислоҳ Каримов вазиятни бошқалардан ҳам анча олдин, доноларча ва зукколик билан англади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Питнакка германиялик ишбилармонлар – автомобилсозлик компанияси раҳбарларини бошлаб келди. Собиқ корхонани машинасозлик заводига айлантириб, қайта қуриш ва мослаш борасидаги масалалар муваффақиятли ҳал этилди. Корхонани тезроқ ишга тушириш ва ишлаб чиқаришни босқичма – босқич кенгайтира бориш соҳасидаги долзарб вазифалар Президентнинг Германияга ташрифи чоғида кун тартибидаги энг муҳим масалалар қаторидан ўрин олди. Юртбоши ва элбошиларнинг хайрли сазъ-ҳаракатлари, корхона бунёдкорларининг тинимсиз меҳнати, интилиш ва изланишлари ниҳоят кутилган са-

марани берди. 1994 йилнинг февралида корхона конвейеридан дастлабки “Мерседес-бенц” тушди. Ишлаб чиқарилган қудратли машиналар сони эса 400 дан ортиб кетди. Питнакда автомобилсозларнинг замонавий шахарчаси кад ростлади.

Истиклол дарахтидан унаётган “тотли мева” “Мерседес-бенц”лардангина иборат эмас. Хоҳ инонинг, хоҳ инонманг, яқин ўтмишгача ҳатто оддий миҳ ҳам ишлаб чиқарилмаган воҳада замонавий телевизорларни йиғиш ҳам йўлга қўйилди. Ута зукколик, билим, истеъдод ва маҳорат талаб этувчи бу мураккаб юмушни шахардаги собиқ “Фотон” (ҳозир “Коинот”) заводи жамоаси бир неча йиллар мобайнида муваффақиятли адо этди. Узоқ йиллар мобайнида мудофаа мақсадларига хизмат килувчи ускуналар ишлаб чиқарган мазкур корхона 90-йиллар бошида халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашди. 1994 йилнинг охирида эса ниҳоятда харидоргир кичик ҳажмли “Ориол” телевизорини ишлаб-чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Хоразм электрон техника саноатининг дастлабки корхонаси ҳисобланмиш ана шу завод гарчи мудофа манфаатларига хизмат қилувчи жиҳозлар ишлаб чиқаришдан буткул чекинган бўлса-да, ўзининг асл тармоғидан бир қадам ҳам узоқлашгани йўқ. Миҳ, симтўр металл, кнопка, дўппи каби халқ истеъмоли моллари билан бирга қўлбола доимий электр таъминоти ускуналарини ишлаб чиқариш ҳам қизгин давом эттирилди. 1981 йили атиги 60 киши билан иш бошлаган корхонада малакали муҳандис ва ишчи кадрлар сони кейинчалик 400 этди. Корхона 1992 йилгача Тошкент электрон-техника заводининг мустақил цехи мақомида фаолият кўрсатди. Ўша йилнинг 1 январидан бошлаб эса “Коинот” номини олди ва мустақил заводга айлантирилди. 1981-86 йилларда корхонага талантили муҳандис Ўктам Хўжаев, 1986-89 йилларда Кенжа Мадаминов, шундан кейинги йилларда Отабой Матқурбоновлар раҳбарлик қилдилар.

Кечмишни шонли саналар, ажойиб меҳнат анъаналарига безаган жамоалар Питнакда оз эмас. Туямўйингидроэлектр станцияси, касб-ҳунар коллежи, шахар электр алоқа боғламаси, тикувчилик фабрикаси каби ўнларча жамоаларни навқирон шахарнинг фаҳри, ифтихори санасак муболага бўлмас.

Ҳа, Туямўйиннинг, демакки Питнакнинг ҳам устунлари — ана шулар.

IV. “ТУЯМЎЙИНСУВҚУРИЛИШ”

1. “Дам олиш бекор қилинсин”

1972 йил баҳор. “2-СМУ” қурувчиларининг иши бароридан келаяпти. 1-сонли участка ҳар кеча — кундузда битта уйнинг калитини эгасига топшираяпти. Бир қаватли йигма уйлар дашт бағрида ёмғирдан кейинги қўзиқориндай жуда тез пайдо бўлаяпти.

Аммо, афсус. “котлован”даги қурилишда жонланиш сезилмаяпти, эксковаторлар унум билан ишлолмаяпти, гоҳида у, гоҳида бу қисми ишдан чиқади. Гоҳида эса қурувчиларни ишга элтадиган машиналар етишмай қолади. Одамлар эса Ҳазораспда, Янгибозор ёки Питнакда машина кутиб, йўлларда кун ўтказишади. Ёлчителиб ишлайдиган малакали қурувчилар эса ҳамон кам. Баъзида униси, баъзида буниси турли важларни рўқач қилиб, ишга келмай қолади. Раҳбарлар эса жиги-бийрон.

Хайрият “2-СМУ”дагилар ишончни оқлашди.

- Ишлар шу зайл давом этса...? — савол оҳанги билан мушоақат қилдик кунларнинг бирида қурилиш мутасаддиси Юсуф Шержоновга:

- Асосий посёлкадаги ишлар шу зайл давом этса ҳа демай ҳамма уйга ёлчийди, аммо, “котлован”даги ишлар ҳам шу зайлда давом этса, ишлар 5-6 йил орқага сурилиши ҳам ҳеч гапмас, - кўрсаткич бармогини бигиз қилиб деди у, - Лекин биласизми, бир участкадаги ютуқ иккинчисининг ютугини нақд қилиб қуймоқда. Кечагина йилнинг иккинчи ярми графигини тасдиқладик. Ишлар ҳажми биринчи ярим йилдагидан икки баробар ортади.

- “Ўзи, ҳозирги графикни уйдлашолмаяптию, яна 2 ҳисса ортади, дейишига бало борми?” - ич-ичимиздан, дедик ўзимизга.

Аммо, Шержонов деярли ҳақ бўлиб чиқди. Тезора қурилиш бошлиғи Александр Корниенконинг буйруги чиқди: “Ишлар кечаю-кундуз ташкил этилсин. Қурилиш бўлимлари

раҳбарлари, участка бошлиқлари, прораб ва мастерлар қурилиш кетаётган жойнинг ўзида истиқомат қилсинлар. Ҳар бир раҳбар билан кечаю-кундуз телефон ва радио алоқаси йўлга қўйилсин”.

- Агар қурилиш кетаётган жойларда уй-жойлар қурилмаса, бундай буйруқни чиқара олмасдим, - кейинчалик деди Саша ака ўзининг маъшум қарорини шарҳларкан, -Биз ҳар бир қурувчининг Питнакда ўз уй-жойи бўлиши учун ҳаракат қилганмиз. Уй-жойлар билан таъминлангач эса ишни талаб этдик. Натижа яхши бўлди.

Ҳа иш суръати ой, йил сайин кўтарила борди.1975-76 йилларга келганда қурилиш тарихида илк бор режалар ошириб бажарилди.

Корниенкодан раҳбарликни қабул қилиб олган Виктор Духанин ҳам оддий меҳнат кишисига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва оқибатли, бошлиқларга нисбатан эса ниҳоятда талабчан ва қаттиққўл раҳбар эди. /Худо унга жаннатдан жой ато этган булсин/. Йўлда машина кутаётган оддий ишчиларни кўрса уйигача ёки иш жойигача элтиб кўяр, асосий посёлкада қурилган иморатининг қалитини чўнтакка солиб, кеч қирмай қишлоқдаги уйига кетиб қолгучи раҳбарни эса асти аямасди. Буни исботлайдиган фактлар ҳам бор. Уй-жойлар қурилиши билан шуғулланаётган ташкилотлардан бирининг раҳбари кечқурун шаҳардаги хонадонида тунамай қишлоққа кетиб қолгани учун бир бора огоҳлантирилди, орадан хиёл ўтмай бу ҳол қайта тақрорланди. Бошлиқ бу гал қаттиқроқ огоҳлантириш олди. Кўргиликни қарангки, учинчи бора ҳам уни ўзига ажратилган данғиллама уйдан излаб топишолмади. Ана шунда, аяб ўтиришмади. Шартта ишдан олишди.

Бу воқеа пировардида кўпчилик раҳбарлар учун катта сабоққа айланди. Раҳбарлар меҳнат аҳли билан ҳамкор ва ҳамнафас қадам ташлаган жойда ютуқлар ҳам бисёр бўлишини кишилар дилдан ҳис этишди.

Бир эмас, бер нечта қурилиш ташкилотининг фаолиятига алоқадор бу сингари саъй -ҳаракатларни йуналтириб ва мувофиқлаштириб туриш, кенг кўламли ва узоққа мўлжалланган яратувчилик ишларини ташкил этиш, раҳбарлик қилиш, кўп сонли жамоаларни олға бошлаш, шижоатли меҳнат ва курашга даъват этиш ниҳоятда муҳим ва маъсулиятли вазифа. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси (собик) зиммага юклатилган ана шу серқирра ва кўламдор вазифани бекаму - кўст удалади. Қарийиб 750 миллион сўм /80-йиллар нарҳида/ маблағ сарфланган улкан иншоотни барпо этишда раҳбар ташкилотнинг ўрни ва ролини, зиммасига нечоғлик оғир

ва маъсулиятли вазифа юклатилишини тасаввур этиш кийин эмас.

Уч Республика - Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистоннинг бўйи 150, эни 35-40 километрлик улкан ҳудудида олиб борилган аср қурилиши неча юз йиллар халқимизга, юртимизга хизмат қилгучи ноёб иншоот "Туямўйинсувқурилиш" номи билан чамбарчас боғлиқ. Гидроузел бунёдкорлиги ва унга раҳбарлик қилувчи мутасадди ташкилот қай тахлит вужудга келгани ҳақида қиссамиз бошида бироз бўлсада маълумот бердик.

Куйида Ўзбекистоннинг ана шу йирик қурилиш ташкилоти босиб ўтган шонли йўл, унинг фаолияти билан боғлиқ сана ва пиллапоялар, бунёдкорликнинг мазкур "штаби" да ишлаган фидоий кишилар ҳақидаги лавҳамизни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Қизгин меҳнат билан кечган қурилиш айёмини шартли равишда учта асосий босқичга ажратиш мумкин.

Бошлангич босқич. 1976-77 йилларгача давом этган ана шу даврда қурилишнинг моддий-техника базаси, бунёдкорлик ишларини авж паллага кўтариш шарт-шароитлари яратилди. Асосий эътибор тараддуд тадбирларига қаратилгани боис кўп ҳолларда қурилиш билан боғлиқ режалар удаланмасдан қолди.

Қурилиш босқичи. Барча асосий қурилишлардаги ишлар юқори суръатга кўтарилди. Белгиланган режаларнинг ошириб бажарилиши таъминланди.

Яқунловчи босқич. 1979 йилнинг охиридан бошланган бу босқич 80- йилларнинг ўрталаригача давом этди. Бу вақт мобайнида гидроузелнинг барча асосий иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Ана шу жараёнларнинг барчасига қурилиш штаби — "Туямўйинсувқурилиш" бошқармаси раҳбарлик қилди. Шуниси эътиборлики, Туямўйиндаги мазкур бунёдкорликка вилоятнинг мана-ман деган муҳандис ва раҳбар кадрлари сарфарбар этилди. Бу гидроиншоот қурилишига бўлган ғоят катта диққат - эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Қурилишга улуш қўшиш иштиёқи билан келган энг сара кадрлар авваламбор "Туямўйинсувқурилиш" га жамланди. Александр Александрович зукко инсон эди. Унинг таклиф-талаби билан ҳар бир ишга қобилу-қодир кишилар штаб ишига жалб этилганлар.

Василий Удовиченко қурилиш бошқармаси бош муҳандиси вазифасида гарчи узоқ муддат ишлаган булмасада ўзидан яхши ном қолдирди. Энг муҳим лойиҳалар ва уларни амалга

















раҳбарлари, участка бошлиқлари, прораб ва мастерлар қурилиш кетаётган жойнинг ўзида истиқомат қилсинлар. Ҳар бир раҳбар билан кечаю-кундуз телефон ва радио алоқаси йўлга қўйилсин”.

- Агар қурилиш кетаётган жойларда уй-жойлар қурилмаса, бундай буйруқни чиқара олмасдим, - кейинчалик деди Саша ака ўзининг маъшум қарорини шарҳларкан, -Биз ҳар бир қурувчининг Питнакда ўз уй-жойи бўлиши учун ҳаракат қилганмиз. Уй-жойлар билан таъминлангач эса ишни талаб этдик. Натижа яхши бўлди.

Ҳа иш суръати ой, йил сайин кўтарила борди.1975-76 йилларга келганда қурилиш тарихида илк бор режалар ошириб бажарилди.

Корниенкодан раҳбарликни қабул қилиб олган Виктор Духанин ҳам оддий меҳнат кишисига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва оқибатли, бошлиқларга нисбатан эса ниҳоятда талабчан ва қаттиққўл раҳбар эди. /Худо унга жаннатдан жой ато этган булсин/. Йўлда машина кутаётган оддий ишчиларни кўрса уйигача ёки иш жойигача элтиб қўяр, асосий посёлкада қурилган иморатининг калитини чўнтакка солиб, кеч кирмай қишлоқдаги уйига кетиб қолгучи раҳбарни эса асти аямасди. Буни исботлайдиган фактлар ҳам бор. Уй-жойлар қурилиши билан шуғулланаётган ташкилотлардан бирининг раҳбари кечқурун шаҳардаги хонадонида тунамай қишлоққа кетиб қолгани учун бир бора огоҳлантирилди, орадан хиёл ўтмай бу ҳол қайта тақрорланди. Бошлиқ бу гал қаттиқроқ огоҳлантириш олди. Кўргиликни қарангки, учинчи бора ҳам уни ўзига ажратилган данғиллама уйдан излаб топишолмади. Ана шунда, аяб ўтиришмади. Шартта ишдан олишди.

Бу воқеа пировардида кўпчилик раҳбарлар учун катта сабоққа айланди. Раҳбарлар меҳнат аҳли билан ҳамкор ва ҳамнафас қадам ташлаган жойда ютуқлар ҳам бисёр бўлишини кишилар дилдан ҳис этишди.

Бир эмас, бер нечта қурилиш ташкилотининг фаолиятига алоқадор бу сингари саъй —ҳаракатларни йуналтириб ва мувофиқлаштириб туриш, кенг кўламли ва узоққа мўлжалланган яратувчилик ишларини ташкил этиш, раҳбарлик қилиш, кўп сонли жамоаларни олға бошлаш, шижоатли меҳнат ва курашга даъват этиш ниҳоятда муҳим ва маъсулиятли вазифа. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси (собик) зиммага юклатилган ана шу серқирра ва кўламдор вазифани бекаму — кўст удалади. Қарийиб 750 миллион сўм /80-йиллар нархида/ маблағ сарфланган улкан иншоотни барпо этишда раҳбар ташкилотнинг ўрни ва ролини, зиммасига нечоғлик оғир

ва маъсулиятли вазифа юклатилишини тасаввур этиш кийин эмас.

Уч Республика - Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистоннинг бўйи 150, эни 35-40 километрлик улкан ҳудудда олиб борилган аср қурилиши неча юз йиллар халқимизга, юртимизга хизмат қилгучи ноёб иншоот “Туямўйинсувқурилиш” номи билан чамбарчас боғлиқ. Гидроузел бунёдкорлиги ва унга раҳбарлик қилувчи мутасадди ташкилот қай тахлит вужудга келгани ҳақида қиссамиз бошида бироз бўлсада маълумот бердик.

Куйида Ўзбекистоннинг ана шу йирик қурилиш ташкилоти босиб ўтган шонли йўл, унинг фаолияти билан боғлиқ сана ва пиллапоярлар, бунёдкорликнинг мазкур “штаби” да ишлаган фидойи кишилар ҳақидаги лавҳамизни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Кизгин меҳнат билан кечган қурилиш айёмини шартли равишда учта асосий босқичга ажратиш мумкин.

Бошлангич босқич. 1976-77 йилларгача давом этган ана шу даврда қурилишнинг моддий-техника базаси, бунёдкорлик ишларини авж паллага кўтариш шарт-шароитлари яратилди. Асосий эътибор тараддуд тадбирларига қаратилгани боис кўп ҳолларда қурилиш билан боғлиқ режалар удаланмасдан қолди.

Қурилиш босқичи. Барча асосий қурилишлардаги ишлар юқори суръатга кўтарилди. Белгиланган режаларнинг ошириб бажарилиши таъминланди.

Яқунловчи босқич. 1979 йилнинг охиридан бошланган бу босқич 80- йилларнинг ўрталаригача давом этди. Бу вақт мобайнида гидроузелнинг барча асосий иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Ана шу жараёнларнинг барчасига қурилиш штаби — “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси раҳбарлик қилди. Шуниси эътиборлики, Туямўйиндаги мазкур бунёдкорликка вилоятнинг мана-ман деган муҳандис ва раҳбар кадрлари сифарбар этилди. Бу гидроиншоот қурилишига бўлган ғоят катта диққат - эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Қурилишга улуш қўшиш иштиёқи билан келган энг сара кадрлар авваламбор “Туямўйинсувқурилиш” га жамланди. Александр Александрович зукко инсон эди. Унинг таклиф-талаби билан ҳар бир ишга қобилу-қодир кишилар штаб ишига жалб этилганлар.

Василий Удовиченко қурилиш бошқармаси бош муҳандиси вазифасида гарчи узоқ муддат ишлаган булмасада ўзидан яхши ном қолдирди. Энг муҳим лойиҳалар ва уларни амалга

ошириш тадбирлари унинг фаол иштироки билан ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбик этилди.

Қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари: марҳум Юсуф Шержонов ва Василий Лиморенколарни эса ортиқча таърифлашга ҳожат йўқ. Уларнинг номи шундоғам бутун вилоят, қолаверса Ўзбекистонга яхши маълум. Бунинг боиси Туямўйин истиқболи йўлидаги фидокорлик, бунёдкорликка бахшийда этилган меҳнат, билим ва матонатдир.

Бошқарманинг илк хизматчи заҳматкашлари орасида бош муҳандис ўринбосари Саид Валяев, ишлаб-чиқариш техника бўлими бошлиғи Тамара Валяева, диспетчерлик хизмати бошлиғи Ҳамид Ойбетов, техника бўлими бошлиғи Нелъя Духанина, етакчи алоқачи Муҳаммадқули Ёқубов, бош ҳисобчи Отахон Қаландаров, лойиҳа — смета гуруҳи раҳбари Собиржон Қосимов, бош ер тузувчи Анатолий Сергеев, молия-иқтисод бўлими бошлиғи Бахтиёр Машарипов, қурилиш лабораторияси бошлиғи А.Зеленская, бош механик Пўлат Абдуллаев, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Отабой Ромонов каби етук муҳандис-ишбошилар бор. Бутун бошли қурилишни уюштиришнинг муҳандислик, ҳисобкитоб ва иш юритиш юмушларини айнан шулар гарданига олишди ва муваффақиятли уддалашди. Бундай жонкуяр ва ўтюррак кишилар сафи шундан кейинги йилларда янада кенгайди.

1973 йили туғма талант соҳибларидан бири, ўткир зеҳли ва тажрибали муҳандис қурилиш илми устаси, ажойиб фазилатли инсон ва ишбоши Қозоқ Холимбетов бошқарма бош муҳандислигига тасдиқланди. Сирасини айтганда, бевосита қурилиш ишларини юргизиш раҳбардан ҳам кўра муҳандисга кўпроқ боғлиқ. Қозоқ ака қурилишга қарийиб 10 йиллик умрини бахшийда этди ва ноёб гидроиншоотнинг охириги гишти қўйилгунга қадар тиним билмади, жўшиб-тошиб ишлади. Гидроузел таркибига кирувчи барча асосий иншоотларнинг муҳандислик ечимлари унинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу юмушларга у бор маҳорати билан раҳбарлик қилди.

Кун тартибидаги етилган масалаларни ҳал этишда унга хос бўлган инсоний босиқлик, вазминлик, ладиллик, оқилона ва барчага мақбул бўлган фикрлаш қобилияти, ягона тўғри йўлни танлаш, тез ва аниқ қарор қабул қилиш салоҳияти муҳандисга муносиб обрў-эътибор келтирди, номини вилоят, республика, ҳатто собиқ Иттифоқнинг кўпгина минтақаларига ёйди. Гидроузелнинг асосий иншоотларини қуриш деярли поёнига етган кезларда Қозоқ акани вилоят партия кўмитасига, сал фурсат ўтгач эса Ўзбекистон Компартияси Марказқўми / собиқ/ га маъсул лавозимларга йўллашди. Марказқўм бўлим

мудири ўринбосарлигидан эса Шовот туман партия қўмитаси, кейинчалик Хонқа туман партия қўмитаси биринчи котиби, туман кенгаши /собиқ/ раиси, вилоят ижроқўми раиси вази-фаларига сайлашди. Ҳукумат мукофотлари, нишон ва ёрлиқ-лар билан тақдирлашди. Тажрибали мироб-муҳандис кейинчалик вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида самарали меҳнат қилди. Туямўйинда тўпланган бой тажрибага асосла-ниб, мироблик ва мироблик қурилишлари бўйича ўқув юртла-ри талабалари учун қўлланма яратди.

Умуман туямўйинликларнинг раҳбарларидан омади кел-ган. Қозоқ Холимбетов қурилиш бош муҳандислигига тасдиқ-лангач орадан бир йил ўтар-ўтмаёк бошқармага ҳам янги раҳ-бар тайинлашди. Республиканинг йирик сув қурилишларида ишлаб суяги қотган, катта тажриба тўплаган Виктор Григо-рьевич Духанин “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бош-лиги лавозимини қабул қилиб олди. Виктор Григорьевич Туя-мўйинда қурилиш - монтаж ишлари ниҳоятда қизиган, аммо ўта мураккаб, маъсулиятли ва ҳал қилувчи паллада раҳбар-лик қилди. Шундай бўлсада у барини уддалади, барига улгур-ди, барига эришди. Республика Олий Кенгаши депутати си-фатидаги бурчини ҳам намунали адо этди, мингларча сай-ловчиларнинг иззат-ҳурматини қозонди.

Одатда болаларни севгучи кишилар юмшоқ кўнгил, дили пок, ўзгаларга ёмонликни раво кўрмайдиган бўлишади. Қури-лиш бошлиғи жажжи фарзандларни жонидан ҳам ортиқ севар, ардоқлар, ғамхўрликни ҳам ўрнига қўярди. Бошқармага у раҳбар-лик қилган салкам ўн йил мобайнида гидроқурувчилар 10 га яқин мактаб, яна шунча болалар боғчасини қуриб битиришга-ни, Виктор Григорьевичнинг ўзи эса болалар муассасалари-нинг доимий меҳмонига айланиб қолгани фикримиз далили.

“Туямўйинни келажак авлодлар, демакки фарзанд — не-вараларимиз учун қураяпмиз, шу боис болаларни ўйламай-диган раҳбарлар билан, йўлимиз бошқа. Башарти улар яхши сўзга туришмаса, раҳбар сифатидаги ҳуқуқим такозо этган чораларни қўллашга ҳам тайёрман” дерди, - у. Амалий фао-лиятда ҳам шундай бўлди. Болаларни кўрганда машинадан ту-шиб, уларга салом бергувчи Духанин, келгуси авлодларимизга хизмат қилгучи иншоот қурилишида ношудлик, ҳафсаласиз-лик қилган, қуйиб-ёниб ишламаган, ўзини ўзгалардан юқори олган, боқи-беғам “ёшулли”ларни кабинетидан ҳайдаб сол-ган, ишдан четлатган, ҳатто баъзи вазирларнинг ҳам бошлаб адабини берган ҳоллар кўп бўлди.

Виктор Духанин қурилишга 9 йил раҳбарлик қилди. Шу вақт мобайнида воҳа оби-ҳаёт денгизининг барча асосий ин-

шоотлари ишга тушди. Бутун бошли “Дўстлик” шаҳри қурилди. Бошқарманинг бевосита амалий фаолияти билан Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистонда бир неча янги хўжаликлар ташкил этилди. Улар учун ер ўзлаштириш, сув чиқариш, обод посёлкалар бунёд этишни бошқармага қарашли жамоалар бажо келтиришди.

Шу даврда барча туямўйинликлар, катта-кичик маҳаллий раҳбарлар билан синашта бўлиб қолган Духаниннинг ўзи ҳам Республика раҳбарлари синовидан ўтди. Раҳматли Шароф Рашидов Виктор Григорьевични шахсан танир, эл ишига бўлган меҳр-муҳаббати, жонқуяр-лиги ва фидокорлигини юксак қадрларди. Ўзбекистоннинг отахон мироб-қурувчилари: Исмоил Жўрабеков, Солижон Мамарасуловлар эса унинг ноёб истеъдоди-ю, бебаҳо қобилиятини аллақачон фаҳмлаб олишганди.

Республиканинг маъсулиятли юмушлари учун пишиб етилган Виктор Григорьевич Духанин тезора (қурилиш ишлари охирлаган 1983 йили) шахсан Шароф отанинг тавсиясига биноан Ўзбекистон ҳукумати раисининг ўринбосарлигига тайинланди.

Туямўйиндан чиққан “ёшулли” бу маъсулиятли вазифада ҳам, сал кейин эса Республика коммунал хўжалик вазири лавозимида ҳам билими, маҳорати, тажрибасини тўла ишга солди, куч-ғайратини аямаган ҳолда меҳнат қилади. Ҳатто бор фикри—хаёлини ишга бериб, бевақт келган ажалга ҳам чап беролмади. Начора кўргулик. Тақдир ёзиғи шу бўлгач...

Виктор Григорьевични Тошкентга кузатишгач, унинг ўрнига лаёқатли раҳбар излаб кўпам овора бўлишмади, узоққа ҳам боришмади. Чунки, чинакам ҳаётий синовлар жабҳасига айланган Туямўйиндаги улкан қурилиш майдони аллақачон кадрлар мактаби сифатида танилганди. Духаниннинг ўрнига ҳеч иккиланмай Искандар Юсуповни тайинлашди. Янги бошлиқ ҳам анойиларданмас: Шароф Рашидовдек аллома юртбошининг назарига тушган инсон. Меҳнат фаолиятини Туямўйинда оддий мастерликдан бошлаб, прораб, участка бошлиғи, қурилиш монтаж бошқармаси бош муҳандиси, бошлиғи, қурилиш партия кўмитаси котиби, бошқарма бош муҳандиси лавозимларигача кўтарилган Искандар Юсуповни 1982 йили Республика Компартияси Марказқўмига масъул вазифага тасдиқлашди. 1983 йили эса “Туямўйинсувқурилиш”га бошлиқ қилиб юборишди. Мавжуд қурилишларни ҳормай-толмай охирига етқизиш, Тупроққалъа мавзесини ўзлаштириш, агрегат /ҳозир автомобилсозлик/ заводи, Туямўйин-Урганч, Туямўйин-Нукус магистрал сув қувурларини, воҳада энг йирик чорвачилик мажмуини барпо этиш, Рос-

сия Федерацияси, Арманистон, Афғонистон, Африкада кенг кўламли бунёдкорлик ишларини олиб боришдек долзарб ва катта вазифа унинг зиммасига тушди ва муваффақиятли удаланади.

И.Юсуповнинг шундан кейинги фаолияти яна Республика миқёсидаги вазифа ва юмушлар билан боғланди. 1989 йили Республика Олий Кенгаши депутати И.Юсупов Ўзбекистон деҳқончилик саноати мажмуи қурилишлари “Узагроқурилиш” давлат - ширкат бирлашмаси раиси қилиб тасдиқланди. Мустақил Республика раҳбарияти уни 1995 йили Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосарлигига тавсия этди. 1996-99 йиллари вилоят ҳокими вазифасида самарали фаолият кўрсатди. Искандар ака ҳозир ҳам сафда. Мамлакат миқёсидаги маъсул вазифаларни сидқидилдан адо этаяпти.

Ҳа, Туямўйиндаги улкан қурилишга қадами етганларнинг аксарияти пировардида вилоят ва Республика таниқли раҳбарлари қиёфасида намоён бўлишди. Чунончи, Ҳазорасп тумани ёшларининг собиқ етақчиси, ўтюррак муҳандис Шариф Муродов қурилиш партия кумитасига раҳбарлик қилгач 1973 йили туман партия кўмитаси иккинчи котиблигига, орадан икки йил ўтгач эса вилоят халқ назорати кўмитаси раислигига кўтарилди. 1980 йили туман партия кўмитасининг биринчи котиблигига, 1990 йили туман Кенгаши раислигига сайланди. 1992-96 йилларда эса Ҳазорасп тумани ҳокими сифатида серқирра фаолият кўрсатди.

Туямўйиндан чиққан раҳбар-ишбошилар орасида “Дўстлик” шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Абдулла Магчонов, Қувондиқ Каримов, вилоят халқро “Ал Хоразмий-Вамбери” илмий - техникавий жамияти президенти Баҳодир Ҳасанов, ушбу рисола ҳаммуаллифи кабилар ҳам бор. “Туямўйинсувқурилиш”да тобланган Жумабой Бобоев, Иброҳим Содиков, Эркин Эгамбердиев, Одамбой Болтаев, Рўзимбой Абдуллаев, Нурмуҳаммад Шарифуллин, Рўзим Самандаров сингари фидойи қурувчилар ҳам пировардида юксак ишончга сазовор бўлиб, маъсулиятли лавозимларда самарали фаолият кўрсатдилар. Ҳатто ушбу сатрларнинг қаламкашдан чиққан яна бир муаллифи ҳам ўзини Туямўйин фарзанди санайди. Хулласи, ажойиб тақдирли бундай кишиларнинг сафи кенг, фаолияти серқирра ва кўламдор.



Курилиш бош штабида тобланганларнинг ҳаммаси қобилу-қодир кишилар эканлигини, уларнинг камтарин таржимаи ҳоли яққол кўрсатади. Асли қишлоқ ўқитув-чисининг фарзанди Пулат Абдуллаев қисқа вақт ичида прорабликдан бошқарманинг бош механиги, бошлиқ муовини лавозимларигача кўтарилди. Кейинчалик эса вилоятдаги энг йирик автокорхона / "Туямўйинсувқурилиш"га қарашли/ директорлиги, қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи вазифаларида ҳам ҳалол ва бениксон ишлади. Энг мураккаб ва шаклланиш даврида бошқарма бошлиғи ва бош муҳандисининг ўринбосари бўлиб ишлаган В.Лиморенко, Б.Абдурахимов, В.Ишченко, Г. Бодигин, А.Назаров, бўлим бошлиқлари: Тамара Валяева, Георгий Павлов, Исо Куриёзов, Рашид Ойсувоков, Р.Сергеев, Ҳамид Ойбетов, Р. Овсюкова, Қаландар Матчонов, Отабой Ромонов, Отахон Қаландаров, касаба уюшмалари, комсомол, халқ назорати ташкилотларини моҳирона бошқарган Бобоҳон Абдуллаев, Комилжон Исмоилов, Назарбой Эгамбердиев, Қадамбой Рўзимбоев, Даврон Сафоев, Баҳодир Матназаров, Аминбой Олимов, бошқа-бошқалар ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

Кувончли жиҳати шуки, "Туямўйинсувқурилиш"нинг тамал тошини қўйган яна бир гуруҳ кишилар жўшқин меҳнат фаолиятини қурилиш ишлари поёнига етсада сусайтиришмади. Булар 35 йил мобайнида Туямўйиннинг ўти билан кириб, суви билан чиққан, узоқ йиллар трест бош муҳандиси сифатида фаолият кўрсатган Василий Великанов, 1970 йилдаёқ бошқарма бошлиғининг молия - иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосарлигига тайинланган Аминбой ака Шарипов, режа-иқтисод бўлими бошлиғи Бахтиёр Машарипов, ёшлик ғайратию - шижоатини Туямўйинга бағишлаб, меҳнат фаолиятини 30 йил муқаддам шу ердан бошлаган Исо Қобулов ва бошқалардир.

Курилиш "штаби"нинг кенг камровли фаолиятига бир неча йиллар бош-қош бўлган Рўзим Самандаров (1995 йилнинг майида у трест бошқарувчиси қилиб тайинланди), бўлим бошлиғи ва бошқарма раҳбари муовини Исо Куриёзов, бош ҳисобчи Ражаббой Ниёзмуродов, бош ер тузувчи Жумабой Имонбоев, ҳаражат-лойиҳа бўлими бошлиғи Баҳодир Худойберганов, иқтисодчи Юсуф Абдуллаев, кадрлар бўлими бошлиғи Ҳасанбой Аҳмедовлар ҳам ҳар бир ишга ҳозирун-нозир, қобилу-қодир хизматчилардан саналишади.

Сафарбой Бобожонов бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимида ҳалол ишлади, ширин умр кечирди. У ҳозир жисман мавжуд бўлмасада, одамлар қалбида руҳан яшамоқда.

... “Туямўйинқурилиш” трести, “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси, “Туямўйин-сувқурилиш” трести-булар “Туямўйинсувқурилиш” акциядорлик жамиятининг ўтмишдошлари.

30 йил. Бир йигитнинг навқиронлик умри. Қурилишни унинг отаси ёхуд бобоси бошлаб берган. Энди эса уларнинг ишини фарзанд ва неваралар-ишончли ворислар давом эттиришаётир.

“Туямўйинсувқурилиш” жамияти ҳам машҳур утмишдошлар ишининг муносиб давомчиси.

XXI аср бўсағасида улкан жамоа ҳар томонлама яшарди, десак муболаға бўлмайди. Эндиликда трест мақомидаги ушбу ташкилот яратувчилик ишини бутун воҳа бўйлаб давом эттираётгани ҳам кўпчиликка аён. Энг муҳими ишлар жиловни уддабурро ворислар қўлида. Ҳиссадорлик жамиятига 80 йилларнинг “ўжар” муҳандиси Отахон Матёқубов раҳбарлик қилапти. Ерга урса осмонга сапчийганлар сирасидан саналган яна бир истеъдодли мутахассис Одилбек Сотлиқов бош муҳандислик вазифасини деярли “бармоқ учида” уддалаяпти. Устозлардан Геннадий Бодигин ва Рўзим Самандаровлар ҳам ҳамон сафда. Ҳар иккала қурувчи жамият бошқаруви раисига муовинлик вазифасида гайрат-шижоат билан ишляпти. - Қурилиш “штаби”да бунёдкорлик илми ва амалиётининг хадисини олган зукко мутасадди – мутахассислардан иборат янги авлод шаклланиши иш сифати ва самандорлигида ўз аксини топапти. Жамиятнинг ҳисобот бўлимини бошқараётган Илхом Саидов, кадрлар бўлими раҳбари Ҳасан Аҳмедов, бош механик Даврон Рўзимов, ишлаб-чиқариш, режлаштириш ва шартномалар бўлими бошлиғи Ғофир Эгамбердиев, ер ишлари хизмати етакчиси Собир Содиков, техника хавфсизлиги ва энергетика бўлимини бошқараётган Ҳабибулла Ражабов, қурилиш лабораторияси мутасаддиси Қувондиқ Мадраҳимовларнинг истеъдоди-ю, салоҳияти бунга гаров буляпти. Ютуқларда таъминот ва иш юритиш вазифаларини сидқидилдан ўтаётган Худойберган Матчонов, Айша Рўзимбетоваларнинг ҳам хос ва мос улуши мужассам.

Бунёдкорлик манзарасига эса бевосита қурилиш - монтаж ташкилотлари ва ишлаб-чиқариш, таъминот корхоналарида дуч келасиз. Бу жабҳалардаги қайноқ меҳнат туфайли ҳиссадорлик жамиятининг I-сон кўчма механизациялашган жамланмасига раҳбар бўлган Иброҳим Курбонбоев, 3-сон кўчма механизациялашган жамланмаси бошлиғи Мақсуд Бобоев, 5-сон кўчма механизациялашган жамланма раҳбари Сафарбой Давлатов, Туямўйин материал таъминоти жамиятига етакчилик қилаёт-

ган Баҳодир Ҳасанов, Туямўйин гишт заводи директори Мақсуд Хўжаниёзовлар воҳанинг кўп минг сонли бунёдкорлари орасида ўз ўрни, нуфузи, обрў ва эътиборига эга.

Бош штабда яна бир азамат йигит бор. Аслида “Туямўйин-сувқурилиш” нинг фаолиятини унинг хизматисиз тасаввур этолмайсиз. Диспетчерлик - алоқа хизматини идора-нинг юраги дейишганича борлигини Абдиримнинг бир паслик ишини кузатсангиз яққол сезиб оласиз. Айни бир вақтнинг ўзида қурилиш бўлинмалари, пудратчи ташкилотлар, шаҳар идоралари, Ҳазорасп, Боғот, Урганч, Тошкент шаҳарлари билан алоқа боғлаш, раҳбарларнинг минг хил топширигини ижрочиларга етказишнинг ўзи бўладими? Трест бош алоқачиси Ҳамид Ойбетовнинг муносиб шоғирди Абдирим Каримов буларнинг барига улгуради, барини бўлдиради. Ана шундай меҳри дарё қалби қайноқ кишиларнинг меҳнати туфайли дашт обод диёрга, қақроқ адирликлар оби-ҳаёт денгизига, барпо этилган иншоотлар равноқ, барқарор турмуш ва бахтиқбол манбаига айланди.

Бозор муносабатлари қонуни қурувчи қурилишни эмас, балки қурилиш қурувчини танлаши лозимлигини кўрсатади. Қурилишни энг удабурро ва моҳир қурувчигина ютиб олиши мумкин. Кейинги йилларда эълон қилинган кўпгина қурилишларни тендер савдолари чоғида нуқул Туямўйинлик бунёдкорлар ютиб олишаётгани уларнинг маҳорат ва тажрибаси юқори баҳоланаётганидан далолат. Бевосита Туямўйин денгизи ва нурқувват манбаини бунёд этиш соҳасидаги улкан яратувчилик ишлари поёнига етганидан буён ҳам анча сувлар оқиб ўтди. Бироқ, бу масканда тобланган бунёдкорларга нисбатан воҳа аҳлининг меҳри ва ишончи ҳамон баланд.

2. Йилнома.

Туямўйиндаги улкан қурилиш нафақат бунёдкорлик меҳнати қатнашчилари, шу ерда ишлаётган маҳаллий раҳбарлар, балки Республика раҳбариятининг ҳам оромини угирлагани аниқ. Акс ҳолда нақ 750 миллион сўм маблағ (бутун бошли Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг камида 7-8 йиллик сарф-харажатларига баробар)ни ҳеч иккиланмай “Туямўйинсувқурилиш” жамоаларининг қўлига тутказиб юборишмасди. Эл ғами-ташвиши, юрт равноғи манфаатлари, ватани ва халқини севиш туйгулари даъват этди уларни бундай хайрли, айни пайтда маъсулиятли қадамларни ташлашга.

Бошқарма фаолиятини бошлаган 1970 йили қурилиш - монтаж юмушлари учун атиги 4,5 миллион сўм капитал маб-

лағ ажратилди, сўнгги йили бу кўрсаткич 10,6 миллион сўмга, 1972 йили эса 13 миллион сўмга етди. Аммо, турли сабаб-оқибатлар боис, дастлабки 5 йилда бу маблағларнинг 75-80 фоизигина ўзлаштирилди холос.

Яратувчилик ишлари чинакам авж олган 1975-87 йилларда эса қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

1975 йил.

Йил давомида 24 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилганди. Амалда 24,8 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. 1970-75 йилларда жами 87,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ана шу йиллар учун ажратилган маблағ эса 102,8 млн.сўм эди. Йил давомида 5,5 млн. сўмлик ўрнига 10,6 млн.сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 133 минг ўрнига 113 минг кубометр бетон ётқизилди. Бунинг асосий қисми бўлгуси сув тўсиш иншооти таъминига ётқизилди.

Яна бир йирик объект Султон-Санжар иншоотига 24,8 минг кубометр бетон ётқизилди. Бу ерда 102 минг кубометр ҳажмида тупроқ қазиш ишлари бажарилди.

Май ойида Дюкер-шлюзи ва регулятори муҳандислик иншоотига бетон ётқизиш бошланди ва йил давомида 13,1 минг кубометр ҳажмида бетон пойдевор ҳозирланди.

1972 йил июль ойида бошланган 3-дамба қурилиши /узунлиги 5 км/ да тупроқ кўтариш ишлари тугалланди. Ўнг ва чап қиргоқ магистрал каналлари қурилиши давом эттирилди. 400 минг тонналик цемент омборхонаси, йирик қозонхона фойдаланишга берилди. Суткасига 34 тонна металл панжаралари тайёрлаш қувватига эга бўлган арматура хўжалигини ишга тушириш режаси амалга ошмади. Питнак посёлкасида бетон узели қурилиши бошланди. 1972-75 йиллар мобайнида 8 та 44 хонадонли, 258 та бир хонадонли иморатлар, 280 уринли болалар боғчаси қуриб битказилди.

1976 йил.

30,02 млн. сўмлик ўрнига 27,2 млн. сўмлик капитал маблағлар узлаштирилди. Ишлаб чиқариш объекtlари қурилишига 23,1 млн. сўмлик маблағ харжланди. "Туямўйинсувқурилиш" билан ёнма-ён "Союзвзривпром", "Казмантажавтоматика", "93-трест", "Узэлектромонтаж", "Узсантехгазмонтаж", "Средагаз-тепломонтаж", "Узпром—вентилияция", "7-Мостострой", "Средаазтранстрой", "Средаазэлектросетстрой", "Гидро-механиза-

ция”, “Гидромонтаж”, “ Гидроспецстрой”, “Союзўзбекгаз”, “Промжилводстрой”, “Ўзспецводдренаж”, “Водспецремонт”, “Югаракалпакводстрой”, жами 24 та ёрдамчи пудратчи қурилиш - монтаж ташкилотлари жамоалари фаолият кўрсатдилар.

1970-72 йилларда бошланган Туямўйин темир йўл станцияси, арматура хўжалиги, кислород станцияси қурилишлари давом эттирилди. Йил давомида 142,5 минг кубометр бетон ётқизилди, режага кўра эса 160 минг кубометр бетон ётқизилмоғи зарур эди. Қурилиш-монтаж ишлари бошланганидан буён ётқизилган бетон 291 минг кубометрга етди.

1977 йил.

28,8 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддалаш кўзда тутилганди. Амалда эса 28,2 млн. сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ишга туширилган асосий фондлар қиймати 22,3 млн. сўмликни ташкил этди. 1176 ўқувчи ўринли мактаб, 600 ўринли ҳунар-техника билим юрти бинолари, “Маҳалла” маркази, нонвойхона, 10,8 километр узунликдаги канализация, 4,4 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари фойдаланишга берилди. Қурилиш бошлангандан буён 449,5 минг кубометр бетон ётқизилди. Режа бўйича эса 915 минг кубометр ҳажмида бетон ётқизилмоғи даркор эди.

1978 йил.

27,8 млн.сўмлик ўрнига 29 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уддаланди. 400 ўринли кинотеатр, 280 ўринли болалар богчаси, 100 ўринли ошхона, 9 километр масофадаги газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Узок узилишлардан сўнг Новокраматорск машинасозлик заводи гидроэлектростанция қурилиши учун 335 ўрнига 715 тонна ҳажмида асбоб-ускуналар етказиб берди. 260 минг кубометр бетон ётқизилди. Шу йили 3, 4, 6-дамбалар, чап қиргоқ магистрал каналининг сув тақсимлаш иншооти, ҳар секундда 800 кубометр сув ўтказувчи дюкер-шлюзи ва регулятори, Туямўйин темир йўл станцияси, 3 — қурилиш - монтаж бошқармасининг ишлаб чиқариш мажмуи, 2 - сон бетон заводи, Ҳазорасп туманида 17,8, Бухоро вилоятида 722, Қорақалпоғистонда 545 гектар янги ерлар ўзлаштирилди.

1979 йил.

27,8 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш режаси 29,4 млн. сўмлик қилиб адо этилди. 200,5 минг ўрнига

213 минг кубометр ҳажмдаги бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди.

ГЭС биноси, асосий сув тўғони, чап ва ўнг қирғоқ магистрал каналларининг сув ўтказиш иншоотлари, Султон-Санжар, Кўшбулоқ ҳавзаларига сув элтиш ва сув олиш каналлари, тупроқ тўғон /дарёнинг эски ўзанида/ барпо этилди. 5 декабрь куни Амударё тўла тўсилди. Сув асосий тўғон орқали оқа бошлади. Қиймати 78,3 млн.сўмликдан иборат 150 млн. кубометр сизимли дастлабки “Ўзан” сув омбори шу тариқа ишга туширилди.

17 январь куни “Туямўйинсувқурилиш” фаолларининг йиғилиши бўлди.

1980 йил.

Бош пудрат ишлари учун 25,5 млн. сўм маблағ ажратилган эди. Бу 26,02 млн. сўмлик қилиб адо этилди. Уй-жойлар қурилиши режаси 122 фоизга уддаланди. Жами 4491 квадрат метр саҳнли турар жойлар қурилди. Бу – 1979 йилдагидан қарийиб 1000 квадрат метр кўп демакдир. Ҳаммаси бўлиб 132,6 минг кубометр бетон коришмаси ишлаб чиқарилди. Қурилиш ҳавзаларида 2801 нафар киши меҳнат қилди. Ўртача маош ойига 228 сўмни ташкил этди. Шу йили 310 уринга 550 нафар малакали курувчи тайёрланди. 400 миллион кубометр сизимли янги сув омбори ишга туширилди. Бу билан 120 минг гектар саҳнли экинзорларнинг оби-ҳаёт таъминоти яхшиланди. 1-2-3 дамбалар, унг ва чап қирғоқ магистрал каналларининг сув ўтказиш иншоотлари фойдаланишга топширилди. 6 та гидротрубинадан иборат нурқувват станцияси, секундига 9620 кубометр оби-ҳаёт ўтказадиган баландлиги 34, бўйи 141 метрлик асосий сув тақсимлаш тўғони, “Дўстлик” шаҳрида 280 ўринли болалар богчаси, чойхона, нонвойхона, ошхона, 400 ўринли кинотеатр, салқин ичимликлар цехи-жами 35 та объект фойдаланувчилар ихтиёрига берилди.

1981 йил.

23,3 миллион сўмлик ўрнига, 25,5 миллион сўмлик бош пудрат ишлари уддаланди. Қарийиб 5 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар қурилиб, шу юздан режа 121 фоизга бажарилди. Мактаб ва ҳаммом бинолари фойдаланишга топширилди. 1 миллиард кубометр ҳажмли сув омбори ишга тушди. Бу билан яна 80 минг гектар ерни сув билан таъминлаш имкони туғилди. Асосий қурилиш ҳавзаларига 113 минг кубометр бетон ётқизилди. Йил давомида 45 та катта-кичик иншоот ва иморатлар қуриб битказилди.

1982 йил.

Йил бўйи 27,5 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Бу режага нисбатан 105 фоизни ташкил этди. 1050 миллион кубометр оби-ҳаётга мўлжалланган сув омбори, “Дўстлик” шаҳар касалхонаси мажмуи қурилишлари узил-кесил поёнига етди. Мавжуд қурилишларда 2547 киши меҳнат қилди.

1983 йил.

Капитал маблағларни ўзлаштириш юзасидан белгиланган режа бу йил ҳам ошириб бажарилди. 50 минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилашга хизмат қилувчи 300 миллион кубометр сизимли оби-ҳаёт ҳавзаси, шаҳар касалхонахонасининг янги бинолари, 54 минг бош чўчқа асралувчи чорвачилик комплекси, болалар боғчаси, 2 та фермахона мажмуи, 7161 квадрат метр саҳли турар жойлар фойдаланиш учун қабул қилиб олинди. 3768 киши жами 83 та бригадага уюшган ҳолда меҳнат қилди.

1984 йил.

37,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини удалаш режаси 39 миллион сўмлик қилиб адо этилди. Иш ҳажми 1983 йилдагидан 9,5 фоиз ортди. Туямўйин-Урганч, Туямўйин – Нукус магистрал сув қувурлари таомоқларини бунёд этиш, Агрегат /собиқ/ заводи қурилиши, Тупрокқалъа мавзесини ўзлаштириш давом эттирилди. “Ўзновгород-қурилиш” трести барпо этаётган қурилишларда “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли қурилиш - монтаж участкаси фаол иштирок этди.

1985 йил.

Бош пудрат ишлари режаси 103 фоиз қилиб удаланади. Ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 42,8 миллион сўмга етди. Иш ҳажми 10, меҳнат унумдорлиги 11,5 фоиз усди. Уртача ойлик маош 285 сўмни ташкил этди.

1986 йил.

1981 йилдан 1987 йилгача мавжуд ҳавзаларда жами 22,2 миллиард кубометр сув тўпланиб, йилнинг энг зарур ойларида экинзорларга етказиб берилди. Йил давомида 44,4 млн. сўмлик бош пудрат ишлари удаланиб, режа 102,7 фоизга бажарилди. Иш ҳажми, меҳнат унумдорлиги анча ортди.

1987 йил.

Пудрат ишлари ҳажми 47,9 миллион сўмликни ташкил этди. Режа ортиги билан уддаланди. Маданий - маиший объектлар, турар жойлар қурилиши кенг кулоч ёйдирилди. 750 млн. кубометр ҳажмли янги ҳавзани ишга тушириш билан мавжуд 4 та сув омборларидаги оби-ҳаёт ҳажми лойи-ҳадаги микдор - 7,8 миллиард кубометрга етказилди. 1970 йили бошланган улкан қурилиш ушбу йили тўла-тўқис поёнига етди.

3. Энг мухим воқеалар санаси.

- 1966 йил. КПСС (собик) съезди директивларида Аму-дарёнинг қуйи қисмида Туямўйин гидроузелини қуриш масаласи акс этди.

- 1969 йил октябрь. Туямўйин магистрал канали қурилиши ниҳоясига етди. Шу муносабат билан бўлган тантанали митингда Ш.Рашидов, М.Худойберганов иштирок этиб, нутқ сўзладилар.

- 1970 йил 7 май. Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг 570-Р сонли қарорига асосан "Туямўйинсувқурилиш" бошқармаси ташкил этилди.

- 1971 йил. КПСС (собик) съезди директивларида Туямўйин гидроузели қурилишини жадаллаштириш тadbирлари кўзда тутилди.

- Шу йил 16 ноябрь. Туямўйин гидроузели қурилишини авж олдириш юзасидан Ўзбекистон ҳукуматининг 545-сонли қарори қабул қилинди.

- 1972 йил 14 январь. Ўзбекистон раҳбариятининг "Туямўйин гидроузели қурилишини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳақида"ги 22-сонли қарори эълон қилинди.

- 1973 йил ноябрь. Асосий иншоотлар пойдеворига дастлабки бетон ётқизилди.

- 1973 йил 28 ноябрь. "Туямўйин гидроузели қурилишини янада жадаллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон КП.МК ва Республика Вазирлар Кенгашининг 529 сонли қўшма қарори қабул қилинди.

- 1974 йил 6 июнь. "Туямўйинсувқурилиш" фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Республика ва вилоят раҳбарлари: Ш.Рашидов, М.Худойберганов нутқ сўзладилар. Йиғилиш ишида Туркменистон ва Қорақалпоғистон раҳбарлари, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукумати аъзолари қатнашдилар.

- 1974 йил 11 сентябрь. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси Ўзбекистон сув хўжаликлари қурилиши бош бошқармаси таркибидан чиқарилиб, республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги қарамогига ўтказилди. В.Г.Духанин бошқармага бошлиқ қилиб тайинланди.

- 1975 йил октябрь ойида бошқарма фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон раҳбари Ш. Рашидов катта нутқ сўзлади.

- 1976 йил 30 январь. Шаҳар типидги Шорловуқ посёлкасини вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказиш ва унга “Дўстлик” номини бериш юзасидан Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фармони эълон қилинди.

- 1977 йил 24 август. “Амударёда Туямўйин гидроузелининг 1-навбатини ишга туширишни тезлатиш чоралари ҳақида” ги қўшма қарор эълон қилинди.

- 1979 йил декабрь. Туямўйинда Амударё тўсилди. Сув асосий тўғон орқали оқа бошлади. “Ўзан” сув омборида ҳажми 150 млн. кубометрлик дастлабки ҳавзага оби-ҳаёт тўплаш бошланди. Гидроузелининг биринчи навбати ишга туширилди.

- 1980 йил 16 июнь. “Туямўйин гидроузели қурилишини тезлаштириш сув омборига 1981 йилда 2,6 миллиард кубометр сув тўплаш тўғрисида” республика партия ташкilotи ва Ўзбекистон ҳукуматининг 450-сонли қўшма қарори қабул қилинди.

- 1982 йил 27 ноябрь. “Туямўйин гидроузели қурилишида биринчи даражали ишларни тамомлаш ва сув омборларига 5,3 миллиард кубометр сув йиғиш тўғрисида” ги қўшма қарор эълон қилинди.

- 1987 йил. Мавжуд сув омборларида лойиҳада кўзда тутилган миқдорда /7,8 миллиард кубометр/ оби-ҳаёт тўпланди. Амударёда Туямўйин гидроузелини қуриш режаси муваффақиятли бажарилди.

- 1990 йил 1 январь. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси Ўзбекистон деҳқончилик саноати мажмуи қурилишлари давлат-ширкат бирлашмаси таркибига берилди.

- 1992 йил 16 март. Шаҳарни бошқаришнинг ҳокимлик усули жорий этилди. Шаҳар Кенгаши сессиясида ҳокимлик маҳкамаси, унинг бўлим ва идоралари шакллантирилди. Ислом Эшчонов шаҳарнинг биринчи ҳокими қилиб сайланди.

- 1994 йил 25 январь. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси шу номли трестга айлантирилди ва Ўзбекистон сув хўжаликлари қурилиши концерни ихтиёрига ўтказилди.

- 1994 йил февраль. “Дўстлик” шаҳридаги автомобилсозлик заводида оғир юк тортувчи дастлабки машина йиғилди.

Шундан сал фурсат муқаддам эса /1993 йил 3 ноябрь/ Питнак кирлари саҳнида Ўзбекистонда биринчи ва энг йирик шакар заводи қурилиши бошланди. Ҳар иккала корхона қурилиши “Туямўйинсувқурилиш” жамоалари зиммасига юклатилди.

- 1998 йил сентябрь. Питнак шаҳри яқинида “Туямўйинсувқурилиш” трести жамоаларининг фаол иштирокида барпо этилган “Хоразм-шакар” давлат корхонаси ишга туширилди. Бу Ўзбекистон қанд-шакар саноатининг энг йирик ва тунгич корхонаси эди.

- 1998 йил 17 декабрь. “Туямўйинсувқурилиш” трести замирида “Туямўйинсувқурилиш” очиқ акциядорлик жамияти вужудга келтирилди. Саъдулла Жумабоев жамият раислигига сайланди.

- 2002 йил январь. Тошсоқа аҳоли пункти яқинида Амударёнинг ўнг ва чап соҳилларини темир йўл ва автомобил йўли воситасида ўзаро бирлаштирувчи кўприк қурилиши бошланди. Унинг тупроқ ишлари “Туямўйинсувқурилиш” жамоалари зиммасига юклатилди.

- 2002 йил август. Учқудуқ-Мискин темир йўл тармоғи бўйлаб поездлар ҳаракати йўлга қуйилди. Мазкур тармоқни Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукусгача, дарёнинг чап соҳили орқали эса Питнак-Урганч темир йўл йўналишигача узайтириш имкони юзага келтирилди.

- 2003 йил апрел. “Туямўйинсувқурилиш” акциядорлик жамияти кучи билан қайта қурилган Урганчдаги собиқ “Олимпия” спорт – соғломлаштириш мажмуи буюрт-мачилар томонидан қабул қилиб олинди. Май ойида бу ерда Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ўтказилди.

4. Дағиш.

Ўтган асрнинг 50-60-йиллари асов Аму ўзининг чап соҳилига узлуксиз ҳамла ясади. Хоразм воҳасининг бир неча ун минг гектар саҳли экинзорларини дарё ўз домига тортди. 1954-1970 – йиллар мобайнида Жайхун воҳа томон ўртача 8-10 километр масофага силжиди. Вилоятнинг энг сара ва унумдор ерлари ана шу ҳудудда жойлашгани назарда тутилса, “дағиш” оқибатлари воҳага нечоғли катта зарар етказганлигини илғаб олиш қийин эмас. 1939-1940 йиллари барпо этилган Тошсоқа магистрал канали “дағиш” етиб келмаслигини мўлжаллаб, дарёдан анча олис масофа бўйлаб қазилгани беш бармоқдай аён. Аммо, фалокат етти ўлчаб бир кесилган ҳолда қурилган мазкур каналгача етиб келди. 1964 йил ёзида рўй

берган “дагиш” айникса мудҳиш кечди. Асов Аму Карвак қишлоғида ўзини каналга урди. Дарё ва каналнинг беҳисоб суви канални тўлатди. “Дагиш” туфайли ҳосил бўлган сув йўли ўзани соат сайин кенгайиб, катта куч билан дарёдан канал сари ўтаётган уммон ҳажми ҳам шунга моманд орта борди. Агар иложини қилмаса, қудратли оқим таъсирида канал сари интилаётган дарё ха демай ўзига янги ўзан очиб, бутун бошли вилоятни сувга кўмиб юбориши тайин бўлиб қолганди.

Фалокат одамларни бирлаштирди. Вилоятнинг барча раҳбарлари бир — икки соат ичидаёқ фалокат нуқтасига етиб келиб, барча ишчи кучларини сафарбар этдилар. Юзларча техника воситалари, мингларча киши офат билан юзма-юз олишди. 10-12 кундан сўнг одамлар Жайхунда ҳорғинлик аломатларини пайқашди. Орадан яна бир ҳафта ўтгач эса дарё билан канал бир-биридан ажратилди. Дарё суви ўз ўзани, канал суви ўз ўзани бўйлаб оқа бошлади.

Хоразм аҳли ўзининг кўп асрлик тарихида Амунинг бу каби калтис ҳазили ва ўжарликларига неча бор дуч келганлиги-ю, қанча зиён кўрганлигини ҳисоблаб чиқиш амри маҳол.

60-йилларга келиб, тошқин хавфи Қуйи Амударё аҳолисини буткул саросимага солиб қўйди. Хоразм, Қорақалпоғистон ва Тошхөвүз “ёшулли”лари ҳам устма - уст рўй бераётган офатлардан безиб қолишди.

- Ҳа. Ғоятда ачинарли ва таҳликали дамларни ҳамма қатори биз раҳбарлар ҳам ўз бошимиздан ўтказганмиз, - деди ўтган мудҳиш кунларни хотирида гавдалантирар экан, Хоразм вилоятининг ўша кездеги раҳбари, вилоят партия кўмитасининг собиқ биринчи котиби Мадийёр ота Худойберганов.

Сўхбатдошимиз “дагиш” оқибатларини ҳам, унга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот кураши онларини ҳам ва ниҳоят бебош Жайхунни жиловлашга қаратилган тарихий бунёдкорликни ҳам ўз кўзи билан кўрган, яна ҳам аниқроқ айтиладиган бўлса, ана шу жараёнларнинг барига бош-қош бўлган раҳбар - раҳнамоларнинг бири. У киши асов Аму билан олишувнинг энг нозик ва ҳаяжонли дамлари - 60-80 — йиллар воқеаларини бошқалардан кўра яхшироқ биладилар. Шу боиски, Мадийёр отанинг сўхбатини мароқ билан тингладик.

5. Мадийёр отанинг ҳикояси.

- Амударёдаги хавfli вазият ўзбекистонликлардан ташқари туркменистонликларни ҳам кўпдан бери ташвишга солиб келаётгани унга кўшни вилоятнинг раҳбари сифатида менга ҳам яхши аён. 1965 йили Ўзбекистон Марказкомининг би-

ринчи котиби Шароф Рашидов ва Туркманистон Марказкомининг ўша кездеги раҳбари Болиш Авазов Тошкентда, Ашхободда, Москвада бир неча бор учрашиб, Амударёнинг ўз қирғоқлари билан хавфли “ўйин”ини жиддий муҳокама қилдилар. Афсуски, Амунинг таҳдидини тўхтатишга иккала республиканинг кучи ва маблағи кифоя қилмасди. Офатни Москванинг фаол мададигина бартараф этиши мумкин. Аммо Кремлдагиларни кўндириб бўлармикан? Бу масалада якка ҳолдаги ҳаракатдан ҳеч нарса чиқмаслиги мумкин. Москвадагилар ҳам анойи эмас. Чекка республикага мададдан доимо ўзларини олиб қочишади. Бундай вазиятда улардан бирон тийин ундириш амри маҳол.

Дарёнинг тўхтовсиз хуружи ҳар икки республика аҳли ва раҳбарларини бир ёкадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундади. Рашидов ҳам, Авазов ҳам биргаликда баҳамжihat ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

Янглишмасам, 65 - йилнинг кузи эди. Москва Марказқўмнинг галдаги сёзди олдидан ўз директиваларини эълон қилди. Амударёда Туямўйин гидроузелини куриш бўйича мазкур ҳужжатда келтирилган бир неча сўздан иборат жумла менигина эмас, минтақамизда яшаётган барча аҳолини не чоғлик мамнун этганини тасвирлашга тил ожиз. Сирасини айтганда, Москва розилик бермас, деган андишада эдик. Негаки, гидроузел қурилишига қарши турганларнинг кўпчилигини ва улар аслида кимлигини мен ҳам яхши билардим. Лекин, Рашидов ва Авазов бир неча йил давомида уларга асло “ором” беришмади. Эшиқдан ҳайдаса, дарчадан тушиб бўлса ҳам ҳудуд аҳлининг арзи - додини уларга етказиш пайида бўлишди, сўзининг исботи учун бир неча ўн йиллардан буён Туямўйинда ўтказиб келинаётган тадқиқотлар ва унинг натижасида тўпланган ҳулосалар, таклифларни ўртага қўйишди. Ниҳоят, Кремл масалани қараб чиқишга розилик берди. 1964-69 йиллар мобайнида собиқ иттифоқ ҳукуматининг бир қатор етакчилари: Гусев, Алексевский, Новиков, Димшиц, Смирнов ва бошқалар Хоразмга келиб, вазиятни ўз кўзлари билан кўришди. Уларнинг кўпчилигини “дагиш” ҳамла қилаётган дарё соҳилигача олиб бордик. Туямўйинда гидроузел куриш масаласи бежиз қўйилмаётгани ва “дагиш” билан ҳазиллашиб булмаслингини улар ҳам англаб етишди. Бироқ, сирни бой бермасликка уринганлар ҳам бўлди. Чунончи, Алексей Косигининг муовини Игнатий Новиков воҳада бўлган чоғида дарё ўзанини нари - бери мустаҳкамлаш билан чекланса ҳам бўлавериши, йирик маблағни талаб этувчи гидроузел қурилишига ҳожат йўқлигини писанда қилди. Шу билан бирга Туямў-

йин “денгизи”ни барпо этиш ҳаётий муҳим зарурат эканлигини исботлашга уринган рус дўстларимиз ҳам йўқ эмасди. Шулардан бири Хоразм воҳасини қадамба-қадам кезиб, синчиклаб ўрганган академик Виктор Пославский масалани катъий қўйди. Туямўйин гидроузели - воҳани ҳалокатдан қутқаришнинг ягона чораси. Пославскийнинг собиқ Иттифоқ раҳбарлари олдида ўз хизматлари боис яхшигина обрўси борлигидан камина ҳам хабардор. У - қуйи Амударё минтақасини тадқиқ этишга ҳали 20 - йиллардаёқ бел боғлаб киришган таниқли олим. Уни ҳатто Сталин ҳам яхши таниган ва ҳурмат қилган. Унинг топшириғига кўра 1926-27 йиллари Сарикамиш ва “Борса келмас” ботқоқликлари, чўл - чўкмалярни пухта ўрганиб, Ўзбой қўлини Каспий денгизига улаш бўйича гоят қимматли таклифини илгари сурган. Минтақа раҳбарларининг бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиши ва у кишининг хулосалари ниҳоят ўз самарасини берди. Амударёда Туямўйин гидроузелини барпо этиш масаласи ҳукумат режасида жой олди. Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари минтақа халқларининг асрий орзуси истиқболда бирон - бир монеликсиз тўла - тўқис рўёбга чиқмоғи учун Кремелга яна бир бора “қуллуқ” қилиш лозимлигини пайкаб этишди ва 23 сёзда сўз берилган чоғи уни изҳор этишди. Шундан кейин Туямўйинда иш қизиб кетди. Лойиҳа - тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилди. Воҳга оби ҳаёт етказиб берувчи тармоқларни ягона манбаа - Туямўйинга жамлаш зарурати ана шу изланишлар туфайли яна юзага қалқиб чиқди. Қарийиб 20 километрлик Туямўйин - Тошсоқа магистрал канали ана шу изланиш ва саъй-ҳаракатларнинг дастлабки йирик натижаси бўлди. Туямўйин сув омбори ва гидроэлектро станцияси, бошқа мироблик иншоотлари, гидроқурувчилар шаҳрини барпо этишга қарата тараддуд тадбирлари ҳафта, ой сайин қизиб борди. Амунини жиловлаш соҳасидаги ташкилотчилик тадбирларида Солижон Мамарасулов, Исмоил Жўрабеков, Йўлдош Қурбонов, Мирзамаҳмуд Мирзааҳмедов, Саидқарим Зиёдуллаев сингари республика миқёсидаги раҳбарларнинг жонкуярлиги кўп иш берди. Туямўйиндаги улкан қурилишни шакллантириш, моддий-техникавий ва молиявий масалалар, ишчи кучлари муаммосини ҳал этишда уларнинг хизматини бекиёс, деб биламан. Ўша кезлари уларнинг бир оёғи Туямўйинда, бир оёғи Москвада, Иттифоқнинг бошқа шаҳарларида, яна бир оёғи Тошкентда бўлиб қолганлигини ҳечам унутолмайман. Улар собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларига мисоли бўзчининг моксидай қатнаб, қурилишни ташкил этиш юмушларини адо этишда жонбозлик кўрсатишгани ва Раши-

дов сингари нозикдид раҳбарнинг ишончини оқлашгани ҳамон хотирамда. Уларга бу серқирра тадбирларни адо этиш ва қурилиш-монтаж ишларини йўлга қуйишда вилоят миқёсидаги раҳбарлар: Раҳим Эшчонов, Қаландар Сафоев, Фахриддин Шамсуддинов, Бектош Раҳимов, Иван Духно, Жуманиёз Оташев, Бобожон Отабоев, Худойберган Мукашев, Абдулла Болтаев, Йўлдош Сатторов, Шариф Муродов, Искандар Дўсов, Мадамин Маткаримов, Рўзимат Юсупов, Маркс Жуманиёзов, Ислоҳ Эшчонов, Александр Корниенко, Виктор Духанин, Полиёз Ризаев, Қозоқ Холиμβетов, Алексей Инилеев, Искандар Юсупов ва бошқалар ҳаминша яхши маладкор бўлишди. Туямўйиндаги улкан қурилиш бевосита уларнинг яқин маслаҳат-кенгашлари ва раҳбар-раҳнамолиги туфайли амалга ошди.

Туямўйин гигантини барпо этиш билан боғлиқ 20 йиллик қурилиш марафони ғаройиб воқеа, ҳодисалар, янгиликларга ниҳоятда бой бўлганлигини, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий турмушнинг кувонч ва ташвишлари, ҳаяжонли дамларини бот-бот бошдан кечирганлигимизни ҳеч вақт унутолмасам керак.

... 1969 йилнинг даҳшатли баҳорини эслаган кишининг бадани жунжикиши турган гап. Март ойининг 12-чи куни қандай келгани ҳамон кўз ўнгимда. Обкомнинг навбатдаги Пленумини ўша куни чақиришни аввал мўлжаллаб қўйгандик. Анжуман учун ҳамма нарса шай. Аммо, каллаи саҳарда ногаҳон жаранблаган телефон кўнғироғи барини остин-устин қилиб юборишини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз.

Тошсоқада содир бўлган воқеа Корниенконинг ўтакасини ёраёзганди. Унинг бошдан - оёқ ваҳимали ахборотини қанчалик босиқлик билан тинглашга уринмай, бари-бир бўлмади. Тани-баданимда қаттиқ титроқ уйғонди. “Наҳотки Хоразмни сув босса”, ўзимга-ўзим савол бериб, дейман. Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Бунга йўл куёлмаймиз. Агар у содир бўлса бизни тарих ҳам, замондошларимиз ҳам кечирмайди.

Яхши биламан: Тошсоқадан бошланувчи қир-адир воҳанинг азалий сатҳидан ҳам 30-40 метр баландликда ястаниб ётади. Корниенконинг сўзига қараганда эндигина эрий бошлаган музлар Тошсоқагача оқиб келгач, тиқилиб, дарё ўзанини бутунлай тўсиб қўйган. Корниенко, сунъий муз тоғи соат сайин эмас, балки дақиқа сайин кўтарилиб, 30-40 метр баландликдаги Тошсоқа қиридан ҳам анча баланд кўтарилганлигини ваҳима билан сўзлади. Унинг айтишича, дарёнинг сунъий муз тўғондан қуйи қисмида оқим деярли тўхтаб қолган. Юқори қисмида эса аксинча, сув ўз қиргоқларига сиғмай Тошсоқа қирларигача кўтарилган.

Ўша муваққат тўғон, тобора кўп ва катта куч билан уймалашган қуйи оқиб келаётган муз-харсанглар таъсирида ювилиб кетса борми, Ҳазорасп тумани санокли дақиқалар ичидаёқ сувга гарқ бўлиши тайин.

Корниенконинг совук ҳабари мени ва вилоятнинг барча раҳбарларини оёкка тургазди. Санокли дақиқалардан сўнг биз раҳбарларни бағрига олган кичик самолёт ҳавога кўтарилиб, Тошсоқа томон йўл олди. Орадан ярим соат ҳам ўтмай аэропланимиз Тошсоқа узра айлана бошлади. Манзарани кўргач ўзимиз ҳам донг қотиб қолдик. Вазият чиндан ҳам қалтис, Корниенконинг ваҳимали сўзлари эса кўрганларимиз олдида ҳатто ип ҳам эшолмайди. Самолётда учган қуйи соҳил бўйлаб, Туркманистоннинг Дарғон-ота тумани марказигача бордик. Дарёдан оқиб келаётган музларнинг эса ҳамон охири йўқ. Агар шунча миқдор муз Хоразм сарҳадларигача етиб борса борми, ... йўқ, бу ёғини айтолмайман. Агар у содир бўлса, фалокатдан ҳеч ким омон қолмайди.

Шу топда бутун воҳа ҳаётини қил устида қолдирган маъшум тошқин қандай бартараф этилганлигини пеш қилиш ниятим йўқ. Уша куни Тошсоқадан-Дарғон-Отагача учиб бориб, изимизга қайтар эканман миямга бир ўй маҳкам ўрнашиб олди: Телба дарёни Туямўйинда тезроқ жиловлаш керак. Агар у инсон измига бўйсундирилса Тошсоқа ёки Чолиш посёлкаси (Тошсоқадагига айнан ўхшаб кетадиган даҳшатли воқеа орадан бир ҳафта ўтгач мазкур аҳоли пунктида ҳам содир бўлганди)даги каби мудҳиш ҳол ҳеч қачон юз бермаслиги аниқ. Шундай экан Туямўйиндаги қурилишни ҳаялламай бошламоқ даркор.

Уша куни Пленум ўтказилмади. Вилоятга Марказдан лавозимли вакилларни жўнатиш илтимос қилинди. Воқеа содир бўлгач Қорақалпоғистон раҳбарлари ҳам ҳаялламай етиб келиб, манзарани ўз кўзлари билан қўришди. Энди буёғи аниқ эсимда йўқ: 17 ёки 18 март эди. Қолдирилган Пленумни чақирдик, унинг тартибини эса вазиятга ҳамоҳанг равишда анча ўзгартиришимизга тўғри келди. Фурсатдан албатта фойдаланиб қолмоғимиз зарур, негаки Пленум ишида кимсан Шароф Рашидов, Ёдгора Насриддинова, Назар Матчоновнинг шахсан ўзлари иштирок этишаётганди.

Шахсан ўзимга қолса, башарти бир дақиқа сўзласамда, унда Туямўйиндаги қурилиш масаласини илгари сурмоқчиман. Йўқ. Анжуман бошидаёқ Шароф ака зални тинчлантирди: Бир неча йиллардан буён (гарчи 23-съезд директивасида кайд этилган бўлсада) оқ фотиҳа берилмаётган қурилиш ниҳоят бир неча ойдан сўнг катта йўлга чиқади. Дастлаб Туямў-

йин магистрал канали қурилишидан бўшайдиган барча ишчи кучлари, изма-из эса бошқа жойлардан келиши кутилаётган воситаларнинг бари гидроузел бунёдкорлигига сафарбар этилади, деди. Республиканинг тегишли раҳбарлари ва вазирликларига Марказқўм ҳамда Министрлар Кенгашининг Туямўйин гидроузели қурилишини бошлашга доир қўшма қарорини тайёрлаш бўйича Пленумда махсус топшириқ берилди. Рашидовнинг топширигига биноан Республика Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари М.Мирзааҳмедов тезора ўз кўч-кўлони билан Туямўйинга келиб, муқим жойлашди, деса хато қилмайман. У киши қурилишга ҳозирликнинг бориши юзасидан Рашидовга мунтазам ахборот бериб борганидан яхши хабардорман. Амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳар кун хабар бериб туришни аслида Шароф аканинг шахсан ўзи тайинлаганини ҳам яхши биламан. Аслида бу ҳақда тўхталишим жоиз эмасди. Бироқ, Рашидовнинг ўлимидан сўнг Москвадаги айрим корчалонлар Туямўйиндаги қурилишга Республика ва вилоят раҳбариятининг кўпам дахли йўқлиги ҳақида вайсашгани қулоғимга чалинди. Бу - ҳақиқатдан мутлақо йироқ даъво.

1970 йили Туямўйин ва Питнак қир-адирликлари улкан қурилишлар майдонига айлангач Шароф ака Хоразмга янада қаттиқроқ боғланиб қолганлигини кун сайин равшан илғай бошладим. У киши Тошкентда ҳеч маҳал тинч ўтира олмай қолдилар. Обкомга кунора шахсан ўзи телефон қилиб, вазият билан танишишни у киши ўзига одат қилдилар. 1974 йили Марказқўм ва ҳукуматнинг гидроузел қурилишига оид навбатдаги қўшма қарори қабул қилингач эса Жайхун соҳилига Ўзбекистоннинг барча раҳбарларини йигиб келдилар. Питнакда қад ростлаган йирик бетон заводининг улкан ишлаб чиқариш биносида мингга яқин киши иштирокида Рашидовнинг ташаббуси билан катта йиғин ўтказилди. Ушбу тарихий кенгашда Москвадан Марказқўмнинг бўлим бошлиғи Засухин (у бу ерга Рашидовнинг сўровига биноан етиб келганди), Ўзбекистон Марказқўми бюроси ва ҳукумати аъзолари, шунингдек Туркманистондан ушбу Республика Марказқўми биринчи котиби Ғофуров, иккинчи котиби Рыков, Олий Кенгаши раиси Қиличев, Тошҳовуз вилояти раҳбари Отаев, Қорақалпоғистон партия қўмитаси биринчи котиби Камолов ва бошқалар ҳозир бўлдилар. Туямўйин сув омбори қурилиши бу пайтга келиб, нечоғли катта саҳнага чиққанлигини, бу ҳолат шахсан Шароф Рашидовнинг тарихий хизматлари эвазига рўй берганлигини ушбу йиғиннинг нуфузданок яққол англаб етса бўлади. Ўша кун барча меҳмонлар Урганчда тунаб қолишди.

Рашидов меҳмонлар анойи кишилар эмаслигини, уларнинг хизмати ва обрў-эътибори улкан қурилишни муваффақиятли тугаллаш кафолатини беришини бизга қайта-қайта уқдирди. Ҳатто, меҳмонлар учун ҳозирланган ётоқхоналардаги шароит хусусида сўрашни ҳам хотирдан фаромуш этмади.

Ўзбекистон Марказқўми раҳбарининг кўрсатмасига бинотан Туямўйинда ютуқларни муносиб нишонлаш аъъанаси юзга келди. Шунга мувофиқ улкан қурилиш саҳнасида асосий иншоотлар котлованига биринчи, беш юз минггинчи, миллионинчи кубометр бетонни ётқизиш, Амударёни тўсиш тадбирининг якунловчи босқичида қатнашиш, Питнак (собик “Дўстлик”) шаҳрида қурилажак биринчи иморатга дастлабки гиштни қўйиш учун махсус мусобақалар уюштирилди. Унинг голиблари катта-катта мукофотлар билан тақдирландилар.

Ҳозир Питнак шаҳри қурилиши қанчалар кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлганини балким кўпчилик билмас. Шахсан ўзимга шуниси аёнки, бўлгуси гидроқурувчилар шаҳрини Туркменистон ҳудудидаги ҳозирги Газ-ўчоқ посёлкаси, “Газ-ўчоқ” посёлкасини эса (ушбу посёлка ҳам собик “Дўстлик” ка эгизак) Ҳазорасп тумани марказига яқин жойдаги Қоракўм саҳроси этакларида барпо этиш хусусида анча-мунча гап-сўзлар бўлган. Бу юзадан талаб ва таклифларни ҳатто Москвага етказишган. Аммо, пировардида ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Солижон Мамарасуловнинг пухта уйланган ва асослаб берилган таклифи қабул қилинди. Рашидов ушбу ақлли таклифни биринчи бўлиб маъқуллади. “Дўстлик” айнан ўз ўрни-“Дўстлик”да барпо этилди. Рашидов ўз таклифи Москвада қабул қилинмагунча асло тиниб-тинчимади.

Машъум “қайта қуриш” йилларида Рашидовни Оролнинг “бошига сув куйиш”да айблашганини шахсан ўзим ҳечам ҳазм қилолмайман. Негаки, Сибирь дарёлари сувини Оролга томон буриш йўли билан ушбу ҳаёт-мамот денгизини ҳалокатдан қутқариб қолишнинг энг фаол ташаббускори ва ташкилотчиси айнан Шароф ака эканлигини айримлар билишмаса ва билишни ҳам исташмаса, буни тарих ва аксарият замондошларимиз яхши билишади. Рашидов Туямўйин денгизи Оролнинг “кичик укаси” эканлигини, уни оби-ҳаёт билан таъминлаб туришни айнан ўша “кичик ука” ўз зиммасига олиши зарурлигини қайта-қайта такрорлар эдилар. Бу — айни ҳақиқат. Амударё сувининг пала-партиш ва режасиз сарфланиши кунни келиб, Оролни маҳв этиши аниқ. Шундай вазиятда Туямўйин гидроузели орқали режали равишда етказиб бериладиган сув уммонигина унга мадад була олади. Бу бизнинг ёки бошқа бировнинг эмас, Ўзбекистон раҳбарининг сўзи,

ўгити, маслаҳати, васияти. Шундай экан, Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарлари Оролнинг ўлишини жимгина кузатиб туришиди, деган беъмани гап-сўзлар тамомила асоссиздир.

Туямўйин гидроузелининг биринчи ва иккинчи навбатлари ишга туширилиши Шароф Рашидовнинг ҳаётида катта воқеага айланди. Сахро қаърида барпо этилган сунъий денгизни ўз кўзи билан кўриш учун Тошкентдан атайлаб келганига бошқалар қатори мен ҳам гувоҳман. Амударё ҳавзаси, сув омбори ва асосий тўғон ҳамда ГЭС трубиналари орқали 15-20 метр пастликка шовуллаб тўшаётган улкан сув оқими уни ўзига маҳлиё этар, баҳри-дили очиларди. Бир гал шундай бўлган:

- Тушликни Туямўйинда қиламиз,-деб қолди.

Азим Аму сувларидан дили қувнашини яхши билганимиз учун унга аталган дастурхонни махсус безатилган катер саҳнида ёйишга қарор қилдик. Катер шундоққина соҳилда, асосий тўғон қурилаётган жойнинг яқинида турарди. Хиёл нарида эса бунёдкорлик сурони. Катердан туриб, мисоли чумоли галаларидек ҳаракатланаётган машиналар, одамларни бемалол кузатиш мумкин. Манзара Рашидовга маъқул бўлишига ишончимиз комил эди. Чиндан ҳам у манзарадан чексиз шавқ-завқ олди. Бироқ, ишлаётган одамлар кўз унгида тушлик қилишдан қатъиян бош тортди. Бунисини кутмовдик. Начора. Рашидовнинг Хоразмда экани вилоятнинг каттадан-кичик барча раҳбарларини хуш-ёр торттиради. Шу жумладан Искандар Дусовни ҳам. Қолаверса, Искандар ака ниҳоятда синчков ва эътиборли одам. Ярим соатлар чамаси муқалдам Боғотдаги собиқ Наримонов номли жамоа хўжалиги ҳудудида бизни кутиб олган ва кузатиб қўйган. Рашидовнинг ҳам Дўсовга ихлоси баланд. Агар у меҳмондорчиликқа таклиф этса Рашидов ҳеч қачон йўқ демасди. Шуни назарда тутиб, Искандар акага кўнғирок қилдим. Буни қарангки, Рашидовнинг Боғотдан ўтиб, Туямўйинга кетгани уни тамомила хотиржам торттирган ва хўжалик юмушларига ун-наб кетган. Ахир у Туямўйинда тушлик қила олмаслигимизни қаёқдан билсин? Агар билганида борми, хўжалик боғидаги меҳмонхонасидан бир қадам ҳам нари жилмасди. Аксига олиб, шу топда Искандар акани топиб бевосита ўзи билан гаплашишнинг имкони бўлмади. Зудлик билан тушлик ҳозирлашни, Искандар ака-



ни топиб, Рашидовнинг таширифидан хабардор қилишни унинг муовинига тайинладим. Бўлмади. Ишлар барибир чаппасидан кетди. Биз етиб боргунча раисни барибир топишолмабди. Республика раҳбарини куттириб қўйишга эса ҳаққимиз йўқ. Майли, Дўсов бўлмаса Маткаримов бор-ку, деган фикр келди миямга. Боғотдан туриб Янгиариққа - Мадамин акага қўнғироқ қилдим. Ҳайрият — у ўз ўрнида экан. Шошилинч равишда тушлик ҳозирлаш ҳақидаги таклифимиз у кишига маъқул тушган бўлсада, нимадандир кўнгли тўлмаётганлигини сўз оҳангидан сезиб олдим. Маткаримов бизни бир соатдан сўнг Боғот ва Янгиариқ туманлари ўзаро туташган катта йўл ёқасида кутиб оладиган бўлди. Лекин, бу ерда ҳам омадимиз чопмади. Тушликни ҳозирлашга ҳали улгуришмабди. Бу орада вақт ҳам кечки соат 5 ни қоралаб қолди. Ҳамроҳим миқ этмайди. Афтидан ҳаммасини фаҳмлаган кўрилади. Сафаримиз кечкурун соат 6 ларда тугади. Уйга қайтишдан бўлак иложимиз йўқ. Кечкурунги нонуштага ош ҳозирлашни Ниёзжон бийингиз (рафиқаси)га тайинлаб кетган, унга Шароф акани ҳам таклиф қилмоқчи эканлигимни айтган эдим. Қорни очқаганини билсада, ўзини билмаганга солаётган меҳмон таклифимни ерда қолдирмади. Тушлик ва кечкурунги овқатни оила даврасида Шароф ака билан бирга қилдик.

Рашидов Хоразмча паловни иштаҳа билан тановвул қиларкан, деди:

- Одамлар Туямўйиннинг машаққатини 15 йилдан буён татиб келишаяпти. Оч-наҳор, юпун қолган вақтлари ҳам кўп бўлган. Кишиларнинг 15 йиллик машаққати олдида, бизнинг бир кунлик кийинчилигимиз нима бўпти? Сизга айтсам, Мадийр Худойберганович, тушлик бизни маҳтал қилиб қўйган чоғда кўнглимга бир фикр келди: Раҳбарлар оддий одамлардан айро яшамасликлари керак. Чўл ва дашт шароитида ишловчилар дуч келиб турадиган бундай шароит, бизга ҳам рўпара бўлганидан асло нолимаслигимиз керак. Аммо, оддий меҳнат кишиси учун ғамхўрликни ҳеч вақт қанда қилмаслик лозим.

Сўхбатдошимиз бу сўзларни бежиз айтмаганди. Кейинчалик, Туямўйин гидроузели қурилиши поёнига етар чоғи Рашидов мендан “Дўстлик” (Питнак) шаҳри аҳолиси учун яратилган қулайликлар тўғрисида сўради. Ҳали анча иш қилишимиз лозимлигини айтдим. У киши бизни яна бир бора шоширди.

- Биласизми, гидроузел қурилишига деярли ҳамма республикалардан ишчи ва мутахассис кадрлар келган, - деди у жиддий бир фикрни айтишга чоғланаркан, - Уларнинг кўпчилиги бу ерга келмасиданок ўз ватанида малакали кадр сифатида тан

олинган, бошқа бирларини эса Туямўйин ўз бағрида тоблади, тарбиялади. Энди уларнинг бари бирдай юқори малакага эга. Қурилиш ҳам охирига бораётти. Ишчи деганимиз меҳнатсиз турулмади. Уларни қўлдан чиқармаслигимиз керак.

Шу гапларни айтarkan, Рашидов хўш нима дейсизлар, назари билан бизга тикилиб қолди. Биз ўз таклифларимизни ҳозирлаётганимизни айтдик.

- Маъқул, - деди у киши, қониқиш билан, - Агрегат заводи Ўзбекистоннинг йирик корхоналаридан бири бўлади. Бу қурилиш ҳеч бўлмаганда 2 мингтача малакали қурувчини ўзига жалб этиши мумкин. Марказқўм шу бугуноқ ўз фикрини ҳукуматга етказди.

Кейинчалик билсак, аэродром жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхонани Хоразмда бунёд этиш масаласида ҳам Москва билан анча-мунча баҳс-тортишувлар юз берибди. Лекин, Рашидовнинг Брежнев билан яқинлиги иш бериб, баҳсда ютиб чиқибди. Агрегат заводини айнан “Дўстлик” (Питнак)да қуриш учун Марказдан рухсат олишга эришибди.

Таассуфки, унинг бу орзуси ҳаётлигида рўёбга чиқмади. Корхона қурилиши Рашидовсиз аммо, Туямўйин гигантини бунёд этганларнинг фаол иштироки билан рўёбга чиқарилди. Ҳа, рўёбга чиқарилди, аммо янги корхона собиқ Иттифоқ аэропортлари учун бирорта ҳам жиҳоз ишлаб-чиқармади. СССР тарқалиши арафасида юзага келган бош-бошдоқлик ва тўрачилик қайфияти эндигина қад ростлаган корхонани ўлимга маҳкум этди. Ишлар бошланмаёқ тақа-тақ тўхтади.

Ҳайрият. Истиқлол.

... 1991-92 йиллари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бир неча бор Хоразмга сафар билан келди. Шу аснода “Дўстлик” шаҳрида “қантариб” қўйилган заводнинг ночор ҳолидан ҳам хабар топди. Улкан корхонанинг хувиллаб қолиши истиқлолимиз йўлбошчиси дилида ўкинч ва ачиниш туйғуларини уйғотгани аниқ. Орадан кўп ўтмаёқ — аниқроғи 1992 йилнинг ёзида Президент бир гуруҳ германиялик саноатчи-сармоядорларини шахсан ўзи “Дўстлик”ка бошлаб келди. Собиқ Агрегат заводини автомобилсозлик корхонасига айлантириш масаласи ана шу тариқа ечим топди. Германиянинг машҳур “Мерседес-Бенц” юк автомобиллари Хоразмда йиғиладиган бўлди. Корхона конвейеридан 400 дан зиёд ялтиллаган оғир юк тортувчи ва узоққа қатновчи “Мерседес-Бенц”лар тушиб келди. Питнак (“Дўстлик”)нинг рамзи туширилган мазкур автомобилларни ҳозир хориж ва Ўзбекистон йўлларида тез-тез учратишингиз мумкин.

Туямўйин гиганти шарофатидан шаклланган малакали кадрлар сафини сақлаб қолиш вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласи Хоразм автомобилсозлик корхонаси қад ростлаганидан кейин ҳам кун тартибда турди. Бунда ҳам Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси, раҳбар - раҳнамолиги, узоқни қўра олиш салоҳияти иш берди. Ўзбекистон қанд-шакар саноатининг энг йирик корхонаси — “Хоразм-шакар” заводини Питнак қирлари этагида барпо этишга қарор қилинди. Шу юзадан Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Корхона қурилиши учун 83 миллион АҚШ долларига баробар миқдорда маблағ ажратилди. Президентнинг шахсан раҳнамолиги туфайли қад ростлаган мазкур икки улкан корхонанинг бири — Хоразм автомобилсозлик заводи ўзининг дастлабки маҳсулотини 1994 йили берган бўлса, “Хоразм-шакар” давлат корхонасининг илк маҳсулоти 1998 йили олинди. Ўтган 35 йил мобайнида боғу-бустонга айланган Питнак —Туямўйин-Тошсоқа кенгликлари — бугун ҳам бунёдкорлик майдони. Президентнинг халқимиз хоҳиш - иродасини бажо келтириш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли Тошсоқа аҳоли пункти яқинида Амударёга улкан кўприк солинаёпти.

Мен ўзимни ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан ўтказган одам санайман. Туямўйин гидроузелига тамал тоши қўйилаётган 1965-67 йиллари вилоят ижроқўмига, қурилиш ишлари шитоб билан бошланган ва муваффақиятли равишда ниҳоясига етказилган 1968-84 йиллари вилоят партия қўмитасига раҳбарлик қилганман. Ўз замонамнинг фарзандиман, десам хато қилмайман ва ҳеч ким уни мақтанишга йўймаслигини истайман. Тақдир менинг ва оиламнинг бошига ҳаётнинг энг бахтиёр дамларини кўп ёғдирган, гдлянчилар исканжасида тутқунлик азобини тортган онларни ҳам унутолмайман. Нимаям дердим, бу ҳам тақдирнинг бир инояти. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг кутлуг қадамлари туфайли руҳи-жисмимда яна бахтиёрлик туйғулари кезади. Ёшим 80дан утсада, руҳиятим тетик.

... Мадиёр отанинг қизиқарли ҳикояси ниҳоясига етмоқда эди. Унинг бахтиёр чеҳрасига яна бир бора разм соламиз. Нур ёгилаётган юзиде бахтиёрлик аломати ва озгина ҳаяжон. Кўзиде эса хиёлгина ёш милтиллагандай бўлди. Аммо, бу энди ўкинч эмас, қувонч ёшлари эканлигини билиб ва қўриб турибмиз. У сўзиде давом этди.

Руҳиятимдаги навқиронликнинг боиси шу: Гдлян ва унинг гумашталари чангалига тушиб, ҳаётим бандилиқда

ўтаётган кунлари хаёлимни наҳотқи халқимиз ва юртимиз тақдири, келажаги шу бақироқ кўрнамақлар қўлига ўтса, деган оғир ва изтиробли фикр чулғаб олганди. Минг бора шукур: ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Юртимиз ўзининг муносиб фарзандлари, ворислари қўлида сайқал топаёпти. Истиқлолнинг ўтган қисқа даври мобайнида ўз халқи ва ватанини бениҳоя севиш, ардоқлаш салоҳиятига эга бўлган қобил ва қодир навқирон авлод камолга келди. Ватанимиз истиқболини Президент Ислом Каримов бошлиқ ишончли ва истеъдодли авлод қўлга олганидан биз қариялар бениҳоя мамнун, ҳамда хотиржаммиз. Бу юртда ўз авлодлари келажагига шубҳа билан қаровчилар асло булмаслигини истаб ҳар куни дуога қўл кўтарамиз.

6. Сўнги ташриф.

Қурилишга фаол улуш қўшган Рўзимбой Абдуллаев (Қурилиш бошқармаси ёшлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбари, “Дўстлик” шаҳар ижроқўми раисининг ўринбосари вазифаларида меҳнат қилган) ва Абдулла Матчонов (қурилиш касаба уюшмалари ташкилоти ва “Дўстлик” шаҳар кенгаши раиси вазифаларида ишлаган)ларнинг хотиридан бунёдкорликнинг ҳаяжонли ва унутилмас дамлари маҳкам ўрин олган. Уларнинг ҳикоясини бефарқ тинглай олмайсиз.

... Шароф Рашидовнинг ястаниб ётган улкан сув омбори, салобатли сув иншоотига, тўғон орқали бениҳоя куч ва шиддатла ҳайкириб оқаётган дарёга Туямўйиннинг баланд нуқта-сидан туриб бу қадар меҳрли ва чанқоқ, нигоҳ билан боқиши, шу аснода эса кўнглидан нелар кечаётганини ҳатто тасаввур ҳам этолмаймиз.

“Туямўйинни асранг дўстларим, у халқимизга асрлар бўйи беминнат хизмат қилсин. Сизнинг авлодингиз қаҳрамонона ишларни амалга оширди. Уларнинг меҳнатини қадрланг, Биздан кейинги авлодлар оталар жасоратини ҳаммиша хотирда сақласинлар ва шу каби жасоратга ҳар доим шай турсинлар. Туямўйин - дўстлик иншооти эканини, уни бутун мамалакат кўрганини, эндиликда эса барчага беминнат хизмат қилиши лозимлигини унутмангиз”.

Ота бу сўзларни 1983 йилнинг 29 октябрь куни айтди. Уни биз ўзимизга берилган наказ, маслаҳат, ўгит деб ўйлабмиз. Йўқ. Ўшанда ота туямўйинликларга қарата ўз васиятларини изҳор этган, оддий меҳнатчилар билан эса охириги бор учрашган экан. У ҳар биримиз билан қўл олишиб, илиқ хайр-

лашганча жўнаб кетди. Эрта тонг саҳарда эса Туямўйинга қалбларни ларзага солувчи машъум хабар етиб келди...

Тарихда шахснинг роли ва ўрни ҳақида кўп мунозара ва мулоҳазалар юритилган. Аммо, баъзан шундай фикрларни ҳам эшитамизки, гуё Туямўйиндаги улкан қурилишнинг Шароф Рашидов шахсига мутлақо алоқаси йўқ. Эмишки, Туямўйинда гидроузел қурилиши масаласи гуё Рашидовдан ҳам анча илгари кўтарилган ва уни қачон бўлмасин барибир қуришарқан. Ҳа, қуришарди. Аммо, комил ишонч билан айтамизки, Рашидов бўлмаганда уни воҳа учун айнан зарур бўлган 70-80 йилларда қуриш амри маҳол эди.

Демак, Туямўйин нур ва сув иншооти - ота хизматларининг, халқ хоҳиш - иродаси ва меҳнатларининг натижаси. Яна битта омил ҳақидаям тўхталмасликнинг иложи йўқ. Башарти, отанинг атрофига пойтахтда Исмоил Жўрабеков, Солижон Мамарасулов, Рим Гинаятуллин, И.К.Курцев Ю.В.Дмитриев, В.П. Чернов, Р.Ф. Мифтахов каби доно ва аллома ташкилотчилар, зукко олимлару, изланувчан муҳандислар, қилни - қиркка айириб, бир зумда ҳисобини чиқарувчи иқтисодчилар тупланишмаганида бу сингари ноёб иншоот шу қадар тез қад ростламаслиги турган гап эди.

Қурилиш айна қизиган кезларда Исмоил Жўрабеков Туямўйинга ҳафта, ой сайин келиб, ишга бош-қош бўлишни одат қилди. У қурилишга якка ўзи келмасди. Унга нафи тегадиган раҳбар борми, олим-тадқиқотчи ёки лойиҳачи борми, бари у киши билан бирга келар, этилган масалалар шу ернинг ўзиде тезкорлик билан ҳал этилар, мадад уюштириллар, йўл-йуриқ ва тавсиялар бериллар, наинки қурилиш раҳбарлари балки ҳар бир қурувчининг сузига, қалбига қулоқ тутиларди.

Шароф Рашидовнинг шахсан илтимосига биноан эса СССР /собиқ/ мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг раҳбарлари: Алексеевский, Васильев, Пўлатзодалар, бошқа вазирлар ҳам Туямўйинга бир неча бор келишганига одамлар шоҳид.

Пойтахтдаги тегишли вазирлик ва идораларда Туямўйин учун маблағ, моддий воситалар, машина-механизмлар, муҳандислар, ишчи кучлари ажратиш масаласи кун тартибидан мунтазам ўрин олар ва ҳаялламай ечим топарди. Қурилиш бошлиғи ва Республика раҳбари ҳамда етакчи идоралар ўртасида тўғридан-тўғри телефон алоқаси йўлга қўйилгани ҳам қурилишга нечоғли катта эътибор берилганидан далолат.

Қурилишнинг улкан жамоаси ҳақида ғамхўрлик қилиш раҳбарлар учун муҳим вазифага айланганига ҳам фактлар, да-

лиллар шоҳид. Бунёдкорлик ишлари авж олиб кетган йиллар қурилиш ахли озиқовқат ва саноат моллари билан биринчи галда таъминлангани, уй-жойлар, маданий маиший объектлар, тиббиёт ва таъ-



лим-тарбия муассасалари бунёдкорлиги энг долзарб юмушлар қаторига кўтарилгани ҳеч кимга сир эмас.

Республика раҳбариятининг таклиф ва ташаббуси билан собиқ мамлакатнинг таниқли киçилари, чунончи: космонавтлар - В.Жонибеков, В.Попов, машҳур санъаткорлар — Евгений Крилатов, Валентина Толкунова, Малика Қаландарова, Жўрабек Муродов, таниқли ижодкорлар Омон Матчон, Мирзакалон Исмоилий, Хамид Фулом, Уйғун, Эркин Самандаров, Ёйтибор Охунова, Жаббор Раззоқовлар қурувчилар ҳузурига бир неча бор ташриф буюришган.

“Хоразм ҳақиқати”, “Хорезмская правда” газеталари, вилоят телевидениеси ва радиосининг мухбирлик қароргоҳлари эса қурилишда доимий фаолият кўрсатган. Ҳатто Раҳим Бекниёздек забардаст қаламкаш вилоят газетасининг қурилишдаги махсус мухбири вазифасида ишлаган. Ушбу китобчанинг ҳаммуаллифи, ҳам оддий қаламкаш сифатида мингларча киши иштирок этган зарбдор қурилишда мухбирлик бурчини ўтаган.

Бундан чиқди, воҳанинг буюк иншооти авваламбор бунёдкор номини шарафлаган ажойиб қурувчилар, монтажчилар, муҳандис ва техник - ходимлар, хизматчиларнинг қаҳрамонона меҳнати, қолаверса бутун халқ оммасининг фаол иштироки, бениҳоя катта мадади, улуши баробаринда қад

ростлаганига шак-шубҳа йўқ.

Эндиликда уч Республикага беминнат хизмат қилаётган мазкур иншоот халқимиз қаҳрамонона меҳнатининг ёрқин саҳифаларидан бири сифатида тарихга киради.



7. Танишинг, Туямўйин баҳодирлари. (таржимаи ҳолдан сатрлар)

- **Абдуллаев Рустам** — 1944 йили туғилган. 1965 йили ўқишни тугатгач Питнак қурилиш - монтаж бошқармасида муҳандис, прораб, участка бошлиғи, “Туямўйин-сувқурилиш” га қарашли 2-сонли “СМУ”да бўлим бошлиғи, ёрдамчи хўжаликлар корхонасида директор ўринбосари, бош муҳандис, директор, моддий-техника таъминоти бошқармаси бош муҳандиси, 1-сон “СМУ” бошлиғининг муовини вазифаларида ишлаган. 1980 йилдан Туямўйин сув омборини бошқариш ва фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

- **Андрюшенко В.Ф** — 1932 йили туғилган. Олий маълумотли муҳандис. Туямўйиннинг биринчи қурувчиларидан. Уста, прораб, участка бошлиғи, бош муҳандис, “СМУ”- бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони ва ҳукумат нишонларига сазовор бўлган. 1979 йил январда вафот этган.

- **Аҳмедов Қурбонбой** — 1935 йили туғилган. 1965 йили Питнак қурилиш-монтаж бошқармаси прораблигига тайинланган. Сўнгра эса уста вазифасида самарали меҳнат қилган. Фидойи меҳнати, тиришқоқлиги туфайли қурилишнинг минг-мингларча қатнашчилари ҳурматини қозонган.

- **Башмаков Халил** — 1934 йили Ҳазорасп туманида туғилган. Махсус ўрта маълумот олгач, Туямўйинга ишга келган. Умрининг 30 йилга яқин вақтини гидроузел қурилишига сарфлаган.

- **Бобожонов Қурбонбой** — 1953 йили Ҳазорасп туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1968 йили жамоа хўжалиги аъзолigidан бошлаган. Армия сафида хизмат қилган. 1979 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тамомлагач “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси лойиҳа-смета гуруҳида муҳандис бўлиб ишлаган. 1980 йили Туямўйин гидроузелини тасрруф қилиш ва фойдаланиш бошқармаси ташкил этилганидан сўнг мазкур ташкилотда етакчи муҳандис-мироб, ишлаб чиқариш ва иқтисод бўлими бошлиғи, 15 йил давомида эса ушбу бошқарма бош муҳандиси, 1999-2001 йиллари “Давсувхўжаликназорат” Давлат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори, 2001-2002 йиллари Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2002 йили Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланган. “Ўзбекистон сув хўжалиги аълочиси” нишони билан тақдирланган.

- **Бобожонов Сафарбой** — 1953 йили туғилган. 1975 йили Тошкент Политехника институти йўлланмаси билан “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси ихтиёрига юборилган. Дастлаб 1-сон кўчма механизациялашган колоннада уста, прораб, участка бошлиғи, бошлиқ ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1989 йили “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасига тайинланган. 1995 йил апрель ойида вафот этган.

- **Бобоев Жумабой** — 1945 йили туғилган. 1969 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тугатгач, меҳнат фаолиятини Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида прорабликдан бошлаган. Сунгра “Туямўйинсувқурилиш”га қарашли қурилиш-монтаж ташкилотларида участка бошлиғи, бош муҳандис, моддий — техника таъминоти бошқармаси бошлиғи, қурилиш бошлиғининг ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. 1985 йилдан буён 20-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг директори.

- **Бодигий Геннадий Байдарович** — 1941 йили Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида туғилган. Тошкент Политехника институтини тугаллаган. Фишт терувчи, уста, мастер, тармоқ бошлиғи, бўлим бошлиғи, бош муҳандис, “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бош муҳандисининг ўринбосари, кўчма механизациялашган колонна бошлиғи, қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1988 йил декабрь ойида 3-сон қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланган. “Туямўйинсувқурилиш” акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари вазифасида меҳнат фаолиятини давом эттиряпти. Самарали меҳнатлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

- **Великанов Василий Павлович** — 1944 йили туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини Туямўйиндан бошлаган. Уста, прораб, катта муҳандис, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1982 йилдан “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бош муҳандислиги вазифаларида ишлаган.

- **Драников Л.К.** — 1937 йили туғилган. Ўрта махсус маълумотли. 1969 йилдан буён Туямўйин гидроузели қурилиши қатнашчиси. Участка бошлиғи, уста, прораб, бош муҳандис лавозимида ишлаган.

- **Духанин В.Г.** — 1935 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1958 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти-

ни тугатган. Меҳнат фаолиятини ўша йили “Тошкентсувқурилиш” трестида участка бошлиғи вазифасида ишлашдан бошлаган. Афғонистондаги Жалолобод мироблик тизими қурилишида фаол иштирок этган. Шундан сўнг Республикамиздаги қатор йирик сув ҳўжалиғи иншоотларига раҳбарлик қилган. 1974-1983 йиллари Ўзбекистонда энг йирик – Туямўйин сув омбори қурилишига етакчилик қилган. 1983-1985 йиллари Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, 1985-1986 йиллари Республика Коммунал ҳўжалиғи вазири лавозимларида хизмат қилган. Бир неча чақирик Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати. Самарали меҳнатлари қатор ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. 1986 йили вафот этган.

- **Жумабоев Бекдурди** – 1943 йили туғилган. 1967 йили Тошкент Политехника институтини тугаллаган. 1971 йилдан ҳозиргача “Туямўйинсувқурилиш” тизимида меҳнат қилаёпти. Участка бошлиғи, прораб, бош муҳандис лавозимларида ишлаган. 1984 йилдан буён Туямўйиндаги ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннанинг бошлиғи.

- **Иброҳимов Рўзимат** – 1949 йили туғилган. Тошкент политехника институтида таълим олган. 1971 йили “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси ихтиёрига юборилган. Прораб, тармоқ бошлиғи, бош муҳандис, кўчма механизациялашган колонна бошлиғи вазифаларида ишлаган. Сўнгра бошлиқ ўринбосари.

- **Каримов Раҳимбой** - 1950 йили туғилган. Меҳнат фаолиятини 1973 йили Тошкент Қишлоқ ҳўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тугатгандан сўнг бошлаган. Дастлаб ёрдамчи корхоналар комбинатида механик, бетон заводи бошлиғи, комбинат бош муҳандиси вазифаларида ишлаган. 1989 йили комбинат директори қилиб тайинланган. Шундан кейин Ҳазорасп туманида ширкат ҳўжалиғи раиси.

- **Корниенко А.А.** - 1932 йили туғилган. Ўзбекистоннинг турли ирригация қурилишларида ишлаган. “Туямўйинқурилиш” трести бошқарувчиси лавозимида ишлаётган А.А.Корниенкони 1970 йили янги ташкил этилган “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинлашган. Бошқарма унинг раҳбарлигида ташкил этилиб, шаклланди. Бу вазифада у 1974 йилнинг сентябрь ойигача меҳнат қилди. Унинг шундан кейинги фаолияти ҳам Республикамизнинг йирик қурилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Марҳум.

- **Қиличев Мадийр** – 1942 йили Питнак қишлоғида туғилган. Бутун фаолияти Туямўйин гидроузели қурилиши билан боғлиқ. 1969 йилдан ЭКГ маркали эксковатор машинисти,

сўнгра унинг экипажи бошлиғи. Собиқ Иттифоқнинг “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Октябрь революцияси”, “Ленин” орденлари билан мукофотланган. 1990 йили Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган. Мархум.

- **Лиморенко В.Г.** — “Туямўйинқурилиш” трестида турли масъул лавозимларда ишлаган. 1972 йили Туямўйинга йўланма билан келган. Қурилиш — монтаж бошқармаси бошлиғи, қурилиш бошлиғининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган. Хукумат мукофотларининг соҳиби.

- **Матқаримов Қўзи** — 1929 йили туғилган. 1954-65 йиллар мобайнида Тошсоқа механизациялашган қурилиш бошқармасида, сўнгра 1971 йилгача Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида, 1971 йилдан токи нафақага чиққунига қадар “Туямўйинсувқурилиш”нинг 1-сон қурилиш - монтаж бошқармасида, 1-сон кўчма механизациялашган колоннасида эксковатор машинисти вазифаларида ишлаган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мироб”.

- **Матёқубов Оллаберган** — 1960 йили Ҳазорасп туманида туғилган. 1983 йили Тошкент политехника институтини татомлаган. Муҳандис-қурувчи. Меҳнат фаолиятини 1983 йили “Хоразмсувқурилиш” трестига қарашли 3-сон кўчма механизациялашган колонна мастерлигидан бошлаган. Сўнгра “Туямўйинсувқурилиш” бошқармасида муҳандис, мазкур бошқарманинг 3-сон қурилиш-монтаж бошқармасида катта муҳандис, прораб, участка бошлиғи, 1-сон қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандиси, 3 ва 1-сон қурилиш-монтаж бошқармалари бошлиғи, Ҳазорасп тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган. 2003 йили Питнак шаҳар ҳокими қилиб сайланган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони соҳиби.

- **Матёқубов Отахон** - 1956 йили туғилган. Тошкент архитектура ва қурилиш институтида олий маълумот олгач “Туямўйинсувқурилиш”нинг 2-сон қурилиш-монтаж бошқармасида уста, прораб, тармоқ бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, 3-сон кўчма механизациялашган колоннасида бош муҳандис бўлиб ишлаган. 1991 йили мазкур колоннанинг бошлиғи вазифасига тайинланган. 2002 йил июнь ойида “Туямўйин-сувқурилиш” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимига тасдиқланган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 4 йиллиги муносабати билан Республика Президентининг Фармонида мувофиқ “Шухрат” медали билан мукофотланган.

- **Матёқубов Саъдулла** — 1951 йили туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини 1974 йили тугаллаб, “Туямўйинсувқурилиш”

бошқармасида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1-сон қурилиш-монтаж бошқармасида бўлим муҳандиси, бошлиғи, 2-сон кўчма механизациялашган колоннаси бош муҳандиси вазифаларида ишлаган. 1978 йилдан мазкур колонна бошлиғи, сўнгра 20-сон қурилатган корхоналар директори вазифаларида ишлаган.

- **Матюсов Ҳасан** — 1949 йили туғилган. Олий маълумотни Тошкент Халқ ҳўжалиги институтида олган. 1979 йилдан буён “Туямўйинсувқурилиш”га қарашли моддий техника таъминоти бошқармаси бошлиғи.

- **Оллаёров Искандар** - 1943 йили Питнак қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1968 йили эксковаторчиликдан бошлаган. “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 1 ва 2-сон қурилиш-монтаж бошқармаларида эксковаторчилар бригадасига раҳбарлик қилган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган. Партия съездида делегат бўлиб қатнашган. Меҳнати ордени ва медаллар билан тақдирланган. Сиртдан ўқиб олий маълумот олгач, Ҳазорасп туманидаги собиқ Ленин номи давлат ҳўжалиги (ҳозир “Ўзбекистон” ширкат ҳўжалиги) директори бўлиб ишлаган. Шундан сўнг Туямўйин гидроузели қурилишида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

- **Олтинбоев Солмирза** — 1934 йили Шорловуқда туғилган. Қозоқ. Хива педагогика билим юрти, Нукус муаллимлар институтини тугатган. Узоқ йиллар ўқитувчи, илмий бўлим мудири бўлиб ишган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”.

- **Ражабов Қадам** — 1928 йили туғилган. “Туямўйинсувқурилиш”нинг 1-сон қурилиш-монтаж бошқармасида оддий ишчи, бетончилар бригадаси бошлиғи вазифаларида самарали меҳнат қилган. Муттасил равишда мусобақа ғолиби бўлиб келган. “Меҳнат Кизил Байроқ” ва “Ҳурмат белгиси” орденининг нишондори.

- **Ризаев Полиёз Муродович** — 1918 йили Хивада туғилган. Тошкендаги ирригация техникумини, Москва гидромелиорация институти ва Олий партия мактабини тугатган. II-жаҳон уруши қатнашчиси. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сув ҳўжалиги ходими”. Қатор жанговар ва меҳнат мукофотларининг нишондори. Урушгача Кўшкўпир тумани сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи, урушдан кейинги йилларда эса Урганч тумани партия қўмитаси котиби, вилоят партия қўмитасининг маъсул ходими, вилоят ижрокўми раиси, “Бош халқ ҳўжалиги кенгаши”нинг маъсул вакили, вилоят обкомида бўлим мудири, Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги доимий ваколатхонаси раҳбари вазифаларида ишлаган. 1970 йили Туямўйинда қурилатган корхоналар бирлашган дирекцияси директорлигига тайинланган. Марҳум.

- **Сафоев Даврон** — 1946 йили туғилган. 1969 йили Тошкент Политехника институтининг тугатиб, “Туямўйинсувқурилиш” да муҳандис-электрик, бош энергетик, ёшлар ташкилоти етакчиси вазифаларида ишлаган. 1984 йилдан буён Туямўйин гидроэлектростанцияси директори.

- **Самандаров Рузим** — 1950 йили туғилган. 1974 йили Тошкент Политехника институтини тугатгач, “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 5-сон қурилиш-монтаж бошқармасида уста, прораб, 3-сон қурилиш-монтаж бошқармасида прораб, тармоқ бошлиғи, бошлиқ, Дўстлик шаҳри ижроқўми раиси, “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бошлигининг ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. 1995 йил май ойида “Туямўйинсувқурилиш” трести бошқарувчиси вазифасига, кейинчалик шу трест бошқарувчисининг ўринбосарлигига тайинланган.

- **Сафаров Яраш** — 1943 йили туғилган. Ўрта-маҳсус маълумот олгач меҳнат фаолиятини Туямўйин гидроузели қурилишида бошлаган. Ёрдамчи корхоналар комбинатида узоқ йиллар самарали ишлаган. Сўнгра мазкур комбинатга қарашли ёғочсозлик цехи бошлиғи.

- **Сайилхонов Ўрин** — 1934 йили туғилган. “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 1 ва 2-сон қурилиш-монтаж бошқармаларида эксковаторчи бўлиб ишлаган. Асосий иншоот котлованини қозишда фаол қатнашиб, турли мукофот ва совринларга сазовор бўлган.

- **Собиров Солай** — 1946 йили Хонқа туманида туғилган. 1969 йили Тошкент Политехника институтининг қурилиш-архитектура факультетини тугатган. 1969-1972 йиллари мазкур институтда муаллимлик қилган. Сўнгра аспирантура бўлимида таҳсил олган. Шундан кейинги меҳнат фаолиятини Туямўйин гидроузели қурилиши билан боғлаган. Гидроузел қурилиши бирлашган дирекциясида катта муҳандис, бўлим бошлиғи, 1975 йилдан-2002 йилгача эса мазкур дирекция (кейинчалик 20-сон қурилатган корхоналар дирекцияси) бош муҳандиси вазифасида фаол меҳнат қилган. Туямўйин гидроузели қурилишидаги узоқ йиллик самарали хизматлари “Ўзбекистон сув хўжалиги аълочиси” нишони ва бошқа қатор мукофотлар билан тақдирланган.

- **Содиқов Иброҳим** - 1946 йили туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тугатиб, меҳнат фаолиятини Туямўйин гидроузели қурилишидан бошлаган. 2 ва 3-сон қурилиш-монтаж бошқармаларида меҳнат қилган. Кейинчалик 3-сон қурилиш-монтаж бошқармасида бош муҳандис, бошлиқ, Ҳазорасп ту-

мани ижроқўми раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган. Сўнгра Урганч-Туямўйин водоводи бошқармасида маъсул вазифи ўтаган. Меҳнат фаолиятини “Хоразм-шакар” давлат корхонасида давом эттирган.

- **Траутман Альфред** — 1939 йили туғилган. “Туямўйинсувқурилиш” карамогидаги 1-сон қурилиш-монтаж бошқармасида оддий ишчи, ЭКГ маркали эксковатор машинисти бўлиб ишлаган. Меҳнат зарбдори. Қатор ҳукумат мукофотларининг соҳиби.

- **Чистякова Павлина** — 1937 йили туғилган. “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасида сувоқчи-буёқчи вазифасида самарали ишлаб, “Дўстлик” шаҳрининг пешқадам қурувчиларидан бири сифатида танилган. Бир нечта ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган. Ёшлар мураббийси.

- **Холиμβетов Қозоқ** — 1937 йили туғилган. Урганч гидро-мелиорация техникуми ва Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтида тахсил олган. Гурлан туманида мироб, вилоят суғориш шоҳобчалари бошқармасида лойиҳа-муҳандиси, бўлим бошлиғи, қурилиш-монтаж ташкилотларида бўлим бошлиғи, бош муҳандис, вилоят суғориш шоҳобчалари бошқармаси бош муҳандиси вазифаларида ишлаган. 1970-72 — йилларда Афғонистондаги Жалолобод мироблик тизими қурилишида бош мутахассис сифатида иштирок этган. 1973-82 йилларда “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бош муҳандиси сифатида катта моддий-техникавий ташкилотчилик ишларини олиб борган. Шундан сўнг вилоят партия қўмитаси қурилиш бўлими мудир, Узкомпартия сув хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари, Шовот ва Хонқа туманлари партия қўмиталари биринчи котиби, туман кенгаши раиси, вилоят ижроқўми раиси вазифаларида фаолият кўрсатган. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мелиорациялаш хизмати бошлиғи, бошқарма бошлигининг ўринбосари вазифаларида ишлаган. Қатор орден ва медалларга сазовор бўлган.

- **Хусаннов Рўзим** — 1942 йили туғилган. Ўрта махсус маълумот олгач, 1965 йили Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида прораб бўлиб иш бошлаган. Шундан сўнг “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 2-сон қурилиш-монтаж бошқармаси прораби, бош муҳандиси, ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна, 1983-1999 йиллар 2-сон қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган. Меҳнат фаолияти давомида кўплаб мукофотлар, нишонлар, совринларга сазовор бўлган.

- **Шарипов Амин** — 1936 йили Питнак қишлоғида туғилган. 1958 йили Тошкент молия-иқтисод институтини тугатган. Ҳазорасп тумани молия бўлимида турли масъул лавозимларда хизмат қилган. Сунгра янги ташкил этилган Богот тумани молия бўлимини бошқарган. 1972 йили ҳаётини Туямўйин гидроузели қурилиши билан бошлаган. Қарийиб 30 йил мобайнида “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси (кейинчалик трест, акциядорлик жамияти) молия-иқтисод бўлимига раҳбарлик қилган: Бошқарма (трест, акциядорлик жамияти) раҳбарининг ўринбосари лавозимида бенуксон ва самарали ишлаган. Самарали меҳнати турли мукофотлар билан тақдирланган.

- **Шержонов Юсуф** — 1924 йили Янгиариқ туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини туман ёшлар кўмитаси котиблигидан бошлаган. Ватан урушида иштирок этган. Сўнгра Олий Партия мактабида таҳсил кўрган. 1946-50 йилларда вилоят ёшлар кўмитаси котиби, 1950-56 йилларда Шовот туман партия кўмитасининг иккинчи, Кушкўпир туман кўмитасининг биринчи котиби вазифаларида ишлаган. 1956-65 йилларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида раҳбар лавозимларда меҳнат қилган. 1965 йили Питнак қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи қилиб тайинланган. “Туямўйинсувқурилиш” бошқармасини ташкил этишда фаол қатнашган. Бошқарма бошлигининг ўринбосари, партия кўмитаси котиби бўлиб ишлаган. Шундан кейинги йилларда Урганч қурилиш жиҳозлари заводи директори, ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонна бошлигининг ўринбосари бўлган. Нафақага чиққач, Урганч шаҳаридаги 11-маҳалла кўмитаси раиси, шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси раиси вазифаларини адо этган. Қатор жанговар ва меҳнат орден - медалларнинг соҳиби бўлган. Мархум.


- **Эгамбердиев Ёқуббой** — 1937 йили Ҳазорасп туманида туғилган. Армия сафида хизмат қилгач, 1964 йили Тошкент темир йўл муҳандислари институтини қурувчи-муҳандис ихтисослиги бўйича тугатган. Меҳнат фаолиятини Козогистонда темир йўл қурилиши мастерлигидан бошлаган. 1964 — 1970 йилларда Мақат — Мангишлок - Ералиев- Жетибой, сўнгра Кўнғирот-Бейнов темир йўли қурилишида иштирок этган. Участка бошлиғи вазифасида ишлаган. 1970-1975 йилларда Ҳазорасп туман хўжаликлари қурилиш-монтаж бошқармасида бўлим бошлиғи, бош муҳандис вазифаларини адо этган. 1975 йили йўлланма билан Туямўйин гидроузели қурилишига сафарбар этилган. Бу ерда қурилиш - монтаж бошқармаси ва кўчма механизациялашган колоннага 22 йил узлуксиз раҳбарлик қилиб, 1997 йили кексалик нафақасига чиққан. Меҳнат

фаолиятини шундан сўнг ҳам давом эттирган. Ўзи узоқ йиллар ишлаган 3-сон кўчма механизациялашган жамланма бошлигининг ўринбосарлигига тайинланган.

- **Эшчонов Ислоом** — 1939 йили Ҳазорасп туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтида тахсил олгач, 1962 йили Тошсоқа қурилиш-монтаж бошқармасида бўлим муҳандиси вазифасига тайинланган. Сўнгра участка бошлиғи, бўлим бошлиғи, мазкур бошқарма замирида шаклланган кўчма механизациялашган колонна бош муҳандиси, бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1976 йили Хоразм вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланган. 1992 йили вилоят ҳокимининг тавсиясига биноан “Дўстлик” шаҳри ҳокими қилиб сайланган. 1996 йили оғир касаллик оқибатида вафот этган. Бир неча чақириқ вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига депутат қилиб сайланган. Собиқ Иттифоқнинг “Ҳурмат белгиси” ордени билан мукофотланган.

- **Юсупов Искандар** — 1943 йили Питнакда туғилган. 1965 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тугатгач, Питнак қурилиш – монтаж бошқармасида бўлим бошлигининг ўринбосари, бўлим бошлиғи, бош муҳандис “Туямўйинсувқурилиш” га қарашли 2 ва 3-сон қурилиш-монтаж бошқармаларининг бошлиғи, қурилиш партия қўмитаси котиби, бош муҳандиси, Узкомпартия МК. сув хўжалиги бўлими йўриқчиси, “Туямўйинсувқурилиш” бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1989 йили Ўзбекистон деҳқончилик саноати мажмуи қурилиши (“Узагроқурилиш”) давлат ширкат бирлашмаси раиси, 1994 йил Ўзбекистон Сув хўжаликлари қурилиши Давлат концерни раиси қилиб тайинланган. 1995 йили Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари қилиб тасдиқланган. 1996-1999 йиллари Хоразм вилояти ҳокими бўлиб ишлаган. 1999-2000 йиллари яна Республика Сув хўжаликлари қурилиши Давлат концернига раҳбарлик қилган. 2000-2002 йиллар Республика Мудофаа вазирининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган. Сунгра Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида масъул лавозимга тайинланган. Ўзбекистон Олий Кенгаши ва Олий Мажлисига депутат қилиб сайланган. Ҳукумат мукофотларининг соҳиби.

ТУЯНУЙИН ГИДРОУЗЕЛМИНИ ТҮЛА СХЕМАТИК ХАРИТАСИ
Центре туйуны



ХОТИМА

Юқорида Мадийр ота аждодлар орзуси авлодлар ишида, йўлбошчининг доно сиёсати ва унга қўл берганлар фаолиятида рўёбга чиқиши зарурлигини қайта - қайта уқдирди. Отанинг бу ўгити ижобатини аслида ҳаётнинг ўзи ҳам сўрайди.

XXI аср Питнакка бунёдкорликнинг янги сурони билан кириб келди. Туямўйин гидроузели, автомобилсозлик заводи, “Хоразм-шакар” давлат корхонасидан кейин Амударёга улкан кўприк қуриш ишлари бошланди. Бошқа ҳаётий муҳим объектлар сингари ушбу нодир иншоот ҳам воҳа иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтириш омилига айланди.

- Ушбу кўприкка разм солган киши воҳа ва унинг ахлига Президентимизнинг ёрқин меҳри-муҳаббатини кўради, - деди иншоот қурилишига навбатдаги ташрифларининг бирида вилоят ҳокими, “Ўзбекистон ғаҳрамони” Ислом Бобожонов, - У кишининг доимий ғамхўрлиги туфайли Хоразм автомобилсозлик заводи, шакар заводи бунёд этилди. Барпо этилаётган кўприк воҳага бўлган юксак диққат - эътиборнинг яна бир ёрқин далили.

Ҳа, шундай, мамлакатимиз ушбу чекка вилояти раволишига юртбошининг эътибори доимо бисёр. Лекин, бу янглиғ эътиборнинг амалдаги рўёбини бевосита меҳнат кишиси таъминлайди. Вилоят раҳбари буни дилдан англайди. Курувчи-бунёдкорлар ҳузурига тез-тез ташрифининг боиси ҳам ана шу. Зеро, юртбоши, элбоши ва ишбошилар қайишган юмуш ҳеч маҳал ора йўлда қолмайди. Ўзбекистоннинг барча эл ва элатларидагидек воҳа ҳам нурли истиқболлар оғушига интилаяпти.

Агар раҳбарлар ҳозирги янглиғ халқ ёди, унинг хоҳиши-иродаси билан ёниб яшаса омма турмуши ҳеч вақт завол топмаслиги аниқ. Воҳа узра қуёш балқимокда. Туямўйин ёғдуси наинки шаҳар ва қишлоқларимиз, балки қалбимиз ва истиқболимизни ҳам нурга чулғаяпти.

... 2003 йилнинг августи. Питнак шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи. Унга тумонат одам йиғилган. Питнак аҳли қурувчилар кунини нишонлашаяпти. Туман ҳокими Ботир

Раҳимов тантана турига XX аср улкан бунёдкорлигининг фаришларини таклиф этади, улар билан бир-бир қўл олишиб саломлашади. Пировардида ҳар бирига аталган совға-саломларни ўз қўли билан топширади. Ҳурмату - эъзоздан аксарият қарияларнинг кўзида ёш-севинч ва шукроналик ёшлари қалқийди.

- Қариялар дуосини олган ёшулли асло кам бўлмайди, - деди пировардида тантанадан ҳаяжон билан қайтаётган фаришларнинг бири. Унинг сўзини бошқаси қувватлади:

- Агар дилинг чопмаса, меҳринг товланмаса, тилинг ҳам яхши сўзга чопмайди, кишининг. Барака топишсин, йўқлашганидан менинг эмас, болаларимнинг ҳам боши осмонга етдиган бўлди.

Гапнинг қаймоғини эса бошқа бирови айтди:

- Ёшулларимиз Президентнинг тарбиясини олган. Шунинг учун ҳам элига қайишяпти-да.

Қарияларнинг бундай таърифи бизнингча бошқача изоҳга асло мухтож эмас.

Инсон меҳри — муруввати, саховат ва ҳиммати — мисоли ёғду. У намоён бўлган жойда бахту — иқбол чечак ёзади, қақроқ чўллар гулистонга, яйдоқ даштлар обод бўстонга, сувсиз сойлар мавжланган уммонга, тоғ-адирлар эрам боққа айланади.

60-70 йилларда инсон меҳри Туямўйинга тушди. Бу ёғду ўлик маконни жаннат масканга айлантирди. Мудроқ Туямўйин қайта уйғонди. Инсон меҳри-муруввати ёғдусила қад ростлаган улкан иншоот энди ўз ёғдусини воҳа томон, кишилар боши узра соча бошлади. Ҳа, инсон меҳнати Ўрта Осиёда энг йирик сунъий оби-ҳаёт денгизини бунёд этди. Бу денгиз эса вақти келиб, воҳа иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини ривожлантиришнинг муҳим шартига айланди. Ерга, элга сарфланган меҳнат беҳуда кетмади.

- Туямўйин гиганти - танги, заҳматкаш ва фидокор ўзбек халқи, воҳа аҳлининг дунё миқёсидаги оламшумул ишларга қобилу-қодирлиги, теран талантлю, ўткир салоҳиятидан нишона. Жаҳонгир Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Улуғбек, Навоий, Беруний, Нақшбандий, Термизий, Имом Бухорий, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Огаҳий, Шароф Рашидов, Комилжон Отаниёзов, Мадийер Қиличев сингари устоз — алломалар, баҳодирларни камолга етказган юрт аҳли Туямўйиндагидек ноёб иншоотни бунёд этгани чиндан ҳам буюклик нишонаси. Мангу жасорати, сўнмас истеъдоди, теран салоҳияти-ла асрий иншоотларни бунёд этган халқ бугун

— эрта ўзининг бахтли келажаги, порлоқ истиқболи, жаҳон андозаларидаги ижтимоий турмуш ва демократик жамиятни ҳам барпо эта олишига шубҳа йўқ.

- Туямўйин гидроиншооти — ўзбек халқининг жон фидоийлиги, машаққатли меҳнати, жасорати ва матонати билан бунёд этилди. Шунчалар кагта меҳнат, матонат, кураш ва изланишлар баробаринда яралган ноёб иншоот энди истиқлол йўлларила олға интилаётган жонажон юртимизга, унинг истиқболига хизмат қилади.

- Туямўйин гидроиншооти — катта авлод меҳнати ва курашининг меваси. Бу иншоот келажак учун, фарзанд-невараларимиз учун яратилди. Демакки, оталар иши фарзандлар ҳаётида давом этмоги ва яратувчилик меҳнатининг энг яхши намуналари ҳар жабҳада намоён бўлмоғи зарур. Туямўйин гиганти эса - халқимиз ва ватанамизнинг қимматли бойлиги. Уни авайлаб асрамоқ, эл-юрт манфаати йўлида оқилона фойдаланмоқ аجدодларнинг чин ватанпарварлик бурчидир.

- Туямўйин гидроиншооти — чиндан ҳам воҳа равноқи ва истиқболининг муҳим манбаи. Мавжуд тўртгала сув омборига бир йўла тўпланадиган 7,8 миллиард кубометр оби-ҳаёт билан учала республиканинг эндиликда саҳни 1,5 миллион гектарга етган экинзорларини бемалол суғориш мумкин. Сув оқими таъсирида, сарфу-харажатларсиз туну-кун ҳаракатланаётган 6 та гидрогурбина эса йилига 670 миллион /энергетика режими бўйича ишлаганда эса 830 миллион/ киловат-соат электр энергияси ҳосил қилади. Гидроузел боис Питнак шаҳрида қурилган неча ўнлаб корхона ва ташкилотларда эса ҳар йили ўнларча миллион сўмлик моддий бойликлар ишлаб чиқарилаёпти. Магистрал кувурлар орқали Туямўйиндан оққан ичимлик суви воҳанинг барча шаҳар ва туманларини ортда қолдириб, Қорақалпоғистон пойтахти Нукус ҳамда чекка Тахтакўпир, Амударё туманларигача етиб борди. Туямўйин гиганти шарофати билан яралган ана шу моддий неъматларнинг қадрига етмоқ, ҳар бир қарич ердан, ҳар бир киловаат нур манбаидан, ҳар бир ҳовуч сувдан оқилона, тежаб-тергаб ва унумли фойдаланмоқ ҳар бир юртдошимизнинг бурчи, вазифасидир.

- Туямўйин гидроиншоотини яратганлар - юртимизнинг азиз ва ардоқли кишилари. Уларнинг хурматини ҳар доим жойига қуймоқ, ўтганлар хотирини эса тоабад ёдда сақламоқ — ҳозирги ва келгуси авлодларнинг инсоний бурчи, муқаддас иши. Зеро, юртининг азиз кишиларини, ватан тупроғини, бойлигини, шон-шавкатини ардоқлаганларнинг ўзи ардоғла булур.

- Туямўйин гидроиншооти эса кўп минг сонли қурувчилар, монтажчилар, муҳандис-техник ҳодимлар меҳнатининг махсули сифатида уларга қуйилган салобатли ҳайкал, буюк ёдгорлик қиёфасида асрлар бўйи мағрур қад ростлаб туражак, авлодларга-аждодаларнинг қаҳрамонона меҳнатини абадул - абад эслатиб туражак.

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

Рўзимбой Жуманазаров - 1940 йили Ҳазорасп тумани Янгигобозор қишлоғида туғилган. 1968 йил Тошкент Политехника институтини тугаллаган. Қурилиш-монтаж ташкилотида бўлим бошлиғи, ёрдамчи хўжаликлар корхонаси бош муҳандиси, директори вазифаларида ишлаган. 1989 йил охирида “Туямўйин-сувқурилиш” трести бошқарувчиси қилиб тайинланган. 1995 йили Ўзбекистон сув қурилишлари давлат ҳиссадорлик концерни раислигига тасдиқланган. Ҳозир Республика Мудофаа Вазирлигида масъул лавозимда хизмат қиляпти.

Бир неча чақирик Хоразм вилояти Кенгашининг депутати. “Халқлар дўстлиги” ордени ва медаллар билан мукофотланган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвонга сазовор бўлган.

Абдулла Собиров — 1948 йили Ҳазорасп туманидаги Мухомон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультети ва Тошкент Олий партия мактаби / собиқ/ ни тугаллаган. Меҳнат фаолиятини 1971 йили бошлаб, 14 йил мобайнида Хоразм вилоят телевидение ва радиосида мухбир, катга ва бош муҳаррир, кейинчалик Хоразм вилоят партия қўмитасининг йўриқчиси, “Шовот истикболи” туман газетаси муҳаррири лавозимларида ишлаган. 1990-1998 йилларда Республика “Халқ сузи” газетасининг Хоразм вилояти бўйича муҳбири. 1998 йилдан Республика “Инсон ва қонун” газетаси, “ҳаёт ва қонун” журнали махсус муҳбири. 1972-1981 йилларда вилоят телевиденияси орқали мунтазам намоиш этилган “Туямўйин кундалиги” ахборот — публицистик кўрсатувининг доимий муаллифи ва бошловчиси. Вилоят Журналистларининг “Пресс Мадад” Маркази раҳбари. Ўзбекистон Республикасининг “Шуҳрат” медали, мамлакат мустақиллигининг I ва 10 йиллиги нишонлари билан мукофотланган.

МУНДАРИЖА:

| | |
|----------------|---|
| Муқаддима..... | 3 |
|----------------|---|

I. ТИЗГИНЛАШ.

| | |
|--|----|
| 1) Тўрабекхоним..... | 5 |
| 2) Ҳақиқатми ёки афсона (изоҳ)..... | 8 |
| 3) Қирларга мухрланган излар..... | 10 |
| 4) Омадини берса шофёрдан ҳам тилмоч чиқаркан..... | 15 |
| 5) Туямўйин шерлари..... | 21 |
| 6) Питнак — питтаккина ерми?..... | 23 |

II. ТУЗОҚ.

| | |
|--|-----|
| 1) “Туямўйин” — Туямўйинга келди..... | 38 |
| 2) “Котлован”..... | 42 |
| 3) “1-сонли сардор”..... | 51 |
| 4) Дарё ортига оқди..... | 56 |
| 5) Ғолиблар..... | 60 |
| 6) Ўнгирдаги “олишув”..... | 63 |
| 7) Сиз уларни танийсиз..... | 67 |
| 8) “Қувилган”..... | 72 |
| 9) “Шикоятчидан қўрқмагanning ҳолига вой”..... | 76 |
| 10) Мукофотдан сўз очманг, ёшулли..... | 82 |
| 11) Фалоқат оёқ остида..... | 93 |
| 12) Кичкина деманг бизни!..... | 101 |
| 13) Туямўйин гидроузели қурилишида иштирок этган идора, ташкилот, корхона ва муассаса..... | 106 |
| 14) Қурилишнинг эгаси..... | 109 |

III. ПИТНАК ҚИРЛАРИДА ОЧИЛГАН ГУЛЛАР.

| | |
|---|-----|
| 1) Тезюрар йўлга чиқолмади..... | 119 |
| 2) “Дўстлик”нинг ўтмишдоши..... | 123 |
| 3) Ўзига-ўзи хайкал қўйганлар..... | 127 |
| 4) Лойидаги ишқаллик ёки муҳандиснинг топқирлиги..... | 131 |
| 5) Юк машинаси “йўловчиси”..... | 135 |
| 6) Елкадошлар..... | 138 |
| 7) Устунлар..... | 140 |
| 8) Ноҳушланмайдиган ким бор?..... | 141 |
| 9) Истиқбол оғушида..... | 143 |

IV. ТУЯМУЙИНГИДРОСТРОЙ.

| | |
|--|-----|
| 1) Дам олиш бекор қилинсин..... | 146 |
| 2) Йилнома..... | 155 |
| 3) Энг муҳим воқеалар санаси..... | 160 |
| 4) Дагиш..... | 162 |
| 5) Малиёр отанинг ҳикояси..... | 163 |
| 6) Сўнгги ташриф..... | 174 |
| 7) Танишинг, Туямўйин баҳодирлари (таржимаи ҳолдан сатрлар)..... | 177 |

| | |
|-------------|-----|
| Ҳоҳима..... | 187 |
|-------------|-----|

Р.Жуманазаров
А.Собиров

Публицистик нашр

Туямўйин ва туямўйинликлар

Муҳаррир: *Ш. Қаландарова*
Саҳифаловчи: *А.Юсупов*
Мусаҳҳиҳ: *Ф.Жуманазаров*
Мағни оққа кўчирувчи: *С.Наврүзова*

Босмахонага берилди 10.10.2003 йил.
Босишга рухсат этилди 10.12.2003 йил.
Бичими 84 x 108 ^{1/32}. Ҳажми 12,0 босма табоқ.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 173.

“Хоразм” нашриёти,
Урганч ш., А.Герман кўчаси, 16-уй.

«КО‘НИ NUR» босмахонаси, Тошкент ш.,
Муқимий к., 178.